ISSN 2181-39-65
2024-YIL, 1-SON VOLUME 6

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

ILMIY ELEKTRON JURNALI

TOSHKENT 2024

“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

To‘lqin Zakirovich Teshabayev – tahririyat kengashi raisi. Toshkent moliya instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

TAHRIRIYAT KENGASHI

Oblomuradov Narzullo Naimovich – Toshkent moliya instituti ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent moliya instituti o’quv ishlari bo’yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – Toshkent moliya instituti Xalqaro hamkorlik bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent moliya instituti moliya-iqtisod ishlari bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Kuziyev Islomjon Ne’matovich – iqtisod fanlari doktori, professor

Baymuratov Tursunbay Maxkambayevich – iqtisod fanlari nomzodi, professor

Omonov Akrom Abdinazarovich – iqtisod fanlari doktori, professor

Sharipov Qongratbay Avezimbetovich – tahririyat kengashi raisi o‘rinbosari. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, texnika fanlari doktori, professor

Jumayev Nodir Xosiyatovich – iqtisod fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi deputati

Haydarov Nizomiddin Hamroyevich – iqtisod fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta’lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu’min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)

Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo‘yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

Jo‘rayev Abdug‘affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabiyevich – Farg‘ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Xayriddinov Azamat Botirovich – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisod fanlari nomzodi, dosent

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Saidova Feruza Baxtiyatovna - Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo’rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li – mas’ul muharrir, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Buxorova Moxira Samandarovna – ma’sul kotib

O’zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” jurnali iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro’yxatiga kiritilgan.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

MUNDARIJA

	МОЛИЯ		
1.	Хужамбердиев Тулкин, Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич	Ўзбекистон иқтисодиётининг молия секторини ривожлантиришнинг долзарб масалалари	8
2.	Носиров Эгамқул Исмаилович	Энергия самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришнинг хориж тажрибаси	17
3.	Аширматов Рамз Раҳимжонович	Компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш имкониятлари	29
4.	Жиянова Наргиза Эсанбоевна	Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқаришнинг назарий-методологик жиҳатлари	38
	БАНК ИШИ		
5.	Ибодуллаев Шоҳбоз Тўлқин ўғли, Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич	Тижорат банкларига депозитлар жалб қилишнинг долзарб масалалари	49
6.	Rustamov Maqsud Suvonqulovich, Egamberganov Mirzabek Odilbek o‘g‘li	Tijorat banklari axborot xavfsizligini ta’minlash masalalari	58
7.	Мажидов Жамолиддин Комолиддинович	Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш масалалари	69
8.	Саидов Улуғбек Абдивалиевич	Банкларда рискларни диверсификациялашнинг мақсади ва мезонлари	78
9.	Батыров Фархад Бакытович	Современные информационно-коммуникационные технологии в финансово-банковской сфере	90
10.	Хакимов Шерзод Шукуруллаевич	Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операциялари	99
11.	Мейлиев Жасур Зулфикарович	Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришнинг долзарб масалалари	107

	БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ		
12.	Хожиев Мехриддин Сулаймонович	Нодавлат нотижорат ташкилотларда аудиторлик текширувларини режалаштириш	116
13.	Розиков Жалил Жалолович	Особенности организации учета отгрузки мостовых железобетонных конструкций	130
14.	Абдурашидова Гўзал Акром қизи	Кластер молиявий натижаларини ҳисоботда акс эттирилиши	141
15.	Исмоилова Феруза	Аудитни дастлабки режалаштириш: муаммо ва ечимлар	151
16.	Avazov Ilxom Ravshanovich	Moliyaviy hisobotlar auditi sifatini oshirish masalalari	161
17.	Пардаева Шаҳноза Абдинабиевна	Харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини интеграллашган модель орқали такомиллаштириш	168
18.	Sobirov Otabek Olimjonovich	Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning boshqaruv hisobini tashkil qilishning uslubiy jihatlari	175
19.	Ешпанов Исламбек Тохтарбаевич	Аудиторлик далилларнинг турлари ва уларни олишда қўйиладиган талаблар	180
20.	Ochilov Ilyos Keldiyorovich, Umirov Abdisalom Turayevich	Improving the financial analysis methodology of the insurance organization according to the requirements of IFRS	189
21.	Джуманов Саитмурод Алибекович	Современные методы калькуляции себестоимости продукции	200
	ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК		
22.	Баймуратов Турсунбай Махкамбаевич	Иқтисодиётнинг даврий тебранма ҳаракати шароитида капитал қийматига рискнинг таъсири	209
23.	Норбаев Тура Гиёсиддинова Мадинахон	Теневая экономика: проблемы и решения	224
	БЮДЖЕТ ҲИСОБИ ВА ҒАЗНАЧИЛИК		
24.	Xaydarova Durdona Shuxratjon qizi, Achilboyeva Sevinch O’tkir qizi	Mahalliy byudjet daromadlarini takomillashtirish va prognozlash masalalari	233

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

25.	Юлдашева Надира Викторовна	Роль фонда гражданских инициатив в осуществлении процесса партиципаторного бюджетирования	141
26.	Абдуллаева Нилуфар Жавдат қизи	Бюджет ташкилотларининг асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш	250
27.	Бакиева Гульшат Худайбердиевна	Аукцион на понижение стартовой цены – действенный механизм оптимизации бюджетных средств	262
	СОЛИҚЛАР		
28.	Сафаров Ғиёсиддин Абдуллаевич	Ўзбекистонда кўчмас мулк солиғини жорий этиш: муаммо ва ечимлар	270
	ИНВЕСТИЦИЯЛАР		
29.	Маматов Бахадыр Сафаралиевич, Нарзуллаева Хилола Абдукомиловна	Узбекистан – привлекательная страна для инвестиций	280
30.	Улашов Алибой Рашид ўғли	Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари таҳлили	294
	ФОНД БОЗОРИ		
31.	Badalova Gulnoza G‘ayrat qizi	Fond bozorida listing jarayonini takomillashtirish masalalari	308
32.	Axmedov Xasan Ruzibayevich	Fond bozorida davlat ishtiroki korxonalar faolyatining ayrim jihatlari	318
33.	Karimov Akramjon Ikromjon o‘g‘li	Fond indekslarini hisoblash usullarining milliy iqtisodiyotdagi ahamiyati	325
	МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ		
34.	Niyatov Navruzbek Zarifovich	Xizmat ko’rsatish sohasi boshqaruvi samaradorligining omilli tahlili	339
35.	Ilxomjonova Fotima Muxiddinovna	Aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy menejment tizimini zamonaviy modellar asosida takomillashtirish	345
	СУҒУРТА ИШИ		
36.	Кенжаев Илҳом Ғиёзович	Суғурта ташкилотларининг инвестицион фаоллигини ошириш масалалари	351

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

37.	Адилова Гулнур Джурабаевна	Суғурта хизмати бозорининг инновацион маҳсулотлари	361
	ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ		
38.	Sholdarov Dilshod Azimiddin o‘g‘li	Ijtimoiy himoya tizimining shakllanishi va asosiy yo‘nalishlari	367
39.	Холиков Сулайман Уткир углы	Экономические особенности женской рабочей силы в Узбекистане	375
	ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ		
40.	Дониёрова Шахноза Дониёровна	Саноат корхоналари ривожланиши ва самарадорлигини оширишнинг омилли таҳлили	384
41.	Хасанхонова Нодира Исаметдиновна	Иқтисодиёт тармоқларида аутсорсинг, краудсорсинг ва неосорсинг масалалари	393

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МОЛИЯ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Хужамбердиев Тулкин
“Ипак йўли” инновациялар университети катта ўқитувчиси
E-mail:kxojamberdievtolqin@gmail.com
ORCID:0009-0003-9435-2102

Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби профессори
E-mail: t-bobakulov@mail.ru
ORCID: 0000-0002-8965-497 X

Аннотация. Илғор хориж тажрибаси кўрсатадики, молия секторини ривожлантириш иқтисодиётни барқарор ўсишининг зарурий шарти ҳисобланади. Миллий валютанинг барқарорлигини, давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш, инфляцияга қарши курашиш иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётининг молия секторини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молия сектори, инфляция, пул массаси, кредит, фоиз ставкаси, давлат бюджети, дефицит, дебитор қарздорлик.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ФИНАНСОВОГО СЕКТОРА ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

Хужамбердиев Тулкин
старший преподаватель Университета инноваций “Шелковый путь”
E-mail:kxojamberdievtolqin@gmail.com
ORCID:0009-0003-9435-2102

Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич
доктор экономических наук профессор Высшей школы бизнеса и предпринимательства
E-mail: t-bobakulov@mail.ru
ORCID: 0000-0002-8965-497 X

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Аннотация. Как показывает передовой зарубежный опыт, развитие финансового сектора является обязательным условием стабильного роста реальной экономики. Обеспечение стабильности национальной валюты, сбалансированности государственного бюджета, борьба с инфляцией занимают важное место в развитии деятельности предприятий реального сектора экономики.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанные с развитием финансового сектора экономики Узбекистана и разработаны научные предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: финансовый сектор, инфляция, денежная масса, кредит, процентная ставка, государственный бюджет, дефицит, дебиторская задолженность.

CURRENT ISSUES OF DEVELOPMENT OF THE FINANCIAL SECTOR OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

Khujamberdiev Tulkin
Senior Teacher of the department
Silk Road University of Innovation
E-mail:kxojamberdievtolqin@gmail.com
ORCID:0009-0003-9435-2102
Bobakulov Tulkin Ibodullaevich
Doctor of Economic Sciences
Professor of the Graduate School
of Business and Entrepreneurship
E-mail: t-bobakulov@mail.ru
ORCID: 0000-0002-8965-497 X

Abstract. As advanced foreign experience shows, the development of the financial sector is a prerequisite for the stable development of the real sector of the economy. Ensuring the stability of the national currency, fighting inflation, and ensuring the balance of the state budget occupies an important place in the development of the activities of enterprises in the real sector of the economy.

The article identifies current problems associated with the development of the financial sector of the economy of Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Keywords: financial sector, inflation, money supply, credit, interest rate, state budget, deficit, accounts receivable.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида 2023 йилда инфляциянинг йиллик даражасини 5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш, давлат бюджети дефицитининг номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ошмайдиган даражасига эришиш, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 млрд АҚШ доллари, жумладан 70 млрд доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш, иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн АҚШ долларидан 7 млрд АҚШ долларига етказиш макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган[1]. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг молия секторини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўлларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

М. Фридменнинг илмий хулосасига кўра, пул массасининг йиллик 3-5 фоиз даражасида ўсиши иқтисодиётда иқтисодий фаолликни кучайтиради. Пул таклифининг ўсиши йилига 3-5 фоиздан юқори бўлса, унда инфляция ўса бошлайди, агар иқтисодиётда пул таклифининг ўсиши 3-5 фоиздан кам бўлса, ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш суръати пасая бошлайди [2].

Ж. Кейнс томонидан таклиф этилган пул-кредит сиёсатининг узатиш механизмига кўра, пуллар таклифининг ўсиши натижасида фоиз ставкасининг пасайиши инвестицияларнинг муқобил қийматини пасайтиради. Айни вақтда, фоиз меъёрининг пасайиб бориши билан фирма ва компаниялар ўзларининг режали инвестициялари ҳажмини оширади. Бу харажатлар режали харажатларнинг умумий суммаси билан қўшилиб, товар захираларининг кўзда тутилмаган миқдорда сарфланишига олиб келади. Фирма ва компаниялар эса, бундай шароитда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиради. Бу эса, ўз навбатида, миллий даромаднинг кўпайишига олиб келади [3].

Ж. Тобин айтадики, компанияларнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари юқори рискли актив ҳисобланади, чунки ушбу инвестициялар паст ёки юқори даражадаги ноаниқлик ва беқарорлиги билан ажралиб туради. Рискли активлар билан амалга ошириладиган операциялардан кўрилиши мумкин бўлган зараралар миқдорини камайтириш мақсадида компаниялар ва банкларнинг пул маблағлари портфель кўринишида тақсимланади [4].

Уэрта де Сотонинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг инвестицион кредитлари мижозларнинг ихтиёрий жамғармалари асосида берилсагина кредит эмиссияси иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Ихтиёрий жамғармаларнинг ўсган қисми ишлаб чиқаришга кредит орқали инвестиция қилинади. Ушбу кредитлар реал ихтиёрий жамғармалар билан таъминланган бўлиб, ишлаб чиқариш воситаларига ва капитал неъматларга бўлган пуллик талабни ошишига олиб келади [5].

Г. Хесс ва Ч. Моррисларнинг фикрига кўра, баҳоларнинг сезиларсиз даражадаги ошиши ҳам иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Олимларнинг қайд қилишича, баҳоларнинг унчалик сезиларли даражада

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

бўлмаган ўсиши ҳам инфляция динамикасидаги ноаниқликни кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари кредитлари фоиз ставкасининг ўсишига олиб келади. Чунки кредитларнинг фоиз ставкаси ўзида нафақат кутилаётган инфляцияни, балки риск учун қўшимча устамани ҳам акс эттиради. Натижада мамлакатдаги иқтисодий фаолликка ва аҳолининг турмуш даражасига нисбатан кучли салбий таъсир юзага келади [6].

Л. Катао ва М. Терронза 107 мамлакат бўйича 1960 йилдан 2001 йилгача бўлган даврда инфляция ва бюджет дефицити ўртасидаги боғлиқлик масаласини тадқиқ қилганлар ва бу борада мавжуд бўлган тенденцияларни баҳолаш имконини берадиган муҳим хулосаларни шакллантирган. Ана шундай хулосалардан бири, инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда Давлат бюджети дефицитининг қисқариш суръати билан инфляция даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд, деган хулоса ҳисобланади. Ушбу хулоса аниқ ҳисоб-китобларга асосланган: инфляциянинг ўртача йиллик даражаси 50 фоизга яқин бўлган мамлакатларда Давлат бюджети дефицитининг ЯИМдаги салмоғини 1 фоизли пунктга қисқариши инфляциянинг 8,75 фоизли пунктга пасайишига олиб келади. Бунда Давлат бюджети дефицити ва инфляция ўртасидаги сезиларли статистик боғлиқлик нафақат юқори инфляция шароитида, балки оқилона инфляция шароитида ҳам кузатилди [7].

М. Пивоварованинг фикрига кўра, инфляциянинг унча юқори бўлмаган даражаси иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, бундай шароитда антиинфляцион сиёсатни амалга ошириш ишсизликнинг ўсишига, иқтисодиётнинг пасайишига олиб келади [8].

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий босқичида (2022-2026 йиллар) иқтисодиётнинг молия секторини ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, молия секторининг барқарор ривожланишини таъминлаш мазкур сектор билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни, таҳдидларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг оқилона йўлларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Фикримизча, мамлакат иқтисодиётининг молия секторини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири – бу тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори эканлигидир. Ўз навбатида, тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори эканлиги инфляция даражасини ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини юқори эканлиги билан изоҳланади.

Гарчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида мамлакат Марказий банкига инфляция даражасини 2021 йилда 10

фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадга эришиш мажбурияти юкланган бўлса-да, инфляцияни мақсадли кўрсаткичига эришишнинг иложи бўлмаётир [9].

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, инфляциянинг йиллик даражаси ва Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси, фоизда*

Кўрсаткичлар	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Кредитларни фоиз ставкаси	20,8	21,9	23,1
Инфляция даражаси	10,0	12,3	8,8
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	14,0	15,0	14,0

* Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2021-2023 йилларда республикамиз тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса мазкур даврда инфляция даражасини ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг молия секторини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган яна бир долзарб муаммо бўлиб, иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги ҳисобланади.

1-диаграмма.

Ўзбекистон иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси, фоизда*



* Расм муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2021-2023 йилларда

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлиги сезиларли даражада паст (халқаро амалиётда умумэътироф этилган энг паст даражаси 40 фоизни ташкил этади) бўлган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2022 йилга нисбатан пасайган.

Иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини паст бўлиши корхоналар ўртасидаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Чунки бундай шароитда корхоналар дебитор қарздорлигини айланиш тезлиги пасаяди.

2-жадвал.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ жорий активларининг таркиби

фоизда, млрд сўм*

Жорий активлар	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.
Товар-моддий захиралар	0,1	4,5	4,6	3,9	3,8
Дебитор қарздорлик	78,1	47,1	30,4	30,9	42,2
Пул маблағлари	3,1	9,9	25,8	25,1	30,9
Қисқа муддатли молиявий қуйилмалар	18,0	6,8	17,8	19,4	5,0
Бошқа жорий активлар	0,7	31,7	21,4	20,7	18,1
Жорий активлар - жами	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**x**

* Жадвал муаллиф томонидан “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг молиявий ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, “Ўзбекнефтгаз” АЖ жорий активларининг таркибида 2018-2022 йилларда энг юқори салмоқни дебитор қарздорлик эгаллаган. Бу эса дебитор қарздорликнинг айланиш тезлигини паст эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг молия секторини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган яна бир долзарб муаммо – бу мамлакат ташқи савдо балансининг йирик миқдорда дефицитга эга эканлигидир (2-диаграмма).

2-диаграмма.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо балансининг дефицити, млн. АҚШ доллари*



*Расм муаллифлар томонидан Ўзбекисон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, мамлакат ташқи савдо балансининг дефицити 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига дефицит миқдори 2023 йилда 2021 йилга нисбатан юқори суръатда ўсган.

Хулоса

Илмий мақола устида ишлаш жараёнида иқтисодиётнинг молия секторини ривожлантириш бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*молия секторини ривожлантириш реал иқтисодиётни барқарор ўсишининг зарурий шарти ҳисобланади;

*пул массасининг паст ва барқарор ўсишини таъминлаш корхоналар фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш имконини беради ва иқтисодиётда иқтисодий фаолликни кучайтиради;

* пуллар таклифининг ўсиши натижасида фоиз ставкасининг пасайиши инвестицияларнинг муқобил қийматини пасайтиради ва фоиз меъёрининг пасайиб бориши билан фирма ва компаниялар ўзларининг режали инвестициялари ҳажмини оширади. Бу харажатлар режали харажатларнинг умумий суммаси билан қўшилиб, товар захираларининг кўзда тутилмаган миқдорда сарфланишига олиб келади;

* баҳоларнинг сезиларсиз даражадаги ўсиши ҳам иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади, чунки баҳоларнинг унчалик сезиларли даражада бўлмаган ўсиши ҳам инфляция динамикасидаги ноаниқликни кучайтиради;

*2021-2023 йилларда республикамиз тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкасини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур даврда инфляция даражаси ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси юқори бўлганлиги билан изоҳланади;

*2021-2023 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлиги сезиларли даражада паст бўлганлиги ва 2023 йилда 2022 йилга нисбатан пасайганлиги корхоналар ўртасидаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди;

*мамлакат ташқи савдо балансининг дефицити 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, дефицит миқдори 2023 йилда 2021 йилга нисбатан юқори суръатда ўсган.

Фикримизча, Ўзбекистон иқтисодиётининг молия секторини ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Мамлакат иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш учун экспансионистик монетар сиёсатни Ж.М. Кейнс томонидан Иккинчи жаҳон урушидан кейин таклиф этилган умумий талабни рағбатлантиришга қаратилган бюджет сиёсати билан уйғунлаштирган тарзда олиб бориш лозим.

Экспансионистик монетар сиёсат тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантиради ва кредитларнинг номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражасини ошириш имконини беради. Бу эса пул

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

массасининг мультипликатив кенгайишини таъминлаш имконини берган ҳолда, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Фикримизча, экспансионистик монетар сиёсатни амалга ошириш учун, биринчидан, Марказий банк мажбурий захира талабномаси суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида қолдириш йўли билан банкларнинг кредитлаш имкониятини ва ликвидлилигини ошириш лозим, иккинчидан, Марказий банкнинг дисконт ва ломбард кредитлари бериш амалиётини йўлга қўйиш билан тижорат банкларига бериладиган қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш зарур, учинчидан, тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган тижорат банклари ва компанияларнинг депозит сертификатлари ва облигацияларини Марказий банк очиқ бозор операцияларининг объектларига айлантирган ҳолда, тўғри РЕПО ва тескари РЕПО операцияларининг ҳажмини ошириш керак, тўртинчидан, миллий ссуда капиталлари бозорини шакллантириш асносида Марказий банк томонидан тижорат банклари кредитлари бозор баҳосининг паст ва барқарор даражасини таъминлашга эришиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан умумий талабни рағбатлантиришга қаратилган бюджет сиёсатининг амалга оширилиши номинал фоиз ставкасининг пасайишига олиб келади, монетизация коэффициенти даражасини ошириш имконини беради, Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари ҳажмини оширишга замин яратади.

2. Мамлакат ташқи савдо балансининг дефицитига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, мамлакатда ишлаб чиқариш имконияти бўлган товарларни импорт қилишга нисбатан вақтинчалик тарифсиз чеклов жорий қилиш керак; иккинчидан, Европа давлатларининг Ўзбекистон экспорти ва импортидаги улушини ошириш ҳисобига Россиянинг республикамиз резидентларининг ташқи савдо салоҳиятига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш керак, учинчидан, миллий валютанинг Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг (Россия, Хитой, Қозоғистон, Туркия) миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиб кетишига йўл қўймаслик орқали ушбу мамлакатларга экспорт қилинаётган товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш лозим, тўртинчидан, товарлар экспорт қилинаётган мамлакатларнинг бож солиғи ставкаларини пасайтириш бўйича музокаралар олиб бориш керак.

2020-2022 йиллар давомида бир неча марта миллий валюта – сўмнинг Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиб кетиши кузатилди. Масалан, сўмнинг реал самарали алмашув курси 2022 йилнинг июль ойида июнь ойига нисбатан 2,1 фоизга ошган бўлса, шу йилнинг август ойида июль ойига нисбатан 1,4 фоизга ошди [10].

Бангладеш тажрибаси кўрсатадики, корхоналарнинг экспорт тушуми миқдори ва барқарорлигига маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг бож

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

солиғи ставкалари даражаси бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Бангладешдан экспорт қилинаётган товарлар учун АҚШда бож солиғи ставкалари жуда юқори бўлиб, даражасига кўра тўртинчи ўринни эгаллар эди. 2006 йилда Бангладешнинг АҚШга экспорти ҳажми 3,3 млрд. долларни ташкил қилгани ҳолда, тўланган бож солиғи суммаси 500 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ҳолбуки, Буюк Британия ҳам шунча бож солиғи тўлади, аммо унинг АҚШга экспорти ҳажми 54 млрд. долларни ташкил этган эди [11].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида. – www.lex.uz.

2. Фридмен М. Если бы заговорили деньги. Пер. с англ. – М.:ИНФРА-М, 2001. – С. 63.

3. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 1999. – 352 с.

4. Тобин Дж. Денежная политика и экономический рост. – М.: Либроком, 2010. – С. 111-112.

5. Уэрта де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – С. 244-245.

6. Hess G., Morris C. The Long-Ruh Costs of Moderate Inflation//Federal Reserve Bank of Kansas City Economic Review. 1996. Second Quarter. – P. 71-88.

7. Catao L., Terrones M. Fiscal Deficits and Inflation//Working Paper. 65. IMF. – P. 63 - 67.

8. Пивоварова М.А. Международная научно-практическая конференция: “Инфляция и экономический рост: теория и практика” // Деньги и кредит. – Москва, 2006. – №7. – С. 60.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2019 й., 06/19/5877/4036-сон.

10. Миллий валютанинг реал алмашув курси шарҳи. – www.cbu.uz.

11. Юнус М., Алан Ж. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2009. – С. 141.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Носиров Эгамқул Исмаилович
иқтисодиёт фанлари номзоди доцент
баҳолаш иши ва инвестициялар
кафедраси мудири
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети
E-mail:egamqul74@mail.ru
ORCID: 0000-0002-9355-1973

Аннотация. Мақолада халқаро ташкилотлар томонидан уй-жой хўжалиги, транспорт ва бизнес соҳасида энергия самарадорлигини ошириш юзасидан тавсия этилган ёндошувлар таҳлил қилинган. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда энергия самарадорлигини ошириш мақсадида энергетика тизимини модернизациялаш ва рақамлаштириш билан боғлиқ лойиҳалар ҳамда уларга инвестицияларни жалб қилиш амалиёти тадқиқ этилиб, мамлакатда энергия самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф-тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инвестициялар, энергия самарадорлиги, барқарор ривожланиш, тижорат банки, молия бозори, давлат-хусусий шериклиги, рискларни тақсимлаш, субсидиялар, молиявий имтиёзлар.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ФИНАНСИРОВАНИЯ ПРОЕКТОВ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ

Носиров Эгамкул Исмаилович
кандидат экономических наук доцент
заведующий кафедрой оценочных
работ и инвестиций
Ташкентский государственный
экономический университет

Аннотация. В статье анализируются рекомендуемые международными организациями пути повышения энергоэффективности жилищного сектора, транспорта и бизнеса. Изучены зарубежные проекты, связанные с модернизацией, цифровизацией и повышением энергоэффективности энергосистемы, исследована практика развитых стран по привлечению инвестиций, а также предложены рекомендации по повышению энергоэффективности в стране.

Ключевые слова: инвестиции, энергоэффективность, устойчивое развитие, коммерческий банк, финансовый рынок, государственно-частное партнерство, распределение рисков, субсидии, финансовые льготы.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

FOREIGN EXPERIENCE IN FINANCING PROJECTS TO INCREASE ENERGY EFFICIENCY

Nosirov Egamkul Ismailovich
candidate of economic sciences associate professor appraisal work and investments head of the department Tashkent state economy university
E-mail:egamqul74@mail.ru
ORCID: 0000-0002-9355-1973

Abstract. The article analyzes the approaches recommended by international organizations for increasing energy efficiency in the housing sector, transport and business. Foreign projects related to the modernization and digitalization of the energy system, related to increasing energy efficiency, as well as the practice of developed countries in attracting investment in them were also studied. The article provides recommendations for improving energy efficiency in the country.

Keywords: investments, energy efficiency, sustainable development, commercial banks, financial markets, public-private partnership, risk sharing, subsidies, financial incentives.

Кириш

Бугунги кунда энергия самарадорлигини таъминлаш масаласи глобал миқёсда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалардан бирига айланди. Энергия самарадорлигини ошириш ҳукуматларга бир пайтнинг ўзида мамлакат энергия хавфсизлигини таъминлаш, энергияни яратишнинг янги усулларини қўллаш орқали табиатга зарарли таъсирларни камайтириш ҳамда саноатда рақобатбардошликни ошириш эвазига энергетика сиёсатидаги асосий мақсадларга эришишга ёрдам беради.

Энергия самарадорлигини таъминлашга инвестиция киритиш келажакда энергияга бўлган талабнинг қисқариши ва кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли иқтисодиётда энергия тежамкорлигини таъминлаш ва энергия самарадорлигини ошириш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Адабиётлар шарҳи

Энергия самарадорлигини ошириш борасида бир қатор маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан изланишлар олиб борилган бўлиб, мазкур йўналишдаги изланишлар натижасида муаллифлар томонидан қуйидаги хулосалар шакллантирилган.

Замонавий иқтисодиётда шундай тушунча юзага келдики, энергия ресурслари иқтисодиёт ривожланишининг чегараларини белгилайди. Бу эса

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

энергияни тежаш масалаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигига ва энергия самарадорлигини ошириш иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи сифатида қарашга олиб келди [1].

Энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш – турли мамлакатлар энергия стратегиясининг долзарб йўналиши ҳисобланади. Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ҳамда тармоқларни инновацион ривожлантириш салоҳиятини ошириш имконини беради [2].

Иқтисодиётда энергия самарадорлигини ошириш давлат, бизнес ва жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга энергия самарадорлигини оширишнинг макроиқтисодий ва сиёсий натижалари кўпроқ давлат тузилмалари, бизнес вакиллари учун экологик ва хусусий-хўжалик масалаларини ечишда кўпроқ қизиқиш уйғотади [3].

Энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларга кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан сармоя киритиш ҳам экологик, ҳам иқтисодий сабабларга кўра катта муаммо ҳисобланади. Маълум бир тўсиқлар кўпинча бундай чора-тадбирларга инвестиция киритишни қийинлаштиради. Бунда давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодий тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам беради [4].

Энергия тежамкорлиги фақат биргина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини кўрстади. Шунинг учун ҳам глобаллашув жараёнларнинг чуқурлашуви шароитида ҳар бир мамлакат “яшил иқтисодиётни” қўллаб-қувватлаши ва энергия самарадорлигини ошириш учун ушбу соҳадаги фаолиятини муттасил равишда ривожлантириши лозим [5].

Таҳлил ва натижалар

Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)нинг 7-йўналиши «Арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиш имкониятини таъминлаш»га қаратилган. Мазкур мақсад бошқа БРМга эришишнинг калити ҳисобланади. Чунки энергия билан боғлиқ муаммолар бутун дунёга тааллуқли бўлган муаммолар сирасига киради. Экспертлар фикрига кўра, энергия самарадорлигини таъминлаш иқтисодий, ижтимоий ва экологик йўналишларда кўплаб ижобий ўзгаришлар ва натижаларга эришишнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Дунё бўйича Энергетикага ўтиш индекси (ETI - Energy Transition Index) рейтинги ҳар йили Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилиниб борилади. Мазкур рейтингни тузишда иқтисодий ўсиш ва ривожланиш, экологик барқарорлик ва энергетика хавфсизлигига оид учта асосий тамойилга таянилади. Мазкур индекс кўрсаткичлари давлатлар миқёсида энергетика тизимлари самарадорлигига баҳо бериш имконини яратади.

Энергетикага ўтиш индексини ҳисоблашда самарали энергетикага ўтишни таъминлаш билан боғлиқ макроиқтисодий, институционал, ижтимоий ва геосиёсий омилларга асосий эътибор қаратилади [6]. Индексни

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади (1-чизма).

ETI доирасида мамлакатларда энергия тизимининг жорий ҳолати ва барқарор энергетикага ўтиш учун қулай муҳитни таъминловчи ҳаққонийлик ва тенглилик, хавфсизлик, барқарорлик, инвестициялар ва меъёрий-ҳуқуқий асослар ҳамда рағбатлантириш омиллари каби компонентларни ўз ичига олган йўналишлар таҳлил қилинади. Марказий Осиё минтақасидан Энергетикага ўтиш индексида Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларининг рейтинглари келтирилган.

Дунёда миқёсида кўплаб мамлакат ҳукуматлари томонидан энергия самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган сайи-ҳаракатларга қарамасдан, 2050 йилга бориб иқлим ўзгаришлари бўйича Париж келишувида кўзда тутилган натижага эришиш мураккаб вазифадай кўринмоқда.

1-чизма.

Энергетикага ўтиш индексини ҳисоблашда эътиборга олинадиган асосий омиллар*



*Манба. Fostering Effective Energy Transition: 2023 Edition, -p.10.

Энергия самарадорлигини ошириш борасида барча имкониятлардан фойдаланиш ҳамда мақбул инвестиция қарорларини қабул қилиш учун мамлакатлар ҳукуматлари энергетика соҳасида бошқарувни соддалаштиришга, тақдим этилаётган маълумотлар сифатини янада оширишга ва қулай меъёрий-ҳуқуқий асосни яратишга ҳаракат қилишмоқда.

Кўпчилик давлатларда энергия самарадорлигини таъминлаш борасида қулай муҳитни шакллантириш учун тизимни бошқариш ва молиявий таъминот қийин вазифа бўлиб қолмоқда. БМТ ва Европа иқтисодий комиссияси экспертлари томонидан энергия самарадорлигини ошириш борасидаги ҳисоботида уй-жой хўжалиги, транспорт тизими ва бизнес

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

соҳасига оид тармоқлараро умумий хулосалар жамланган. Шунингдек, ҳисоботда уй-жой хўжалиги, транспорт тизими ва бизнес соҳасида энергия таъминоти сиёсатининг асосини ташкил қилиши керак бўлган тамойиллар ва амалий сиёсат ўрин олган [7].

Энергия самарадорлигини ошириш юзасидан хориж тажрибалари асосида шакллантирилган ижобий ёндошувларга тўхталадиган бўлсак, уларга уй-жой хўжалиги соҳасида иссиқликни сақлаш ва илгари қурилган кўп қаватли уйларда иссиқликни сақлаш мақсадида уларни қайта жиҳозлаш, энергия хусусиятларига минимал талаблар (ЭХМТ) ва қурилиш қоидалари, энергия самарадорликни сертификатлаш, ЭХМТ ва электр ускуналарини маркировкалаш, юқори самарали электр ускуналарни синовдан ўтказиш ва самарали ёритиш тизимини қўллаш кабилар киритилган (2-жадвал).

2-жадвал.

Энергия самарадорлигини ошириш юзасидан ёндошувлар*

Уй-жой хўжалиги соҳасида:

- иссиқликни сақлаш ва илгари қурилган кўп қаватли уйларда иссиқликни сақлаш мақсадида уларни қайта жиҳозлаш;
- энергия хусусиятларига минимал талаблар (ЭХМТ) ва қурилиш қоидалари;
- энергия самарадорликни сертификатлаш;
- ЭХМТ ва электр ускуналарини маркировкалаш;
- юқори самарали электр ускуналарни синовдан ўтказиш;
- самарали ёритиш тизимини қўллаш.

Транспорт соҳасида:

- транспорт воситалари учун солиқ сиёсатини қўллаш;
- енгил автомобиллар учун ёқилғини иқтисод қилиш борасида меъёр ва маркировка жорий қилиш;
- “экоҳаракат”ни жонлантириш;
- жамоат транспорти ва энергия тежамкор ҳаракатланиш усулларини қўллаш.

Бизнес соҳасида:

- энергиядан оқилона фойдаланиш;
- ISO 50001га ўтиш;
- тижорат биноларини жиҳозлаш;
- имкониятларни ўрганиш;
- кичик ва ўрта корхоналарда энергияни оқиллона сарфлаш;
- саноат ускуналари учун ЭХМТни жорий қилиш;
- ихтиёрий келишувлар.

*Манба: Политика повышения энергоэффективности: передовой опыт. Второе издание. ЕЭК ООН. ISSN: 2078-5887. March 2018 – 479 – ECE/ENERGY/100/Rev.1

Транспорт соҳасида энергия самарадорлигини ошириш юзасидан шакллантирилган ижобий ёндошувлар сирасига транспорт воситалари учун солиқ сиёсатини юритиш, енгил автомобиллар учун ёқилғини иқтисод қилиш борасида меъёр ва маркировка жорий қилиш, “экоҳаракат”ни жонлантириш ва жамоат транспорти ва энергия тежамкор ҳаракатланиш усулларини қўллаш масалалари киритилган. Бизнес соҳасида энергия самарадорликни таъминлаш борасидаги ёндошувлар қаторидан энергиядан оқилона

фойдаланиш, ISO 50001га ўтиш, ақлли тижорат биноларини яратиш, имкониятларни ўрганиш, кичик ва ўрта корхоналар, саноат ускуналари учун ЭХМТни жорий қилиш ва ихтиёрий келишувлар ўрин олган.

Шунингдек, БМТ ва Европа иқтисодий комиссияси экспертлари томонидан энергия самарадорлигини ошириш юзасидан ҳукуматларга бошқарув ва молиялаштириш бўйича мувофиқлаштирилган тармоқлараро сиёсат олиб бориш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган (3-жадвал).

3-жадвал.

Бошқарув ва молиялаштириш бўйича тармоқлараро сиёсат

Барча тармоқлар манфаатлари учун коммунал соҳадаги сиёсат

- коммунал хизматлар учун тарифларни реал харажатлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш;
- энергия самарадорлигини таъминлашни назорат қилиш юзасидан зарур қоидалар қабул қилиш;
- коммунал соҳада энергия хизматларини кўрсатувчи компанияларни ташкил этиш;
- коммунал хўжалиги корхоналари учун «оқ сертификат»ларни жорий қилиш;
- Халқаро молия институтлари (ХМИ) томонидан тақдим этиладиган маблағларни коммунал хўжалиги корхоналарининг энергия самарадорлигини оширишга йўналтириш;
- энергия самарадорлигини ошириш юзасидан тақдим этиладиган ихтиёрий дастурларни қўллаб-қувватлаш.

Тармоқлараро бошқарув сиёсати

- ҳар томонлама қулай бўлган меъёрий-ҳуқуқий асос;
- миллий стратегия, мақсад ва вазифалар;
- энергия самарадорлигини таъминлаш юзасидан институционал механизмлар яратилганлиги, хусусан, масъул ташкилотлар томонидан шаҳарлар ва минтақалар миқёсида мувофиқлаштириш масалалари;
- энергия самарадорлигини таъминлаш борасидаги маълумотлар, уларнинг шаффофлиги ва статистик ҳисобини юритиш ҳамда маълумотларни баҳолаш.

Тармоқлараро молиялаштириш сиёсати

- давлат иштирокида кредитлар орқали ҳамкорликда молиялаштириш;
- энергия хизматларини кўрсатувчи компаниялар фаолиятини давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) асосида молиялаштириш;
- молиявий кафолатлар бериш, рискларни тақсимлаш;
- давлат томонидан субсидиялар, солиқ имтиёзлари, чегирмалар ва бошқа имтиёзлар бериш;
- Халқаро иқлим инвестиция фондлари маблағлари ҳисобига молиялаштириш.

Манба: Политика повышения энергоэффективности: передовой опыт. Второе издание. ЕЭК ООН. ISSN: 2078-5887. March 2018 – 479 – ECE/ENERGY/100/Rev.1

Бу борада барча тармоқлар манфаатларига хизмат қиладиган коммунал соҳада амалга оширилиши зарур бўлган сиёсат йўналишлари сифатида коммунал хизматлар учун тарифларни реал харажатлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш, энергия самарадорлигини таъминлашни назорат қилиш юзасидан зарур қоидалар қабул қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш юзасидан тақдим этиладиган ихтиёрий дастурларни қўллаб-қувватлаш каби мамлакатимиз учун жозибадор бўлган таклиф-тавсиялар ўрин олган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Энергия самарадорлигини ошириш борасида тармоқлараро молиялаштириш сиёсатига давлат иштирокида кредитлар орқали ҳамкорликда молиялаштириш, энергия хизматларини кўрсатувчи компаниялар фаолиятини давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) асосида молиялаштириш, молиявий кафолатлар бериш, рискларни тақсимлаш, давлат томонидан субсидиялар, солиқ имтиёзлари, чегирмалар ва бошқа имтиёзлар бериш ҳамда Халқаро иқлим инвестиция фондлари маблағлари ҳисобига молиялаштириш каби йўналишлар киритилган.

Халқаро экспертлар энергия самарадорлигини таъминлаш масаласига нисбатан қисқа муддатда ва кам харажатлар ҳисобига амалга ошириш мумкин бўлган восита сифатида қарашмоқда. Энергия самарадорлигини ошириш энергия таъминотига инвестиция киритиш билан боғлиқ эҳтиёжларни камайишига олиб келиши мумкин.

Кўпчилик мамлакатларда энергия самарадорлигини ошириш юзасидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар аста-секин ўз натижасини бермоқда. Албатта бундай натижаларга эришишда бошқарув амалиёти ва давлат органлари сиёсати қўл келмоқда. Истеъмолчилар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, коммунал хўжалиги корхоналари ва таъминотчи ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда энергия самарадорлигини янада ошириш имкониятларига эга. Шу билан бирга энергия самарадорлигини оширишда тижорат банклари, Марказий банк ва молия бозорларининг ҳам муносиб ўрни борлигини қайд этиб ўтиш жоиздир.

Бундан ташқари барқарор энергияга эга бўлиш масалаларига Халқаро молия институтлари (ХМИ)нинг эътибори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада етакчилар қаторида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)ни келтириб ўтишимиз мумкин. ЕТТБ томонидан Барқарор энергия ташаббуси (БЭТ) илгари сурилиб, унда экологик барқарор энергия ишлаб чиқаришни молиялаштиришни қўллаб-қувватлашга устуворлик берилмоқда. Шунингдек, энергия самарадорлигини ошириш юзасидан зарур лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ҳамда транзакция харажатлари ва рискларни камайтиришга хизмат қилувчи молиявий, техник ва тижорат воситаларини ривожлантиришни молиялаштиришга маблағ ажратилади. Бундан ташқари энергия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ лойиҳалар портфели бошқа кўп томонлама ривожланиш банклари ва йирик тижорат банкларида ҳам шаклланиб бормоқда.

Кейинги пайтларда бир қатор ривожланган мамлакатларда истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришда ақлли тармоқлардан фойдаланилмоқда. Ақлли тармоқлар деганда реал вақт режимида электр энергиясига бўлган талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, харажатларни минималлаштириш, тармоқнинг ишончли ва барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида рақамли технологиялар, сенсорлар ва дастурий таъминотдан фойдаланадиган электр тармоқлари тушунилади. Электр энергиясини ақлли тармоқлар орқали истеъмолчиларга етказиб бериш электр энергиясини таъминлаш билан боғлиқ тизимнинг барча қисмларидан имкон қадар

самарали фойдаланиш имконини беради. Бу борада фойдаланилаётган технологияларнинг аксарияти бир қанча ривожланган давлатларда синовдан муваффақиятли ўтган бўлиб, бундай технологияларни жорий қилишга инвестиция киритиш аста-секин ўзини оқламоқда.

Қуйида айрим хорижий мамлакатларда энергетика тизимини модернизациялаш ва рақамлаштириш жараёнларини молиялаштириш билан боғлиқ тажрибаларни кўриб чиқамиз [8].

1-жадвал.

Айрим ривожланган мамлакатларда энергетика тизимини модернизациялаш ва рақамлаштириш билан боғлиқ лойиҳалар ва уларнинг молиялаштирилиши*

т\р	**Амалга оширилаётган тадбирлар ва лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми**
1.	2022 йилнинг охирида Европа Иттифоқи «Энергетика тизимини рақамлаштириш» дастурини қабул қилди. Мазкур дастурга мувофиқ ЕИда 2030 йилгача электр тармоқларини модернизациялаш ва рақамлаштириш учун 633 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш кўзда тутилган. Шундан ақлли ҳисоблагичлар ўрнатиш, таромоқларни автоматик тарзда бошқаришнинг янги тизимига ўтиш, электр энергиясини тақсимлашни оптималлаштириш ва унинг ҳисобини юритишга оид рақамли технологияларни жорий қилишга 184 млрд АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган.
2.	Хитой 2021-2025 йилларда электр тармоқларини модернизациялаш ва кенгайтириш учун 442 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни мақсад қилган.
3.	Япония ҳукумати 2022 йилда электр тармоқларида янги технологияларни жорий қилиш, ақлли уйлар қуриш ва мамлакатда углерод нейтраллигини таъминлаш билан боғлиқ мақсадлар йўлида 155 млрд АҚШ доллари миқдоридаги жамғармани ташкил этишини мақсад қилган.
4.	Ҳиндистон ҳукумати 2022-2026 йилларга мўлжалланган электроэнергия тақсимоти билан шуғулланувчи компанияларни қўллаб-қувватлаш ва электр энергияси тақсимоти инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ дастурни молиялаштиришга 38 млрд АҚШ долларига тенг бўлган маблағ киритишни режалаштирган.
5.	2022 йилда АҚШ ҳукумати «Энергия тизимларини барқарор ривожлантириш ва инновацион ҳамкорлик» дастури доирасида мамлакатда электр тармоқларини модернизациялаш ва кенгайтиришга 10,5 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишини мақсад қилган.
6.	Канада ҳукумати Smart Grid дастури доирасида мамлакат электр тармоқлари тизимида ақлли тармоқлар ва ақлли ўзаро боғланган тизим технологияларини жорий қилишга 100 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни режалаштирган.

*Манба: https://www.iea.org/energy-system/electricity/smart-grids#tracking

Жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлилига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, Европа Иттифоқи, Хитой, Япония, Ҳиндистон, АҚШ ва Канада каби мамлакатлар яқин йиллар ичида миллий электр тармоқларини модернизациялаш ва кенгайтириш, энергетика тизимини рақамлаштириш, электр тармоқлари тизимида ақлли тармоқлар ва ақлли ўзаро боғланган тизим технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ лойиҳаларга 1 трлн 378

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

млрд АҚШ долларидан ортиқ маблағларни инвестиция қилишни мақсад қилишган.

IRENA агентлигининг глобал исишни 1,5 °C га пасайтиришга қаратилган стратегиясига кўра, электрлаштириш ва энергия тежамкорлигига эришишда қайта тикланадиган энергия, водород ва барқарор биомассага таяниш энергетикага ўтиш ислоҳотларининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралмоқда. Бундай стратегияни амалга оширилиши жамиятда энергия ишлаб чиқариш усуллари ва энергияни истеъмол қилиш борасидаги кенг кўламли ўзгаришларга олиб келади ҳамда 2050 йилга бориб йиллик CO_2 эмиссияси қарийб 37 млн тоннага камайяди [9].

1-диаграмма.

Технологик ёндошувлар асосида 2050 йилга бориб глобал миқёсда зарарли газлар чиқарилишининг қисқариши

*Манба: IRENA (2022), Прогноз преобразования мировой энергетической системы 2022 года: стратегия по ограничению глобального потепления 1,5 °C, Международное агентство по возобновляемым источникам энергии, Абу-Даби.

Диаграммада келтирилган маълумотлар таҳлилига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, технологик ёндошувлар асосида 2050 йилга бориб глобал миқёсда зарарли газлар чиқарилишининг қисқариши қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобига 25 %га, энергия самарадорлигини ошириш эвазига 25 %га, электрлаштириш, яъни гибрид ва электромобиллар сонининг кўпайиши ҳисобига 20 %га, водороддан фойдаланиш эвазига 10%га, қазиб олинадиган ёқилғи тармоқларида углеродни ушлаш ва йўқотиш (CCS) эвазига 6 %га ва иссиқлик ва электроэнергия ишлаб чиқаришда углеродни ушлаш ва йўқотиш (BECCS) ҳисобига 14% га қисқартириш кўзда тутилган. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, энергия самарадорлигини

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

оширишга инвестиция киритиш орқали нафақат энергия ресурсларини тежаш ва тармоқ корхоналарининг фойда нормасини оширишга, балки атроф-муҳитга иссиқхона газлари чиқарилишини 25 %га камайтиришга эришилади.

BloombergNEF (BNEF) тадқиқот компанияси томонидан эълон қилинган «Энергетикага ўтишда инвестиция тенденциялари 2024 ҳисоботи»га кўра, 2023 йилда паст углеродли энергияга ўтишга йўналтирилган глобал инвестициялар ҳажми 17 фоизга ўсиб, қарийиб 1,77 трлн АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич йиллар бўйича инвестициялар киритиш ҳажмининг янги рекорд даражасини акс этади ҳамда геосиёсий нотинчлик, юқори фоиз ставкалари ва харажатлар инфляцияси шароитида тоза энергияга ўтишнинг барқарорлигини кўрсатади [10].

2-диаграмма.

Глобал миқёсда энергетик ўтиш ислоҳотларига киритилган инвестициялар ҳажми, (млрд АҚШ долларида)*



*Манба: https://about.bnef.com/blog/global-clean-energy-investment-jumps-17-hits-1-8-trillion-in-2023-according-to-bloombergnef-report/

Диаграммада келтирилган маълумотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, энергетик ўтиш ислоҳотлари доирасида дунё миқёсида 2004 йилда қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш лойиҳаларига 33 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилган. 2023 йилга келиб бу кўрсаткич миқдори қарийиб 1,77 трлн АҚШ долларига етган ёки 53,6 каррага ошган. Бундан ташқари, энергетик ўтиш ислоҳотларида йўналишлар кўлами янада кенгайган. Хусусан, 2023 йилда ислоҳотлар доирасида электрлаштирилган транспорт тизимига ўтишга 634 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилган ва мазкур соҳага энг кўп харажатлар қилинган. Электрлаштирилган транспорт харажатлари электромобиллар,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

электрлаштирилган автобуслар, икки ва уч ғилдиракли транспорт воситалари ва тижорат автомобилларини харид қилиш, шунингдек, инфратузилма объектларини барпо этишни ўз ичига олган. Қайта тикланадиган энергия манбаларини яратишга киритилган инвестициялар ҳажми 623 млрд АҚШ долларини ташкил этган. Мазкур маблағлар қайта тикланадиган энергия манбаларини яратувчи объектлар хусусан, қуёш, шамол, геотермал электр станциялари ҳамда биоёқилғини ишлаб чиқувчи заводлар қурилишига сарфланган. Электр тармоқларини модернизациялашга киритилган инвестициялар ҳажми 310 млрд АҚШ долларига тенг бўлган. Шунингдек, энергетик ўтиш ислоҳотлари доирасида энергияни сақлаш, угрородни ушлаш, тоза етказиб бериш, чиқиндисиз саноат ва бошқа йўналишларга катта ҳажмдаги инвестициялар киритилган.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакат ҳукуматлари энергия самарадорлигини оширишга инвестициялар киритилишини рағбатлантириш орқали мамлакат энергия хавфсизлигини таъминлаш, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳажмини ошириш ҳисобига табиатга зарарли таъсирларни камайтириш ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватламоқда. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга тадбиқ этиш мамлакатимизда энергия самарадорлигини оширишга бевосита кўмак беради.

1. Илғор хориж тажрибаларига асосланган ҳолда мамлакатимизда энергия самарадорлигини ошириш юзасидан қурилаётган уй-жой, бино ва иншоотларда иссиқликни сақлаш ҳамда ҳаво айланишини яхшилаш мақсадида қурилиш норма ва қоидаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, шунингдек,
мамлакатимизда энергия самарадорликни сертификатлашни жорий қилиш лозим.

2. Республикамиз иқтисодиётида энергия самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларга хусусий секторни фаол жалб қилиш зарур. Мазкур йўналишдаги лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш механизмидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Энергия самарадорлигини ошириш борасидаги фаолият билан боғлиқ харажатларни тўлиқ давлат бюджети маблағларидан молиялаштиришнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳукумат хусусий бизнес вакилларининг энергия самарадорлигини ошириш борасидаги фаолиятини турли солиқ имтиёзлари, чегирмалар, субсидиялар, кафолатлар ва бошқа имтиёзлар бериш орқали қўллаб-қувватлаши лозим.

4. Мамлакатимизда энергия самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга халқаро жамғармалар маблағлари, шунингдек, тижорат банкларининг «яшил» кредитлари ва «яшил» инвестицияларини фаол жалб қилиш лозим.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зарипов А.М. Повышение энергоэффективности экономики для реализации целей устойчивого развития. Автореф. дис. ... канд. экон.наук, Казань, 2022 г., – С. 3. (-25 с.)

2. Попадько Н.В., Найденова В.М. Энергосбережение и повышение энергоэффективности как вектор развития мирового энергетического комплекса// Инновации и инвестиции. – №5, 2020 г., – 91-95 с.

3. Бобылев С.Н. и др. Энергоэффективность и устойчивое развитие. – М.: Институт устойчивого развития /Центр экологической политики России, 2010. – С. 25.

4. S.Álvarez-Diez and others. Subsidies for investing in energy efficiency measures: Applying a random forest model for unbalanced samples, Applied Energy, Volume 359, 2024, 122725, ISSN 0306-2619, – https://doi.org/10.1016/j.apenergy. 2024. 122725.

5. Юсупов А.Х. Ишлаб чиқаришда энергиядан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш// Ученый XXI века, 2021. – № 10 (81) – С.5.

6. Fostering Effective Energy Transition: 2023 Edition.

7. Политика повышения энергоэффективности: передовой опыт. Второе издание. ЕЭК ООН. ISSN: 2078-5887. March 2018 – 479 – ECE/ENERGY/100/Rev. 1., – С. 14.

8. https://www.iea.org/energy-system/electricity/smart-grids#tracking

9. IRENA (2022), Прогноз преобразования мировой энергетической системы 2022 года: стратегия по ограничению глобального потепления 1,5 °C, Международное агентство по возобновляемым источникам энергии, Абу-Даби.

10. https://about.bnef.com/blog/global-clean-energy-investment-jumps-17-hits-1-8-trillion-in-2023-according-to-bloombergnef-report/

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

КОМПАНИЯЛАРНИНГ ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аширматов Рамз Раҳимжонович
Тошкент халқаро Кимё университетининг мустақил изланувчиси
E-mail: ramz_3883@mail.ru,
ORCID: 0009-0003-7176-9888

Аннотация. Компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш уларнинг халқаро товар бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, фаолиятининг географик диверсификациясига эришиш орқали сотиш ва валюта рисклар даражаларининг ошиб кетишини олдини олишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, уларнинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш учун молиялаштириш амалиётини ҳар томонлама такомиллаштиришни тақозо этади.

Мақолада Ўзбекистон компанияларининг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: компания, экспорт, импорт, ҳужжатлаштирилган аккредитив, кредит, фоиз ставкаси, валюта курси.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАКТИКИ ФИНАНСИРОВАНИЯ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОМПАНИЙ

Аширматов Рамз Раҳимжонович
самостоятельный исследователь Ташкентский международный университет Кимё
E-mail: ramz_3883@mail.ru,
ORCID: 0009-0003-7176-9888

Аннотация. Развитие внешнеторговой деятельности компаний является одним из обязательных условий обеспечения их конкурентоспособности на международных товарных рынках, недопущения повышение риска продаж и валютного риска путём географической диверсификации их деятельности. В свою очередь, развитие внешнеторговой деятельности обуславливает необходимость совершенствования практики финансирования данной деятельности.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанные с финансированием внешнеторговой деятельности компаний Узбекистана и

разработаны предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: компания, экспорт, импорт, документарный аккредитив, кредит, процентная ставка, валютный курс.

IMPROVING THE PRACTICE OF FINANCING FOREIGN ECONOMIC ACTIVITIES COMPANIES

Ashirmatov Ramz Rahimjonovich
independent researcher
Tashkent International
Kimyo University
E-mail: ramz_3883@mail.ru,
ORCID: 0009-0003-7176-9888

Abstract. The development of foreign trade activities of companies is one of the prerequisites for ensuring their competitiveness in international commodity markets, preventing an increase in sales risk and currency risk through geographic diversification of their activities. In turn, the development of foreign trade activities necessitates improving the practice of financing these activities.

The article identifies current problems related to the financing of foreign trade activities of companies in Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Keywords: company, export, import, documentary letter of credit, loan, interest rate, exchange rate.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, ташқи бозорлар ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб этиш йўли билан келгуси 5 йилда мамлакат экспорти ҳажмини 30 млрд АҚШ долларига етказган ҳолда, хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш, 70 млрд АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодчи олим К.Чекмаревнинг хулосасига кўра, компанияларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги молиявий рискларни бошқаришда муддатли валюта битимлари бозори муҳим роль ўйнайди ва мазкур бозорнинг XX асрнинг 90-йилларининг охири 2000-йилларнинг бошида жадал суръатларда

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ривожланиши ҳосилавий инструментлар муомаласининг кенгайганлиги, деривативлардан информацион, суғуртавий ва бошқа рискларни бошқаришда фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги, муддатли валюта битимлари бозорига чакана инвесторларнинг кириб келишининг бошланганлиги каби омилларнинг мавжудлиги билан изоҳланади [2].

Фикримизча, К. Чекмаревнинг ушбу хулосаси компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамизда муддатли валюта битимлари бозори ривожланмаган; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш вазифаси қўйилган [3].

А. Глориозов ва Д. Михайловнинг хулосасига кўра, компанияларнинг ташқи савдо фаолиятидаги асосий рисклар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

– тижорат рисклари;
– ишлаб чиқариш рисклари;
– операцион рисклар;
– икки томонлама ҳамкорлик риски;
– имзо риски;
– кредит риски;
– валюта риски;
– дефолт риски;
– ўтказма риски;
– молиявий рисклар;
– юридик рисклар [4].

А. Смирновнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг компаниялар экспортини кредитлаш амалиёти давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши лозим ва бунда молиявий қўллаб-қувватлашнинг экспорт кредитларини давлат томонидан кафолатлаш ва фоиз ставкаларини бонификация қилиш шаклларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади [5].

В. Берникнинг хулосасига кўра, компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштиришда тижорат банкларининг кафолатлари муҳим бўлиб, улар мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг мустақил усули ҳисобланади [6].

Ҳақиқатдан ҳам, тижорат банклари томонидан бериладиган кафолатлар импорт қилинаётган товарлар бўйича тўловларни амалга оширишни кафолатлайди ва экспорт қилинаётган товарларни ташқи савдо шартномасининг шартларига мос равишда етказиб беришда муҳим ўрин тутади.

А. Малихнинг хулосасига кўра, ташқи савдони молиялаштиришда кенг қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган аккредитив товарларни сотиб олувчи учун қуйидаги афзалликларга эга:

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

– сотиб олувчига тўловни товар жўнатилгандан сўнг тўлиқ олиш имконини беради;

– сотиб олувчига зарур бўлган транспорт ва тижорат ҳужжатларини олишни кафолатлайди;

– сотиб олувчига эмитент банкдан қўшимча молиялаштириш олиш имконини беради [7].

Ф. Ахмедов ўзининг илмий тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладики, корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштиришда республика тижорат банкларининг кафолатига асосланган форфейтинг кредитлари беришнинг анъанавий шаклидан фарқ қилувчи, янги тартибини амалиётга жорий қилиш зарур [8].

Ҳақиқатдан ҳам, Ф. Ахмедов таклиф қилган форфейтинг кредитлаш шакли анъанавий форфейтингдан фарқ қилади ва бунда республикамиз импортчи корхоналари томонидан ёзилган тижорат векселлари уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари томонидан акцептланади.

М. Ибодуллаеванинг хулосасига кўра, республикамизда хўжалик юритувчи субъектларнинг валюта захираларини диверсификация даражасини паст эканлиги натижасида тижорат банкларининг валюта захираларини диверсификация даражасини ошириш имконининг чекланганлиги, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги (мамлакат ташқи савдо балансини йирик миқдорда дефицитга эга эканлиги, пул массасининг ўсиш суръатини юқори эканлиги миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан кучли босимни юзага келтирмоқда) валюта операцияларини ривожлантириш борасидаги долзарб муаммолар ҳисобланади [9].

Ҳақиқатдан ҳам, республикамизда корхоналарнинг валюта захираларини диверсификация даражаси паст бўлгани ҳолда, миллий валютанинг қадрсизланиш суръати нисбатан юқоридир.

Таҳлил ва натижалар

Республикамиз компанияларининг ташқи савдо фаолияти уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу сабабли давлатнинг иқтисодий сиёсатида компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида копанияларнинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш бевосита мазкур фаолиятни молиялаштиришга боғлиқ бўлганлиги сабабли молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги ПҚ-5268-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юкини камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, тижорат банкларидан хорижий валютада олинган кредитлар миллий валютага ўтказилганда амалдаги компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларининг эквиваленти 1 млн АҚШ

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

долларидан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган кредитларнинг асосий ставкадан ошадиган, лекин 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган қисми бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация тақдим этиладиган бўлди [10].

Эътироф этиш жоизки, компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштиришда ҳужжатлаштирилган аккредитивлар муҳим роль ўйнайди.

Тараққий этган мамлакатларда компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштиришда қопланмаган ва чақириб олинмайдиган ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан кенг фойдаланилади.

1-диаграмма.

Бэнк оф Америка (АҚШ) банки томонидан очилган қопланмаган ва чақириб олинмайдиган аккредитивларнинг жами аккредитивлардаги улуши, фоизда



*Жадвал муаллиф томонидан www.bank ofamerica.com сайти маълумотлари асосида шакллантирилди.

Диагарамма маълумотларидан кўринадики, Бэнк оф Америка банкида компанияларнинг экспорт ва импорт операциялари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида қопланмаган ва чақириб олинмайдиган аккредитивларнинг улуши 2020-2022 йилларда жуда юқори бўлган. Бунинг устига таҳлил қилинган давр мобайнида мазкур кўрсаткичнинг ўсиш тенденцияси кузатилган. Республикамизда эса, компанияларнинг экспорт ва импорт операциялари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида юқори салмоқни (80%дан ортиқ) қопланган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар эгаллайди. Бу эса, компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг ушбу шаклида компанияларга тегишли бўлган валюта маблағларининг бир қисми уларнинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолади.

Компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштиришда тижорат банклари томонидан хорижий валюталарда бериладиган кредитлар

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

муҳим ўрин тутади.

2-диагарамма.

АЖ “Асакабанк” кредитларининг умумий ҳажмида хорижий валюталарда берилган кредитларнинг салмоғи, фоизда



*Диаграмма муаллиф томонидан АЖ “Асакабанк”нинг баланс ҳисоботи маълумотлари асосида тузилган.

Диаграммада келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадики, 2018-2022 йилларда Асакабанк кредит қуйилмаларининг умумий ҳажмида компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш учун хорижий валюталарда берилган кредитларнинг салмоғи юқори бўлган.

Компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштириш кўламини кенгайтириш бевосита мазкур кредитларнинг фоиз ставкаларини даражасига боғлиқ. Чунки кредитларнинг фоиз ставкалари қанчалик юқори бўлса, компанияларнинг ушбу кредитлардан фойдаланиш имконияти шунчалик паст бўлади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан компанияларга хорижий валюталарда берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкалари

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021й.	2022 й.
Қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкаси	6,7	7,0	6,7
Узоқ муддатли кредитларнинг фоиз ставкаси	7,0	6,5	6,6
Жами кредитлар бўйича ўртача йиллик фоиз ставкаси	6,8	6,7	6,6

Жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамиз тижорат банклари томонидан компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш учун хорижий валюталарда берилган қисқа муддатли

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2021 йилда 2020 йилга нисбатан ошган, лекин 2022 йилда 2021 йилга нисбатан пасайган. Хорижий валюталарда берилган узоқ муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2022 йилда 2020 йилга нисбатан пасайган.

Бироқ республикамиз тижорат банклари томонидан компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш учун хорижий валюталарда берилган кредитларнинг асосий қисми, яъни 80 фоиздан ортиқ қисми сузувчи ставкада берилган. Бу эса фоиз рискини кучайтиради.

Таъкидлаш жоизки, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш амалиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

3-диаграмма.

Миллий валюта – сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, сўм*



*Диаграмма муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, республикамизда 1994-2023 йилларда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати юқори бўлган. Бу эса импортнинг қимматлашишига ва компанияларнинг миллий валютадаги пул маблағларини қадрсизланишига олиб келди.

Хулоса

Илмий тадқиқотни амалга ошириш натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида компаняларнинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш заруриятини

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

юзага келтиради;

*компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш амалиётини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш молиялаштириш ҳажмини оширишда муҳим ўрин тутади;

*тижорат банкларининг компаниялар экспортини кредитлаш амалиёти давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашда экспорт кредитларини давлат томонидан кафолатлаш ва фоиз ставкаларини бонификация қилиш шакллари муҳим амалий аҳамиятга эга;

*тараққий этган мамлакатларда компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштиришда қопланмаган ва чақириб олинмайдиган ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан кенг фойдаланилади, республикамизда эса, аккредитивларнинг умумий ҳажмида қопланган аккредитивлар юқори салмоққа эга;

*компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш учун хорижий валюталарда берилган кредитларнинг асосий қисмини сузувчи ставкага эга бўлган кредитлардан иборат эканлиги ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини юқори эканлиги уларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштиришга жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Фикримизча, республикамиз компанияларининг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш мақсадида очиладиган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида қопланмаган ва чақириб олинмайдиган аккредитивларнинг улушини ошириш мақсадида, биринчидан, қизил ҳошияли аккредитивлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш орқали импортёрларнинг валютавий ликвидлилик даражасини ошириш керак; иккинчидан, револьверли аккредитивлар бўйича тўловларни аккредитив банкнинг кредит линияси орқали тўлашни йўлга қўйиш зарур; учинчидан, аккредитив банкнинг тўлов рискини камайтириш мақсадида экспортёр банкининг товарларни сифати юзасидан бериладиган кафолатларидан фаол тарзда фойдаланиш лозим; тўртинчидан, тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган компанияларнинг ҳужжатлаштирилган аккредитивлари бўйича қисқа муддатли тўловларининг узлуксизлигини таъминлаш учун аккредитив банк ва хабар берувчи банкнинг овердрафт кредитларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш зарур.

2. Компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш учун хорижий валюталарда бериладиган кредитлар билан боғлиқ бўлган кредит риски ва фоиз рискини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, кредитли дефолтли своп (credit default swap) ва кредитли спрэд опционидан (credit spread option) фойдаланиш йўли билан кредит рискини бошқариш самарадорлигини ошириш керак; иккинчидан, ГЭП усули ва дюрация усулидан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш орқали фоиз рискини бошқариш самарадорлигини оширишни таъминлаш керак.

Кредитли дефолтли своп икки томонлама молиявий шартнома бўлиб,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

унда томонлардан бири (кредит ҳимоясини сотиб олувчи) иккинчи томонга (кредит ҳимоясини сотувчига) доимий тўловларни амалга оширади. Ушбу доимий тўловлар кредит ҳодисаси юз берганда олинадиган тўлов учун қилинади. Кредитли спрэд опциони эса, компанияга маълум бир активни олдиндан ўрнатилган кредитли спрэд билан сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради, лекин унга сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини юкламайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида. – www.lex.uz.

2. Чекмарев К.С. Инструменты срочного рынка и управление финансовыми рисками//Банковское дело. – Москва, 2007. – №8. – С. 39-40.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони//ЎзбекистонРеспубликаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36.– 945-модда.

4. Глориозов А.Г.. Михайлов Д.М. Внешнеторговое финансирование и гарантийный бизнес. – М.: Юрайт, 2011. – С.205-206.

5. Смирнов А.Л. Технологии экспортного финансирования//Банковское дело. – Москва, 2012. – №4. – С. 60-61.

6. Берник В.Р. Обеспечение исполнения обязательств. – М.: Аналитика-Пресс, 1998. – С. 32.

7. Малых А. В. Документарный аккредитив в международной торговли//Финансы и кредит. – Москва, 2007. –№47. – С. 20-31.

8. Ахмедов Ф.Х. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога кўрсатадиган хизматларини такомиллаштириш. Иқт. фан. бўйича фалсафа докт. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 24.

9. Ибодуллаева М.Т. Тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш йўллари. Иқт. фан. бўйича фалсафа докт. автореф. – Тошкент, 2022. – 52 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги ПҚ-5268-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юкини камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.10.2021 й., 07/21/5268/0997-сон.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Жиянова Наргиза Эсанбоевна

иқтисодиёт фанлари номзоди
молия кафедраси профессори
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail:nargiza_omad@mail.ru
ORCID:0000-0002-1053-221

Аннотация. Маколада хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқаришнинг назарий-услубий асослари тадқиқ этилган. Молиявий ресурсларни бошқариш тушунчасининг назарий ёндашувлар ўрганилган, молиявий ресурсларни бошқариш асосий инструментларининг услубий жиҳатлари шакллантирилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришда молиявий дастаклар **қўлланилиши таҳлил қилинган.**

Калит сўзлар: хўжалик юритувчи субъект, моливий фаолият, молиявий ресурс, бошқарув тизими, **самарали бошқариш, моливий дастак.**

ТЕОРЕТИЧЕСКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВЫМИ РЕСУРСАМИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ

Жиянова Наргиза Эсанбоевна

кандидат экономических наук
профессор кафедры финансов
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail:nargiza_omad@mail.ru
ORCID:0000-0002-1053-221

Аннотация. В статье исследуются теоретическо-методолгические основы управления финансовыми ресурсами хозяйствующих субъектов. Изучены теоретические подходы к понятию “управление финансовыми ресурсами”, а также анализируются методологические аспекты основных инструментов управления финансовыми ресурсами. Изучены финансовые рычаги, используемые в качестве инструмента эффективного управления финансовыми ресурсами хозяйствующих субъектов.

Ключевые слова: хозяйствующий субъект, финансовая деятельность, финансовые ресурсы, система управления, эффективное управление, финансовые ресурсы, финансовый рычаг.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF MANAGEMENT OF FINANCIAL RESOURCES OF ECONOMIC ENTITIES

Jiyanova Nargiza Esanboevna

PhD in economics
professor of the
Department of Finance
Tashkent State University of Economics
E-mail:nargiza_omad@mail.ru
ORCID:0000-0002-1053-221

Abstract. The article describes the theoretical and methodological foundations for managing the financial resources of business entities.Theoretical approaches to the concept of financial resource management, as well as methodological aspects of the main tools for managing financial resources, have been studied. The financial levers that are used in the effective management of financial resources of business entities have been studied.

Keywords: business entity, financial activity, financial resources, management system, effective management, financial resources, financial leverage.

Кириш

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий шароитида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқаришни, шу жумладан унинг молиявий фаолиятини бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш зарур. Бу масала иккита асосий жиҳатидан, биринчидан, аниқ тартибга солинган функциялар ва мажбуриятларга эга бўлган бошқарувнинг турли даражаларини ўз ичига олган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолиятини бошқаришнинг самарали тузилмасини шакллантириш сифатида, иккинчидан, узоқ муддатли мақсадларга эришишга қаратилган бир-бирига боғланган босқичлардан иборат жараён сифатида бўйича кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги қарорида аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорларнинг ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг улушини ошириш соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Бунда ялпи ички маҳсулотда хусусий секторни 80 фоизга, экспортда 60 фоизга етказиш, 2026-йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 27,5 фоиздан 25 фоизга камайтириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, эркин бозор иқтисодиётини мустаҳкамлаш, 200 та янги саноат зонасини шакллантириш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш каби вазифалар қўйилган [2].

Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида молиявий ресурсларни бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатларини комплекс тадқиқ қилиш каби янги вазифаларни юклайди.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Адабиётлар шарҳи

Молиявий бошқарув соҳасидаги бир қатор тадқиқотчилар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш тизим сифатидаги нуқтаи назарга амал қиладилар, муаллифларнинг бошқа қисми эса бу тушунчани корхона капитали миқдорига таъсир қилиш жараёни деб ҳисоблайдилар.

Умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқаришнинг назарий асослари 100 йилдан кўпроқ вақт олдин шакллана бошланган ва доимий равишда такомиллаштирилаётганига қарамай, бугунги кунда ҳам уларни бошқариш инструментларини ривожлантириш зарурати сақланиб қолмоқда. Ушбу инструментлардан бири молиявий таҳлилнинг услубий жиҳатларини таъминлаш бўлиб, у амалга оширилаётган молиявий ресурсларни бошқариш сиёсатини ретроспектив ва жорий баҳолашда ҳам, молиявий бошқарув қарорларини асослашда ҳам қўлланилади. Бизнинг фикримизча, молиявий бошқарув тизимида корхонани барқарор ривожланиши учун зарур молиявий ресурслар билан таъминлайдиган "хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш" номли қуйи тизимини ажратиб кўрсатиш керак. И.А. Бланкнинг фикрича, "молиявий ресурсларни бошқариш тизим сифатида уларни самарали шакллантириш, тақсимлаш ва иқтисодий фаолият жараёнида фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тамойиллари ва усулларини ўз ичига олади" [4].

В.Г. Белолипецкийнинг фикрига кўра, корхонанинг молиявий ресурсларини бошқариш – бу маълум бир натижага эришиш учун турли хил молиявий фаолият турларига таъсир қилишнинг турли усуллари, операциялари, воситаларини бирлаштирган тизим [5]. В.В. Ковалёвнинг нуқтаи назарига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш тизими қисқа ва узоқ муддатли истиқболдаги молиявий сиёсатга киритилган молиявий хизмат фаолиятининг маълум бир йўналишига асосланган молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш омилларини таҳлил қилиниши каби жараёнларни қамраб олиши керак [6]. Муаллифлар, шунингдек, бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш молиявий менежерларнинг ўз вазифаларини қай даражада амалга оширишига, шу жумладан корхонани молиявий ресурслар билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга боғлиқлигини таъкидлайдилар.

Шундай қилиб, корхонада молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга эришиш учун молиявий бошқарув тизими элементининг ҳар бир даражадаги жавобгарлик чегарасига қатъий мувофиқ равишда ўз вазифаларини бажариши жуда муҳимдир. Бундан ташқари, бошқарув тизимининг турли даражалари ўртасидаги ўзаро таъсир ва ўзаро боғлиқлик ҳам муҳимдир. Молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича қарорлар ушбу жараённинг асосий жиҳатлари ҳисобланади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Молия назариясида молиявий ресурсларни бошқаришни узлуксиз жараён сифатида қарайдиган муқобил нуқтаи назарлар мавжуд. Ушбу ёндашувни тўлиқ тушуниш учун хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг методологик жиҳатларини, шу жумладан функционал ва жараён-функционал соҳаларни ҳисобга олиш керак.

Молиявий ресурслар икки маънода шлатилади, яъни:

• бир томондан, корхона томонидан шаклланган молиявий ресурслар ва фойдаланиладиган маълум маблағлар мажмуасини ифодалайди;

• бошқа томондан, молиявий ресурслар субъект ишониши мумкин бўлган ва у томонидан маълум бир даврда молиявий-хўжалик фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган маълум бир маблағ захирасидан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ресурсларини уларни пул оқими сифатида тушунишни ҳисобга олган ҳолда, улар динамик хусусиятга эга эканлигини ёдда тутиш керак, чунки улар айланишда иштирок этиб, доимий равишда намоён бўлиш шаклини ўзгартирадилар (товар – пул – товар ва бошқалар). «Молиявий ресурслар» тушунчасининг бу контекстида кўриб чиқилаётган атама ва капитал атамаси ўртасида боғлиқлик мавжуд, аммо кўп қиррали тушунчага эга.

Масалан, А.Н. Гаврилова ва ҳаммуаллифлар таъкидлашича, «капитал (ўз маблағлари, соф активлар) корхонанинг мажбуриятлардан холи мулки, унинг ривожланиши учун шарт-шароит яратувчи стратегик захирадир...» [7].

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий моҳияти ва айрим элементлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Т.С. Маликов, О.О. Олимжонов, Р.Х. Карлибаева, Б.Э. Тошмуродова, М.Б. Хамидулин, С.Э. Элмирзаев, О.Н. Хамдамов, Х.Х. Худойқулов, Ш. Турсунходжаева, А.А. Шомиров, Н.Р. Турсунова, М.П. Эшовларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган.

Т.С. Маликов, О.О. Олимжоновларнинг илмий асарларида хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг моҳияти, асосий тушунчалари ва унда кўриладиган масалаларнинг айрим жиҳатлари ёритилган [8]. М.Б. Хамидулин ўзининг илмий тадқиқотларида корпоратив бошқарув ва унинг молиявий механизмларини тадқиқ қилган [9]. С.Э. Элмирзаев, Р.Х. Карлибаеваларнинг илмий ишларида хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг илмий методологик асослари, ташкилий тамойиллари, акционер жамиятларда капитални шакллантириш, молиявий барқарорлигини бошқариш самарадорлиги ва корхоналарда солиқ менежментини ташкил этиш каби масалалар ёритилган [10]. О.Н. Хамдамовнинг илмий тадқиқот ишларида хўжалик юритувчи субъектларида молиявий менежмент тизимининг концептуал асослари, акционерлик жамиятларда инқирозга қарши молиявий бошқарув механизмини услубий асосларини такомиллаштириш йўллари тадқиқ этилган [11]. А.А. Шомиров томонидан акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларини бошқаришга таъсир этувчи омиллар ва акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларини самарали бошқариш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича илмий натижалар шакллантирилган [12].

Таҳлил ва натижалар

Молиявий ресурсларни бошқаришни ташкил этишда бошқарувнинг муайян тамойиллари ва усулларидан фойдаланилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурларини бошқариш тамойилларига анъанавий равишда қуйидагилар киради: интеграция,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

мақсадлилик, ўзгарувчанлик (алтернативлик), ўз вақтидалик, мураккаблик, ишончлилик, оптималлик ва самарадорлик, усулларига эса молиявий ҳисоб усуллари, молиявий таҳлил, молиявий режалаштириш, шу жумладан бюджетлаштириш ва молиявий прогнозлаш, молиявий назорат, солиққа тортиш киради.

Молиявий ресурсларни бошқариш – бу ўз функцияларини амалга ошириш самарадорлиги ва натижадорлигини оширишни таъминлаш учун молиявий ресурслар ҳаракати бўйича амалга ошириладиган корхона бошқаруви ҳаракатларининг мажмуи.

Молиявий ресурсларни бошқариш тизими корхонанинг умумий бошқарув тизимининг таркибий элементи бўлиб, у «...хўжалик фаолиятини зарур маблағлар билан таъминлаш, уларнинг товар-пул айланиши ва молиявий мажбуриятларни тўлаш»га йўналтирилган. М. М. Стировнинг формуласи корхонанинг молиявий ресурсларини бошқариш тизимининг мақсадини энг аниқ ва қисқача тавсифлайди.

Молиявий ресурсларни самарали бошқариш – бу корхонанинг молиявий ресурсларига самарали ва оқилона таъсир кўрсатадиган бошқарув ҳаракатларининг кетма-кетлигини ташкил этиш.

Шундай қилиб, молиявий ресурсларни самарали бошқариш корхона минимал молиявий харажатлар ва молиявий риск даражаси (молиявий мустақиллик ва тўлов қобилиятини йўқотиш хавфи)да молиявий ресурсларни бошқариш мақсадига эришишнинг энг мақбул усули ва услуби ҳисобланади, яъни молиявий ресурсларни бошқариш мақсади минимал харажатлар ва молиявий рисклар даражасида амалга оширилса, бошқарув самарали бўлади, акс ҳолда, бошқарув самарасиздир.

Молиявий ресурсларни бошқариш самарадорлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни шакллантиришда самарали молиявий сиёсат муҳим ўрин тутади. Кўпгина тадқиқотлар хулосаларига кўра, айнан у молиявий ресурсларни жалб қилиш ва тақсимлашнинг оқилона тузилмасини шакллантиришни, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни ва энг муҳими, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлайдиган воситадир.

Молиявий ресурсларни самарали бошқариш учун кўрсатилган мезонларнинг бажарилиши ва / ёки эришиш даражасини миқдорий ва / ёки сифат жиҳатидан аниқлаш учун маълум ҳисоблагичлар тизими – *молиявий (аналитик) дастаклар қўлланилади.* Улар маълум молиявий кўрсаткичларни ифодалайди, уларнинг ёрдамида корхонанинг молиявий ресурслари ҳаракати билан боғлиқ жорий ёки кутилаётган вазиятни баҳолаш амалга оширилади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

1-чизма.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини самарали бошқариш масалалари*



*Муаллив ишланмаси.

Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини самарали бошқаришда қуйидаги молиявий сиёсатнинг йўналишларини ҳисобга олиш ва мувофиқлаштириш учун замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш назарда тутилади:

• ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришга инвестициялаш;

• даромадли молиявий инструментларга маблағларни йўналтириш ва йиғиш;

• оқилона дивиденд сиёсати;

•маълум бир ривожланиш даражасига эришган хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатига муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий-сиёсий омилларни таъсирини тўғри оптимал ҳисобга олиш бошқалар.

Молиявий ресурсларни самарали бошқаришга умумий муаммоларни ҳал қилиш орқали эришилади, уларнинг рўйхати анча аниқ ва молиявий бошқарув назарияси ва амалиётида яхши маълум.

Молиявий ресурсларни бошқаришни қўллаб-қувватлаш тизимларининг бутун мажмуаси орасида, келажакда эътибор аналитик таъминлаш тизимига қаратилади. Шу муносабат билан биз қуйидаги муҳим хусусиятларни ажратиб кўрсатамиз:

•молиявий ресурсларни бошқариш механизмининг таркибий ва мантиқий модели сифатида аналитик таъминлаш тизими фаолиятининг объекти – уни бошқариш самарадорлигини баҳолаш босқичи;

•молиявий ресурсларни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг қўлланиладиган мезонлари тизими ва уларни аниқлаш кўрсаткичлари аналитик таъминлаш тизимидаги асосий нуқта ҳисобланади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

2-чизма.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқариш механизмининг тузилмавий-мантиқий модели*

*Муаллиф ишламаси.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Шу муносабат билан, молиявий ресурсларни бошқариш механизмининг юқоридаги моделини асослаш доирасида молиявий ресурсларни бошқаришни баҳолашда қўлланиладиган ҳар бир мезоннинг мазмунини белгилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

3-чизма.

Хўжалик юритувчи субъектлариининг молиявий ресурсларини бошқариш тизимининг таркибий мазмуни*



*Муаллиф ишланмаси.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларни бошқариш тизимининг таркибий мазмунини асослаш доирасида 1-жадвалда ўрганилган аналитик муаммоларини ҳал қилишда ҳар хил воситаларидан фойдаланишга хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқаришнинг асосий концепциялари бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги замонавий шароитида ҳам асос бўлмоқда.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

1-жадвал.

Молиявий ресурсларни бошқаришнинг асосий концепциялари*

Номи	Муаллифлар	Мазмуни
Молиявий ресурсларни шакллантиришни бошқариш концепциялари		
Капитал қиймати концепцияси	Ж.Уильямс, Ф. Мадильяни, М. Миллер	У ёки бу молиялаштириш манбаларини жалб қилиш корхонага ҳар хил харажатларни келтириб чиқаради (корхона капиталдан фойдаланишга мажбур бўлган нисбий харажатлар мезонига кўра). Бепул молиялаштириш манбалари деярли йўқ.
Капитал тузилмаси концепцияси	Ф. Мадильяни,М. Миллер	Корхона томонидан танланган хусусий ва қарз капиталининг нисбати унинг бозор қийматига таъсир қилади.
Корхонанинг барқарор ўсишини молиявий қўллаб-қувватлаш модели	Д. Ван Хорн, Р. Хиггинс	Корхона томонидан мавжуд маблағлардан (активлардан) фойдаланиш кредиторлик қарзлари ва капитал манбалари сифатида ўз маблағларининг белгиланган нисбатига тўғри келиши керак. Оптималлик шароитида корхона ташқи молиялаштиришни кўпайтириш йўлидан бормайди, балки асосий эътиборни фойдадан фойдаланишга қаратади, бу қарз ва ўз маблағлари нисбатини белгиловчи коэффициентнинг чекланиши билан тавсифланади. ХМ / ҚМ нисбати бўйича чекловлар қийматини аниқлаш, молиявий дастак таъсирининг ижобий қийматига асосланган корхона маблағлари манбаларининг оқилона тузилишини шакллантириш вазифасидан келиб чиқади. Шу билан бирга, ушбу оқилона тузилмани аниқлаш вазифаси оқилона дивиденд сиёсати билан бирлаштирилади.
Молиявий ресурслардан фойдаланишни бошқариш концепциялари		
Муқобил харажатлар концепцияси (бой берилган имкониятлар концепцияси)	Д. Риккардо, Фридрих фон Визер, Г. Хаберлер	Ҳар қандай молиявий қарорни қабул қилиш кўп ҳолларда ҳар қандай иқтисодий ёки бошқа фойда келтириши мумкин бўлган муқобил вариантни рад этиш билан боғлиқ.
Замонавий портфель назарияси	Г. Марковец, Ж. Тобин, У. Шарп	Корхона эгаларининг бойлигини максимал даражада ошириш мезонига кўра, портфелни шакллантиришда хавфли молиявий инвестиция воситаларининг риск даражаси ва рентабеллик нисбатларини статистик таҳлил қилиш ва оптималлаштиришнинг услубий тамойилларини белгилайди.
Дивиденд сиёсати концепцияси	Ж. Линтер, Ф. Мадильяни, М. Миллер	Дивиденд сиёсатининг компаниянинг бозор қийматига, унинг акциялари нархига таъсири механизмини шакллантиради, бу турли омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда жорий дивидендлар миқдорини оптималлаштириш имконини беради.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Агентлик муносабатлари концепцияси	М. Женсен,У. Меклинг	Ҳар қандай корхонага нисбатан ҳар доим унинг фаолиятидан манфаатдор бўлган, аммо манфаатлари, қоида тариқасида, бир-бирига мос келмайдиган одамлар гуруҳларини ажратиб кўрсатиш мумкин, бу эса низога олиб келади.
Пулнинг вақт қиймати концепцияси	И. Фишер,Ж. Хиршлейфер	Вақт ўтиши билан пулнинг қиймати ўзгаради, яъни бугунги сўм бир йил ичида сўмга ўхшамайди (сабаблари: инфляция, риск, келажакдаги даромадни қўшимча даромад билан қайта инвестиция қилиш).
Риск ва даромад ўртасидаги ўзаро боғлиқлик концепцияси	Ф. Найт	Ҳар қандай даромад олиш ҳар доим салбий ҳодисалар (риск) эҳтимоли билан боғлиқ. Улар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, тўғридан-тўғри пропорционалдир: кутилган фойда қанчалик юқори бўлса, риск даражаси ҳам шунча юқори.
Мулкдорларнинг иқтисодий манфаатлари устуворлиги концепцияси	Г. Саймон	Бу мулкдорларнинг манфаатларини биринчи ўринга қўйиш заруратидан иборат. Амалий маънода у «корхонанинг бозор қийматини максимал даражада ошириш» сифатида ифодаланади.
Қўшилган иқтисодий қиймат концепцияси	А. Маршалл, Б. Стюарт	Концепцияга кўра, компаниянинг қиймати унинг баланс қиймати ва келажакдаги иқтисодий қўшилган қийматнинг жорий қийматига боғлиқ (EVA).

*Жадвал ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томондан яратилган.

Хулоса

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш муаммосининг ишланганлик даражаси молиявий ресурсларнинг моҳиятини, уларни бошқариш концепциясини очиб берадиган назарий тадқиқотларнинг (бу соҳадаги ишларнинг энг машҳурлари Ж. Уильямс, Ф. Мадильяни ва М. Миллер , Г. Марковец, Ж. Ван Хорн , Ю. Бригхэм, И. Фишер ва бошқалар), молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларни бошқариш жараёнининг хусусиятларини алоҳида хўжалик юритувчи субъект даражасида (И.А. Бланк, А.Ф. Ионова, В.В. Ковалев, В.Г. Когденко, Б.А. Левчаев, И.Я. Лукасевич, В. М. Романовский, В.М. Родионова, Е.Ф. Сисоев ва бошқалар асарлари), шу жумладан контроллинг тизимининг шаклланишида очиб берувчи ишланмаларнинг ҳозирги ҳолати билан белгиланади.

Умуман олганда, хўжалик юритуви субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг назарий-амалий жиҳатлари бўйича ўтказилган тадқиқотларда молиявий ресурсларни таҳлил қилиш, аналитик дастакларни қўллаш ҳамда уларни жалб қилиш ва молиявий ресурслардан фойдаланишнинг оптимал тузилмасини танлаш хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини самарали бошқаришни касб этади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқариш муаммоларини ҳал қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан уларни шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ мавжуд

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

жараёнларни тўғри баҳолашга, шунингдек, молиявий бошқарув қарорларини амалга оширишдан кутилаётган молиявий самарани баҳолаш натижаларининг тўғрилигига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. https://lex.uz/docs/6445145
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-60- сонли фармони. https://lex.uz/ru/docs/5841063
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022- 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сонли фармони. https://lex.uz/docs/6102462
4. Бланк, И. А. Управление финансовыми ресурсами / И. А. Бланк. – М.: Омега-Л, 2011. – 768 с.
5. Белолипецкий В. Г. Финансы фирмы: учебное пособие / В. Г. Белолипецкий. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 244 с.
6. Ковалёв В.В. Финансовый менеджмент: теория и практика. – М.: Проспект, 2019. – 1805 с.
7. Гаврилова, А. Н. Финансовый менеджмент: учебное пособие / А. Н. Гаврилова, Е. Ф. Сысоева, А. И. Барабанов. – М.: КноРус, 2013. – 432 с.
8. Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия:дарслик. – Т.: Молия-иқтисод, 2021. – 462 б.
9. Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореф. дис. … д.э.н. – Т.: БМА, 2008.
10. Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш. И.ф.д (DSc) диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2017. – 64 б. Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари: И.ф.д. дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. – 34 б.
11. Ҳамдамов О. Н. Корхоналарда молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... диссертация автореферати. – Тошкент, 2018. – 54 б.
12. Шомиров А. А. Акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. – 63 б.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА ДЕПОЗИТЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ибодуллаев Шоҳбоз Тўлқин ўғли
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки
E-mail: sh_ibodullayev@mail.ru
ORCID:0000-0002-3885-711X

Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби профессори
E-mail: t-bobakulov@mail.ru
ORCID: 0000-0002-8965-497 X

Аннотация. Дунё банк амалиётида, шу жумладан, Ўзбекистон банклари фаолиятида депозитлар тижорат банклари мажбуриятларининг асосий турларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли банклар депозит базасининг барқарорлигини таъминлаш уларнинг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий мезонларидан бири сифатида тан олинган.

Мақолада республикамиз тижорат банкларига депозитлар ва омонатлар жалб қилиш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланиб, таҳлил қилинган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, мажбурият, депозит, талаб қилиб олинадиган депозит, муддатли депозит, омонат, муддатли омонат, фоиз ставкаси, инфляция, девальвация.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ДЕПОЗИТОВ В КОММЕРЧЕСКИЕ БАНКИ

Ибадуллаев Шохбоз Тулкин оглы
доктор философии (RhD) по экономическим наукам
Национальный банк внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан
E-mail: sh_ibodullayev@mail.ru
ORCID:0000-0002-3885-711X
Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич
доктор экономических наук
профессор Высшей школы бизнеса и предпринимательства

E-mail: t-bobakulov@mail.ru
ORCID: 0000-0002-8965-497 X

Аннотация. В мировой банковской практике, в том числе в банковской деятельности Узбекистана депозиты являются одним из основных видов обязательств коммерческих банков. Поэтому обеспечение стабильности депозитной базы банков является одним из обязательных условий обеспечения их ликвидности и финансовой устойчивости.

В статье исследуются актуальные проблемы, связанные с привлечением депозитов и вкладов в коммерческие банки страны, разработаны научные предложения, направленные на решение этих проблем.

Ключевые слова: коммерческий банк, обязательства, депозит, депозит до востребования, срочный депозит, вклад, срочный вклад, процентная ставка, инфляция, девальвация.

CURRENT ISSUES OF ATTRACTING DEPOSITS IN COMMERCIAL BANKS

Ibodullaev Shokhboz Tulkin ugli
Doctor of Philosophy (RhD)
in Economic Sciences
National Bank
foreign economic
activities of the Republic of Uzbekistan
E-mail: sh_ibodullayev@mail.ru
ORCID:0000-0002-3885-711X
Bobakulov Tulkin Ibodullaevich
Doctor of Economic Sciences
Professor of the Graduate School
of Business and Entrepreneurship
E-mail: t-bobakulov@mail.ru
ORCID: 0000-0002-8965-497 X

Abstract. In global banking practice, including the banking practice of Uzbekistan, deposits are one of the main types of obligations of commercial banks. Therefore, ensuring the stability of banks’ deposit base is one of the prerequisites for ensuring their liquidity and financial stability.

The article identifies current problems associated with attracting deposits and contributions to commercial banks of the republic and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Keywords: commercial bank, liabilities, deposit, demand deposit, time deposit, deposit, time deposit, interest rate, inflation, devaluation.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

стратегиясида тижорат банкларининг давлат ресурсларига қарамлигини камайтириш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида 2025 йилга бориб хусусий банклар активларининг тижорат банклари активларининг умумий ҳажмидаги улушини 60 фоизга етказиш вазифаси қўйилган [2].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар мамлакат тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлашнинг зарурий шарти бўлган депозитлар ва омнатлар жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

Жорджия университети (АҚШ) профессори Ж. Синкининг хулосасига кўра, тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши бўлган кредитлаш фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб депозитлар ҳисобланади [3]. Олимнинг мазкур хулосаси АҚШ банк амалиёти учун ҳам, халқаро банк амалиёти учун ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, АҚШнинг йирик трансмиллий банкларидан бири бўлган Bank of America банки мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғи 69,5 фоизни (энг юқори салмоқ) [4], Германиянинг энг йирик тижорат банки бўлган Deutsche Bankда ҳам энг юқори салмоқни, яъни 49,1 фоизни ташкил этди [5].

Н. Ткач талаб қилиб олинадиган депозитларни тижорат банклари учун беқарор пассив эканлигини, аммо улар арзон ресурс бўлгани учун банкларнинг фойдаси миқдорини ошириш нуқтаи-назаридан бир имконият эканлигини эътироф этади [6].

Ҳақиқатдан ҳам, талаб қилиб олинадиган депозитлар беқарор пассив ҳисобланади. Чунки улар исталган вақтда ҳисобрақам эгаси томонидан талаб қилиб олиниши мумкин. Бироқ тижорат банкларида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг барқарор қолдиғидан арзон ресурс сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд.

Россиялик тадқиқотчи Н. Зиновьева ўзининг илмий тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладики, аҳолининг жамғарма депозитлари тижорат банклари учун узоқ муддатли ресурс сифатида муҳим аҳамият касб этади, лекин мазкур омонатлар бўйича фоиз тўловларини ошиб кетиш эҳтимолининг мавжудлиги уларга хос бўлган асосий камчиликлардан бири ҳисобланади [7]. Олиманинг мазкур хулосаси ҳозирги замон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, жорий харажатидан ортиқча пули бор инсонгина банкка омонат қўяди, иккинчидан, инсон даромад олиш учун банкка омонат қўяди. Демак,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

омонат эгаси фоизни ҳар ойда олишдан манфаатдор эмас. Шунинг учун у банкка омонатга ҳисобланган фоизни капиталлаштиришни, яъни фоизни омонатнинг асосий суммасига қўшиб боришни таклиф қилади. Бу эса, тижорат банкининг омонатларга фоиз тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатини ошиб кетиш эҳтимолини юзага келтиради.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, банклар томонидан ресурслар жалб қилиш имконияти ва кредит олувчиларнинг қарзга хизмат кўрсатиш юки бевосита кредитли спрэднинг даражасига боғлиқ ҳисобланади [8].

Мамлакат олимларидан Ш. Рузметовнинг хулосасига кўра, “... республикамиз тижорат банкларига трансакцион депозит ҳисобрақамидаги маблағлардан уларни муддатли депозит счётига ўтказмасдан ресурс сифатида фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашга бўлган рағбатга путур етказади, банкларнинг ликвидлилигига нисбатан жиддий салбий таъсирни юзага келтиради [9].

Тадқиқотчининг мазкур хулосаси тижорат банкларининг пассивларини барқарорлигини таъминлаш жиҳатидан жиддий аҳамият касб этади. Чунки банкларнинг брутто депозитлари ҳажмида трансакцион депозитларнинг улушини юқори бўлиши уларнинг жорий ликвидлилигига салбий таъсир қилади. Мазкур салбий таъсир банкларнинг даромад келтирмайдиган юқори ликвидли активлар суммасининг ошишига олиб келади. Чунки трансакцион депозитлар тижорат банкларининг беқарорлик даражаси жуда юқори бўлган пассиви ҳисобланади.

Б.Бердияров тижорат банклари депозитларининг етарлилигини таъминлашни уларнинг ликвидлилигини таъминлашнинг зарурий шарти, деб ҳисоблайди [10].

Тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлашнинг марказий масаласи бўлиб, депозит базанинг етарлилигини таъминлаш ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда икки услубиётдан, яъни Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан ишлаб чиқилган услубиётдан ва АҚШ банк назорати органлари (Федерал захира тизими, Депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси ва Пул муомаласининг бош назоратчиси) томонидан ишлаб чиқилган CAMELS рейтинг тизимидаги аниқлаш услубиётидан фойдаланилади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан ишлаб чиқилган услубиётда тижорат банки депозит базасининг етарлилигини аниқлаш учун талаб қилиб олинадиган депозитлар суммаси жами депозитлар суммасига бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади. Агар ушбу кўрсаткич 30 фоиздан ошмаса, тижорат банкининг депозит базаси етари, деб ҳисобланади [11].

CAMELS рейтинг тизимидаги депозит базанинг етарлилигини аниқлаш услубиётида тижорат банки депозит базасининг етарлилигини аниқлаш учун депозитларнинг барқарор қолдиғи суммаси жами депозитлар суммасига

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади. Агар ушбу кўрсаткич 75 фоиздан кам бўлмаса, тижорат банкининг депозит базаси етари, деб ҳисобланади [12].

Таҳлил ва натижалар

Депозитлар Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мажбуриятларининг таркибига нисбатан юқори салмоқни эгаллайди (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг мажбуриятлари таркиби, фоизда*

Мажбуриятлар таркиби	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.	01.01.2022 й.	01.01.2023 й.
Депозитлар	37,3	41,8	45,4	43,5
Марказий банкнинг маблағлари	0,4	0,2	0,2	0,2
Бошқа банкларнинг маблағлари	5,2	4,7	8,7	8,0
Олинган кредитлар	49,3	46,5	39,1	40,4
Чиқарилган қимматли қоғозлар	3,1	2,8	2,3	2,4
Субординар қарзлар	1,3	1,1	1,4	1,7
Тўланадиган фоизлар	1,2	1,1	1,1	1,5
Бошқа мажбуриятлар	2,2	1,8	1,8	2,2
Мажбуриятлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0

* Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамиз тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида нисбатан юқори салмоқни депозитлар ва хорижий банклардан олинган кредитлар эгаллайди.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, депозитларнинг мажбуриятлар таркибидаги салмоғи 2023 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Ушбу ошиш мазкур даврда хорижий банклардан олинган кредитларнинг мажбуриятлар таркибидаги салмоғини сезиларли даражада пасайганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг валютавий таркибининг мажбуриятлари таркиби, фоизда*

Мажбуриятлар таркиби	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.	01.01.2022 й.	01.01.2023 й.
Миллий валютадаги депозитлар	56,9	61,2	60,8	70,1
Чет эл валютасидаги депозитлар	43,1	38,8	39,2	29,9
Депозитлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0

*Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамиз тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитларнинг умумий ҳажмида

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

нисбатан юқори салмоқни миллий валютадаги депозитлар эгаллайди. Бунинг устига, миллий валютадаги депозитларнинг жами депозитлардаги улуши 2020-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган.

Тижорат банкларига юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинчалик бўш турган пул маблағларини муддатли депозит сифатида жойлаштиришнинг бирламчи ва энг муҳим омили бўлиб, муддатли депозитларга нисбатан тижорат банклари томонидан белгилапган фоиз ставкаларининг даражаси ҳисобланади.

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жалб қилинган муддатли депозитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси*

Мажбуриятлар таркиби	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.	01.01.2022 й.	01.01.2023 й.
Миллий валютадаги муддатли депозитлар	16,6	16,3	17,7	18,9
Чет эл валютасидаги муддатли депозитлар	4,1	3,5	3,8	4,4

*Жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2021-2023 йилларда республикамиз тижорат банкларининг миллий валютадаги муддатли депозитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. бу эса, мазкур даврда инфляция даражасини ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини юқори бўлганлиги билан изоҳланади (1-диаграмма).

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2021-2023 йилларда республикамиз тижорат банкларининг чет эл валютасидаги муддатли депозитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. бироқ, таҳлил қилинган давр мобайнида мазкур депозитларнинг фоиз ставкаси паст даражада қолган.

1-диаграмма.

Ўзбекистон Республикасида инфляция ва Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси, фоизда*

*Диаграмма муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2020-2023 йилларда мамлакатимизда инфляция ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси нисбатан юқори бўлган.

Республикамиз тижорат банкларининг чет эл валютасидаги муддатли депозитларининг фоиз ставкасини ошириш жисмоний ва юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги маблағларини тижорат банкларининг муддатли депозит ҳисобрақамларига жалб этиш ҳажмини ошириш имконини беради. Бироқ республикамиз тижорат банкларининг чет эл валютасидаги муддатли депозитларининг фоиз ставкасини оширишга қуйидаги омиллар тўсқинлик қилади:

1. Тижорат банкларининг чет эл валютасида бериладиган кредитларининг риск даражасини, яъни кредит риски риски даражасининг юқори эканлиги.

Миллий валютанинг девальвация жараёнини, яъни қадрсизланиш жараёнини давом этаётганлиги ва девальвация суръатини нисбатан юқори эканлиги чет эл валютасида кредитлар бериш амалиётидаги кредит рискини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. 2023 йилда миллий валюта – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан йиллик девальвация суръати 9,9 фоизни ташкил этди. Бу эса, юқори даражадаги қадрсизланиш суръати ҳисобланади. Бунинг устига, 2017 йил 5 сентябрда, валюта сиёсатини либераллаштирилиши муносабати билан, миллий валютани АҚШ долларига нисбатан қарийб 2 баробарга қадрсизланиши кредит риски даражасини кескин ошиб кетишига олиб келди. Бундай шароитда тижорат банклари чет эл валютасида кредитлар беришдан манфаатдор бўлмайди. Чунки чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг ортиши тижорат банкларининг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

Валютавий кредитлар бўйича кредит риски юқори бўлган шароитда тижорат банклари жалб қилинган чет эл валютасидаги муддатли депозитларни биринчи тоифали хорижий банкларга муддатли депозит сифатида жойлаштирган маъқул, деб ҳисоблашади. Чунки бу операцияларда риск деярли йўқ.

2. Марказий банк томонидан тижорат банкларининг чет эл валютасидаги депозитларга нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкасини юқори эканлиги (18%) ва чет эл валютасида ҳисобланган мажбурий захира ажратмалари суммасини банкларнинг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидан олиб қўйилаётганлиги.

Мазкур омил тижорат банкларининг хорижий валюталарда депозитлар жалб қилишга бўлган қизиқишини йўққа чиқаради (ўлдиради). Бунинг сабаби шундаки, чет эл валютасидаги депозитлар қанчалик кўп бўлса, мажбурий захира ажратмалари суммаси шунча катта бўлади ва банкнинг ликвидлилиги шунча паст бўлади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг депозитлар жалб қилиш имкониятини янада кенгайтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банкларини муддатли депозитлар жалб қилишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида, биринчидан, уларни талаб қилиб олинадиган депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни уларни муддатли депозит ҳисобрақамига ўтказмасдан туриб, ресурс сифатиида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш лозим; иккинчидан, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичига эришишни таъминлаш ва миллий валютанинг девальвация суръатини пасайтириш йўли билан тижорат банкларининг миллий валютадаги муддатли депозитлари ва уларга ҳисобланган фоизларнинг реал қийматини пасайишига йўл қўймаслик керак.

Бугунги кунда мамлакат тижорат банкларига талаб қилиб олинадиган депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланишга рухсат берилган. Бу эса, уларни муддатли депозитлар жалб қилишга бўлган қизиқишини ошириш имконини бермайди. Чунки талаб қилиб олинадиган депозитлар арзон ресурс бўлганлиги сабабли, ундан фойдаланаётган банкларда муддатли депозитлар жалб қилишга бўлган иштиёқ кучли бўлмайди.

Миллий валютанинг қадрсизланиш суръати давом этаётганлиги сабабли жисмоний ва юридик шахсларнинг девальвацион кутилмаси салбийлигича қолмоқда. Бу эса, банкларнинг муддатли депозитлар жалб қилиш имкониятини жиддий тарзда чеклаб қўяди.

2. Тижорат банкларининг чет эл валютасидаги муддатли депозитларга тўланадиган фоизларнинг ставкаларини ошириш имкониятини кенгайтириш ва Марказий банк мажбурий захира сиёсатининг тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан юзага кенлган салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, чет эл валютасидаги депозитларга нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкасини миллий валютадаги депозитларга нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаси даражасига (4,0 %) тушириш керак; иккинчидан, чет эл валютасидаги депозитлар бўйича ҳисобланган мажбурий захира ажратмаси суммасини тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидан олиб қўйиш тартибини бекор қилиш зарур.

Тижорат банкларининг чет эл валютасидаги депозитларига ҳисобланган мажбурий захира ажратмалари суммасини банкларнинг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидан олиб қўйилаётганлиги уларнинг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирмоқда. Ҳолбуки, республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан республикамиз банкларида баланслашмаган ликвидлилик муаммосининг мавжудлиги ва уни юзага келиш сабаблари илмий жиҳатдан асослаб берилган [13].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//QMMB: 06/22/60/0082-сон. 29.01.2022-у.

3. Д. Синки Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 1018 с

4.Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. http://www.bankofamerica.com (Bank of America).

5. Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. www.db.com (Deutsche Bank).

6. Ткач Н.Д. Депозитные операции коммерческого банка//Вестник Национального института бизнеса. – Москва, 2016. – №4. – С. 180-189.

7. Зиновьева Н. М. Виды банковских депозитов и их особенности//Территория науки. – Ярославль, 2016. – №5. – С. 133-137.

8. Caldara D., Herbst E. Monetary Policy, Real Activity, and Credit Spreads: Evidence from Bayesian Proxy SVARs // American Economic Journal: Macroeconomics. – 2019. – Vol. 11(1). – pp. 157–92. doi: 10.1257/mac.20170294.; Brissimis S. N., Papafilis M., Vlassopoulos T. Some Thoughts on the External Finance Premium and the Cost of Internal Finance//Munich Personal RePEc Archive (MPRA) Paper. – 2018. – N 85261.

9. Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2009. – 18 б.

10. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73б.

11. Resolution of Failed Banks by Deposit Insurers Cross-Country Evidence// https://documents1.worldbank.org/curated/en/835171468140978608/pdf/wps3920.pdf.

12. Supervision and Regulation. CAMELS rating system. https://www.federalreserve.gov.

13. Бердияров Б.Т Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73 б.; Гадоев С.Ж. Тижорат банкларида ликвидлилик рискини бошқаришни такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 47 б.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

TIJORAT BANKLARI AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH MASALALARI

Rustamov Maqsud Suvonqulovich
iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail:rustamov.m.s@mail.ru
ORCID: 0000-0002-3329-5971

Egamberganov Mirzabek Odilbek o‘g‘li

moliya fakulteti 3-bosqich talabasi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: mirzobekegamberganov@gmail.com
ORCID: 0009-0000-2400-1989

Annotatsiya. Maqolada bank axborot xavfsizligini ta’minlash tizimini takomillashtirish jihatlari hamda iqtisodiy xavfsizlikning unsuri sifatida axborot xavfsizligining nazariy-xuquqiy asoslari, axborot va iqtisodiy xavfsizligining o‘zaro ta’sirini baholash masalalari tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: naqd pul, *moliyaviy sektor*, kompyuter texnologiyalari, axborot xavfsizligi, xususiy tarmoqlar, plastik karta, elektron kalit, personal dentification raqam, inson resurslari, risk.

ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Рустамов Максуд Суванкулович
доктор экономических наук
доцент
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: rustamov.m.s@mail.ru
ORCID: 0000-0002-3329-5971

Эгамберганов Мирзабек Одилбек оглы
студент 3 курса финансового факультета
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: mirzobekegamberganov@gmail.com
ORCID: 0009-0000-2400-1989

Аннотация. В статье исследованы теоретико-правовые основы и вопросы совершенствования системы обеспечения информационной

безопасности как элемента экономической безопасности коммерческих банков, изучены способы оценки взаимодействия информационной и экономической безопасности.

Ключевые слова: наличные деньги, финансовый сектор, компьютерные технологии, информационная безопасность, частные сети, пластиковая карта, электронный ключ, персональный код, человеческий ресурс, риск.

ISSUES OF ENSURING INFORMATION SECURITY OF COMMERCIAL BANKS

Rustamov Maksud Suvankulovich
Doctor of Economic Sciences
associate professor
Tashkent State
the University of Economics
E-mail: rustamov.m.s@mail.ru
ORCID: 0000000233295971

Egamberganov Mirzabek Odilbek ugli
3rd year student of
the Faculty of Finance
Tashkent State the University
of Economics
E-mail: mirzobekegamberganov@gmail.com
ORCID: 0009-0000-2400-1989

Abstract. The article examines the theoretical and legal foundations and issues of improving the system for ensuring information security as an element of the economic security of commercial banks, and studies methods for assessing the interaction of information and economic security.

Keywords: cash, financial sector, computer technology, information security, private networks, plastic card, electronic key, personal code, human resource, risk.

Kirish

Bugungi kunda dunyo bozorining globallashuv jarayonida masofaviy xizmat ko‘rsatish va onlayn savdolar jadal rivojlanib borishi natijasida mijozlar uchun mazkur xizmatlardan er yuzini istalgan nuqtasidan turib erkin foydalanish imkoniyati tug‘ilmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasida ham internet orqali elektron to‘lov xizmatlaridan foydalanish tobora ommalashib bormoqda. Dunyo miqyosida bo‘lganidek, masofaviy bank xizmatlarining rivojlanishi, ilg‘or raqamli texnologiyalarning jamiyatimizga kirib kelishi bilan bir qatorda internet tarmog‘i orqali bank va to‘lov tashkilotlarining xizmatlaridan foydalanuvchilarga nisbatan moliyaviy firibgarliklar soni ortib borayotganligi kuzatilmoqda. Bugungi kunda

butun dunyoda “raqamli bank tizimlaridan foydalanuvchilar umumiy soni 2020 yilda 2,4 milliarddan oshdi. Tahlilchilarning prognozlariga ko‘ra 2024 yilga kelib raqamli bank foydalanuvchilari global miqyosda 54 foizga oshib 3,6 milliardni tashkil etadi, chunki faqatgina raqamli banklar bozorni katalizatsiya qilmoqda. Ushbu o‘sishga faqat raqamli banklarning ko‘payishi va o‘rnatilgan bank brendlari tomonidan raqamli transformatsiyaga doimiy e’tibor qaratilishi sabab bo‘ladi” [11].

Moliyaviy sektor axborot xavfsizligi sohasida eng ilg‘orlab ketganlardan hisoblanadi. Shu bilan birga AT-resurslarni miqyosli virtuallashuvi, mobil aloqaga kirishning tarqalib borishi, bulutli AT-infratuzilmasiga o‘tish bilan bog‘liq axborot texnologiyalari sohasidagi keskin o‘zgarishlar moliyaviy biznes ishtirokchilarini, davlat va xususiy tuzilmalar bilan bir qatorda alohida shaxslarni ham yangi texnologiyalardan va axborot xavfsizligi (AX) vositalaridan foydalanishga majbur qiladi.

Tijorat banklari axborot xavfsizligini ta’minlash ayrim yo’nalishlari bo’yicha olimlar o’z qarashlarini bildirgan. «Iqtisodiy xavfsizlik» tushunchasining mazmuni ilmiy adabiyotda turlicha talqin qilinadi. Mazkur tushuncha mazmunini Yoxan Baliyonn “mamlakatning yetarli mudofaa salohiyatini, davlat siyosatining ijtimoiy yo‘naltirilganini, milliy manfaatlarni himoya qilishni kafolatlashga qodir bo‘lgan iqtisodiyot va hokimiyat institutlarining ahvoli” deb ta’riflaydi [9]. Shuningdek u hokimiyat institutlarining iqtisodiyotni rivojlantirishshga qaratilgan, milliy manfaatlarni himoya qilish va ro‘yobga chiqarish hamda jamiyatning ijtimoiy-siyosiy barkdrorligini ta’minlash mexanizmlarini yaratishga qodirligi va tayyorligi” [8] deb ham talqin qilinadi.

Ikkinchi guruh olimlar mazkur tushunchani xalqning mustaqil ravishda tashqi kuchlarning aralashuvisiz va tazyiqisiz iqtisodiy taraqqiyot yo‘li va shakllarini o‘zi belgilab olishiga imkon beradigan holat sifatida tavsiflaydi

Uchinchi guruh olimlar «iqtisodiy xavfsizlik» tushunchasini iqtisodiyotning ijtimoiy ehtiyojlarni samarali qondirishga qodirligi deb ta’riflaydi.

To‘rtinchi guruh olimlar esa, mazkur tushunchani iqtisodiyotning barqaror rivojlanishining muhim sharti, bu sohada shaxs, jamiyat va davlatning eng muhim manfaatlarining ichki va tashqi tahdidlardan himoyalanishi deb tavsiflaydi. Ularning fikricha, iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlash – shaxs, jamiyat va davlat mavjudligi va ularning izchil rivojlanishiga imkon yaratadigan talab-ehtiyojlarning qondirilishi demakdir.

Taniqli rus iqtisodchisi L.I. Abalkin ushbu tushuncha mohiyatini ochib beruvchi uch omilga e’tibor qaratgan: 1. Iqtisodiy mustaqillik. Hozirgi jahon xo‘jaligi sharoitida iqtisodiy mustaqillik absolyut xarakterga ega emas, chunki xalqaro mehnat taqsimoti milliy iqtisodiyotlarni bir-biriga o‘zaro bog‘liq qilib qo‘yadi. Bunday jarayonda iqtisodiy mustaqillik davlatning iqtisodiy zahiralar ustidan nazorat o‘rnata olish imkoniyatini, jahon savdosida, kooperatsiya aloqalarida, ilmiy-texnika yutuqlarini ayirboshlashda teng ishtirok etishni va raqobatbardoshlikni ta’minlaydigan ishlab chiqarish, samaradorlik va sifat darajasiga erishishni anglatadi; 2. Milliy iqtisodiyotning barqarorligi. Bu omil

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

shaklidan qatiy nazar, mulkchilikning himoya qilinishi, tadbirkorlik faolligi uchun barcha shart-sharoit va kafolatlarning yaratilishini, mamlakatdagi vaziyatning yomonlashuviga, beqarorlikka olib keladigan holatlarning jilovlanishini (ya’ni iqtisodiyotdagi kriminal tuzilmalarga qarshi kurash, daromadlarning taqsimlanishidagi jiddiy farq, tabaqalanishning kelib chikishi, ijtimoiy vaziyatlarning keskinlaship ketishiga yo‘l qo‘ymaslik) taqozo etadi; 3. O’z-o‘zidan rivojlanishga va taraqqiy etishga kodirligi. Bu esa investitsiyalar va innovatsiya uchun qo’lay muhitning yaratilishi, ishlab chiqarishning muntazam modernizatsiyalashuvi, yangilanishi va takomillashib borishi hamda xodimlarning bilim, kasb-malaka, umumiy madaniy darajasining o‘sib borishi milliy iqtisodiyot barqarorligining zarur shartiga aylanishini ifodalaydi”[10].

Ye. Buxvald esa “iqtisodiy xavfsizlikni iqtisodiy tizimning aholi hayot faoliyati uchun zarur sharoit yaratish, xalq xo‘jaligini resurslar bilan barkaror ta’minlash hamda milliy davlat manfaatlarini ta’minlash va himoya etishga qodir ekanini aks ettiradigan sifat tavsifi deb ta’riflaydi”[11].

Moliyaviy tuzilmalarning bevosita pul bilan bog‘liq operatsion faoliyati kiberbuzg‘unchilar uchun ayniqsa jozibador ko‘rinadi. *Axborot xavfsizligi* sohasidagi mutaxassislar masofali bank xizmatlari ko‘rsatishni himoyalashda avvalgidek katta muammolarga duch bo’lmoqda. Bank sohasidagi mug‘ombirliklar ularga katta talafot yetkazuvchi omillar bilan kurashuvchi qimmatbaho tizimlardan foydalanishga majbur qilmoqda.

Paydo bo‘lish vaqtidan boshlab banklar jinoiy manfaat keltirib chiqargan. Bu manfaat nafaqat kredit tashkilotlarida naqd pul saqlanishi, balki banklarda ko‘pchilik odamlar, kompaniyalar, tashkilotlar va hatto butun boshli davlatlarning muhim va ko‘pincha maxfiy moliyaviy va xo‘jalik faoliyati bilan bog‘liq ma’lumot to‘planishi bilan bog‘liq bo‘lgan.

Bugungi kunda elektron to‘lovlar, plastik kartalar, kompyuter tarmoqlarining keng tarqalganligi natijasida axborot turli hurujlarning ob’yektiga aylanmoqda. Pul o‘g‘irlashga har qanday shaxs urinib ko‘rishi mumkin, buning uchun Internet tarmog‘iga ulangan kompyuter bo‘lsa bas. Bunda bank ichiga jismonan kirish ham shart emas, undan minglab kilometr uzoq bo‘lgan masofadan ham “ishlasa” bo‘ladi.

1995 yilning avgust oyida Buyuk Britaniyada 24 yoshlik rossiyalik matematik V. Levin hibsga olindi, u Sankt-Peterburgdagi o‘z uy kompyuteri yordamida yirik AQSh banklaridan biri bo‘lgan Citibank tizimiga kirishni uddalagan va uning hisob raqamlaridan katta miqdordagi pul mablag‘larini echib olishga uringan. Citibankning Moskva shahridagi vakolatxonasining ma’lumot berishicha, shu paytgacha bu ish hech kimni qo‘lidan kelmagan. Citibankning xavfsizlik xizmati bankdan $2,8 mln o‘g‘irlashga urinish bo‘lganligi, biroq nazorat qiluvchi tizimlar buni aniqlab, hisob raqamlarni yopib qo‘yganligini ma’lum qildi. Natijada faqatgina $400 ming o‘g‘irlangan.

AQShda bank muasassalarining kompyuter ma’lumotlaridan noqonuniy foydalanish natijasida ko‘rgan har yillik zarari ekspertlar baholashiga ko‘ra $0,3 dan $5 mlrdgacha bo‘lgan mablag‘ni tashkil qiladi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Shu sababli banklar axborot xavfsizligining strategiyasi boshqa kompaniyalarning va tashkilotlarning bunday strategiyasidan judda katta farq qiladi. Bu, avvalambor, xavflarning xarakteri hamda mijozlar uchun qulay qilish maqsadida hisob raqamlarga kirishni yengil qilib qo‘yishga majbur bo‘lgan banklarning oshkora faoliyati bilan bog‘liq.

Bankning axborot xavfsizligi quyidagi maxsus omillarni hisobga olishi zarur:

- haqiqiy pul mablag‘larini aks etuvchi va bank tizimlarida saqlanuvchi hamda ishlanuvchi ma’lumot. Kompyuter ma’lumotlariga asosan to‘lovlar amalga oshirilishi, kreditlar ochilishi, katta miqdordagi mablag‘lar hisobdan-hisobga o‘tkazilishi mumkin. Ushbu ma’lumotlardan noqonuniy ravishda foydalanish jiddiy zararlarga olib kelish mumkinligi barchaga ayon. Bu xususiyat banklarga (masalan, ichki ma’lumoti juda kam shaxslarga qiziq bo‘lgan sanoat kompaniyalaridan farqli ravishda) tajovuz qiluvchi jinoyatchilar doirasini shiddat bilan kengaytiradi;
- bank tizimlaridagi ma’lumotlar ko‘p sonli odamlar va tashkilotlar – mijozlarning manfaatlarini qamrab oladi. Odatda, ushbu ma’lumotlar maxfiy bo‘ladi va bank o‘z mijozlari oldida ularning talab darajasidagi maxfiylikni ta’minlash uchun javobgar bo‘ladi. Tabiiyki, mijozlar bank ularning manfaatlarini muhofazasini ta’minlay olishidan xotirjam bo‘lishlari zarur, buni o‘z bankidan kutishga haqli, aks holatlarda bank yomon oqibatlarga olib keluvchi o‘z obro‘yini yo‘qotish xavfiga uchraydi;
- bankning raqobatbardoshligi mijozning bank bilan ishlashi qanchalik qulayligi, ko‘rsatilayotgan xizmatlar spektri qanchalik kengligi, shu jumladan, uzoqdan kira olish bilan bog‘liq xizmatlarning ko‘rsata olishiga bog‘liq bo‘ladi. Shuning uchun mijoz o‘z mablag‘larini tez korlik bilan va ko‘p vaqt talab qiladigan proseduralarsiz boshqarish imkoniyatiga ega bo‘lishi zarur. Biroq pullarga bunday osonlik bilan kirib borish bank tizimlariga jinoiy yo‘l bilan kirib kelish ehtimolini kuchaytiradi;
- bankning axborot xavfsizligi (boshqa ko‘pchilik kompaniyalardan farqli ravishda) kompyuter tizimlarining ishini hatto favqulodda holatlarda ham yuqori darajadagi ishonchlilik bilan ta’minlashi zarur, chunki bank nafaqat o‘z mablag‘ari, balki mijozlar pullari uchun ham javobgar hisoblanadi.

Afsuski, bugungi kunda, yuqori texnologiyalarning rivojlanishi bilan, hatto maxfiy ma’lumotlardan foydalanishga oid ishlarni tartibga solish bo‘yicha o‘ta qat’iy choralar ham, ularni jismoniy kanallar orqali chiqib ketishini to‘sa olmaydi. Shuning uchun ma’lumotlarni himoyalashning tizimli yondashuvi axborot xavfsizligini ta’minlash uchun bank tomonidan foydalanilayotgan vositalar va harakatlar (tashkiliy, jismoniy dasturiy-texnik) o‘zaro bog‘liq, o‘zaro to‘ldiruvchi va o‘zaro harakatlanuvchi choralarning yagona kompleksi sifatida ko‘rilishini talab etadi.

Ma’lumki, 1992 yilda kompyuter jinoyatlaridan ko‘rilgan zararlar $555 mln, 930 ish yili va 15,3 mashina vaqtini tashkil qilgan. Boshqa ma’lumotlarga ko‘,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

moliyaviy tashkilotlarning zarari yiliga $173 mln dan $41 mlrdgachani tashkil qiladi. Ushbu misoldan, ishlov berish va ma’lumotlarni himoyalash tizimlari hisoblash tarmog‘iga ma’lumotlarni uzatishning potensial ishonchsiz muhitiga bo‘lgandek an’anaviy yondashuvni aks etishi to‘g‘risida xulosa qilsa bo‘ladi.

Bank axborot xavfsizligi risklari ro‘yxatining dolzarbligini ta’minlashi kerak. Ehtimoli kam bo‘lgan, lekin katta zarar keltiruvchi risklarrisklar ham axborot xavfsizligi risklari ro‘yxatiga kiritiladi.

Axborot xavfsizligi riski doimiy ravishda axborot xavfsizligi xizmati tomonidan baholanib va tahlil qilinib boriladi. Axborot xavfsizligi xizmati bank boshqaruvi raisiga bank risklari ortishi bo‘yicha tegishli ma’lumotlarni taqdim etib borishi lozim.

Axborot xavfsizligi xizmati axborot xavfsizligini ta’minlash tizimining nazoratini olib boradi va uzluksiz ishlashini ta’minlaydi.

Axborot xavfsizligi xizmati tomonidan bankda axborot xavfsizligini ta’minlash yuzasidan ma’lum bo‘lgan risk, qo‘llaniladigan boshqarish vositalari va usullarining ro‘yxati tuzilishi hamda bank boshqaruvi raisi tomonidan tasdiqlanishi lozim.

1-chizma.

Bank axborot xavfsizligi tizimi funksiyalari*



*Mualliflar ishlanmasi.

Bank tizimining axborot xavfsizligi mamlakat iqtisodiyotining barqarorligini ta’minlovchi tizimni shakllantiruvchi omil hisoblanadi.

Axborot xavfsizligi riskini boshqarish bo‘yicha amalga oshirilgan chora-tadbirlar natijalari hujjatlashtirilishi va yiliga kamida bir marotaba bank boshqaruvi raisi tomonidan ko‘rib chiqilishi hamda risklarni bartaraf etish yuzasidan tegishli chora-tadbirlar o‘tkazilishi kerak.

Axborot bank tizimlari va ochiq turdagi muassasalar xavfsizligini samarali tashkil etish bugungi kunda dolzarb masalalardandir.

Tijorat bankining axborot xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha ishlar muayyan xususiyatlardan kelib chiqib, tashkilot faoliyatiga bevosita quyidagicha ta’sir ko‘rsatadi:

- axborot xavfsizligini tartibga soluvchi hujjatlar, shu jumladan tegishli tarkibiy bo‘linmalar;
- hodisalar va tahdidlar to‘g‘risidagi statistik ma’lumotlarga asoslangan axborot xavfsizligini nazorat qilish usullari, axborot monitoringi ma’lumotlari va

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

axborot tizimi xavfsizligi auditi;

- korxonaning tarkibiy bo‘linmalari faoliyatini hisobga olgan holda axborot nazorati sohasidagi korxona faoliyati manfaatlari va maqsadlarining murakkabligi.

Tijorat bankining axborot xavfsizligining metodologiyasi amaliy tizimli tahlil qilish usullariga, shu jumladan, integratsiyalashgan axborot xavfsizligi vositalaridan foydalanishga asoslangan.

Xalqaro me’yoriy hujjatlarga muvofiq, axborot xavfsizligiga tahdidlarni aniqlash ularning tuzilgan ro‘yxati asosida, ular paydo bo‘lish chastotasini hisobga olib, tadqiqot va tahlil qilish uchun ro‘yxatga olish kitobi yoki ma’lumotlar bazasi formatidan foydalangan holda amalga oshiriladi.

2-chizma.

Axborot xavfsizligini ta’minlash va risklarni baholash bo‘yicha tadbirlar*



*Mualliflar ishlanmasi.

Axborot xavfsizligi riskini tahlil qilish jarayoniga sezilarli ta’sir ko‘rsatadigan omillar orasida quyidagilarni ta’kidlash kerak: tijorat banklari resurslari, xodimlar, axborot infratuzilmasi, me’yoriy-uslubiy ta’minot va ishchi hujjatlar, apparat va dasturiy ta’minot, aloqa uskunalari mavjudligi.

Risklarni baholash natijasi har bir alohida axborot xavfsizligi hodisasi uchun baholangan risk holatlari ro‘yxati, shu jumladan, kirish huquqlarini farqlash, tijorat bankining axborot infratuzilmasini o‘zgartirish va yo‘q qilish bilan bog‘liq qo‘shimcha omillar (xizmatlar va quyi tizimlar faoliyatining buzilishi).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Risk sub’yektlari, turli omillar va ularning paydo bo‘lish sabablari, shuningdek empirik tarzda olingan ma’lumotlarning jamlangan tahlili axborot tizimining xavfsizligi darajasiga ta’sir qiluvchi risklarning umumiy ro‘yxatini shakllantirishga imkon beradi.

Tijorat bankining avtomatlashtirilgan axborot tizimining axborot xavfsizligi vositalarining ishonchliligini oshirish muammolarini hal qilish, ayniqsa, qayta ishlangan axborot hajmining ko‘payishi va kiberjinoyatchilar sonining ko‘payishi sharoitida o‘z vaqtida va tezkor hal qilishni talab qiladigan murakkab muammodir.

Axborot xavfsizligi sohasida jinoyatlar sodir etilishiga qarshi kurashish uchun zarur bo‘lgan, bank sektori rahbarlari tomonidan qo‘llaniladigan texnologik yechimlar tahlil qilingandan so‘ng axborotni himoya qilishda quyidagi ba’zi tegishli choralari qo‘llash, yani:

- davlat darajasida moliyaviy va tijorat tashkilotlarida axborot xavfsizligi standartlarini takomillashtirish va ularning bajarilishi ustidan nazoratni joriy etish;
- xorijiy tajriba va texnologiyalarni qo‘llash hamda mamlakatimiz bank tizimining o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda, kiberhujumlarga qarshi kurashda innovatsion texnologiyalardan foydalanish;
- axborot xavfsizligi tizimining sifatini sinash va baholash uchun profilaktika ishlarini olib borish;
- raqamli ekotizimlar, venchur fondlari, tadbirkorlar, tadqiqot markazlari va boshqa bozor ishtirokchilari bo‘lgan banklar axborot xavfsizligi risklariga qarshi kurashish dasturlarini ishlab chiqish uchun grantlar berish bo‘yicha tanlovlarda ishtirok etish;
- xorijiy dasturiy ta’minotga bog‘liqlikni kamaytirish maqsadida axborot xavfsizligini rivojlantirish;
- axborot xavfsizligi riskini amalga oshirishga yordam beradigan amaliy xatolarni kamaytirish uchun tijorat banklari xodimlarining malakasini oshirish;
- IT mutaxassislarining tajribasi va malakasini baholaydigan, ularning malakasini oshiradigan o‘z-o‘zini tartibga soluvchi muassasa tashkil etish lozim.

Axborot xavfsizligi riskini tahlil qilish mavjud tahdidlarni aniqlash, ularni muvaffaqiyatli amalga oshirish ehtimolini, bank uchun mumkin bo‘lgan oqibatlarni baholash va qarshi choralarni amalga oshirishga to‘g‘ri ustuvorlik berish imkonini beradi. Risklarni tahlil qilish jarayoni quyidagi asosiy vazifalarni, yani:

- axborot tizimi resurslarini tahlil qilish va ularning o‘zaro bog‘liqligini hisobga oladigan resurs modelini yaratish;
- axborot tizimi tomonidan hal qilingan biznes-jarayonlar va vazifalar guruhlarini tahlil qilish, ularning o‘zaro bog‘liqligini hisobga olgan holda resurslarning tanqidiyligini baholash;
- ushbu tahdidlarni amalga oshirishga imkon beradigan axborot tizimi resurslari va xavfsizlik zaifliklariga qarshi xavfsizlik tahdidlarini aniqlash;
- tahdidlar ehtimolini, zaifliklarning kattaligi va bankka etkazilgan zararni

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

baholash;

- xavflarning kattaligini va ularning reytingini aniqlash kabilarni o‘z ichiga oladi.

Mamlakatimizda masofaviy bank xizmatlarining qamrab olish darajasi hanuzgacha internet bilan qamrab olish darajasidan ortda qolmoqda. Bu esa masofaviy bank xizmatlari bilan qamrab olish darajasini jiddiy o‘sishiga hali salohiyat va imkoniyat bor ekanligini anglatadi. O‘zbekistonda tijorat banklarining mijozlarga xizmat ko‘rsatishda raqamlashtirish jarayonlarini jadallashuviga ko‘plab omillar yordam beradi. Shu jumladan, internet bilan qamrab olish darajasining oshishi ham muhim omillardan biridir. 2022 yil 1 sentyabr holatiga ko‘ra masofadan bank xizmatlarini ko‘rsatuvchi tizimlardan foydalanuvchilarning soni bo‘yicha yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar 1 117 288 tani, jismoniy shaxslar esa 26 183 820 tani tashkil etgan.

1-jadval.

Masofadan bank xizmatlarini ko‘rsatuvchi tizimlardan foydalanuvchilarning soni

T/r	Bank	YSHlar va yakka tartibdagi tadbirkorlar, (*dona)*	Jismoniy shaxslar, *(kishi)*	Jami
1.	Milliy bank	84 574	1 401 717	1 486 291
2.	O‘zbekiston sanoat-qurilish banki	57 298	4 424 236	4 481 534
3.	Agrobank	175 213	3 951 432	4 126 645
4.	Ipoteka-bank	142 763	2 063 915	2 206 678
5.	Mikrokreditbank	84 387	1 073 679	1 158 066
6.	Xalq banki	90 617	3 573 991	3 664 608
7.	Garant bank	8 794	86 529	95 323
8.	Qishloq qurilish bank	26 291	377 043	403 334
9.	Turonbank	30 681	260 291	290 972
10.	Hamkorbank	103 754	1 444 994	1 548 748
11.	Asaka bank	36 505	932 535	969 040
12.	Ipak Yo‘li banki	45 807	1 304 281	1 350 088
13.	Ziraat bank Uzbekistan	2 865	39 206	42 071
14.	Trastbank	38 369	195 986	234 355
15.	Aloqabank	27 293	600 534	627 827
16.	KDB Bank O‘zbekiston	1 092	41 248	42 340
17.	Turkiston bank	3 607	15 521	19 128
18.	Soderot bank Toshkent	281	1 951	2 232
19.	Universal bank	9 438	104 789	114 227
20.	Kapitalbank	35 340	394 926	430 266
21.	Ravnaqbank	2 350	46 627	48 977
22.	Davr-bank	24 676	93 648	118 324
23.	Invest Finance bank	26 826	391 722	418 548
24.	Asia Alliance bank	16 207	335 118	351 325
25.	Hi-Tech bank	1 381	21 020	22 401
26.	Orient Finans bank	26 949	382 126	409 075
27.	Madad Invest bank	979	2 524	3 503
28.	Uzagroeksportbank	48	1 295	1 343
29.	Poytaxt bank	919	6 002	6 921
30.	Tenge bank	1 102	18 743	19 845
31.	TBC bank	-	691 514	691 514
32.	ANOR bank	10 882	1 904 677	1 915 559
Jami		**1 117 288**	**26 183 820**	**27 301 108**

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

*Manba:https://cbu.uz/oz/payment-systems/remote-banking-servic

O‘zbekiston bank tizimida internet-banking va «Bank-mijoz» dasturi asosan yuridik shaxslar uchun mo’ljallangn bo’lib, lekin jismoniy shaxslar ham ushbu xizmatdan foydalanishi mumkin. So‘nggi vaqtlarda bank mijozlari «Bank-mijoz» dasturiga nisbatan internet-bankingni ma’qul ko‘rmoqda. Sababi «Bank-mijoz» dasturi faqat dastur o‘rnatilgan kompyuterda ishlashi bo‘lib, foydalanuvchilarda istalgan yerda foydalanish imkoniyati yo‘qligi bir qancha noqulayliklar tug‘dirmoqda. Foydalanuvchi avval avtorizatsiya uchun bank veb-sayti shaxsiy kabineti orqali login va parolni kiritishi kerak. Agar foydalanuvchining login va paroli mos kelsa, u internet-banking tizimiga kirishi mumkin bo‘ladi, aks holda foydalanuvchiga ruxsat berilmaydi. Internet-banking xavfsizligi uchun yana bir yondashuv pin-kod va mobil raqamdan foydalangan holda amalga oshirish hisoblanadi.Ushbu tasdiqlash qo‘shimcha autentifikatsiya jarayonini ta’minlaydi, masalan, SMS orqali foydalanuvchi mobil telefoniga xavfsizlik token kodini taqdim etadi.

Xulosa

1. Tijorat banklarda saqlanadigan axborot bevosita haqiqiy pul bilan bog’likdir. Agar ushbu axborotga kirish himoyalanmagan bo’lsa, unda tahdidlar katta xavf tug'diradi: kompyuter texnologiyalari orqali hisobvaraq egasining xabarisiz katta miqdordagi pul mablag'larini umarishga imkon yaratiladi.
2. Tijorat bank sektoriga taalluqli axborotlar bank mijozlariga tegishli. Bank o'z mijozlariga tegishli axborot xavfsizligining maqbul darajasini ta'minlashi shart.
3. Bank axborot xavfsizligi hodisasi yuz bergan taqdirda ham axborot tizimlarining yuqori ishonchliligini ta’minlashi shart, chunki bank nafaqat o'z mablag'lari, balki mijozlarning pullari uchun ham javobgardir.
4. Bank o'z mijozlari haqidagi muhim axborotni saqlaydi, bu esa bunday axborotni o'g'irlash yoki zarar etkazishdan manfaatdor bo'lgan potentsial hujumchilar doirasini kengaytiradi. O’zbekiston bank tizimining axborot xavfsizligi bilan bog'liq tahdidlardan himoya qilish uchun bank ichki axborot xavfsizligi standartlariga rioya qilishi ustuvor talablardan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Yangi tahrir 2023-yil 30-aprelda qabul qilingan. (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023 y., 03/23/837/0241-son).
2. O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi. – Toshkent. Adolat, 1996. – 287 b. http://lex.uz/docs/111189
3. www.sciencedirect.com//juniperresearch/press/digital-banking-users
4. “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki to‘g‘risida”gi qonun. 2019-yil 11-noyabr, O‘RQ-582-son.
5. O‘zbekiston Respublikasining “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonuni 2019-yil 5-noyabr, O‘RQ-580-son.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

6. O‘zbekiston Respublikasining “Bank siri to‘g‘risida”gi qonuni. – T.: Adolat, 2003-yil 30-avgust.

7. O‘zbekiston Respublikasining “Elektron tijorat to‘g‘risida”gi qonuni 2015-yil 22-may, O‘RQ-385-son.

8. O‘zbekiston Respublikasining “Avtomatlashtirilgan bank tizimida axborotni muhofaza qilish to‘g‘risida” qonuni 2006-yil 4-aprel O‘RQ-30-son;

9. Йохан Балийон. Современные тенденции в области информационной безопасности банков // Банковское дело. – 2014. – № 10. – С. 60–63.,

10. Абалкин Л. Динамика и противоречия экономического роста / / Экономист, – 2001. – №1.

11. Бурцев В. Основные условия государственной финансовой безопасности / / Экономист, – 2001 – №9.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

БАНКЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мажидов Жамолиддин Комолиддинович
мустақил изланувчи
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
Тошкент давлат иқтисоддиёт университети
E-mail:jamoliddin-1985@list.ru
ORCID:0009-0003-7370-3938

Аннотация. Мақолада қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида сезиларли даражада юқори салмоққа эга эканлиги, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш уларнинг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияттини ривожлантиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, актив, портфель, стратегия, қимматли қоғоз, мажбурият, инфляция, девальвация, фоиз ставкаси.

ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БАНКОВ НА РЫНКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ

Маджидов Джамолиддин Комолиддинович
самостоятельный исследователь
доктор философии (RhD)
по экономическим наукам
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: jamoliddin-1985@list.ru.
ORCID:0009-0003-7370-3938

Аннотация. В статье рассматривается инвестиции в ценные бумаги имеющие существенный вес в общем объеме активов коммерческих банков, а также вопросы, связанные с развитием деятельности коммерческих банков на рынке ценных бумаг и обеспечением их ликвидности и финансовой устойчивости.

Разработаны научные предложения, направленные на развитие деятельности коммерческих банков Узбекистана на рынке ценных бумаг.

Ключевые слова: коммерческий банк, актив, портфель, стратегия, ценная бумага, обязательство, инфляция, девальвация, процентная ставка.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ISSUES IN THE DEVELOPMENT OF BANKING ACTIVITIES IN THE SECURITIES MARKET

Majidov Jamoliddin Komoliddinovich
independent researcher
Doctor of Philosophy (RhD)
in Economic Sciences
Tashkent State the University of Economics
E-mail: jamoliddin-1985@list.ru.
ORCID:0009-0003-7370-3938

Abstract. The article examines investments in securities that have a significant weight in the total assets of commercial banks, as well as issues related to the development of the activities of commercial banks in the securities market and ensuring their liquidity and financial stability.

Scientific proposals have been developed aimed at developing the activities of commercial banks of Uzbekistan in the securities market.

Keywords: commercial bank, asset, portfolio, strategy, security, liability, inflation, devaluation, interest rate.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармонии билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн АҚШ долларидан 7 млрд АҚШ долларига етказиш, иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 млрд АҚШ доллари, жумладан 70 млрд доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлган тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

Г. Мэнкьюнинг хулосасига кўра,. фонд бозори – бу хоҳловчи шахсларга жамғарма қилиш, акция ва облигация бозорида ўз маблағларини қарздорларга бериш имконини яратувчи молиявий муассалар йиғиндисидир [2].

Хорижлик иқтисодчи олимлар Ниҳат Актас, Катҳлеэн Андриес, Этторе Сроси, Али Оздакакларнинг илмий изланишларида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва унда IPOларни молиялаштириш масалалари тадқиқ қилинган [3].

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Мазкур илмий тадқиқот ишларида асосий эътибор қимматли қоғозларни жойлаштиришда юзга келадиган иқтисодий ва сиёсий рискларни бошқариш, молиявий ресурсларнинг етарлилигини таъминлаш, юқори ликвидли ва юқори рискли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш масалаларига қаратилган.

Ваҳбеэаҳ Моҳти, Андреиа Дионисио, Исабел Виеира, Пауло Ферреираларнинг илмий тадқиқотларида Осиё қимматли қоғозлар бозорининг минтақавий ва глобал интеграллашуви масалалари тадқиқ қилинган [4]. Ушбу илмий тадқиқот ишларида қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларига таъсир қилувчи омиллар, Осиё давлатларидаги иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришини ушбу мамлакатлар эмитентлари томонидан муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларига таъсири, қимматли қоғозларнинг минтақавий ва глобаллашувининг оқибатлари ва миллий фонд бозорларига таъсири масалалари тадқиқ қилинган ҳамда тадқиқот натижаларига таянадиган илмий хулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Ю. Морозкин ва Е. Свистуноваларнинг фикрига кўра, фонд бозори конъюнктурасини динамик ўзгариши шароитида оптимал қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди. Бундай шароитда тижорат банкига қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришнинг такомиллашган стратегиясини яратиш зарур бўлади. Бошқарув фонд бозоридаги ҳолатлар тўғрисида хулосалар шакллантириш имконини берадиган у ёки бу омилларни мониторинг қилиш асосида қимматли қоғозлар портфелига тузатиш киритиш имконини беради. Бу эса, инвестициялаш стратегияси ва портфелнинг таркиби бўйича замонавий ва аниқ қарорларни қабул қилиш учун имконият яратади [5].

Мазкур хулоса ривожланаётган мамлакатларнинг банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, инфляция даражасининг ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги, молия қонунчилигининг барқарор эмаслиги қимматли қоғозлар бозори конъюнктурасининг динамик ўзгаришини кучайтиради. Бунинг устига, миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг инфляция ва девальвация таъсирида қийматини йўқотиш эҳтимолининг юқори эканлиги фонд бозоридаги ноаниқликни кучайишига хизмат қилади. Тараққий этган мамлакатларда инфляция ва девальвация муаммоси ҳозирги даврда мавжуд эмас.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришда Ҳ. Марковицнинг портфель назариясидан кенг фойдаланилади. Олимнингг назариясига кўра, йўл қўйиладиган хатоликлардан бири шундаки, инвестор ҳар доим даромадлиликнинг мақбул даражаси шароитида кам рискни таъминлайдиган ёки рискнинг мақбул даражаси шароитида юқори даромадни таъминлайдиган портфелни таъминлайди. Ушбу хатога йўл қўймаслик учун инвестор шундай портфелни танлаши керакки, бунда кутилаётган даромад

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

риск ошмасдан туриб ошиши мумкин эмас ёки, аксинча, риск кутилаётган даромад камаймасдан туриб камаймаслиги керак [6].

Ж. Синкининг хулосасига кўра, портфелларида рисклар даражаси юқори бўлган тижорат банклари Базель қўмитасининг банк назорати бўйича янги талаблари жорий этилгандан сўнг тўланадиган дивидендлар миқдорини камайтиришга, иш ўринларини қисқартиришга, айрим активларини сотишга мажбур бўлишди [7].

А. Омоновнинг таклифига кўра, “Тижорат банклари узоқ муддатга мўлжалланган субординар қимматли қоғозларини муомалага чиқариши зарур. Уларнинг сўндириш муддатини камида 10-15 йил қилиб белгилаб, фоиз ставкалари ҳам нисбатан паст даражада бўлиши лозим. Субординар қимматли коғозларнинг 80-90 фоизини Ўзбекистан Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг мажбурий захиралари ва бошқа маблағлари ҳисобидан сотиб олиши мақсадга мувофиқ. Бунда шакллантирилаётган маблағлар тижорат банкларининг қўшимча капиталини оширишга йуналтирилиши лозим. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши республикамизда монетизация коэффициентини ошириш ва банкларга нисбатан арзон манбалар ҳисобидан капиталлашув даражасини ошириш имкониятини беради” [8].

Ш. Ибодуллаевнинг хулосасига кўра, республикамизда миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини ва инфляция даражасини нисбатан юқори эканлиги миллий валютада эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга тўсқинлик қилади. Бунинг сабаби шундаки, девальвация ва инфляция таъсирида сўмда ёзилган қимматли қоғозларга миллий валютада қилинган инвестицияларнинг реал қиймати кескин пасайиб кетади. Бунинг натижасида инвестор ҳам олиниши лозим бўлган даромадини йўқотади, ҳам пул маблағлари қийматининг маълум қисмидан айрилиб қолади [9].

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг қарори билан тасдиқланган «Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консультанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги низомга мувофиқ:

– банк томонидан қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида касбий фаолиятни амалга оширишда банк ҳар бир мижознинг қимматли қоғозлари ва пул маблағлари ҳисобини юритиши, қимматли қоғозларга доир битимлар ва операцияларни мижоз билан тузилган шартномага мувофиқ амалга ошириши, тузилган битимлар ва амалга оширилган операциялар тўғрисида унга ҳисобот бериши шарт;

– банкда инвестиция воситачиси, инвестиция активларини

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

бошқарувчиси ва инвестиция консультанти сифатида касбий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ банк операциялари бўйича жавобгарлик юклатилган таркибий бўлинма бўлиши лозим;

– республика ҳудудларида жойлашган қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчиси ва инвестиция консультанти сифатида фаолият юритувчи банк филиаллари қонунчиликда кўзда тутилган ахборотни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг жойлардаги тегишли ҳудудий бўлимларига қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этади;

– банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчиси ва инвестиция консультанти сифатидаги касбий фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан биргаликда амалга оширилади [10].

Эътироф этиш керакки, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонун билан дунё тажрибасидан келиб чиқиб, акциялар қоғоз шаклидан электрон шаклга ўзгарди ва акциядорлар реестрини юритиш функцияси акциядорлик жамиятларидан олиниб, 1999 йилда давлат корхонаси шаклида тузилган Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига берилди.

“Тошкент” республика фонд биржаси қимматли қоғозлар бозорига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар (Марказий депозитарий, Ҳисоб-клиринг палатаси, иккинчи поғонали депозитарийлар, брокерлик идоралари) билан биргаликда қимматли қоғозлар билан савдо жараёнларини янада такомиллаштириб бориш орқали фонд бозорининг барча субъектлари учун инвестиция манбаларига эркин кира олиш имконини яратиб берувчи ташкиллашган ва доимий фаолият юритувчи қимматли қоғозлар бозоридир.

1-диаграмма.

“Тошкент” фонд биржасида амалга оширилган битимлар ҳажми, млрд сўм[1]



*Диаграмма муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

[1] Биржевое обозрение за 2022 год//analytics@uzse.uz.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадики, “Тошкент” фонд биржасида амалга оширилган битимлар ҳажми 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мажбуриятларининг таркиби, жамига нисбатан фоизда*[2]

Пассивлар таркиби	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021й.	2022 й.
Депозитлар	37,3	41,1	37,3	41,8	45,4
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	0,27	0,8	0,4	0,2	0,2
Бошқа банкларнинг маблағлари-резидент	3,4	4,5	4,2	3,6	3,9
Бошқа банкларнинг маблағлари-норезидент	0,3	0,4	1,0	1,2	4,8
Олинган кредитлар ва лизинг	55,6	47,5	49,3	46,5	39,1
Чиқарилган қимматли қоғозлар	0,01	1,3	3,1	2,8	2,3
Субординар қарзлар	0,0	1,8	1,3	1,1	1,4
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	1,2	1,1	1,2	1,1	1,1
Бошқа мажбуриятлар	2,0	1,7	2,2	1,8	1,8
Жами мажбуриятлар	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**

*Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан яққол кўринадики, 2018-2022 йилларда республикамиз тижорат банклари мажбуриятларининг умумий ҳажмида энг юқори салмоқни депозитлар ва хориждан жалб қилинган халқаро кредитлар ва халқаро лизинг эгаллаган, банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи эса, жуда паст бўлган. Бу эса, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги эмиссион фаолиятини ривожланмаганлигини кўрсатади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари таркиби, фоизда*[3]

Активлар таркиби	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Кассали активлар шу жумладан:	17,1	17,2	17,3	18,1	20,0
Банк кассасидаги нақд пуллар, бошқа тўлов ҳужжатлари	*2,5*	*2,4*	*2,7*	*2,4*	*3,5*
Марказий банкдаги маблағлар	*5,3*	*5,4*	*5,1*	*7,1*	*6,6*
Бошқа банкдаги маблағлар-резидент	*3,0*	*3,7*	*3,6*	*3,0*	*3,1*
Бошқа банкдаги маблағлар-норезидент	*6,3*	*5,7*	*5,9*	*5,6*	*6,8*

[2] Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.
[3] Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк тизими фаолият кўрсаткичлари маълумотлари (www.cbu.uz) асосида тузилган.

Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	1,1	1,2	2,6	4,4	5,7
Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	0,9	0,2	0,4	0,3	0,3
Кредитлар	76,8	76,1	73,8	71,1	68,1
Банкнинг асосий воситалари	1,6	2,1	2,3	2,5	2,6
Банкнинг активлар бўйича ҳисобланган фоизлари	1,3	1,2	2,2	2,1	2,2
Банкнинг бошқа активлари	1,2	2,0	1,4	1,5	1,1
Жами активлар	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**

Бу ерда 2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда мамлакат тижорат банклари активларининг таркибида энг юқори салмоқни кредитлар эгаллади, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар эса, жуда кичик салмоқни эгаллади. Бу эса, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестицион фаолиятини ривожланмаганлигини кўрсатади.

Хулоса

Илмий мақола устида ишлаш жараёнида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн АҚШ долларидан 7 млрд АҚШ долларига етказиш каби долзарпб вазифанинг қўйилганлиги қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлган тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш заруриятини юзага келтиради;

*тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришда Ҳ. Марковицнинг портфель назариясидан кенг фойдаланилмоқда;

*“Тошкент” фонд биржасида амалга оширилган битимлар ҳажмини 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади;

*2018-2022 йилларда республикамиз тижорат банклари мажбуриятларининг умумий ҳажмида энг юқори салмоқни депозитлар ва хориждан жалб қилинган халқаро кредитлар ва халқаро лизинг эгаллаган, банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи эса, жуда паст бўлган;

*2018-2022 йилларда мамлакат тижорат банклари активларининг таркибида энг юқори салмоқни кредитлар эгаллагани ҳолда, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни жуда кичик салмоқни эгаллаганлиги тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестицион фаолиятини ривожланмаганлигидан далолат бюеради.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар

бозоридаги фаолиятини ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги эмиссион фаолиятини ривожлантириш учун, биринчидан, банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида инновацион депозит маҳсулотларининг улушини ошириш мақсадида депозит сертификатлари ва жамғарма сертификатларининг эмиссия ҳажмини ошириш керак; иккинчидан, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғоғзларнинг даромадлилиги ва рисклилигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг меъёрий даражаларини таъминлаш лозим; учинчидан, тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғозларнинг қийматини пасайиши муаммосини ҳал қилиш учун инфляция ва миллий валютанинг девальвация суръатининг паст ва барқарор даражасини таъминлаган ҳолда, қимматли қоғозларнинг мазкур омиллар таъсирида пасайган қийматини уларга тўланадиган фоизлар ва дивидендла таркибида ҳисобга олишни жорий қилиш керак.

Республикамизда инфляция ва миллий валютанинг девальвация суръатлари юқорилигича қолмоқда. 2022 йилда республикамизда инфляциянинг йиллик даражаси 12,3 фоизни ташкил этди [11].

2. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестицион фаолиятини ривожлантириш учун, биринчидан, банклар трансакцион депозитларининг барқарор қолдиғини юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилиш йўли билан ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини ошириш зарур; иккинчидан, қимматли қоғозлар портфелининг диверсификация даражасини ошириш, фундаментал ва техник таҳлилни такомиллаштириш йўли билан банклар томонидпан корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳажмини ошириш керак; учинчидан, банкларнинг қимматли қоғозлар портфелини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

– қимматли қоғозлар портфелини бошқариш стратегиясига У. Шарпнинг регрессион таҳлил усулини [12] киритиш керак (мазкур усулни стратегияга киритилиши оптимал портфель параметрларини аниқлаш имконини беради);

– қимматли қоғозлар портфелининг мўътадил диверсификация даражасини тавсифловчи кўрсаткичини стратегияда аниқ акс эттириш лозим;

– жалб қилинган ресурсларнинг барқарорлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, уларни юқори ликвидли ва юқори рискли қимматли қоғозларга инвестиция қилиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли қарори. – www.lex.uz.

2. Мэнкью Г. Принципы макроэкономики. Пер. с англ. – СПб.: Питер,

2009. – 544 c.

3. Nihat Aktas, Kathleen Andries, EttoreCroci, Ali Ozdakak “Stock market development and the financing role of IPOs in acquisitions” Journal of Banking & Finance, Volume 98, January 2019, – Pages 25-38. – https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378426618302395

4. Wahbeeah Mohti, Andreia Dionísio, Isabel Vieira, Paulo Ferreira “Regional and global integration of Asian stock markets” Research in International Business and Finance, Volume 50, December 2019, Page357-368. – https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0275531918309991

5. Морозкин Ю.Н., Свистунова Е.С. Управление портфелем ценных бумаг в коммерческом банке//Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2011. – №6. – С. 138.

6. Markowitz, H. 'Portfolio Selection/ The Journal of Finance, 1952 – №7. – P. 77-91.

7. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 447-448.

8. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ... дисс.автореферати – Тошкент, 2008. – 32 б.

9. Ибодуллаев Ш.Т. Тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 2023. – 56 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2015 йил 22 августдаги 299-В-2, 2015-12-сонли қарори. “Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчиси ва инвестиция консультанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 105-модда; 2014 й., 9-сон, 95-модда; 2015 й., 38-сон, 503-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.03.2019 й., 10/19/1782-3/2845-сон.

11. Пул-кредит сиёсати. – www.cbu.uz

12. Шарп У., Александер Ж. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: Инфра-М, 2003. – 1028 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

БАНКЛАРДА РИСКЛАРНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ МАҚСАДИ ВА МЕЗОНЛАРИ

Саидов Улуғбек Абдивалиевич

АТБ Агробанк бўлим бошлиғи
E-mail: xusniyaxajieva442@gmail.com
ORCID: 0009-0005-1976-729X

Аннотация. Мақолада банкларда рискларни диверсификациялашнинг мақсад ва вазифалари, банкларнинг диверсификация орқали эришадиган натижалари, шунингдек диверсификациялашга таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Мазкур мавзу юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб борган иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, шарҳланган. Илмий иш сўнгида ўрганилган билимлар асосида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, глобаллашув, риск, банк рисклари, кредит рисклари, диверсификация, миллий иқтисодиёт, миллий валюта, монетар сиёсат, банк активлари, банк ликвидлиги, халқаро молиявий институтлар, фоиз ставкаси.

ЦЕЛЬ И КРИТЕРИИ ДИВЕРСИФИКАЦИИ РИСКОВ В БАНКАХ

Саидов Улуғбек Абдивалиевич

Начальник отдела АКБ Агробанк
E-mail: xusniyaxajieva442@gmail.com
ORCID: 0009-0005-1976-729X

Аннотация. В статье изучены цели и задачи диверсификации рисков в банках, результаты, достигнутые банками за счет диверсификации, а также факторы, влияющие на диверсификацию. Проанализированы мнения экономистов, проводивших исследования по данной теме. По итогам научной работы на основе полученных знаний были сформированы выводы и предложения.

Ключевые слова: коммерческие банки, глобализация, риск, банковские риски, кредитные риски, диверсификация, национальная экономика, национальная валюта, денежно-кредитная политика, банковские активы, банковская ликвидность, международные финансовые институты, процентная ставка

PURPOSE AND CRITERIA OF RISK DIVERSIFICATION IN BANKS

Saidov Ulugbek Abdivalievich

Head of department of JSCB Agrobank

E-mail: xusniyaxajieva442@gmail.com
ORCID: 0009-0005-1976-729X

Abstract. In this article, the goals and objectives of risk diversification in banks, the results achieved by banks through diversification, as well as the factors affecting diversification, are extensively studied. Opinions of economists who conducted research on this topic were studied and interpreted. At the end of the scientific work, conclusions and proposals were formed based on the knowledge gained.

Keywords: commercial banks, globalization, risk, bank risks, credit risks, diversification, national economy, national currency, monetary policy, bank assets, bank liquidity, international financial institutions, interest rate.

Кириш

Тижорат банкларида рискларни диверсификациялашда асосий эътибор микро ва макродаражада банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фойдасини ошириш, мижозлар ва акциядорларлар олдидаги мажбуриятларни узлуксиз бажаришга қаратилади. Макродаражада банкларда рискларни диверсификациялаш мамлакат банк тизимини фаоллаштириш ва миллий валюта тўлов қобилиятини ошириш, аҳоли ва мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Риск доимий равишда бизни ўз қуршовида олиб юради, унинг тури ва вужудга келиш жараёни жуда кўпқирралидир. Риск таъсир доирасининг кенг ёки торлиги кўп жиҳатдан иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий жараёнга ҳам бевосита ва билвосита боғлиқ ҳисобланади. Албатта, бу жараёнда банк рискларини диверсификациялаш муҳим йўналишлардан ҳисобланиб, мақолада банкларда рискларни диверсификациялашнинг иқтисодий мазмуни ва асосий тамойиллари атрофлича қиёсий таҳлил қилинган.

Банк рискларини диверсификациялаш зарурияти бозор иқтисодиётининг чуқурлашуви ва халқаро иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида муҳим масалалардан ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари билан омонатчилар, инвесторлар, қарз (кредит) олувчилар, мижозлар ўзаро муносабатлари доимо кенгайиб боради, бу, ўз навбатида, рискларни самарали диверсификациялашга бўлган эҳтиёжни чуқурлашувига олиб келади.

Адабиётлар шарҳи

Хорижий иқтисодчи олимлари томонидан “банк риски” тушунчаси атрофлича ўрганилган. Уларнинг бу борадаги қарашлари ва хулосалари бир-биридан жиддий фарқ қилади. Жумладан, банкларда кредит рисклари билан боғлиқ масалалар В.Н. Ерманов, В.Д. Крылова, М.Д. Розенберг, Е.Е. Румянцева, Р.Г. Ольхова, Д.М. Нотон ва шу каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Мамлакатимизда банк рисклари билан боғлиқ жараёнлар ва муаммоларнинг юзага келиши узоқ тарихга эга эмас. Шу сабабли ҳам банк

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

рисклари билан боғлиқ жараёнлар миллий иқтисодчи олимлар томонидан юқори даражада ўрганилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, “банк риски” кенг кўламли иқтисодий тушунча бўлиб, унга банк фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш, фойда олиш ва шу каби жараёнларда вужудга келадиган хавфлар киради.

Иқтисодчи Е.Б. Стародубцеванинг фикрига кўра, “риск – бу йўқотишларга олиб борувчи ҳодисалар эҳтимолининг қийматдаги ифодасидир. Риск даражаси қанчалик юқори бўлса, фойда олиш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлади. Рисклар жорий ва келгусидаги ҳақиқатда эришиладиган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар натижасида юзага келади. Улар ижобий бўлиши билан бирга, салбий бўлиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, агар йўқотишларга йўл қўйиш мумкинлиги олдиндан кўзда тутилса ва ундан ўзини эҳтиёт қилинсагина фойда олиш мумкин бўлади” [3].

Е.Б. Стародубцева томонидан рискларнинг иқтисодий мазмунига берилган таъриф кенг кўламли бўлиб, биз муаллифнинг “рисклар жорий ва келгусидаги ҳақиқатда эришиладиган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар натижасида юзага келади” деб таъкидлаган фикрига ҳам қўшила олмаймиз. Сабаби миллий иқтисодиёт ва миллий валютанинг барқарорлиги контекстида рисклар жорий ва келгусидаги даврда эришиладиган натижалар ўртасидаги тафоввут сифатида намоён бўлмаслиги ҳам мумкин.

Хорижий иқтисодчилар Е.В. Иода, Л.Л. Мешкова, Е.Н. Болотиналар томонидан банк рискларига таъриф беришда икки томонлама ёндашилган. Абсолют маънода “риск – ўлчанилиши мумкин моддий нарсалар (жисмоний) ва қиймат (пул маблағлари) кўринишидаги йўқотишлар миқдорини аниқлайди” дея қаралса, нисбий маънода “риск – тижорат банкининг молиявий ҳолатига, фаолиятдаги ресурсларининг умумий харажатларига ёки кутиладиган даромадига (фойдасига) таъсир қилиши мумкин бўлган йўқотишлари миқдори”, дея таъкидланган [4].

Худди шунингдек, Россиянинг бошқа иқтисодчи олимлари ҳам “кредит риски – контрагент шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажармаслиги натижасида кўриши мумкин бўлган йўқотишдир. Қарз олувчи томонидан асосий сумма ва тўланган суммани чиқариб ташлангандан сўнг қолган фоиз тўловини тўлолмаслиги кредитор учун йўқотилган зарар сифатида баҳоланади”, деган тарзда рискни фақат кредит жараёни билан боғлаб қўйган [5].

Маҳаллий иқтисодчи Ш. Абдуллаева томонидан ҳам “банк рисклари” тушунчаси тадқиқ қилинган бўлиб, унда “банк риски – бу банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад ололмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишдир”, деб таъриф келтирилган. Шу билан бирга, олиманинг фикрига кўра, банк рисклари вужудга келиши, намоён бўлиши жиҳатидан турли-туман бўлиб, уларнинг барчаси пул соҳибининг кредит сифатида йўналтирган қийматининг ва унга тўланадиган фоиз тўловларининг тўлиғича қайтиб

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

келмаслиги билан изоҳланади [6].

Россиялик иқтисодчи олимлар томонидан нашр этилган юридик луғатда “Кредит риски – қарз олувчининг кредитор олдидаги узоқ муддатли мажбуриятларни бажармаслик риски, яъни берилган қарз (кредит) қайтарилмасдан қолади” дейилган ва асосий эътибор банк фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган кредит рискига қаратилгн. Албатта, бу фикрга биз қўшиламиз, бироқ масаланинг иккинчи жиҳати, риск фақат кредит билан эмас, балки банкнинг пассив операциялари билан ҳам боғлиқлиги эътибордан четда қолган [7].

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банклар фаолиятида риск ва уни диверсификациялаш бўйича масалага тўхталадиган бўлсак, у ҳозирги кунда барча мамлакатлар тижорат банклари олдида турган ўта муҳимдир. Чунки кейинги 10-20 йилда давлат молия-кредит ва бошқа йўналишларда рақамли хизматлар, техника ва технологиялар жуда тез ривожланиши билан бирга, ер юзи аҳолиси сонининг ортиб бориши, иқтисодий ресурслар ҳажмининг камайиб бораётганлиги, мамлакатлар ва минтақалар ўртасида геоиқтисодий ва геосиёсий муносабатларнинг таранглашуви тижорат банклари риск даражасини доимий равишда нормал даражасини таъминлаш ва уни самарали диверсификациялашни долзарб масалалар сифатида кун тартибига қўймоқда.

Бундан ташқари, глобал даражада хомашё ва молия бозорларининг ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг номўтаъдиллиги, шунингдек мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимоти ва молиявий-иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви тижорат банкларида рискларни диверсификациялаш зарурлигини келтириб чиқаради. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари кредит ва омонатлари бўйича фоиз ставкаларининг талаб ва таклиф асосида шаклланиши, улар билан боғлиқ рискнинг доимий равишда ўзгаришга мойиллиги, шунингдек маҳаллий ва хориж молиявий муассасаларининг фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетиши, бир мамлакатда рўй берган молиявий-иқтисодий муаммо бошқа бир мамлакатнинг молия-кредит соҳасида ўз аксини топиши кучайиб бормоқда. Бундай ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тижорат банкларида рискларни диверсификациялаш орқали тегишли фойдани шакллантиришга кучли эҳтиёж туғдиради.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, кейинги йилларда мамлакатимизда бозор муносабатларининг такомиллашуви ва иқтисодий рақобатнинг чуқурлашуви ҳамда мамлакатимиз молиявий-иқтисодий муносабатларининг бошқа мамлакаталар ва халқаро молиявий ташкилотлар билан иқтисодий интеграция жараёнларининг тезлашуви тижорат банкларида рискларни диверсификациялашни талаб этмоқда.

Демак, банк рискларини диверсификациялашнинг асосий мақсади банкнинг акциядорлари ва мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариши, шунингдек банкнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

бўлиб, бу мақсадга эришишда тижорат банклари рискли активлар ва мажбуриятларни бажариш жараёнида вуждга келадиган рискларни диверсификациялаш ҳисобланади.

Тижорат банклари рискларини диверсификациялаш уларга қатор имкониятларни беради, уларнинг асосийлари қуйидаги чизмада келтирилган.

1-чизма.

Тижорат банклари рискларини диверсификациялаш натижалари*



*Муаллиф ишланмаси.

Чизмадан кўриниб турибдики, тижорат банклари рискларини диверсификациялаш ижобий натижаларни беради, уларнинг айримларига кенгроқ тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Банк активлари сифатининг ошириш орқали харажатларни камайтириш. Маълумки, тижорат банкларида активлар сифатининг ёмонлашуви уларнинг харажатларини ортишига олиб келади. Буни Марказий банкнинг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 2696-3-сонли низомига кўра, тижорат банклари активлари қуйидаги гуруҳларга таснифланади ва улар бўйича захиралар ажратилади[1].

– стандарт – 1%;
– субстандарт – 10%;
– қониқарсиз – 25%;
– шубҳали – 50%;
– умидсиз – 100%.

Тижорат банкдари активлар сифатини мазкур 5 та категория бўйича гуруҳлаган ҳолда уларга келгусида вужудга келиши мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантиради, албатта,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ушбу захиралар банкнинг харажатлари ҳисобидан амалга оширилиб, банкнинг ҳисобот даврини охирида оладиган фойда даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, тижорат банклари томонидан республика ҳудудидаги банкларга жойлаштирилган активлар (вакиллик ҳисобварақлари, банклараро депозитлар ва кредитлар) сифати қуйидагича таснифланади:

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 10 кунгача кечиктирилганда — «қониқарсиз»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 11 кундан 30 кунгача кечиктирилганда — «шубҳали»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 31 кундан кечиктирилганда, шунингдек актив жойлаштирилган банкнинг лицензияси чақириб олинган ёки бошқа тартибда уни тугатиш ишлари бошланганда - «умидсиз». Бунда актив жойлаштирилган банкларнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда Марказий банк томонидан ўрнатилган нормативларнинг бажарилиши мунтазам ўрганиб борилади [1].

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, тижорат банклари активлари сифати бўйича тегишли гуруҳларга таснифланиши баробарида улар бўйича тегишли захиралар шакллантирилади, агар муаммоли ҳолатга келган активлар асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар билан тўлиқ банкка қайтарилмаса, банкнинг харажатлари ҳисобидан қопланади.

Тижорат банклари активлари сифатининг ёмонлашуви нафақат уларнинг харажатлари, яъни фойда даражасининг пасайишига таъсир қилади, балки қуйидаги зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқаради:

– банкнинг йирик инвесторлари ва ҳамкорлари банк билан келгусида ҳамкорликни давом эттириш масаласини қайта кўриб чиқади;

– ликвидликни таъминлаш даражаси пасайиши натижасида банк мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муаммолар вужудга келади;

– банкнинг молиявий барқарорлиги ёмонлашуви оқибатида унга нисбатан акциядорлар ва мижозларнинг ишончи пасаяди;

– банк акциялари бозор баҳоси пасаяди, ўз маблағлари таркибида қўшимча капитал улуши пасаяди ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин ва бошқалар.

Банк рисклари ягона тартибда умумлаштирилиши ва тизимлаштирилиши бошқариш самарасини оширади. Тижорат банклари фаолияти реал сектордаги ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятига қараганда ўта рискли фаолият ҳисобланади. Чунки тижорат банклари молиявий ресурсларининг 88-90 фоизи учинчи шахслардан тегишли шартлар асосида жалб қилинган молиявий маблағлар ҳисобидан шаклланади. Албатта, ушбу ресурслар тижорат банклари томонидан ўзаро келишилган муддатда ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши керак. Агар шу жараёнда рисклар диверсификациялаш ёрдамида тегишли йўналишлар

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

бўйича умумлаштирилмаса ва тизимлаштирилмаса, унинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари жуда ёмон бўлади.

Маълумки, банк мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажариш учун ликвид маблағларга эга бўлиши лозим. Банк ликвид маблағларга эга бўлиши учун мажбуриятлар ва ликвид маблағлар ўртасидаги ўзаро мутаносиблик самарали бошқарилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, хорижий амалиётда тижорат банклари фаолиятини самарали ташкил этиш ва кўзланган мақсадга эришишда рискларни диверсификациялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнда банкларнинг рискли активлари ва узоқ муддатли маблағларни жалб этиш оқибатида вужудга келадиган рискларини диверсификациялаш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, тижорат банкларида 1980 йилларга қадар асосий эътибор уларнинг рискли активларини бошқариш асосий масала ҳисобланган, кейинчалик эса банкларнинг пассив операциялари билан боғлиқ вужудга келиши мумкин бўлган рискларни бошқариш ва диверсификациялаш долзарб масалага айланган. Чунки тижорат банкларининг мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажарилмаслиги билан боғлиқ зиддиятли ҳолатлар вужудга келган. Хусусан, йирик мижозларнинг бошқа банкларга ўтиб кетиши, инвесторларнинг маблағларни киритиш ҳохишининг камайиши, банк акциялари бозор баҳосининг пасайиб кетиши каби ҳолатлар шулар жумласидандир.

Қуйидаги чизмада тижорат банклари рискларини диверсификациялашнинг асосий вазифалари келтирилган.

2-чизма.

Банк рискларини диверсификациялаш мезонлари*



*Муаллиф ишланмаси

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Юқорида тижорат банклари рискларини диеврисификациялашнинг мақсадини атрофлича кўриб чиққандик, албатта ушбу мақсадга эришиш учун қатор вазифалар қўйилади. Уларнинг асосийлари юқоридаги чизмада келтирилган. Банкнинг фойда олиш даражасини таъминлаш, рискли активларнинг сифатини ошириш ҳамда муаммоли кредитларнинг меъёрий даражасини таъминлаш ўта муҳим ҳисобланади.

Банк рискларини диверсификация қилишнинг зарурияти банк рискларига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражасини баҳолашда кўзга ташланади. Бунда мазкур омилларни таснифлаш юқори самара бериши мумкин. Умуман олганда, банк рискларини диверсификациялашга таъсир этувчи *ички ва ташқи омилларни* қуйидагича таснифлаш мумкин (3-чизма).

3-чизма.

Банк рискларини диверсификациялашга таъсир қилувчи омиллар*

*Муаллиф ишланмаси.

Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиёти кескин тебранишлари шароитида мамлакат банк тизимига ўзининг таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. Хусусан, Марказий банкнинг асосий ставкасини юқори қолишига сабаб бўлмоқда, тижорат банкларида муаммоли активларнинг улуши сезиларди ортмоқда, банкларнинг йўқотиш эҳтимоли юқори бўлган активлар бўйича яратган захирлари ҳажмининг юқорилиги уларнинг фойдасини пасайишига олиб келдмоқда. Миллий иқтисодиётда кредитлар ва депозитларнинг фоиз ставкаларини юқорилиги сақланиб қолмоқда, бунинг асосий сабабларидан бири, бизнинг назаримида, монетизация коэффициентининг пастлиги ҳисобланади. Қуйидаги расмда айрим

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

мамлакатларда монетизация коэффициентининг даражаси келтирилган.

1-диаграмма.

Ўзбекистон ва дунёнинг айрим мамлакатларида монетизация коэффциенти (кенг пулнинг мамлакат ЯИМга нисбати)*



*Муаллиф ишланмаси.

Маълумки, монетизация коэффициенти миллий иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлигини билдиради. Ушбу кўрсаткич Жаҳон банки ва халқаро молия ташкилотлари экспертларининг фикрларига кўра, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бўлган мамлакатларда ЯИМга нисбатан камида 50 фоиз бўлиши лозим.

Диаграмма маълумотларидан кўриш мумкинки, ушбу даража мамлакатимизда 2016 йил 24,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 21,8 фоиздан иборат бўлган. Албатта, ушбу даражани кўтариш Марказий банкнинг асосий ставка асосида тижорат банкларини кредитлаш орқали амалга оширилади, бироқ Марказий банкнинг қаттиқ пул кредит сиёсати, яъни иқтисодиётдаги пул массаси ҳажмини ушлаб туриш орқали инфляцияни туширишга қаратилган сиёсати ҳозирги кунда монтизация коэффицентини кўтариш имкониятини бермаяпти. Мазкур ҳолат эса тижорат банкларида рискларни диферсификациялаш амалиётини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Банк рискларини диверсификация қилишнинг ташқи омиллари таркибига кирувчи *халқаро молия институтларидаги молиявий жараёнлар* омили. Ушбу омилнинг банк рискларини диверсификация қилишда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаш лозим. Сабаби, халқаро молия институтлардаги салбий ўзгаришлар, барқарор ўзгариш тенденциясининг пасайиши ўз-ўзидан мамлакатимиз банк тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бунга 2008 йилда кузатилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мисол бўла олади. Бу каби иқтисодий беқарорлик вазиятларида

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

банк омонатчилари таҳликага тушиб, ўз маблағларини тезроқ қайтариб олиш ҳамда қимматбаҳо металлар, кўчмас мулклар ва базавий валюталарга жойлаштиришга интилишади.

Натижада банкларда молиявий ресурсларнинг тақчиллиги билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Бундан ташқари, банк ликвидлигини таъминлаш, мижозлар ишончини қозониш учун актив операцияларга йўналтирилган маблағларни ҳам муддатидан олдин қайтариб олиш чораларини кўра бошлашади. Шу жиҳатдан, халқаро молия бозорларидаги молиявий жараёнларнинг беқарорлиги бир банк миқёсида эмас, балки бутун банк тизими учун рискларни диверсификациялашга таъсир қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Бозор тамойиллари ва қоидаларининг амал қилиши. Бизнинг назаримизда тижорат банклари рискларини диверсификациялашда мазкур омилнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Мамлакатда бозор тамойиллари ва қоидаларнинг амал қилиши тижорат банклари актив ва пассив операцияларини ўзаро рабқобат асосида ташкил этиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг актив ва пассив операциялари бўйича фоиз ставкалари ўзаро рақобат асосида шаклланиб, риск даражасини пасайишига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ мазкур масала бўйича мамлакатимизда қатор долзарб масалалар сақланиб қолаётганлиги тижорат банкларида рискларни диверсификацяилаш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда, бунинг оқибатида мамлакат банк активлари таркибида муаммоли активларнинг улуши юқори бўлиш билан бирга, уларнинг ресурслари таркибида муддати жиҳатидан беқарор ва баҳоси жиҳатидан қиммат маблағлар салмоқи юқорилигача қолмоқда.

Тижорат банклари рискларини диверсификациялашга таъсир қиладиган қуйидаги иккита, яъни *миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва Марказий банк монетар сиёсати* билан боғлиқ ташқи омиллар банк рискларини диверсификациялашда муҳим ҳисобланади. Уларнинг муҳимлиги шундаки, агар миллий иқтисодиётда фаолияти юритувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа барча соҳалар рақобатбардош бўлмаса мамлакат бозорларига, хусусан озиқ-овқат бозорлари, қурилиш ва техника бозорлари, кийим кечак ва парфюмерия бозорлари, хизмат кўрсатиш бозорлари, молия бозори ва бошқа бозорларга барча товарлар, жиҳаозлар ва бошқа истеъмол товарлари хориждан кириб келади. Истеъмол ва хизмат кўрсатиш бозорларига товарларнинг хориждан кириб келиши қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Хусусан, хорижий валюталар четга чиқиб кетади, ишчи ўринлари яратилмайди, давлат бюджетига солиқлар ва бошқа йиғимлар кўринишда пул тушумлари камайиб кетади ва бошқа қатор салбий оқибатлрга олиб келади.

Марказий банкнинг монетар сиёсати тижорат банклари рискларни диверсификациялашга билвосита таъсир қилади. Масалан, Марказий банк асосий ставкасининг юқорилиги тижорат банкларини ликвид маблағларга бўлган талабини қондириш имкониятини бермайди, кредитлар ва

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

депозитларнинг фоиз ставкалари ортади. Буларнинг барчаси тижорат банклари рискларини диверсификациялаш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса

Умумий хулоса қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида халқаро меҳнат тақсимоти кун сайин чуқурлашиши билан бир қаторда, молия ташкилотларининг ўзаро иқтисодий алоқалари ривожланиб бормоқда. Бунинг натижасида ҳамкор мамлакатлар ва молиявий ташкилотлар фаолиятида юз бераётган салбий ёки ижобий ҳолатлар бошқа мамлакатларнинг молиявий ташкилотлари фаолиятига таъсир кўрсатади. Агарда бу салбий ҳолат бўлса, банк рисклари даражасини ошиши ва ўзаро ҳамкор мамлакатлар мазкур рискларни самарали диверсификация қилиши юзасидан тегишли қарор қабул қилиши лозим бўлади. Хусусан, ушбу жараён ҳамкор мамлакатлар ўртасида инвестициялар, депозит, кредит ва валюта муносабатлари бўйича амалга ошириладиган жараёнларда яққол намоён бўлади. Ташқи иқтисодий ҳамкорлар молиявий ҳолатининг ўзгариши уларнинг манфаатларини амалга ошмаслиги рискини вужудга келтиради.

Бизнинг назаримизда тижорат банклари рискларини диверсификациялашнинг аҳамиятини микро ва макродаражадаги жиҳатлари хусусида яна ҳам кенгроқ тўхташ мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида банк рискларини диверсификация қилиш иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг талаби бўлиб ҳисобланади ҳамда рискларни диверсификациялаш натижаларнинг салбий ёки ижобий ҳолатда эканлиги бир қатор мезонлар асосида баҳоланади.

Банк рисклари ва уларни диверсификациялаш жуда кўп қиррали жараён бўлиб, ушбу жараённи самарали йўлга қўйилиши тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг фойда даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Марказий банкнинг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги низоми. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2696-3. https://lex.uz/docs/5768182

2. Беляков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования (2-е изд). Управленческая методическая разработка. – М: БДЦ-пресс, 2004. – 256 с.

3. Райзберг Б. А., Лозовский Л. Ш., Стародубцева Е. Б. Современный экономический словарь. 5-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 494 с.

4. Иода Е.В. Классификация банковских рисков и их оптимизация /

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Е.В. Иода, Л.Л. Мешкова, Е.Н. Болотина. Под общ. ред. проф. Е.В. Иода. 2-е изд., испр., перераб. – Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2002. – 120 с

5. Рыхтикова Н. А. Анализ и управление рисками организации. 2 изд. – М.: ФОРУМ, 2010. – 240 с.

6. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия, 2002. – 304 б.

7. Ерманов В.Н., Крылова М.А. Большой юридический словарь. – М.: Инфра-М, 1999. – С. 325.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ФИНАНСОВО-БАНКОВСКОЙ СФЕРЕ

Батыров Фархад Бакытович

преподаватель кафедры
общеэкономических дисциплин
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: tfibatirovf@gmail.com
ORCID: 0009-0002-9252-8373

Аннотация. В статье исследуются имеющиеся проблемы в финансово-банковской сфере и их решения с помощью информационных технологий, вопросы развитие электронной коммерции в период пандемии, изучаются различные виды банковских продуктов, а также рассматриваются принятые нормативно -правовые акты.

Ключевые слова: информационно-коммуникационные технологии, финансово-банковская сфера, дистанционный, банковский продукт, интернет -банкинг, SMS-банкинг, банковские операции, банковские услуги, банковские пластиковые карты, транзакции, банковские приложения, персональный кабинет, электронная цифровая подпись.

МОЛИЯ-БАНК СОХАСИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Батиров Фархад Бакитович

умумиқтисодий фанлар
кафедраси ўқитувчиси
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: tfibatirovf@gmail.com
ORCID: 0009-0002-9252-8373

Аннотация. Мақолада молия-банк соҳосида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини топишда ахборот-коммуникация технологияларининг тутга ўрни ва улардан фойдаланишга бағишланган. Жумладан, электрон тижоратнинг пандемия даврида ривожланиши, молия-банк сохсидаги турли хил маҳсулотлар, ҳамда бугунги кунгача қабул қилинган норматив-ҳуқуқий

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ҳужжатлар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ахборот-коммуникация технологиялари, молия-банк сохаси, масофавий, банк маҳсулотлари, интернет-банкинг, SMS-банкинг, банк операциялари, банк хизматлари, банк пластик карталари, транзакция, банк иловалари, дастурий таъминот, шахсий кабинет, электрон рақамли имзо.

MODERN INFORMATION COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE FINANCIAL AND BANKING SECTOR

Batirov Farkhad Bakhitovich

Teacher of the Department of general economic disciplines Tashkent State University of Economics

E-mail: tfibatirovf@gmail.com

ORCID: 0009-0002-9252-8373

Abstract. The article examines the existing problems in the financial and banking sector and their solutions with the help of information technology, issues of the development of e-commerce during the pandemic, studies various types of banking products, and also examines the adopted regulations.

Keywords: information and communication technologies, financial and banking sector, remote, banking product, Internet banking, SMS banking, banking operations, banking services, bank plastic cards, transactions, banking applications, personal account, electronic digital signature.

Введение

На совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев отметил: «В современных условиях приоритетное значение приобретают вопросы широкого внедрения передовых информационно-коммуникационных технологий. В соответствии с утверждённой Национальной программой необходимо обеспечить дальнейшее развитие телекоммуникационных технологий, сетей и инфраструктуры связи, создать надёжные комплексы информационных систем и базы данных «Электронного правительства» [8].

Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев определил задачу развития цифровой экономики и электронного правительства ускорением формирования цифровой экономики, предусмотрев увеличение её доли в валовом внутреннем продукте (ВВП) страны в 2023 году в 2 раза, в том числе путём внедрения комплекса информационных систем [5].

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

В настоящее время информационно-коммуникационных технологий используются во всех сферах человеческой деятельности. Отсюда вытекает актуальность темы, которая заключается в том, что многие возникшие вопросы, связанные с применением информационно-коммуникационных технологий все еще остаются нерешенными.

Под информационно-коммуникационными технологиями понимается совокупность программных и аппаратных средств, позволяющих устанавливать связь без использования проводов и передавать пакеты информации, включающие также аудио и видеоинформацию.

Обзор литературы

Зарубежные ученые А.Л. Машкин, Е.С. Голина, Н.В. Казицкая и М.А. Дрейцен считают, что информационные технологии присутствуют в любой деятельности современного общества, соответственно всё большую актуальность приобретает изучение особенностей их функционирования в финансово-банковской сфере. Имеются пять ключевых положительных эффектов внедрения информационно-коммуникационных технологий: прямое создание рабочих мест, вклад в рост ВВП, появление новых служб и отраслей, преобразование трудовых ресурсов (микрорабочие платформы позволяют предпринимателям значительно сокращать издержки и получать доступ к компетентным рабочим) и деловые инновации. В странах-членах ОЭСР (Организация экономического сотрудничества и развития) больше чем у 95% компаний есть присутствие онлайн. Интернет представляет компаниям новые способы коммуникации с клиентами и повышает конкуренцию за долю рынка [10].

По этому поводу И.П. Потехина подчеркивает, что: «Распространение информационно-коммуникационных технологий и развитие информационной инфраструктуры способствует созданию новых бизнес-моделей, что непосредственно повышает общую конкурентоспособность экономики» [11].

Как утверждает М.В. Дубинина банковская деятельность в её современном виде – это в значительной степени работа с информацией, и информационные технологии, т.е. «комплекс методов, способов и средств, обеспечивающих хранение, обработку, передачу и отображение информации» [9].

Касаясь этой темы И.И. Хасаншин включает в цифровизацию все направления бизнеса, основанные на информационных технологиях и телекоммуникациях, независимо от сектора [12].

Анализ и результаты

Информационно-коммуникационные технологии в финансово-банковской сфере – это набор сервисов, которые позволяют удалённо

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

пользоваться банковскими продуктами типа *банк – клиент, Интернет-банкинг, SMS – банкинг,* выполняя различные банковские операции. При этом достаточно пользоваться компьютером или мобильным телефоном, не посещая банк (Диаграмма 1).

Диаграмма 1.

Количество пользователей дистанционным банковским обслуживанием*



*Разработана автором на основе официальных данных Центробанка РУз www.cbu.uz

На диаграмме видно, что 2018 году количество пользователей дистанционным банковским обслуживанием было 7.959.107, а в 2019 году – 10.153.458 (рост +2.194.351), 2020 году – 14.571.094 (что на +4.417.636 больше предыдущего года), 2021 году – 20.203.384 (рост +5.632.290), 2022 году – 30.000.914 (это на 9.797.530 больше предыдущего года), а в 2023 году – 44.099.600 (рост +14.098.686). Таким образом количество пользователей систем дистанционного банковского обслуживания по состоянию на 1 января 2024 года увеличилось в 5,5 раза по сравнению с 2018 годом и составило 44 млн человек.

Информационно-коммуникационные технологии позволяют клиенту (физическому и юридическому лицу) максимально удобно пользоваться банковскими услугами и минимизировать временные и финансовые затраты при работе с банком (Диаграмма 2).

Диаграмма 2.

Количество пользователей дистанционным банковским обслуживанием по видам клиентов:
Юр. лица Физ. лица (тыс)*



*Разработана автором на основе официальных данных Центробанка РУз www.cbu.uz

Согласно статистическим данным по состоянию на 1 января 2024 года, количество пользователей дистанционным банковским обслуживанием по физическим лицам равна – 42.760 тыс., это в 1,5 раза больше аналогичного периода предыдущего года. А по юридическим лицам равна – 1.339,6 тыс., это в 1,2 раза больше соответственно.

Особенно очень популярны стали такие банковские продукты как банковские пластиковые карты. Общее количество банковских пластиковых карт в обращении также возросло (Диаграмма 3).

Диаграмма 3.

Количество банковских карт в обращении (тыс. ед.)*

*Разработана автором на основе официальных данных Центробанка РУз www.cbu.uz

В результате развития ИКТ и широкого продвижения дистанционного

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

банковского обслуживания, количество эмитированных банковских карт увеличилось с 34,2 млн. ед. в 2022 году до 46,2 млн. ед. в 2023 году. Банковские пластиковые карты можно даже заказать онлайн или создать виртуально при помощи банковского приложения. Банковские пластиковые карты используют для покупки товаров и оплат услуг. Тем самым совершают межбанковские транзакции (Диаграмма 4).

Диаграмма 4.

Сумма транзакций, осуществлённых посредством банковских карт в национальной валюте (млрд сум)*



*Разработана автором на основе официальных данных Центробанка РУз www.cbu.uz

Объем платежей, поступивших через платежные терминалы, по сравнению с 2022 годом вырос на 77 трлн сумов и составил 254,7 трлн сумов в 2023 году.

На территории Республики Узбекистан с 16 марта 2020 года введены особые карантинные меры, направленные на предотвращение распространения коронавирусной инфекции. В этот период появляются такие понятия как «железная тетрадь» [7], «бедность в Узбекистане» [4].

С 1 марта 2021 года объявлены минимальные потребительские расходы населения [7]. В сфере сокращения бедности внедряются комплексные подходы и новые нестандартные методы: с 1 апреля 2021 года кредиты банков (АКБ «Агробанк», АК «Халк банк» и АКБ «Микрокредитбанк») выдаются на основании заявления граждан и субъектов предпринимательства через Единую электронную платформу программ развития семейного предпринимательства – www.oilakredit.uz [6], сотрудники Банков по программе «Махаллабай» занимаются льготным кредитованием, предоставляются социальные пособия (будет разработан «Единый социальный реестр»), для решение проблемы бедности предоставляется жильё. Малообеспеченные семьи отправляют заявку через «Единый портал интерактивных государственных услуг» [15].

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

С 1 января 2022 года в махаллях вводится должность помощника хокима района (города) по вопросам развития предпринимательства, обеспечения занятости населения и сокращения бедности [2]. Отныне каждое село и махалля будут развиваться с учетом их специфики, выявления их «точек роста».

С 1 марта 2022 года выделение кредитов АКБ «Агробанк», АКБ «Халк банки» и АКБ «Микрокредитбанк» в рамках программ посредством Единой электронной платформы программ развития семейного предпринимательства [16] полностью осуществляются в цифровом формате. При этом: заявление на получение кредита на всех этапах рассматривается в режиме онлайн [3], о решении, принятом на каждом этапе, информация представляется посредством Единой электронной платформы (СМС-сообщений, электронной почты или персонального кабинета); документы о выделении кредитных средств формируются в электронной форме и заверяются дистанционно посредством ЭЦП (электронная цифровая подпись); заявление на получение кредита направляется заемщиком самостоятельно либо при содействии помощника хокима, закрепленного за соответствующей махаллей, в дистанционном порядке; кредиты на самозанятость выделяются населению в автоматизированном режиме посредством Единой электронной платформы на основании установленных критериев по результатам скоринговой оценки (система оценки заемщика, с помощью которой банки могут предсказать, как клиент будет выплачивать кредит. В основе прогноза лежат математические расчеты и статистика); свободная закупка или реализация товаров и услуг за счет выделенных кредитов на основе рыночных принципов осуществляются с помощью системы «маркетплейс» (электронная площадка используемая в электронной коммерции), созданной в Единой электронной платформе; предложения о реализации своей продукции и услуг свободно размещаются в системе «маркетплейс» организациями, поставляющими оборудование и продукцию (выполняющими работы) (далее – поставщики); услуги поставщиков оцениваются пользователями, их рейтинг формируется автоматически; мониторинг своевременного и качественного выполнения поставщиками своих обязательств осуществляется центрами поддержки семейного предпринимательства районов (городов). По результатам мониторинга периодически изучается возможность предложения поставщиками своих услуг в системе «маркетплейс» [13]; кредиты перечисляются поставщику после поставки продукции (выполнения работы) заемщику и их приема заемщиком по цене, согласованной в договоре, заключенном заемщиком с самостоятельно отобранным поставщиком, а также путем идентификации заемщика по результатам мониторинга, проведенного помощником хокима; помощники хокимов в закрепленных махаллях ведут мониторинг целевого использования и эффективности кредитов, выделенных в рамках программ, а также совместно с руководителями секторов и коммерческими банками принимают соответствующие меры по своевременному возврату кредитов.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Основные задачи и направления деятельности помощника хокима [1]: изучение социально-экономического состояния махаллей по системе «хонадонбай», включая анализ уровня занятости, источников дохода семей (вводя данные при помощи планшета в электронную базу данных «Онлайн-махалля» [14]; выявление пустующих зданий и земельных площадей в махаллях и внесение в соответствующие организации предложений об их выделении субъектам предпринимательства в установленном порядке «YERAUKSION» и др. [14].

Выводы

Информационно-коммуникационные технологии позволяют осуществлять деятельность хозяйствующих субъектов на всех уровнях, также на глобальном. Применение информационно-коммуникационных технологий в финансово-банковской сфере позволяют клиентам дистанционно пользоваться услугами Единого портала интерактивных государственных услуг, услугами банковского сектора (*банк - клиент, Интернет-банкинг, SMS-банкинг* и др.) выполняя различные банковские операции. Достаточно пользоваться компьютером или мобильным телефоном, не посещая при этом Центр государственных услуг (ЦГУ), банк или другое учреждение: 1) Мы будем экономить свои денежные средства, которые могут быть израсходованы на дорогу; 2) экономить своё драгоценное время, которое может быть потрачено на то, чтобы стоять в очереди. Деловые люди говорят: «Время - деньги» (т.е. мы будем минимизировать временные и финансовые затраты).

Для повышения уровня грамотности населения в сфере ИКТ в Узбекистане по поручению главы государства действует программа «Один миллион программист» («One Million Uzbek Coders»), которая бесплатно обучает желающих информационно- коммуникационным технологиям.

1. Создание в каждой махалле ИТ курсов (например, «три программиста в каждой махалле»), на которых будут обучать информационно-коммуникационным технологиям желающих граждан, приведёт в итоге к дальнейшему развитию информационно-коммуникационных технологий.

2. Цифровизация финансово-банковских услуг и применение передовых технологий ускорят процесс трансформации финансово-банковской системы обеспечив широкий доступ к рынкам капитала.

Литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-29 от 03.12.2021г. «О приоритетных направлениях государственной политики по развитию предпринимательства, обеспечению занятости населения и сокращению бедности в махалле». – https://lex.uz/ru/

2. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-31 от 03.12.2021г. «О мерах по организации деятельности помощников хокимов по

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

вопросам развития предпринимательства, обеспечения занятости населения и сокращения бедности в махалле». –https://lex.uz/uz/docs/5758159

3. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-55 от 20.12.2021г. «О дополнительных мерах по развитию семейного предпринимательства и расширению источников доходов населения». – https://lex.uz/docs/5785328

4. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4653 от 26.03.2020г. «Об организации деятельности Министерства экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан, а также подведомственных ему организаций». –https://lex.uz/ru/docs/4778519

5. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4699 от 28.04.2020г. «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства». – https://lex.uz/docs/4800661

6. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-5041 от 27.03.2021г. «О дополнительных мерах, осуществляемых в рамках программ развития семейного предпринимательства». –https://lex.uz/ru/docs/5345636

7. Послание Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева Олий Мажлису 2021г. – https://president.uz/ru/lists/view/4057

8. Выступление премьер-министра Шавката Мирзиёева на заседании палат парламента 08.09.2016 г. https://www.gazeta.uz/ru/2016/09/09/speech/

9. Дубинин М.В.: «Банковские технологии: Сущность, история развития и перспективы»// Банковские технологии. – 34(274) – 2007.

10. Машкин А.Л., Голина Е.С., Казицкая Н.В. и Дрейцен М.А. Информатизация финансовой сферы экономики. – https://cyberleninka.ru/article/n/informatizatsiya-finansovoy-sfery-ekonomiki

11. Потехина И.П. Развитие информационно – коммуникационных технологий в условиях глобализации. – https://ideas.repec.org/a/scn/009938/14650217.html

12. Хасаншин И.И. «Цифровая экономика: понятие и термины» // Московский экономический журнал. – №4, 2021.

13. Учебные курсы АКБ «Народный банк». – www.xalqbanki.edubanks.com.

14. Учебные курсы Yangihayot tuman hokimligi. – www.yangihayottumani.uz.

15. Единый портал интерактивных государственных услуг. – www.my.gov.uz.

16. Единая электронная платформа программ развития семейного предпринимательства. –www.oilakredit.uz.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ТИЖТОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЭМИССИОН ОПЕРАЦИЯЛАРИ

Хакимов Шерзод Шукуруллаевич
мустақил изланувчи
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
E-mail: ShHakimov@nbu.uz
ORCID:0009-0004-0702-4416

Аннотация. Мақолада тижорат банкларининг ресурс базасини шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланган қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операциялари таҳлил қилиган. Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида ўз қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Ўзбекистон тижорат банкларида ўз қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағлари тижорат банклари пассивларининг умумий ҳажмида жуда кичик салмоқни эгаллаш сабаблари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистон тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларини ривожлантиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, қимматли қоғоз, пассив, эмиссион операция, фоизли харажат, фонд бозори, фоиз ставкаси, инфляция, девальвация.

ЭМИССИОННЫЕ ОПЕРАЦИИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ С ЦЕННЫМИ БУМАГАМИ

Хакимов Шерзод Шукуруллаевич
независимый исследователь
Банковско-финансовая академия
Республики Узбекистан
E-mail: ShHakimov@nbu.uz
ORCID:0009-0004-0702-4416

Аннотация. В статье анализируется банковские операции с ценными бумагами, являющиеся важным средством формирования ресурсной базы коммерческих банков. Изучается банковская практика развитых стран, связанная с получением денежных средств от продажи собственных ценных бумаг. Исследуются вопросы низкого уровня удельного веса денежных средств, полученных от продажи собственных ценных бумаг в общем объеме пассивов коммерческих банков Узбекистана. Также сформулированы предложения, направленные на расширение и развитие эмиссионных операций с ценными бумагами коммерческих банков Узбекистана.

Ключевые слова: коммерческий банк, ценные бумаги, пассив,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

эмиссионная операция, процентный расход, фондовый рынок, процентная ставка, инфляция, девальвация.

ISSUE OPERATIONS OF COMMERCIAL BANKS WITH SECURITIES

Khakimov Sherzod Shukurullaevich
independent researcher
Banking and Finance Academy
Republic of Uzbekistan
E-mail: ShHakimov@nbu.uz
ORCID:0009-0004-0702-4416

Abstract. The article analyzes the operations of commercial banks with securities, which are an important means of forming the resource base of commercial banks. The banking practice of developed countries related to receiving funds from the sale of their own securities is studied. The issues of the low level of the share of funds received from the sale of their own securities in the total volume of liabilities of commercial banks of Uzbekistan are investigated. Proposals have also been formulated aimed at expanding and developing the issuing operations of commercial banks of Uzbekistan with securities.

Keywords: commercial bank, securities, liability, emission operation, interest expense, stock market, interest rate, inflation, devaluation.

Кириш

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган [1].

Шунингдек, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллигини ошириш мамлакат банклари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган муҳим чора-тадбир эканлиги қайд этилган [2].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларини ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

Т. Гончаренконинг хулосасига кўра, “банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти инвесторлар ва эмитентларнинг манфаатларини ўзаро

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

боғлаш, пуллик капитални инвестордан эмитентга йўналтириш, кўп сонли молиявий рискларни суғурталаш имконини беради [3].

Ҳақиқатан ҳам тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида ҳам инвестор, ҳам эмитент сифатида иштирок этиш йўли билан пуллик капитални қайта тақсимлаш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари тижорат банклари деривативларни эмиссия қилиш йўли билан қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларига молиявий рисклардан ҳимояланиш имконини беради.

Е. Алифанова и Ю. Евлахованинг фикрига кўра, тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида молиявий воситачи сифатида иштирок этиш орқали учинчи шахсларга ёрдам кўрсатиши, турли хил қимматли қоғозларни эмиссия қилиш орқали ўз манфаати йўлида ҳам ишлаши мумкин [4].

Е. Мешкова ўзининг илмий тадқиқоти натижаларига асосланиб, хулоса қиладики, тижорат банклари ўзларининг ресурс базасини шакллантириш учун муомалага акция, облигация, ипотека бондлари, депозит сертификатлари ва жамғарма сертификатларини чиқаради. Ушбу қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг бир қисми банкнинг регулятив капитали таркибида, иккинчи қисми эса, мажбуриятлар таркибида акс этади.Акция ва сертификатларнинг бозор баҳоси банкларнинг ушбу бозордаги фаолиятини баҳоловчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади [5].

Ҳ. Марковицнинг портфель назариясига кўра, йўл қўйиладиган хатоликлардан бири шундаки, инвестор ҳар доим даромадлиликнинг мақбул даражаси шароитида кам рискни таъминлайдиган ёки рискнинг мақбул даражаси шароитида юқори даромадни таъминлайдиган портфелни таъминлайди. Ушбу хатога йўл қўймаслик учун инвестор шундай портфелни танлаши керакки, бунда кутилаётган даромад риск ошмасдан туриб ошиши мумкин эмас ёки аксинча, риск кутилаётган даромад камаймасдан туриб камаймаслиги керак [6].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг хулосасига кўра, қимматли қоғозлар бозорида пассив инвестор сифатида иштирок этадиган тижорат банклари самарали бозор гипотезасига ишонади ва, табиийки, спекулятив операциялардан манфаат кўришни кўзда тутмайди [7].

Ф. Мишкиннинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг депозитлари ва бошқа пассивлари юзасидан берилган ҳукуматнинг кафолатлари корпоратив қимматли қоғозларга нисбатан татбиқ этилмайди ва улар учун капитал муҳим таъминот вазифасини бажаради. Бироқ оддий акциялар банклар фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли бўлганлиги сабабли банклар, харажатни қисқартириш мақсадида, қарз инструментларидан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилишади [8].

Ж. Мажидовнинг фикрига кўра, биржа савдоларининг алгоритмик жараёнларини жорий қилиниши ҳам қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларини прогноз қилишни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқа олмади. Бунинг сабаби шундаки, қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларига

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

кўп сонли омиллар таъсир қилади ва ҳар омилнинг таъсир даражаси турли даврий оралиқларда турлича бўлади [9].

Ш. Ибодуллаевнинг хулосасига кўра, “тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш уларнинг бозор баҳоларини ошишига олиб келади. Ўз навбатида, банк акцияларининг бозор баҳоларини ошиши қўшилган капиталнинг ошиши ҳисобига биринчи даражали капитал миқдорини ошириш имконини беради. Бу эса, тижорат банкларининг тўловга қобиллик даражасини ошириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади” [10].

Таҳлил ва натижалар

Тараққий этган мамлакатларда банкларнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағлари уларнинг ресурс базасини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

1-диаграмма.

Deutsche Bankда депозитлар ва қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи, %да*****



*Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. Concolidated Statement of income. www.db.com (Deutsche Bank) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, биринчидан, Deutsche Bank мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг улуши 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган; иккинчидан, Deutsche Bank мажбуриятларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг салмоғи 2018-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига таҳлил қилинган давр мобайнида банк мажбуриятларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг салмоғи сезиларли даражада юқори бўлган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

2-диаграмма.

ТИФ Миллий банки ва Асакабанкда қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг пассивлар ҳажмидаги салмоғи, %да*



*ТИФ Миллий банки ва Асакабанкнинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2017-2022 йилларда ТИФ Миллий банки ва Асакабанк пассивларинингҳажмида банкнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағларининг салмоғи жуда кичик бўлган. Бу эса ушбу банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларининг ривожланмаганлигини кўрсатади.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мажбуриятларининг таркиби
(жамига нисбатан %да)

Пассивлар таркиби	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.
Депозитлар	37,3	41,1	37,3	41,8	45,4
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	0,27	0,8	0,4	0,2	0,2
Бошқа банкларнинг маблағлари-резидент	3,4	4,5	4,2	3,6	3,9
Бошқа банкларнинг маблағлари-норезидент	0,3	0,4	1,0	1,2	4,8
Олинган кредитлар ва лизинг	55,6	47,5	49,3	46,5	39,1
Чиқарилган қимматли қоғозлар	0,01	1,3	3,1	2,84	2,3
Субординар қарзлар	0,0	1,8	1,3	1,1	1,4
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	1,2	1,1	1,2	1,1	1,1
Бошқа мажбуриятлар	2,0	1,7	2,2	1,8	1,8
Жами мажбуриятлар	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда республикамиз тижорат банклари мажбуриятларининг умумий ҳажмида энг юқори салмоқни депозитлар ва хориждан жалб қилинган халқаро кредитлар эгаллагани ҳолда, банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи жуда кичик бўлган.

Хулоса

Илмий мақолани ёзиш жараёнида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операциялари бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади;

*тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида ҳам инвестор, ҳам эмитент сифатида иштирок этиш йўли билан пуллик капитални қайта тақсимлаш жараёнида муҳим роль ўйнагани ҳолда, улар деривативларни эмиссия қилиш йўли билан қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларига молиявий рисклардан ҳимояланиш имконини берад;.

*тижорат банклари ўзларининг ресурс базасини шакллантириш учун муомалага акция, облигация, ипотека бондлари, депозит сертификатлари ва жамғарма сертификатларини чиқарадилар ва ушбу қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг бир қисми банкнинг регулятив капитали таркибида, иккинчи қисми эса, мажбуриятлар таркибида акс этади;

*оддий акциялар банклар фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли бўлганлиги сабабли, банклар, харажатларни қисқартириш мақсадида. қарз инструментларидан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилишади;

*Deutsche Bank мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг улуши 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, мажбуриятларнинг умумий ҳажмида қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг салмоғи 2018-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган;

*2017-2022 йилларда ТИФ Миллий банки ва Асакабанк пассивларининг ҳажмида банкнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағларининг салмоғини жуда кичик бўлганлиги ушбу банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларининг ривожланмаганлигини кўрсатади;

*2018-2022 йилларда республикамиз тижорат банклари мажбуриятларининг умумий ҳажмида энг юқори салмоқни депозитлар ва хориждан жалб қилинган халқаро кредитлар эгаллагани ҳолда, банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи жуда кичик бўлган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банклари қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш йўли билан уларнинг эмиссия ҳажмини ошириш мақсадида, биринчидан, банк қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг реал қийматини молиявий рисклар таъсирида пасайиши муаммосини бартараф этиш зарур; иккинчидан, депозит ва жамғарма сертификатлари бўйича тўланадиган фоизларнинг ставкасини инфляциянинг жорий даражасини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш керак; учинчидан, бошқа банклар томонидан тижорат банкларининг икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган облигацияларига қилинган инвестицияларини субординациялашган қарз мажбурияти сифатида тан олиш лозим.

2. Тижорат банкларининг қимматли қоғозларига инвестиция қилиш билан боғлиқ бўлган молиявий рискларнинг даражаларини пасайтириш мақсадида, биринчидан, европа стандартидаги колл ва пут опционларни амалиётга жорий қилиш йўли билан банклар томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни белгиланган бозор баҳоларида келгусида сотиб олиш ва сотиш имкониятини юзага келтириш керак; иккинчидан, фоизли свопларни ыщллаш кщламини кенгайтириш йщли билан фоиз риски даражасининг ошишига йщл ыщймаслик зарур; учинчидан, қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг актив операцияларга трансформация қилишда активларнинг риск даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг меъёрий даражаларини таъминлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

3. Гончаренко Т.В. Современная практика операций коммерческих банков с ценными бумагами // Экономика и предпринимательство. – 2015. – № 2 (55). – С. 998-1002.

4. Алифанова Е.Н., Евлахова Ю.С. Системно значимые кредитные организации как зона уязвимости к угрозам финансовой безопасности России//Финансы и кредит. – Москва, 2019. –Т. 25, – № 8. – С. 1712-1726.

5. Мешкова Е.И. Оценка деятельности и финансовой устойчивости коммерческого банка. Банковский менеджмент: учебник. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 141-148.

6. Markowitz, H. 'Portfolio Selection/ The Journal of Finance, 1952 – №7. – P. 77-91.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

7. Казаков В.А., Тарасов А.В., Зубицкий А.Б. Теоретические аспекты осуществления портфельных инвестиций// Финансы и кредит. – 2006. – № 7. — С. 27 – 32.

8. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 396.

9. Мажидов Ж.К. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2020. – Б. 22.

10. Ибодуллаев Ш.Т. Тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.бф.д.дисс. автореф. – Тошкент, 2023. – 56 б

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мейлиев Жасур Зулфикарович
мустақил изланувчи
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
E-mail: jzmeyliev@gmail.com
ORCID:0009-0003-6027-4855

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон тижорат банкларида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдори билан боғлиқ масалалар таҳлил қилиниб, кредитларнинг муддатлари билан жалб қилинган ресурсларнинг муддатлари ўртасида миқдорий мутаносиблик таъминланмаганлиги кўриб чиқилган ва баланслашмаган ликвидлилик муаммосини чуқурлашишига олиб келган сабаблар тадқиқ этилган. Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқариш амалиётини такомиллаштириш зарурияти билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Шунингдек, мамлакат тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқариш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, ликвидлилик, кредит, муаммоли кредит, захира, депозит, талаб қилиб олинадиган депозит, актив, мажбурият.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ УПРАВЛЕНИЯ ЛИКВИДНОСТЬЮ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Мейлиев Жасур Зулфикарович
самостоятельный соискатель
Банковско-финансовая академия
Республики Узбекистан
E-mail: jzmeyliev@gmail.com
ORCID:0009-0003-6027-4855

Аннотация. В статье анализируются вопросы, связанные с размером просроченной задолженности по кредитам, выданным коммерческими банками Узбекистана, рассматривается отсутствие количественной соразмерности между сроками кредитов и привлеченных ресурсов, а также исследуются причины появления проблем с ликвидностью, являющиеся причиной углубления финансовой несбалансированности. Изучены вопросы, связанные с необходимостью совершенствования практики управления ликвидностью коммерческих банков. Сформулированы предложения, направленные на совершенствование практики управления ликвидностью коммерческих банков страны.

Ключевые слова: коммерческий банк, ликвидность, кредит, проблемный кредит, резерв, депозит, депозит до востребования, актив,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

оязательство.

CURRENT ISSUES OF LIQUIDITY MANAGEMENT IN COMMERCIAL BANKS

Meyliev Jasur Zulfikarovich
Independent researcher of the Banking and Finance Academy Republic of Uzbekistan
E-mail: jzmeyliev@gmail.com
ORCID:0009-0003-6027-4855

Abstract. The article analyzes issues related to the amount of overdue debt on loans issued by commercial banks of Uzbekistan, examines the lack of quantitative proportionality between the terms of loans and attracted resources, and also examines the reasons for the emergence of liquidity problems, which are the cause of deepening financial imbalances. Issues related to the need to improve the liquidity management practices of commercial banks have been studied. Proposals have been formulated aimed at improving the practice of liquidity management of the country's commercial banks.

Keywords: commercial bank, liquidity, loan, problem loan, reserve, deposit, demand deposit, asset, liability.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли қарорида халқаро банк назорати тамойиллари талаблари доирасида тижорат банкларининг капиталлашуви етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажаришни таъминлаш, банк рискларини бошқариш ва баҳолаш тизимини, шу жумладан, тижорат банкларида риск-менежменти тизимини, халқаро молия институтларининг техник кўмаги ва экспертларини жалб этиб, Банк назорати бўйича базель қўмитаси тавсияномаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, республикамиз тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқариш амалиётини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

Таниқли иқтисодчи олимлар М. Марамыгин ва Д. Суплаковнинг хулосасига кўра, тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлилик асосий муаммо бўлиб, банк активлари ва пассивларининг сифатини ёмонлашиши, активлар ва пассивларнинг муддатлари ва суммалари бўйича номувофиқлик даражаси, бошқарув қарорларининг даражаси ва сифати, қимматли қоғозлар

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

бозори ва банклараро кредит бозорининг ривожланганлиги, пул-кредит индикаторларининг (инфляция даражаси, фоиз ставкалари, валюта курси ва бошқ.) ҳолати ҳисобланади [2].

Ж.Синкининг фикрича, тижорат банкларининг қисқа муддатли активлари узоқ муддатли активларига нисбатан паст кредит рискига эга бўлиб, қисқа муддатли активларнинг бозор қиймати фоиз ставкларининг тебранишига паст даражада таъсирчан бўлади, шу тариқа ликвидли активлар юқори фоиз рискига дучор бўлмайди. Шунингдек, ушбу активлар бўйича даромадлилик эгри чизиғи нормал бўлган шароитда, қисқа муддатли ставкаларнинг узоқ муддатли ставкалардан паст бўлишини ҳисобга олиш лозим [3].

Е.Стародубцева ва И.Ларионова тижорат банкларининг ликвидлилигини баҳолашда уларнинг пул оқимларининг қуйидаги жиҳатлари таҳлилига асосий эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайди:

– тижорат банкларининг талаблари ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбатни баҳолаш;

– ижро этиш муддати аниқ бўлмаган шартномалар бўйича пул маблағлари ҳаракатини, тузилмаган, аммо тузилиш эҳтимоли юқори бўлган шартномалар бўйича кутилаётган пул маблағлари ҳаракатини ва прогноз қилинмайдиган ҳодисалар ва режалаштирилмаган операциялар билан боғлиқ бўлган пул оқимларини таҳлил қилиш [4].

Тадқиқотчи А. Симановскийнинг хулосасига кўра, тижорат банклари ликвидлилигининг асосий функциялари бўлиб, мижозларнинг кредит ресурсларига бўлган талабини, уларнинг ўзларининг жорий ҳисобрақамлари бўйича тўловлари билан боғлиқ бўлган пуллик талабларини қондириш, омонатчиларнинг депозитларни ўз вақтида ёки муддатидан олдин олиш бўйича талабларини қондириш, активларни зарарсиз сотиш ҳисобидан маблағларни сақлаш, бозордан жалб қилинадиган ресурсларнинг қийматини чеклаш ва банкнинг ялпи фойдасини оптималлаштириш ҳисобланади [5].

А. Бергер, Э. Чоул, О. Гуэдхами ва Р.Романлар биргаликда амалга оширган илмий тадқиқоти натижасида шундай хулосага келган: “ тижорат банки раҳбариятининг давлат томонидан қутқариш бўйича бериладиган кафолатга ишониши ўта юқори даражадаги рискларни қабул қилинишига олиб келади ва бунинг натижасида банкларнинг ликвидлилигига путур етади” [6].

Таниқли олим Т.Бобакуловнинг фикрича, миллий валюта девальвация суръатининг тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

*тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг таянч тармоқларига берилган хорижий валютадаги кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг миллий валютанинг девальвацияси натижасида юзага келган қўшимча қисмини давлат маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига қайтариб беришни таъминлаш лозим;

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

*тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари қийматининг девальвация таъсирида камайган қисмини солиқ имтиёзлари бериш йўли билан қоплаш тартибини жорий қилиш зарур [7].

О. Йўлдошев ўзининг диссертацион тадқиқоти натижаларига асосланиб, шундай хулоса қилади: “тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда кредит рискини бошқариш бўйича Базель қўмитасининг талабларини амалиётга тўлиқ жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. «Базель II» нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлилигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади” [8].

Таҳлил ва натижалар

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини таъминлашда ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар ва кассали активлар муҳим ўрин тутади. Бунда кассали активларнинг асосий қисмини бошқа банкларга, шу жумладан, хорижий банкларга жойлаштирилган муддатли депозитлар ташкил этади.

Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари юқори ликвидли актив сифатида банк назорати органлари томонидан тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини баҳолашда ҳисобга олинади. Бунинг устига, банкларнинг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялардан олган даромадлари солиққа тортилмайди.

1-диаграмма.

Бэнк оф Америка (АҚШ) банкининг Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари ва кассали активларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи*, фоизда



*Диаграмма Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. (Бэнк оф Америка) маълумотлари асосида муаллиф

томонидан тузилган. – http://www.bankofamerica.com

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, Бэнк оф Америка банкининг Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари ва кассали активларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2018-2022 йилларда сезиларли даражада юқори бўлган. Бунинг устига, кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи таҳлил қилинган давр мобайнида барқарор бўлган.

2008 йилнинг тўртинчи чорагида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё миқёсида ўнлаб тижорат банкларининг банкрот бўлишига олиб келди. Бу эса Базель қўмитасини банк назорати бўйича талабларни кучайтиришга мажбур қилди ва шу мақсадда Базель-III стандарти ишлаб чиқилди.

Базель-III стандартида банк назорати бўйича қуйидаги янги талаблар таклиф қилинди:

*ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти бўйича талаб;

*соф барқарор молиялаштириш меъёри бўйича талаб;

*капиталнинг ҳимоявий консервация буфери бўйича талаб;

* капиталнинг контрциклик буфери бўйича талаб [9].

Базель-III стандартининг амалиётга жорий этилиши тижорат банкларининг ликвидлилигини сезиларли даражада ошириш имконини берди, лекин соф фойда миқдорини камайишига олиб келди.

Тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси ҳисобланади.

2-диаграмма.

«Deutsche Bank»да (Германия) ва «Bank of America» (АҚШ) банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси*, %да



* Диаграмма Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. Consolidated Statement of Income. www.db.com («Deutsche Bank») ва Annual Reports. Concolidated Balance Sheet.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

www.bankofamerica.com («Bank of America») маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диаграмма маълумотларидан яққол кўринадики, «Deutsche Bank»да ва «Bank of America» банкида 2018-2022 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (1,0%) сезиларли даражада паст бўлган. Бу эса, мазкур банкларнинг ликвидлилигини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигига салбий таъсир этаётган асосий омиллардан бири – бу муаммоли кредитлар даражасининг юқори эканлигидир.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг миқдори ва даражаси*

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Муаммоли кредитлар миқдори, млрд сўм	5 785	16 974	13 992	16 621
Муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи, %	2,1	5,2	3,6	3,5

*Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, биринчидан, республикамиз тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг миқдори 2023 йилда 2020 йилга нисбатан юқори суръатда ўсган; иккинчидан, муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2021-2023 йилларда юқори бўлган.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банкларининг диквидлилигини бошқариш амалиётига салбий таъсир этаётган омиллардан яна бири – бу кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражасининг юқори эканлигидир.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

3-диаграмма.

АТ «Асакабанк» ва АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» ларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси*, %да



* Диаграмма муаллиф томонидан АТ «Асакабанк» ва АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»ларнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2019-2022 йилларда АТ «Асакабанк» ва АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»ларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси мазкур кўрсаткичнинг меъёрий даражасижан (1,0%) анча юқори бўлган. Бу эса банкларнинг ликвидлилигини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Хулоса

Илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

* банк активлари ва пассивларининг сифатини ёмонлашиши, активлар ва пассивларнинг муддатлари ва суммалари бўйича номувофиқлик даражасининг ошиши баланслашмаган ликвидлилик муаммони чуқурлашишининг асосий омилларидан ҳисобланади;

*тижорат банки раҳбариятининг давлат томонидан қутқариш бўйича бериладиган кафолатга ишониши ўта юқори даражадаги рискларни қабул қилинишига олиб келади ва бунинг натижасида банкларнинг ликвидлилигига путур етади;

*тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг жорий

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ликвидлилигини таъминлашда ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар ва кассали активлар муҳим ўрин тутади;

*”Бэнк оф Америка” банкининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари ва кассали активларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2018-2022 йилларда сезиларли даражада юқори бўлгани ҳолда, мазкур даврда кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи барқарор бўлган;

*«Deutsche Bank»да ва «Bank of America» банкида 2018-2022 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражасини ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (1,0%) сезиларли даражада паст бўлганлиги мазкур банкларнинг ликвидлилигини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади;

*республикамиз тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг миқдори 2023 йилда 2020 йилга нисбатан юқори суръатда ўсгани ҳолда, муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2021-2023 йилларда юқори бўлган;

*2019-2022 йилларда АТ «Асакабанк» ва АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»ларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражасини мазкур кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (1,0%) анча юқори бўлганлиги банкларнинг ликвидилилигини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқариш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Таснифланган кредитлар таркибини яхшилаш йўли билан кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражасини пасайтириш учун, биринчидан, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини молиявий коэффициентларга асосланган услубиётини такомиллаштириш керак; иккинчидан, кредитларнинг гаров таъминотига ликвидлилик ва маржинал қиймат бўйича қўйиладиган талабларнинг аниқлик даражасини ошириш зарур; учинчидан, Базель қўмитасининг кредит рискини баҳолаш бўйича янги талабларини амалиётга жорий қилиш лозим.

2. Кредитларнинг даромадлилиги ва риск даражари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун, биринчидан, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш керак; иккинчидан, кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан брутто кредитларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур; учинчидан, инновацион кредит маҳсулотларини банкларнинг кредитлаш амалиётига жорий этиш йўли билан кредитлардан олинадиган фоизли даромадлар миқдорини кўпайтириш лозим.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – www.lex.uz

2. Марамыгин М.С., Суплаков Д.А. Управление риском ликвидности банка//Управленец. – УрГЭУ, 2012. – №9–10. – №48.

3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 659 – 659.

4. Стародубцева Е. Б. Основы банковского дела. – М.: Инфра-М, 2014. – 463 с.; Ларионова И.В. Управление ликвидностью в коммерческом банке на основе денежных потоков. Банковский менеджмент. 5-е изд. – М.: КНОРУС, 2016. – 414 с.

5. Симановский А.Ю. (2001). Базельские принципы эффективного банковского надзора и их реализация в России // Деньги и кредит. – №3. – С. 19-24.

6. Berger A. N., El Ghoul S., Guedhami O. and Roman R. A. (2017). Internationalization and Bank Risk. Management Science, 63(7), – pp. 2283–2301.

7. Бобакулов Т. И. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари//Ўзбекистон Республикасида қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда банк тизимининг роли. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 155.

8. Йўлдошев О.А. Ўзбекистон Марказий банкининг тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш. Иқт. фан. номозоди .дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. – 15 б.

9. Basel Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems-Basel-III, 2010. http://www.bis.org.publications.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Хожиев Мехриддин Сулаймонович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) аудит кафедраси профессори Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail:dj.msx@mail.ru
ORCID: 0000-0002-0968-5726

Аннотация. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг нотижорат ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида холисона қарорлар қабул қилиш, шунингдек, нотижорат ташкилотлар фаолиятини молиялаштиришнинг мақсадли манбалари сифатида турли инвестициялар, аъзолик бадаллари, грантлар сарфланишини баҳолаш учун молиявий (бухгалтерия) ҳисоботни ишончлилигини тасдиқлаш лозим. Шу сабабли, ушбу мақолада Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолияти аудитини режалаштириш муаммосини ҳал қилиш йўллари ёритилган. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларида мақсадли тушумлар аудитини ўтказиш тартиби тавсия этилган. Бу эса, ўз навбатида, ННТлар таъсисчилар томонидан ижро маъмурияти сифатида директор ва бош бухгалтер ҳамда тегишли бошқарманинг мансабдор шахслари фаолиятига холисона, адолатли баҳо бериш учун якуний аудитни ўтказш ҳамда натижалари бўйича ҳаққоний аудиторлик хулосасини тақдим этиш зарурати мавжудлиги англатади.

Калит сўзлар: Нодавлат нотижорат ташкилотлари, аудит, аудитни режалаштириш, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома, мақсадли тушумлар, грантлар, субсидия, хайрия маблағлари, мақсадли молиялаштириш.

ПЛАНИРОВАНИЕ АУДИТОРСКОЙ ПРОВЕРКИ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Хожиев Мехриддин Сулаймонович
доктор философии (PhD) по экономическим наукам профессор кафедры аудита Ташкентский государственный экономический университет
E-mail:dj.msx@mail.ru
ORCID: 0000-0002-0968-5726

Аннотация. В условиях инновационного развития экономики принятие решений о взаимодействии физических и юридических лиц с

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

некоммерческими организациями, а также оценка риска вложений, взносов, грантов и других целевых источников финансирования деятельности некоммерческих организаций невозможна без предоставления достоверной финансовой (бухгалтерской) отчетности. Такая отчетность должна подтверждаться независимыми аудиторами. Поэтому в данной статье рассматривается решение проблемы планирования аудиторской проверки в негосударственных некоммерческих организациях (ННО) Узбекистана. А также, рекомендован порядок аудита целевых поступлений в негосударственных некоммерческих организациях.

Это, в свою очередь, улучшит аудит активов ННО как основу для предоставления учредителями аудиторского заключения по окончательным результатам аудита для объективной, справедливой оценки деятельности исполнительной власти – директора и главного бухгалтера и должностных лиц.

Ключевые слова: негосударственная некоммерческая организация, аудит, планирование аудита, гражданско-правовой договор, целевые поступления, гранты, субсидия, гуманитарная помощь, целевое финансирование.

WAYS TO PLAN AUDIT IN NON-STATE NON-PROFIT ORGANIZATIONS

Khojiyev Mekhriddin Sulaymonovich
Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences
Professor of the Department Audit
Tashkent State the University of Economics
E-mail:dj.msx@mail.ru
ORCID: 0000-0002-0968-5726

Abstract. In the context of innovative development of the economy, making decisions on the interaction of individuals and legal entities with non-profit organizations, as well as assessing the risk of investments, contributions, grants and other targeted sources of financing for the activities of non-profit organizations is impossible without providing reliable financial (accounting) statements. Such reports must be confirmed by independent auditors. Therefore, this article discusses the solution to the problem of audit planning in non-state non-profit organizations (NSNPO) in Uzbekistan. And also, the procedure for auditing targeted receipts in non-state non-profit organizations is recommended.

This, in turn, will improve the audit of assets of non-state non-profit organizations (NSNPOs) as a basis for the founders to provide an audit opinion on the final results of the audit for an objective, fair assessment of the activities of the executive branch. director and chief accountant and officials of the relevant department.

Keywords: non-state non-profit organization, auditing, audit planning, civil

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

contract, targeted receipts, subsidy, humanitarian aid, targeted financing.

Кириш

Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократияни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим бунёдкорлик ролини ўйнайди. Уларнинг иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишдаги ҳиссаси тобора яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда иқтисодиёт ва сиёсатдаги туб ўзгаришлар, давлат ва жамият ўртасидаги қатьий янги муносабатларни шакллантириш билан боғлиқ кўплаб долзарб масалалар барча нодавлат нотижорат ташкилотлар олдида муҳим вазифалар қўймоқда ва улар кўплаб томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳал этилиши лозим. Ана шу асосий вазифалар иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий устувор йўналишларига жиддий тузатишлар киритишнинг бошланғич нуқтаси бўлиши керак [1].

Ҳозирги вақтда нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган аудиторлик текширувини режалаштиришда уларнинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор жиддий муаммолар мавжуд.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботлари аудитини режалаштириш методологиясини такомиллаштириш илмий тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Адабиётлар шарҳи

Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда хусусиятлари айрим хорижий иқтисодчилар томонидан ўрганилган. МДҲ давлатлари олимлари орасида нодавлат нотижорат ташкилотларида аудиторлик теширувларини ташкил этиш ва ўтказишнинг айрим масалалари Я.В. Соколованинг “Бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолити фактларининг йиғиндиси сифатида” асарида [4], Л.В. Егорованинг “Нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит: назария, методология ва амалиёт” асарида [5] ва Л.В. Гусарованинг “Нотижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлил концепцияси” докторлик ишларида ўрганилган [6].

Мамлакатимизда иқтисодчи олимларимиз томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит назариясининг айрим масалалари, жумладан ННТларда аудитнинг айрим умумий хусусиятлари А.А. Каримов, Ф.Р. Исломов, А.З. Авлокуловларнинг “Халқаро аудит” ишида, С.У. Меҳмоновнинг “Бюджет ташкилотларида ички аудит” асарида, Б.Т. Юлдашев, И.А. Индина, Ш.У. Ҳайдаровларнинг “Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари: ҳуқуқий тартибга солиш, фаолиятнинг иқтисодий асослари, қонунчиликдаги сўнгги ўзгаришлар нуқтаи назаридан

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш” услубий қўлланмасида [7], О.И. Неъматовнинг “Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш” илмий тадқиқотларида ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган [8].

Нодавлат нотижорат ташкилотларида аудитни ўтказиш ва режалаштиришнинг методологияси ишлаб чиқилмаганлиги сабабли умумий ўрнатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилиб келинмоқда. Шунинг учун нодавлат нотижорат ташкилотларда аудитни режалаштириш ҳамда методологиясини ишлаб чиқишни такомиллаштириш зарур.

Таҳлил ва натижалар

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг аудити ўз йўналишлари бўйича асосий фаолияти фойда олишга қаратилган «тижорат» ташкилотларида ўтказиладиган аудитдан фарқ қилади. Нотижорат ташкилотларида молиявий манбаларни шакллантиришнинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, илк аъзоликка кириш, доимий аъзолик, ихтиёрий бадаллар, грантлар, ташкилотнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлари таркибида намоён бўлади, шунингдек, мақсадли маблағлардан фойдаланиш, бошқарув аппаратини сақлаш, асосий воситаларни сотиб олиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у сарфланган харажатларда намоён бўлади [11].

Аудиторлик текширувларини ўтказиш, қоида тариқасида, ҳар доим маълум бир давр билан чегараланади (ўртача икки ҳафта), чунки ҳар доим ҳам йирик ёки ўрта бизнес корхоналарида мунтазам тўлиқ аудит ўтказиш мумкин эмас. Шунинг учун аудитор ҳар бир хўжалик юритувчи субъект каби, ННТлар фаолияти аудитини ўтказишнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагилар аниқланиши керак, бунда:

мақсадли тушумлар учун мижознинг фаолияти тўғрисида тўпланган маълумотларни кўриб чиқиш;

мақсадли тушумлар бўйича дастлабки риск ва ички назорат самарадорлигини баҳолаш;

мақсадли тушумлар бўйича операцияларни текшириш муҳимлилиги, моҳияти ва давомийлигини аниқлаш.

ННТда мақсадли тушумлар бўйича аудит стратегияси аудитор томонидан ёзма равишда тузилган умумий режа шаклида бўлиши керак, унинг мақсади:

дастлабки ҳужжатлар орқали мақсадли тушумларнинг ҳажми ва турларини олдиндан аниқлаш;

мақсадли тушумлар асосида харажатларнинг амалга оширилишини прогноз қилиш ва баҳолаш;

аудит бошлангунча мижоз сифатида ННТ билан барча асосий молиявий масалалар бўйича келишувга эришиш;

ушбу ННТ учун аудитнинг ҳаққонийлиги ва унинг сифати тўғрисида далилларга эга бўлиши тавсия этилади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Илмий тадқиқотларимиз натижасида ННТлар фаолияти аудитини режалаштиришдан олдин мақсадли тушумлар аудитининг қуйидаги босқичларда амалга ошириш таклиф этилади:

ННТ аудитини режалаштиришда дастлабки тайёргарлик;

ННТ фаолияти ҳақида маълумот олиш (фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, тузилмаси ва алоқалари, асосий сиёсати, ҳуқуқий ҳолатлари);

жараёнда муҳимлик ва аудит рискини баҳолаш;

ички назорат тизимини ўрганиш ва унинг самарадорлигида рискни баҳолаш каби хусусиятлар.

Жаҳон амалиёти тажрибасидан келиб чиқиб, ННТлар фаолияти аудити мажбурий ёки ННТ юқори органи ва таъсисчиларининг ташаббуси билан амалга оширилиши тавсия этилади. Бир қатор нодавлат нотижорат бирлашмалар ўзларининг асосий фаолияти билан бир қаторда тижорат фаолиятини ҳам амалга оширади, шу сабабли, ННТларда бухгалтерия ҳисобини юритишда баъзи қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Бундай вазиятда ННТлар учун аудиторлик текширувларини, хусусан, назорат қилувчи органлар билан биргаликда ўтказиш жуда зарур, чунки нотижорат ва тижорат фаолиятини бир вақтда амалга оширишда бухгалтерия ҳисобининг тўғрилигини текшириш, ННТда кейинги муаммоларни олдини олиш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ турли ижтимоий фондлар, ўз-ўзини бошқариш органлари ва бошқа бир қатор ННТлар фаолиятининг аудити мажбурийдир. Бу эса ННТлар фаолиятини текширишда бухгалтерия операциялари қонун ҳужжатлари ва уставда назарда тутилган бухгалтерия ҳисоби тартибига қай даражада мос келишини аниқлаш лозимлигидан далолат беради.

ННТлар фаолияти аудити қуйидаги мақсадларга эришиш учун амалга оширилади:

ташкилотнинг амалдаги фаолияти, уни молиялаштириш қоидалари, моддий ва пул маблағларини шакллантириш, уларни устав ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимлаш ва ННТ бошқарув органлари томонидан белгиланган мақсад ҳамда вазифаларга қай даражада мос келишини текшириш;

бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳисоб сиёсатини текшириш ва уларнинг тўғрилигини таҳлил қилиш;

олинган мақсадли грантлар бўйича харажатларни текшириш ва тасдиқлаш;

олинган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини текшириш. Аудит жараёнида молиявий харажатларнинг дастлаб тасдиқланган дастур ва сметаларга қанчалик даражада мос келиши аниқланш лозим. Режалаштирилган харажатлар миқдорининг кўрсаткичлар ва белгиланган чекловларга мувофиқлиги ҳам текшириш тавсия этилади;

ҳисоботда кўрсатилган олинган маблағларнинг мақсадли сарфланишини текшириш ва тасдиқлаш;

агар ташкилот нотижорат билан бир қаторда тижорат фаолияти билан

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ҳам шуғулланса, бухгалтерия ҳисобининг тўғрилигини алоҳида таҳлил қилиш керак. Бунда ННТларда аудиторлик текширувининг асосий мақсади – тижорат фаолиятидан олинган молиявий натижанинг тўғрилигини тасдиқлашдир;

ННТ бухгалтерия ҳисоби операцияларининг дастлабки ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга қанчалик мос келишини текшириш;

ННТларнинг пул маблағлари ёки мулкини олиш ва сарфлаш билан боғлиқ шартнома ҳужжатлари рўйхатдан ўтишнинг тўғрилигини таҳлил қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нотижорат фаолиятдан олинадиган даромадларни солиққа тортиш қанчалик мос келишини текшириш;

турли бошқа ташкилотлар, жумладан, тижорат ташкилотлари ёки ёлланма ишчилар билан тузилган шартномалар ва бошқа ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органлари ва хусусий сектор тадбиркорлари ўртасида изчилликка эришишнинг таъсирчан амалий механизми бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ННТларнинг иқтисодий барқарорлигини ошириш учун уларда аудитни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, тижорат ташкилотларида аудитни режалаштириш тартиби “Аудитни режалаштириш” номли 300-сон АХС билан тартибга солиш белгиланган [13]. Аммо юқоридаги ННТ хусусиятларидан келиб чиқиб, уларда аудиторлик текширувларини режалаштиришда фарқли жиҳатлари ҳисобга олиниши лозим.

ННТларда аудитни режалаштириш аудиторлик текширувларининг дастлабки босқичи бўлиб, аудиторлик ташкилоти томонидан аудит жараёнининг кутилаётган давомийлиги, жадваллари ва муддатларини кўрсатувчи умумий аудит режасини ишлаб чиқишни, шунингдек, мақсадли тушумлар бўйича аудиторлик амалларнинг ҳажми, турлари ва кетма-кетлигини белгилаган ҳолда молиявий ҳисобот бўйича холисона ва ҳаққоний хулосасини шакллантириши учун зарур бўлган аудиторлик дастури асосида текширувни ўз ичига олган жараёндир.

Аудиторлик ташкилоти ўз ишини сифатли ва самарали ўтказиши учун аудитни режалаштириши шарт. ННТларнинг мақсадли тушумлари аудитини режалаштириш умумий стратегияни ишлаб чиқиш ва аудит амалларининг кутилаётган натижаси, муддати ва кўламига батафсил ёндашувни ўз ичига олади. Бунда аудиторлик ташкилоти мақсадли тушумлар аудитини ўтказиш билан боғлиқ асосий ташкилий масалаларни ННТ раҳбарияти билан батафсил келишиб олиши тавсия этилади [11].

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг аудитор томонидан ўз ишини режалаштириши аудитнинг муҳим йўналишларига зарур эътибор берилишини, текширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлашни ва ишнинг тежамкор, самарали ва ўз вақтида бажарилишини

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

таъминлайди. ННТда аудитни режалаштиришнинг яна бир муҳимлиги иштирок этувчи мутахассислар жамоаси аъзолари ўртасида ишни самарали тақсимлаш, шунингдек, аудит натижаларини мувофиқлаштириш имконини беради. Амалиётда аудиторлар учун ***нодавлат нотижорат ташкилотларининг умумий аудит режаси*** намунасидан фойдаланиш тавсия этилади (1-жадвал).

1-жадвал.

Нодавлат нотижорат ташкилотларида аудитнинг умумий режаси*			
Текширилаётган ташкилот.	«O’zLIDEP» партияси		
Киши/соатлар сони.	749		
Аудит ишчи гуруҳи раҳбари.	Алиев Н.А.		
Умумий режага мувофиқ аудит даври.	10.03.2023	~	25.03.23
Режалаштирилган аудит риски, %	2,0		
Режалаштирилган муҳимлик даражаси, %	7,9		
Аудит ишчи гуруҳи таркиби:			
1Абдиев Ш.С., Алиев Н.А. _____			

Режалаштирилган вазифалар турлари	Бажариш даври	Ижрочи аудитор
I. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини дастлабки режалаштириш босқичи		
Мижоз раҳбарияти билан учрашув.	10.03.2023	Алиев Н.А
Нодавлат нотижорат ташкилотларининг аудити учун мижознинг мақсадларини аниқлаштириш.	10.03.2023	Алиев Н.А
Нодавлат нотижорат ташкилотларида мақсадли тушумлар бўйича аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича таклифлар бериш.	11.03.2023	Абдиев Ш.С.
Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсадли тушумлари аудитини ўтказиш тўғрисида хат тайёрлаш ва мижозга юбориш.	11.03.2023	Абдиев Ш.С.
Аудит ўтказиш бўйича шартномани тузиш ва имзолаш.	12.03.2023	Алиев Н.А.
Нодавлат нотижорат ташкилотидан мақсадли тушумлар тўғрисида маълумот тақдим этиш учун сўровни тайёрлаш ва юбориш.	13.03.2023	Алиев Н.А.
Мижоздан мақсадли тушумлар бўйича зарур ёзма ва оғзаки маълумотларни олиш.	14.03.2023	Абдиев Ш.С.
Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсадли тушумлари тўғрисида маълумот олиш.	15.03.2023	Абдиев Ш.С.
II. Нодавлат нотижорат ташкилотлари аудитининг умумий режаси босқичи		
Дастлаб мақсадли тушумлар асосида ННТлар фаолиятини таҳлил қилиш.	16.03.2023	Алиев Н.А.
Мақсадли тушумлар асосида аудиторлик рискини аниқлаш.	17.03.2023	Алиев Н.А.
ННТлар аудитида муҳимликни аниқлаш.	18.03.2023	Алиев Н.А.
Мақсадли тушумлар аудити дастурини ишлаб чиқиш.	19.03.2023	Абдиев Ш.С.
Текширув гуруҳи раҳбарини тайинлаш ва унинг таркибини аниқлаш.	20.03.2023	Абдиев Ш.С.

III. Нодавлат нотижорат ташкилотлари аудити дастурини тузиш ва ҳужжатлаштириш босқичи		
ННТда мақсадли тушумлар бўйича аудит амалларини ўтказиш.	21.03.2023	Алиев Н.А.
Нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий ҳисоботи шаклларини текшириш.	21.03.2023	Алиев Н.А.
Мақсадли тушумлар ва тижорат фаолияти бўйича таҳлилий жараёнларни ўтказиш.	22.03.2023	Алиев Н.А.
IV. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг аудитини якунлаш босқичи		
ННТ мақсадли тушумлар бўйича якуний аудит амалларини ўтказиш.	23.03.2023	Алиев Н.А.
ННТ қўшимча тадбиркорлик фаолияти бўйича якуний аудит амалларини ўтказиш.	23.03.2023	Абдиев Ш.С.
ННТ раҳбарияти билан мақсадли тушумлар ва тадбиркорлик фаолиятини текшириш натижалари бўйича муҳокамалар ўтказиш.	24.03.2023	Абдиев Ш.С.
ННТ фаолияти бўйича аудиторлик текширувининг якуний ҳисоботини тайёрлаш.	25.03.2023	Алиев Н.А.
ННТ фаолияти бўйича аудиторлик текширувининг якуний хулосасини тайёрлаш.	25.03.2023	Алиев Н.А.
Аудиторлик ташкилоти раҳбари		Абдиев Ш.С.
Аудиторлик текшируви гуруҳ раҳбари		Алиев Н.А.

*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ННТ аудитини режалаштиришда сарфланадиган вақт текширилаётган объект фаолиятининг кўламига, аудит жараёнининг мураккаблигига, аудиторнинг ушбу ташкилот билан ишлаш тажрибасига, шунингдек ННТ фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини билишига боғлиқ.

Халқаро миқёсдаги ННТлар учун Халқаро молиявий ҳисоб кенгаши стандартлари (Financial Accounting Standards Board) FASB №116 да «Қабул қилинган бадаллар ва киритилган бадалларни ҳисобга олиш» (Accounting for Contributions Received and Contributions Made) ННТга аъзолар томонидан мақсадли тушумлар сифатида киритилган пул маблағлари хусусиятлари очиб берилган. Бунда ННТлар учун олинган бадаллар, шу жумладан аъзолик бадалларини бериш бўйича йиғилиш қарорлари, уларнинг ҳаққоний қиймати бўйича олинган даврдаги тушумлар сифатида тан олиниш хусусиятлари келтириб ўтилган. Шунингдек, ушбу FASB№116 стандартида ННТда доимий чекланган соф активлар, вақтинчалик чекланган соф активлар ва чекланмаган соф активларни оширадиган қабул қилинган бадалларни фарқлаш хусусиятларини текшириш талаб қилинади. Шунингдек, халқаро донорлар томонидан мақсадли маблағлар сарфланишига қўйилган чекловларнинг амал қилиш муддатини тан олиш хусусиятлари каби масалалар келтириб ўтилган [14]. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, халқаро ННТлар фаолияти текширилаётганда мижоз тўғрисида маълумот олишни режалаштиришнинг муҳим қисми ҳисобланада, бунда бош аудиторга молиявий ҳисоботга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисалар, операциялар ва бошқа хусусиятларни аниқлашга имконият бурувчи барча вазифаларни

режалаштиришни ишчи дастурига киритиш таклиф этилади.

ННТда бош аудитор иш жараёни самарадорлигини ошириш ва мувофиқлаштириш мақсадида аудиторлик текшируви умумий режасининг айрим бўлимлари ва муайян тартиб-қоидаларини ходимлар, шунингдек, ННТнинг директорлар кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссияси аъзолари билан муҳокама қилиш тавсия этилади. Бунда бош аудитор ННТ аудити умумий режа ва аудит дастурининг тўғри ва тўлиқ ишлаб чиқилиши учун жавобгардир [11].

Аудитор режалаштириш жараёнида ННТнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан танишиши ва асосий молиялаш манбаи ҳисобланган мақсадли тушумлари ҳамда ННТ тармоқ хусусиятлари, индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ННТларнинг иқтисодий фаолиятига таъсир қилувчи ички омиллар тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак.

Бундан ташқари, аудитор қуйидагиларни, яъни: аниқлаши тавсия этилади:

ННТларнинг ташкилий ва бошқарув тузилмасини;

ННТ асосий фаолият турлари ва хизматлари номенклатурасини;

ННТ уставининг тузилиши ва мақсадли тушумлари таркибини (агар ННТ акциялари котировка қилиниши керак бўлса);

ННТларнинг технологик хусусиятлари ва рентабеллик даражасини;

ННТлари ихтиёрида қолган фойдани тақсимланмаслик тартибини;

шўъба ва қарам ННТларнинг мавжудлигини;

ННТ томонидан ташкил этилган ички назорат тизими мавжудлигини;

ННТ ходимларининг иш ҳақини шакллантириш тамойилларини;

ННТларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларни;

ННТ директорлар кенгаши, таъсисчилар ёки бошқа шу каби бошқарув аъзолари йиғилишларининг баённомаларини;

ННТларнинг ҳисоб сиёсатини тартибга солувчи ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартиришларни;

молиявий ва статистика ҳисоботларини;

ННТ фаолиятини режалаштириш ҳужжатлари (режалар, сметалар, лойиҳалар);

ННТ шартномалари, контрактлари, битимларини;

ННТ маслаҳатчи ва ички аудиторларнинг ички ҳисоботларини;

солиқ текшируви материалларини;

ННТларнинг суд ва арбитраж даъволари материалларини;

ННТнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмасини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар, унинг филиаллари ва шўъба корхоналари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни;

ННТ раҳбарияти ва ижрочи ходимлари билан суҳбатлар натижасида олинган маълумотларни аниқлаши тавсия этилади.

Шунингдек, аудитор учун ННТнинг устави субъект фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қўшимча маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Аудиторлик ташкилоти ННТларнинг мақсадли тушумлари бўйича аудит ўтказиш имконияти муҳимлигини баҳолаши керак. Агарда, ННТ уставида йилида бир маротаба мажбурий аудит ўтказиш қоидаси киритилган бўлса, у ҳолда одатдаги тартибда аудит ўтказиш бўйича ННТ билан шартнома ва ишчи гуруҳ тузиш тавсия этилади.

ННТ молиявий ҳисоботлари аудитини режалаштиришда, жараёндаги бош аудиторга ўзидан олдинги йил аудитори иш натижаси ва аудиторлик ҳисоботи билан танишиш тавсия этилади, бунда ННТ ижро раҳбариятининг иш фаолияти, бухгалтерия ҳисоби тамойилларини қўллаш билан боғлиқ мунозарали масалалар, аудит амаллари ёки тўловлар ҳақида маълумот олиши мумкин. Аммо, биринчи навбатда аудитор мижоз билан бундай алоқа қилиш имконияти тўғрисида келишиб олиши керак.

Агарда ННТ ва собиқ аудит ташкилоти ёки аудиторлар ўртасида суд жараёни ва низолар юзага келган бўлса, жорий йилдаги бош аудиторга собиқ аудит ташкилоти бирор бир ахборот маълумот берилмаслигини ёзма равишда огоҳлантириши тавсия этилади. Агар мижоз олдинги аудитордан маълумот олишга рухсат бермаган ёки олдинги аудитор маълумот беришдан бош тортган бўлса, аудитор вазиятни синчиклик билан ўрганиши ва баҳолаши керак. Бундан ташқари аудиторлар адвокатлар ва бошқа аудиторлик фирмалари ҳамда тадбиркорлар томонидан тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Одатда, мижоз билан бир неча йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келаётган аудиторлик компаниялар ҳам ҳамкорликни давом эттириш имкониятини баҳолайдилар. Баҳсли масалалар ННТ билан ҳамкорликни тўхтатишга олиб келиши мумкин.

ННТларда аксарият аудиторлик теширувларини жалб қилишнинг сабаблари, унинг молиявий ҳисоботидан энг кўп фойдаланувчилар аниқлик киритиши лозим. Агар молиявий ҳисоботдан фойдаланиш жуда тез-тез кузатилса ёки ННТнинг яқин келажакда таъсисчилари ўргнанилса (қайта ташкил этилса), аудитор ННТ ҳисоботининг ишончлилигини тасдиқловчи катта ҳажмдаги материалларни тўплаши тавсия этилади. Шунингдек, аудиторга ННТларининг ривожланиш тарихи, фаолият турлари ва олдинги йилларда мавжуд бўлган ҳисоб сиёсати билан танишиш, ННТ хусусиятлари тўғрисида махсус адабиётларни ўрганиш ва мижознинг мавжуд бўлса, ички аудит хизмати билан танишиш керак.

Аудитор режалаштиришни тўлиқ ва мукаммал тайёрлаш учун ННТнинг турли ижтимоий соҳалардаги сиёсати, айрим менежерларнинг жавобгарлиги ва ҳуқуқлари, асосий фаолиятини сиёсатини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида маълумот олиш жуда муҳимдир.

Олинган маълумотларга асосланиб, зарурат туғилса аудитор ННТларнинг мақсадли тушумлари ва айрим мулкларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш учун махсус мутахассислар ёки экспертларни (адвокатлар, солиқ мутахассислари ва бошқалар) муайян масалалар бўйича маслаҳатлар олиш учун жалб қилиш тавсия этилади [10].

ННТ фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш қуйидагиларни ўз

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ичига олиши керак:

ННТлар фаолиятининг асосий йўналишларига қараб аудиторга нотўғри маълумотлар тақдим этиш рискини баҳолаш учун юқори бошқарув ходимларининг хатти-ҳаракатлари сабабларини чуқур тушуниш;

ННТларининг ноодатий ва кутилмаган балансларни аниқлаш мақсадида жорий молиявий ҳолатини баҳолаш учун дастлабки таҳлилий шарҳлар амалга ошириш;

ННТларнинг ҳисоб сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш;

ННТ аудитининг муҳимлик даражасини баҳолаш.

2-жадвал.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари учун аудит ўтказиш дастури*

Аудит ўтказилаётган объект: **ННТ мақсадли тушумлари**			
Текширилаётган ташкилот	«O’zLIDEP» партияси		
Бўлимни текшириш даври	10.03.2023-25.03.2023		
Киши/соатлар сони	130		
Маъсул ижрочилар	Алиев П.М., Абдиев О.Л.		
Режалаштирилган аудит риски, %	2,0		
Режалаштирилган муҳимлик даражаси, %	7,9		
ННТларда аудит амаллари рўйхати	Ўтказиш муддати	Бажарувчи	Бажарилганлигини тасдиқлаш
ННТлардан асосий фаолияти ва мақсадли тушумлар бўйича ҳужжатларни сўраш.	10.03.2023	Алиев П.	
ННТ мақсадли тушумларини тестлаш			
ННТларнинг мақсадли тушумлари бўйича ички назорат тизимини синовдан ўтказиш.	11.03.2023	Алиев П.	
Мақсадли тушумлар бўйича бухгалтерия ҳисоби бўлимини синовдан ўтказиш.	11.03.2023	Алиев П.	
ННТнинг мақсадли тушумлари ва тижорат фаолиятидан олинган даромадлари бўйича ҳисоб сиёсатини ўрганиш			
Мақсадли тушумларни ҳисобга олиш бўйича ҳисоб сиёсатини таҳлил қилиш.	12.03.2023	Абдиев О.	
Тижорат фаолиятидан олинган даромадларни ҳисобга олиш бўйича ҳисоб сиёсатини таҳлил қилиш.	12.03.2023	Абдиев О.	
Мақсадли тушумлар ва тижорат фаолиятидан олинган даромадларни солиққа тортиш учун ҳисоб сиёсатини таҳлил қилиш.	12.03.2023	Абдиев О.	
ННТларнинг мақсадли тушумлари ва тижорат фаолиятидан олинган даромадлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг шаклланишини текшириш			
Мақсадли тушумлар бўйича ҳисоб операцияларининг ишчи счётларини таҳлил қилиш.	13.03.2023	Абдиев О.	
Тижорат фаолиятидан олинган даромадлари бўйича бўйича ҳисоб операциялари ишчи счётларини таҳлил қилиш.	13.03.2023	Абдиев О.	
Мақсадли тушумлар бўйича бухгалтерия регистрлари ва баланс маълумотларидаги кўрсаткичларнинг аниқлигини текшириш.	13.03.2023	Абдиев О.	
ННТларнинг мақсадли даромадлари бўйича аудиторлик танловлар			
Мақсадли тушумларнинг ҳажмини танловлар асосида ҳисоблаш.	14.03.2023	Алиев П.	

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Мақсадли тушумларнинг (грантлар, субсидиялар) турлари (айланмаси) ни танлов қилиш.	14.03.2023	Алиев П.	
ННТлар мақсадли тушумларнинг намунавий тўпламини (қолдиқ балансини) тузиш.	15.03.2023	Алиев П.	
ННТларнинг мазмун моҳиятини текшириш тартиблари			
Инвентаризация қилиш орқали мақсадли тушумларнинг мавжудлиги, ҳуқуқлари, тўлиқлилиги.	16.03.2023	Алиев П.	
Мақсадли тушумлар бўйича шартномаларни текшириш.	16.03.2023	Алиев П.	
Мақсадли тушумларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва сарфланиши ҳужжатларининг тўғрилигини текшириш.	16.03.2023	Алиев П.	
ННТларнинг мақсадли тушумлари мавжудлигини баҳолаш			
Мақсадли тушумларнинг активлар мезонларига мувофиқлигини текшириш.	17.03.2023	Алиев П.	
Мақсадли тушумларни ҳисоб сиёсати ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга олинганлигини текшириш ва баҳолаш.	17.03.2023	Алиев П.	
Мақсадли тушумларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлиги ва амортизация ҳисоб сиёсатига мувофиқлигини текшириш.	18.03.2023	Абдиев О.	
Мақсадли тушумлар ҳисобидан қилинган харажатларни ҳисобга олиш ва расмийлаштирилишининг тўғрилигини текшириш.	18.03.2023	Абдиев О.	
ННТларнинг мақсадли тушумларнинг тўғрилигини ўрганиш ва баҳолаш			
Тугалланган операцияларнинг мақсадли тушумлар даврига мувофиқлигини текшириш.	19.03.2023	Алиев П.	
Тақдимот ва ошкор қилиш			
Мақсадли тушумлар бўйича барча муҳим маълумотларнинг ҳисоботда ошкор этилишини текшириш.	19.03.2023	Абдиев О.	
ННТларнинг мақсадли тушумлар бўлими аудит натижалари умумлаштириш			
ННТларнинг мақсадли тушумлар бўйича хатолар ва шарҳларнинг дастлабки рўйхати.	20.03.2023	Абдиев О.	
Мақсадли тушумлар ҳисоби бўйича услубий (тизимли) хатоликларнинг хулосасини тузиш.	21.03.2023	Абдиев О.	
Тижорат фаолиятидан олинган даромадлари ҳисоби бўйича услубий хатоликларнинг хулосасини тузиш.	22.03.2023	Абдиев О.	
Мақсадли тушумлар ҳисобини танлов асосида таҳлил қилиш.	22.03.2023	Алиев П.	
Амалга оширилган мақсадли тушумлар аудит амаллалари бўйича шарҳлар рўйхатини тузиш.	23.03.2023	Алиев П.	
ННТларнинг мақсадли тушумлари ва тижорат фаолиятидан олинган даромадлари аудит бўлими бўйича хулосалар.	24.03.2023	Алиев П.	
Аудиторлик ташкилоти раҳбари		Абдиев Ш.С.	
Аудиторлик текшируви гуруҳ раҳбари		Алиев П.М.	

*«O’zLIDEP» партияси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аудиторларга мижознинг бизнес фаолияти билан танишиш ва аудит дастурини тузишда таъсир этувчи *ташқи ва ички омилларни* ҳисобга олиш тавсия этилади.

ННТлар фаолияти аудит дастурини тузишда унга таъсир қилувчи ташқи омилларга *макроиқтисодий ва тармоқ* омилларини ўрганиш тавися

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

этилади.

Ички омиллар – ННТнинг мақсадли тушумлари бўйича мижознинг фаолиятига таъсир қилувчи ички омилларни қуйидагича таснифлаш мумкин: ННТ фаолияти аудити давомида асосий ходимларнинг малакаси ва тажрибаси, ходимларни ёллаш ва рағбатлантириш сиёсати, ходимларнинг иш ҳақи ва мукофотларнинг оқилона тақсимланиши, ходимларни бошқаришнинг истиқболли режалари, кадрлар алмашинуви каби масалаларни ўз ичига олади.

Амалиётда аудит ўтказиш учун тузилган шартномани бекор қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу қуйидаги сабабларга кўра содир бўлиши мумкин: ННТнинг раҳбарлари ёки вакиллари томонидан текширув фаолиятини тўғри олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилмаганда, зарур ҳужжатлар ва материаллар тақдим этилмаганда, текширувда сунъий тўсиқлар яратилган ҳолатлар бўлиши мумкин.

Шу ўринда ННТларда мажбурий аудит ўтказишни буюртмачиси барча зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва ўз вақтида тақдим этиши ҳамда уни тўғри ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш учун жавобгарликни ўз бўйнига олиши тавсия этилади. Агарда бу талаблар бузилган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ аудитор шартномани бекор қилишга ва ўз харажатларини тўлиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

Хулоса

Нодавлат нотижорат ташкилотларида аудитни режалаштириш бўйича ўтказилган илмий ўрганишлар натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар шакллантирилди:

аксарият ННТлар учун мажбурий аудит уставида белгиланганлиги сабабли, аудиторлик ташкилотлари билан муаммоларнинг олдини олиш ва аудитни сифатли ўтказиш учун аудитни режалаштириши зарур ҳамда аудиторларга шароитларни яратиш ННТнинг манфаатларига мос келиши ва нуфузини таъминлашга хизмат қилади.

ННТларда аудитни режалаштирмаслик кейинги молия – хўжалик фаолиятида турли муаммоларга олиб келиши мумкин. Агар ННТ мажбурий аудитдан ўтиши лозим бўлган уюшмаларга тегишли бўлса, бу ҳолатда аудит текширувлари ҳар йили ўтказилиши шарт.

ННТлар фаолиятида зарурат туғилганда, аудит раҳбарият ёки таъсисчилар ташаббуси билан ихтиёрий аудит амалга оширилганда ҳам аудит умумий режаси ва ишчи дастурини тузиш таклиф этилади.

Аудиторлик текшируви қачон ва қайси муддатда аудитор ва мижоз томонидан ўтказилиши тайёргарлик босқичида муҳокама қилинади ҳамда ННТ ижрочи раҳбарлари билан келишилади. Агарда аудит текшируви тадбирларини ўтказиш жараёнида қўшимча вақт талаб қиладиган маълумотлар ёки материалларни қўшимча текшириш зарурати туғилса, муддатлар ННТ раҳбарияти билан келишиш тавсия этилади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилган ННТлар ўз ҳудудларида жойлашган давлат солиқ инспекцияларига молиявий ҳисоботлар ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун аудит натижаларини тасдиқловчи аудит хулосани тақдим этишлари шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон фармони. 2023 йил 11 сентябрь. – https://lex.uz/docs/6600413

2. Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги №763-I сонли қонуни, 1999 йил 14 апрель. – https://lex.uz/docs/11360

3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-№677-сонли қонуни, 2021 йил 25 февраль. –https://lex.uz/docs/5307886

4. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет как сумма фактов хозяйственной жизни. – М.: Магистр; Инфра-М, 2010.

5. Егорова Л.В. Учет и аудит в некоммерческих организациях: теория, методология и практика», Автореф. докт. дис. Ростов–на–Дону – 2008, стр.-41.,

6. Гусарова Л.В. Концепция бухгалтерского учета, аудита и анализа в некоммерческих организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Казань. Йошкор-Ола, 2010. – 36 с.

7. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З.Халқаро аудит.Darslik – T.: Nihol-print, 2023. – 420 б.

8. Юлдашев Б.Т., Индина И.А., Ҳайдаров Ш.У. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари: ҳуқуқий тартибга солиш, фаолиятнинг иқтисодий асослари, қонунчиликдаги сўнгги ўзгаришлар нуқтаи назаридан бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш: услубий қўлланма. – Т.: Yurist-media markazi, 2010. – 332 б.

9. Неъматов О.И. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш. Иқт. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... автореферат. – Тошкент: Iqtisod-Moliya, 2020. – 56 б..

10. Хожиев М.С. Нодавлат нотижорат ташкилотларида аудиторлик текширувини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари\\Iqtisodiyot va ta’lim, 2023. 24(2), 84-92.

11. Хожиев М.С. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. Иқт. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... автореферат. – Тошкент: Iqtisod-Moliya, 2019.

12. Mekhriddin Sulaymonovich Khojiev//Improving audit of financial statements in non-state non-profit organizations//American Journal of Economics and Business Management/ISSN: 2576-5973Vol.6, No.9, 2023 September.

13. www.lex.uz

14. www.fasb.org

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕТА ОТГРУЗКИ МОСТОВЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ

Розиков Жалил Жалолович
доцент кафедры аудита
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail mut07@
ORCID:0009-0005-5994-7711

Аннотация. В статье исследуются вопросы, связанные с вариантами железнодорожной отгрузки мостовых железобетонных изделий, влиянием способов отгрузки продукции на схему расчетов между участниками процесса перевозки грузов и на формирование их доходов (расходов). Исследуются параметры расходов по отгрузке груза в двух аспектах: при железнодорожной погрузке и перевозке груза. Разработан и рекомендован Учетно-контрольный лист перевозки изделий, заполняемый в соответствии железнодорожными накладными. Анализируется методика составления счета-фактуры на отгрузку мостовых железобетонных конструкций.

Ключевые слова: мостовые железобетонные конструкции, грузополучатель, товаропроизводитель, железнодорожное хозяйство, отгрузка продукции, погрузочные работы, заготовительные расходы, себестоимость продукции, транспортировки груза, тарный материал, учетно-контрольный лист, чистая стоимость.

КЎПРИК ТЕМИР-БЕТОН ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Розиқов Жалил Жалолович
аудит кафедрасининг
катта ўқитувчиси
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail mut07@
ORCID:0009-0005-5994-7711

Аннотация. Мақолада кўприк темир-бетон буюмларини темирйўл орқали жўнатиш вариантлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Юклаб жўнатиш усулларининг ташиш иштирокчилари ўртасидаги ҳисоблашиш схемасига ва улар даромадлари (харажатлари) нинг шаклланишига таъсири масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, юклаб жўнатиш харажатлари икки жиҳатдан: юкларни темирйўлда юклаш ва ташиш бўйича ўрганилиб, темирйўл юк-хатлари асосида тўлдириладиган Маҳсулотларни ташиш ҳисоб-назорат вароғи ишлаб чиқиш тавсия қилинган. Бундан ташқари муаллиф томонидан кўприк темир-бетон қурилмаларини

юклаб жўнатишга счет-фактурани тузиш услубиёти очиб берилган.

Калит сўзлар: кўприк темир-бетон қурилмалари, юк олувчи, товар ишлаб чиқарувчи, темир йўл хўжалиги, маҳсулотларни юклаб жўнатиш, юклаш ишлари, тайёрлов харажатлари, маҳсулот тан-нархи, юкларни ташиш, идишбоп материаллар, ҳисоб-назорат вароғи, соф қиймат.

FEATURES OF ORGANIZATION OF ACCOUNTING FOR SHIPMENT OF REINFORCED CONCRETE BRIDGE STRUCTURES

Rozikov Zhalil Zhalolovich

Senior Lecturer audit department
Tashkent State the University of Economics
E-mail mut07@
ORCID:0009-0005-5994-7711

Abstract. The article examines issues related to options for railway shipment of bridge reinforced concrete products, the influence of methods of shipment of products on the settlement scheme between participants in the process of transporting goods and on the formation of their income (expenses). The parameters of costs for cargo shipment are studied in two aspects: for railway loading and cargo transportation. An accounting and control sheet for the transportation of products has been developed and recommended, filled out in accordance with railway invoices. The methodology for drawing up an invoice for the shipment of reinforced concrete bridge structures is analyzed.

Keywords: reinforced concrete bridge structures, consignee, commodity producer, railway facilities, shipment of products, loading operations, procurement costs, cost of production, cargo transportation, container material, accounting and control sheet, net cost.

Введение

Основной задачей статьи является выбор оптимального варианта отгрузки мостовых железобетонных конструкций (МЖБК) по железной дороге, который удовлетворил бы всех участников транспортировки грузов. Потому перевозка груза по железной дороге приобретает общественный интерес и на ее оптимизацию государством уделяется большое внимание.

Одним из ключевых моментов отгрузки МЖБК по железной дороге является погрузка груза на железнодорожную платформу, для которой требуется специализированная погрузочно-разгрузочная база (ПРБ), состоящая из необходимой техники и механизмов.

На погрузку отдельных железобетонных изделий на платформу или полувагон по ГОСТу требуется различные по размеру деревянные балки и прокладки, которые производятся товаропроизводителем. В нашу задачу входит исследование этих вопросов через организацию оперативного учета

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

отгрузки продукции.

Обзор литературы

На сегодняшний день имеются ряд исследований ученых, связанных с производством мостовых железобетонных конструкций. Исследователи Ю.В. Сивоконь и В.Р. Касимов, подчеркивая особенности использования мостовых железобетонных конструкций, пишут: «… использование железобетонных конструкций показывает, что оно широко будет применены и в перспективе» [2].

По мнению В.С. Руднова и других авторов «… сгибаемая свойства стали при создания металлоконструкции и формовки в нем бетона, способствует производит железобетонные изделия с любой формой и конструкций, тем самым представляется возможность сборки железобетонных конструкций зданий и сооружений с различной формой и конфигураций» [3].

Другой исследователь Э.И. Батяновский производство железобетонных конструкций характеризует как технологический процесс производства и подчеркивает «… это индивидуальная операция, которая начинается с заготовки сырьевой смеси и завершается производством, контролем качества, отгрузкой и приемом потребителем сборных железобетонных конструкций» [4].

Погрузка и транспортировка железобетонных мостовых конструкций представляется сложной задачей, потому что технические показатели такого груза могут достигать 30 метров в длину и иметь внушительный вес. Поэтому к такой трудоемкой задаче стоит допускать только компании, которые занимаются негабаритными грузоперевозками и имеют большой опыт.

Из вышеприведенных научных выкладок видно, что ученые особое внимание уделяют на сущность производства сборных железобетонных конструкций. Вместе с тем учету отгрузки мостовых железобетонных конструкций уделяется мало внимания.

Анализ и результаты

Одним малоизученных особенностей учета, на наш взгляд, остается процесс отгрузки мостовых железобетонных конструкций по железной дороге. Для его осуществления на территории завода изготовителя должно быть железнодорожные ветки, погрузочно-разгрузочная база, оснащенная необходимой техникой и механизмами по погрузке и разгрузке грузов, тепловоз для подачи вагонов на погрузку (разгрузку) и построения железнодорожного состава на станции отправки.

При отгрузке груза между поставщиками и покупателями выбираются различные формы и схемы расчетов, которые в практике грузоперевозок называются способами отгрузки. При железнодорожной отгрузке продукции, в договорные отношение вступают товаропроизводители (поставщик),

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

покупатели и железнодорожные хозяйства, или вместо них посреднические службы по экспедирование груза.

По той схеме договорных отношений, когда во всех инстанциях железнодорожного сообщения, заказчиком вступает покупатель, расчеты за отгруженные товары осуществляется через его баланс, где аккумулируются все затраты по транспортировке груза.

У товаропроизводителей и железнодорожных хозяйств (посреднических служб) формируется источники дохода и счета к получению. Таким образом, единым плательщиком за товары и услуги является покупатель. Это есть децентрализованная форма договорных отношений и расчетов по грузоперевозке, т. е. каждый покупатель по отдельности вступает в договорные отношения с железнодорожным хозяйством.

Децентрализованный способ отгрузки товара является неэффективным, по следующим причинам:

-во-первых, разобщенность и частный характер договорных отношений отгрузки груза с единого пункта отгрузки, т.е. со станции грузоотправителя (поставщика);

-во-вторых, характеризуется нерациональными затратами труда, финансовых и материальных ресурсов;

-в-третьих, отличается потерей календарного фонда рабочего времени, связанных с привлечением неквалифицированных работников и структур в грузоперевозке и т.д.

В разнообразности форм отгрузки грузов по железной дороге самым оптимальным вариантом является централизованный способ отгрузки грузов. При этом железнодорожные хозяйства и другие экспедирующие организации заключают договора по грузоперевозке (экспедирование груза) с единым заказчиком – товаропроизводителями (поставщиками) и через расчеты с поставщиками обслуживают транспортные организации всех грузополучателей (покупателей).

У обслуживающих хозяйств и организаций формируются их доходы за счет получаемых средств от единых заказчиков (поставщиков). А у товаропроизводителей формируются доходы (расходы) от отгрузки продукции (товаров), оказанных услуг по транспортировке груза до станции отправления и от выполнения погрузочных работ, также расходы по оплаченным счетам железнодорожным и экспедирующим организациям за оказанные ими услуги.

Оплаченные товаропроизводителями услуги этих организаций в последующем предъявляется к оплате покупателям. Таким образом, в учете у товаропроизводителя формируется центр синтеза доходов и расходов участников в процессе отгрузки товаров (продукции).

Как мы уже заметили оплаченные счета покупателями за оказанные ему услуги по транспортировке груза, независимо, кому она оплачены – железнодорожному хозяйству или поставщику, признаются как

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

заготовительные расходы и в составе отклонений в стоимости материалов погашается, отнесением в состав себестоимости произведенной продукции.

Методика учета заготовительных расходов достаточно широко освещена в национальных стандартах бухгалтерского учета и других нормативных актах, регулирующих организацию и ведение бухгалтерского учета. Однозначно это можно сказать и по поводу признания доходов железнодорожных хозяйств и посреднических служб, полученных от грузоперевозки и от реализации готовой продукции товаропроизводителей.

Вместе с тем отражение у товаропроизводителя в бухгалтерском учете погрузки груза в вагоны и его транспортировка, по нашему мнению, является не решенным вопросом, что связано со следующими обстоятельствами:

-во-первых, для признания доходов и расходов поставщика требуются нормативная база и решения методического характера;

- во-вторых, оно связано с вопросами погашения признанных расходов.

Погашаемые элементы расходов по ПРБ это:

-затраты по подаче вагонов тепловозом, в ПРБ на погрузку МЖБК и на станции отправления для присоединения вагонов на железнодорожный состав;

-затраты по погрузочно-разгрузочным работам;

- стоимость использованных тар и тарных материалов, необходимых для погрузки грузов, горюче-смазочных материалов, необходимых тепловозу и других материалов на содержание базы и персонала;

-заработная плата персонала с начислением на целевые фонды;

-амортизация зданий и сооружений, тепловоза, погрузочно-разгрузочных машин и механизмов, занятых в погрузочных работах;

-стоимость использованной электроэнергии и другие расходы на содержании ПРБ.

На время транспортировки негабаритных, парою длинных грузов, по схеме погрузки требуется оснащение вагонов и платформ специальными тарами, порою дорогостоящими. В бухгалтерском учете их изучаем в составе «Тары и тарных материалов». Тары в учете классифицируется как возвратные, так и безвозвратные. Тары многоразового использования являются – возвратными, а одноразового использования – безвозвратными.

При отгрузке товаров с возвратными тарами, их амортизация, а при отгрузке товаров с безвозвратными тарами, их стоимость должны быть погашены покупателями. На отгрузку каждой номенклатуры продукции используются разные тары, отличающиеся друг от друга по назначению, конструкции изготовления и стоимости. Количество используемых одних и тех же тар на транспортировку одного же груза, в каждом случае транспортировки, могут быть разными, исходя из способа их погрузки.

Вышеприведенные факторы являются достаточной основой для того чтобы при отгрузке продукции, стоимость используемой тары, необходимо учесть в разрезе каждой номенклатуры и ассортимента отгруженной продукции и способа погрузки груза, так как без этих определений,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

невозможно предъявить счет покупателям к оплате.

Определение стоимости транспортировки груза в разрезе номенклатуры и ассортимента отгруженной продукции не имеет принципиального значения, но с целью контроля целостной доставки их до пункта назначения и погашения расходов транспортировки, железнодорожных услуг необходимо учесть в разрезе покупателей.

Количество расхода тарных материалов определяется исходя из количества и схемы погрузок вагонов и платформ, предусмотренной правилами железнодорожной погрузки.

Для учета железнодорожных услуг рекомендуется разработка учетно-контрольного листа, где обобщается данные о железнодорожных накладных в разрезе их предъявленных реестров к оплате. На учетно-контрольном листе должно быть предусмотрены следующие ячейки учета «данных железнодорожных накладных»:

-номер и дата оформления документа;

-сведение о наименование и о количестве груза в шт/тн;

-пункт доставки груза, наименование получателя и сумма платежа транспортировки и другие необходимые данные для учета и контроля транспортировки груза.

По данным железнодорожных накладных и его реестра определяется количество перевозок и погрузки вагонов. Количество (штук, масса, объем) изделий, перевозок и погрузок вагонов уточняют, сквозным учетом данных ПРБ и склада готовой продукции по отгруженной продукции. В соответствии, с которым составляется сведение о погрузке мостовых железобетонных конструкций.

Для определения объема транспортных услуг не требуются специальные приёмы расчетов, их можно определить двумя способами учета:

-путем суммирования стоимости каждой перевозки в соответствии со счетом-фактуры железнодорожного хозяйства;

-путем умножения натурального объема перевозки груза на железнодорожные тарифы перевозок.

Объем перевозок в натуральных измерениях (тыс. тн/км), определяется на базе массы и расстояние перевозок груза по способам перевозок.

На счет-фактуре железнодорожного хозяйства (посредника), предъявленной к оплате грузоотправителю, обобщается все вышеуказанное данные грузоперевозки.

Как уже мы имеем определенное представление, о том, что сумма платежа, предъявляемые покупателям, за отгруженную продукцию, определяется тремя этапами: сначала подсчитывается стоимость продукции, затем стоимость тары (погрузки) и потом стоимость транспортных услуг.

При предъявлении счета к оплате сумма платежа может исчисляться двумя способами расчета:

-как стоимость отгруженной продукции, определяемая путем умножения количество продукции и их цен на реализации. При этом расходы

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

по погрузке и транспортировке груза предусматриваются в составе цен реализуемой продукции;

-как раздельный расчет суммы платежа по следующим элементам предъявления: чистой стоимости отгруженной продукции (стоимость без расходов погрузки и транспортировки), стоимость погрузки и расходов по транспортировке груза. При этом стоимость отгруженной продукции исчисляется по первому способу расчета суммы платежа, стоимость погрузки исчисляется путем умножения количество погрузок по схеме и тарифа погрузок. Расходы по транспортировке груза предъявляется к оплате раздельно, отдельной строкой по счет-фактуре отгрузки продукции.

С целью погашения расходов товаропроизводителя (поставщика) включение железнодорожных расходов в стоимость отгруженной продукции или в стоимость погрузки не имеет принципиального значения, но с целью определения (признания) его доходов и расходов от основной деятельности, необходимо учет всех элементов платежа раздельно.

Конечно, определение суммы платежа, объема и источника доходов, также размер и состав расходов на базе данных отгрузки продукции в каждой отрасли производства, также, на каждом предприятии определяют специфическими только им методами расчетами, но при этом общие вышеприведенные принципы определения этих показателей во всех сферах производства сохраняются.

Для определения результатов отгрузки мостовых железобетонных конструкций нам необходимо уточнить следующие частные определяющие:

-показатели, предусмотренные на счет-фактуре (наименование, единица измерения, цена и стоимость товара, ставка НДС и сумма платежа за каждую и всей погруженной продукции);

-показатели схемы погрузок и количество использованных тарных материалов (определенное по технической норме на одну схему погрузок);

-тарифы на железнодорожную погрузку;

-количество погрузок, в единице измерениях, «платформа – тонна (п/тн)» и «полувагон – тонна (пв/тн)»;

-сумма платежа железнодорожных услуг, определенная, исходя из объема перевозок, в «тысяча тонна километров (т.т/км)» и тарифа железнодорожных услуг;

- расстояние маршрута грузоперевозок, от станции погрузки до станции получения, в «километрах (км)» и другие частные показатели.

Рассмотрим оформление счет-фактуры и учет показателей отгрузки МЖБК. Имеется следующее сведение о погрузке мостовых железобетонных конструкций (Таблица 1).

Таблица 1.

Погрузка мостовых железобетонных конструкций за декабрь 20XX года*

№ погрузки	Наименование изделия	Способ погрузки	Погрузка изделия по норме на 1 вагон		К-во погрузок (шт.)	Погрузка изделия	
			К-во (шт.)	Масса (тн)		К-во (шт.)	Масса (тн)
1.	Балка Б-24х140х120	Турникет платформа	2	100,7	5	10	503,5
2.	Плита П-9 К-7	Реквизит погрузка на платформу	12	68,2	5	60	341,0
3.	Плита П-9 К-7	Реквизит погрузка на платформу	8	45,5	4	32	182
4.	Блок 2 БДО-5х84	Реквизит погрузка в полувагон	19	64,7	5	95	323,5
	Итого				19		1350,0

*Разработка автора.

В порядке схемы погрузки оформляется счет-фактура на отгруженную продукцию и составляется технический отчет о расходе тарных материалов на данный объем и состав погрузки МЖБК.

При этом бухгалтер должен имеет сведение о тарифе железнодорожной погрузки и транспортировки груза.

Для денежной оценки затрат на погрузочные работы нами разработаны тариф на железнодорожную погрузку в соответствии со схемой погрузки на 1 вагон. В тарифе на железнодорожную погрузку значительную часть расходов составляет стоимость материалов (реквизит) и расходы на содержание турникета. Потому тарифы на погрузку изделий, разработанные на основе реквизита и других тарных материалов, на практике железнодорожной погрузки принято называть «реквизит», а разработанные на основе турникета и других тарных материалов – «турникет». На таблице 2 приведены сведения о тарифе на железнодорожную погрузку.

Таблица 2.

Тариф на железнодорожную погрузку с 01-декабря 20XX года* (в сумах)

№ погрузки	Наименование изделия	Погрузка по норме на 1-вагон		Тариф по названию погрузки	
				Реквизит	Турникет
		шт.	тн	сум	сум
1.	Балка Б-24х140х120	2	100,7	-	228532
2.	Плита П-9К-7	12	68,2	581461	-
3.	Плита П-9К-7	8	45,5	408790	-
4.	Блок 2БДО-5х84	19	64,7	208577	-

*Разработка автора.

Расходы на оплату железнодорожных услуг характеризуются с

данными предъявленного счета-фактуры железнодорожного хозяйства (Таблица 3).

Таблица 3.

Счет-фактура №199-12/12
от 30 декабря 20XX года

Поставщик: **Транспортное хозяйство ГАК «Ўзбекистон Темир Йуллари»**

Покупатель: **Экспериментальный завод МЖБК**

№	Наименование	Ед/изм	К-во	Цена (сум)	Стоимость (сум)	НДС		Всего к оплате
						%	Сумма	
1.	Перевозка МЖБК на платформах	тыс. тн/км	4996,3	13986,90	69882749	12%	8385930	78268679
2.	Перевозка МЖБК на полувагонах	тыс. тн/км	1819,4	16928,40	30799531	12%	3695944	34495475
	Итого				100682280		12081874	112764154

Скользящим методом расчета непосредственно на бланке счета-фактуры (Таблица 4) исчисляется по элементам (разделам) сумма платежа отгрузки мостовых железобетонных конструкций, состоящей из стоимости реализованной продукции (Раздел I), погрузок (Раздел II) и железнодорожных услуг (Раздел III).

Таблица 4.

Счет-фактура №101/37-12/15
от 31 декабря 20XX года

Поставщик: **Завод ЭМЖБК**

Покупатель: **УП «Автомагистраль»**

№ п/п	наименование	Ед/изм	К - во	Цена (сум)	Стоимость (сум)	НДС		Всего к оплате (сум)
						%	Сумма (сум)	
1	2	3	4	5	6	7	8	9
I	Отгрузка продукции:							
1	Балка Б-24*140*120	шт/м^3	10/133,6	7785248	77852480	12%	9342298	87194778
	Плита П-9К-7	-	60/136,8	874506	52470360	12%	6296443	58766803
	Плита П-9К-7	-	32/72,96	874506	27984192	12%	3358103	31342295
	Блок 2БДО-5*84	-	95/28,25	208837	19839515	12%	2380742	22220257
	Итого				178146547		21377586	199524133
II	Стоимость погрузки:							
1	Турникет: балка Б-24*140*120	п/тн	5/503,5	228532	1142660	12%	137119	1279779
2	Реквизит:ПлитаП-9К-7	п/тн	5/341,0	581461	2907305	12%	348877	3256182
3	Плита П-9К-7	п/тн	4/182,0	408790	1635160	12%	196219	1831379
4	Блок 2500-5*84	пв/тн	5/323,5	208577	1042885	12%	125146	1168031
	Итого				6728010		807361	7535371
III	Железнодорожные перевозки							
1	Перевозка МЖБК на платформах	тыс. тн/км	318,2	13986,90	4450632	12%	534076	4984708
2	Перевозка МЖБК на полувагонах	-	100,3	16928,40	1697919	12%	203750	1901669
	итого				6148551		737826	6886377
	Всего				191 023108		22922773	213945881

Как видно из таблицы в первом разделе счета-фактуры путем

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

умножения количества в шт/м^3 и цен на реализацию исчисляется чистая реализационная стоимость изделия и стоимость с учетом НДС. Исчисленная таким образом чистая стоимость отгруженной продукции составляет – 178146547 сумов и с учетом НДС – 199524133 сума.

Во втором разделе счета-фактуры, исходя количество и тарифа схемы погрузок, исчисляется сумма платежа по погрузочным работам. При расчете стоимости погрузки неквалифицированные и невнимательные бухгалтера за количество погрузки ошибочно могут принять в расчет количество отгруженных изделий в м^3.

Поэтому рекомендуется составление сведения о погрузке мостовых железобетонных конструкций по форме и содержанию таблицы 1. Для расчета стоимости погрузки и расходов железнодорожной транспортировки исходными данными является сведения о количестве погрузок и массе изделий.

Например, количество турникет погрузки на платформу Балку Б-24 х 140 х120 составляет 5 погрузок и в массе 503,5 тн.

Стоимость погрузки определяется путем умножения количества погрузок на тариф погрузки, исчисленной по таблице 2, т. е.:

- Балка Б-24 х 140 х 120 в п/тн 5/ 503,5 х 228532 =1142660 сумов,

и с учетом НДС – 1279779 сумов.

Количество реквизитов погрузки на платформу плиты П-9К-7 составляет 5 погрузок и в массе составляет 341,0 тн.

Стоимость погрузки соответственно составляет:

Плита П-9К-7 в п/тн 5/341 х 581461 = 2907305 сумов,

и с учетом НДС – 3256182 сума.

Позиционно исчисленная таким путем стоимость погрузки всех изделий составляет 6728010 сумов, и с учетом НДС – 7535371 сума.

В третьем разделе счета-фактуры исчисляется сумма платежа за железнодорожные услуги путем умножения объема (тыс. тн/км) грузооборота на тариф способа транспортировки. Расстояние перевозок в нашем примере составляет 310 км.

Количество перевозки на платформах в тн/км исчисляется путем суммирования массы грузов позиционно по изделиям в соответствии данными «Сведений о погрузке мостовых железобетонных конструкций» (Таблица 1) или второго раздела счета-фактуры «о массе погрузок» (таблица № 4), и умножив на тариф железнодорожной погрузки, уточненной по счет-фактуре железнодорожного хозяйства (Таблица 3).

Объем перевозки на платформах по первым трем позициям изделий (Таблица 1) составляет 318,2 тыс. тн/км [(503,5 + 341,0 + 182,0) х 310], а

объем перевозки на полувагонах составляет 100,3 тыс. тн/км (323,5 х 310).

Стоимость железнодорожных услуг определяют путем умножения объема на тариф перевозок, установленной согласно счет-фактуры железнодорожного хозяйства (Таблица 3).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Стоимость перевозки МЖБК на платформах составляет 4450632 (318,2 х 13986,90) сумов, а с учетом НДС – 4984708 сумов.

Стоимость, определенная таким образом, железнодорожных услуг с учетом перевозки изделий на полувагонах составляет 6148551 сум, а с суммой НДС – 7378261 сум.

По трем разделам счет-фактуры сумма отгрузки изделий составляет 191 023108 сумов, а сумма счета к оплате с учетом НДС – 213945881 сум.

Таким образом, на счет-фактуре отгрузки товара проводится таксировка и подсчет суммы стоимости отгруженной продукции, погрузки изделий и железнодорожных перевозок. Определяется причитающаяся сумма платежа к получению от покупателей, с учетом начисленной суммы НДС по установленной ставке.

Выводы

В постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию транспортной инфраструктуры и диверсификации внешнеторговых маршрутов перевозки грузов на 2018 – 2022 годы подчеркивается, что «Сложившаяся негибкая транзитная и тарифная политика сдерживает привлечение дополнительного транзитного грузопотока» [1]. Создание оптимальных условий для грузоперевозок и разработка тарифов на погрузку и транспортировку грузов положительно повлияет на транспортные издержки поставщиков и покупателей.

На основании предложенных нами методологий организации оперативного учета отгрузки мостовых железобетонных конструкций обеспечивается погашении расходов товаропроизводителя по железнодорожной транспортировке груза. Появляется возможность у товаропроизводителя определять и учитывать доходы и расходы от погрузочных работ, являющиеся прочной основой производственной деятельности.

Литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. от 07.02.2017г. № УП - 4947. – https://lex.uz/docs/3107042

2. Сивоконь Ю. В. Конспект лекций по строительным конструкциям (железобетонные конструкции): учеб, пособие / Ю. В. Сивоконь, В. Р. Касимов; Нижегор. гос. архитектур. -строит. ун-т. – Н. Новгород: ННГАСУ, 2019. –132 с.

3. Строительные материалы и изделия: учеб, пособие / В.С. Руднов [и др.]. – Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2018. – 203 с.

4. Батяновский, Э.И. Технология бетонных и железобетонных изделий: учебное пособие. – Мн.: Высшая школа, 2017. – 305 с.

5. Перевозка железобетонных мостовых балок – agro-msk.comhttps://agro-msk.com

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

КЛАСТЕР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

Абдурашидова Гўзал Акром қизи
мустақил изланувчи
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: abdurashidovago‘zal1990@mail.ru
ORCID: 0006-0012-2856-854

Аннотация. Мақолада кластерда молиявий натижаларини молиявий ҳисоботда акс эттирилиш билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. “Бухоро Агрокластер” МЧЖнинг молиявий натижалари ҳисоботи таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, кластер, соф фойда.

ОТРАЖЕНИЕ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ КЛАСТЕРА В ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Абдурашидова Гўзал Акром қизи
самостятельный исследователь
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: abdurashidovago‘zal1990@mail.ru
ORCID: 0006-0012-2856-854

Аннотация. В статье изучено отражение финансовых результатов кластера в финансовой отчетности. Проанализирован отчет о финансовых результатах ООО «Бухара Агрокластер».

Ключевые слова: бухгалтерский учет, финансовая отчетность, кластер, чистая прибыль.

REFLECTION OF FINANCIAL RESULTS IN THE CLUSTER IN THE FINANCIAL STATEMENT

Abdurashidova Go‘zal Akrom qizi
Independent researcher
Tashkent State University of Economics
E-mail: abdurashidovago‘zal1990@mail.ru
ORCID: 0006-0012-2856-854

Abstract. The article studies the reflection of the financial results of the cluster in financial statements. The report on the financial results of Bukhara Agroklaster LLC was analyzed.

Keywords: accounting, financial reporting, cluster, net profit.

Кириш

Молиявий натижаларни шакллантириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш муаммолари доимий равишда диққат марказда бўлиб, уларни ҳал қилиш хўжалик юритувчи субъектнинг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларни олиш, даромад ва харажатларни ҳисоблашда янги назарий ва услубий ёндашувларни талаб қилади. Бу маълумотни молиявий ҳисоботнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан олиш мумкин. Даромад ва харажатлар тўғрисида ахборот берувчи манба “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисобот бўлиб, мазкур ҳисобот шаклида даромадни ифодаловчи 3 та турини, яъни маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган фойда, молиявий фаолият даромадлари ҳамда асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини кўрсатиш мумкин. “Фойда ва зараралар тўғрисида”ги ҳисобот – бу компаниянинг маълум вақт давомида олган даромадлари, харажатлари, зараларни ёки фойдалари тўғрисидаги тизимли ҳисобот. “Фойда ва зараралар тўғрисида”ги ҳисобот субъектнинг ҳисобот давридаги молиявий фаолиятини кўрсатади ва бу фаолиятнинг турли жиҳатларини тушунишга имкон берадиган усулдан иборат бўлади. Фойда ва зараралар тўғрисидаги ҳисоботни кўпинча молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот деб аталади. У қарорларни қабул қилувчилар учун фойда ва зараралар тўғрисидаги ҳисобот жорий фойданинг олинганлиги (ёки мавжуд эмаслиги) ҳақида маълумот олиш манбаидир. Инвестор ва кредиторлар, инвестициялар соҳасидаги бухгалтер-таҳлилчилар ва бошқа мутахассислар ушбу маълумотдан фойда ва пул маблағларини силжишини истиқболлаштиришда фойдаланади.

Адабиётлар шарҳи

Молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш барча фойдаланувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Бухгалтерия ҳисобига оид илмий-назарий адабиётларда молиявий натижа деганда кўпинча хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якуни тушунилади.

Я.В. Соколовнинг фикрича, молиявий натижа “... мураккаб категориялардан бири бўлиб, у маълум бир ҳисобот даврида олинган фойда ёки зарар” [8]. Молиявий натижа ҳисобот даврида капитал қийматининг ўзгаришини кўрсатади. Агар у ортиб борса, фойда тўғрисида, камайса, зарар тўғрисида гап кетади.

Республикамиз иқтисодчи олимларининг фикрича, молиявий натижа – бу даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Жумладан, Ё.А. Маҳмудалиеванинг фикрича: «фойда – даромад суммасининг қилинган харажатлардан ошган қисми» [5]. Ушбу таърифда молиявий натижа фойда эканлиги ва у даромад ва харажат ўртасидаги фарқ сифатида аниқланишини кўриш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

“Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисобот фойдаланувчиларга молиявий хўжалик операциялари (даромадлар ва харажатлар) келтириб чиқарган молиявий-хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни тушунтириб беради. Фойдаланувчилар ундаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда инвестиция қилинган ҳар бир сўмни келажакда қанча фойда келтириши мумкинлигини режалаштиришлари мумкин. “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисобот берилган ҳисобот даврининг бошида ва охирида бўлган баланслар ўртасидаги боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Бу ҳолат ҳисоботнинг нақадар инвесторлар учун фойдали эканлигини кўрсатиб беради.

Молиявий натижалар кўрсаткичларини аниқлашга тизимли ёндашувни жорий этиш масалалари алоҳида долзарбдир, бу бизга молиявий натижаларни ҳисобга олишни ташкилий ва услубий таъминлашни тармоқ хусусиятлари таъсирида шаклланадиган яхлит тизим сифатида кўриб чиқишга, хўжалик юритувчи субъектни ва бизнесни бошқариш жараёнини самаралироқ қилишга имкон беради. Шунинг учун пахта-тўқимачилик кластерларда ҳам молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботини ўрганиш ўз долзарблигини йўқотмайди.

Пахта-тўқимачилик кластерида ҳам молиявий натижаларнинг шаклланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарорга асосан амалга оширилади.

Унга асосан пахта-тўқимачилик кластерида фаолиятнинг молиявий натижалари қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда;

асосий фаолиятдан кўрилган фойда;

хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар);

солиқ тўлангунгача олинган фойда;

йилнинг соф фойдаси.

Пахта-тўқимачилик кластерида ҳам стандарт кўринишда якуний молиявий натижа қуйидаги тартибда аниқланади:

маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (ЯФ) сотишдан олинган соф тушум (ССТ) билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи (ИТ) ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$ЯФ = ССТ – ИТ;$$

асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ), бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (ЯФ) билан давр харажатлари (ДХ) ўртасидаги тафовут, ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар (БД) ёки минус бошқа зарарлар (БЗ) сифатида аниқланади:

$$АФФ = ЯФ – ДХ + БД – БЗ;$$

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар) (УФ) асосий фаолиятдан олинган фойда (АФФ) суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар (МД) ва минус зарарлар (МХ) сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ = АФФ + МД – МХ;$$

солиқ тўлангунгача олинган фойда (СТФ), у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (УФ) плюс фавқулодда вазиятлардан олинган фойда (ФФ) ва минус фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар (ФЗ) сифатида аниқланади:

$$СТФ = УФ + ФФ – ФЗ;$$

йилнинг соф фойдаси (СФ), у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида фойдадан тўланадиган солиқни (ДС) ва минус қонунчиликда назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни (БС) чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФ – ДС – БС.$$

Молиявий натижаларнинг ушбу кўрсаткичлари оралиқ молиявий натижаларни билдиради.

Ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, молиявий натижаларни аниқлаш учун маълум бир даврдаги олинган даромадлар билан қилинган харажатларни таққослаш, яъни олинган даромадлардан қилинган харажатларни айириш лозим.

Молиявий натижалар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин, лекин 54-сонли қарор билан тасдиқланган низомда фақат битта кўрсаткичда зарар кўрсатилган. Аслида йилнинг соф фойдаси кўрсаткичида қопланмаган зарар кўрсаткичини ҳам киритиш лозим. Ижобий молиявий натижада олинган даромад қилинган харажат суммадан юқори бўлади ва уни фойда сифатида тан олинади. Сабаб молиявий натижада қилинган харажат олинган даромад суммасидан ортиб кетади ва у зарар деб ҳисобланади.

Юқорида кўриб ўтилган молиявий натижанинг катор кўрсаткичлари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ўз аксини топади ва ушбу ҳисобот давридаги даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги оралик ва якуний маълумотлар билан таъминланади.

Молиявий натижаларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотлар бериш молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар учун ўта аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам хар қандай тизимда фаолият юритаётган хўжалик субъектлар ўз фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлайди. Албатта бунда мамлакатда амал қилаётган молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг моҳияти шундан иборатки, у корхона фаолияти тўғрисидаги иқтисодий кўрсаткичларни шакллантириш билан биргаликда унинг самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини тавсифлаш учун зарур малумотларини ҳам ўзида акс

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

эттиради. Агар бухгалтерия баланси корхонанинг мол-мулки маблағлари капитали ва мажбуриятлари, яъни корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат предметлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассам қилса, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботига корхонанинг меҳнат воситалари предметлари ва ишчи кучидан фойдаланиш натижасида олинган кўрсаткичларни беради. Шунинг учун ҳам унинг маъсулияти ташқи ва ички фойдаланувчилар учун бирдай аҳамиятлидир.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш барча фойдаланувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Бухгалтерия ҳисоби назариясига эътибор қаратсак, молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантиришда 3 та, яъни статик, динамик ва органик асосий назария мавжуд эканлигига гувоҳ бўламиз. Статик назариянинг асосий мақсади мулк қиймати ва молиявий мустақиллик коэффициентини аниқлаш бўлса, динамик назарияда асосий эътибор рентабеллик кўрсаткичларини аниқлашга қаратилади. Статик ва динамик назариялар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида органик баланс назарияси шаклланган. Ушбу назария статик ва динамик баланс назариялари талабларини имкон қадар уйғунлаштирган. Органик назарияда ахборотлар ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу назариянинг мақсади ҳам молиявий натижаларни, ҳам мулкий ҳолатни биргаликда аниқлаш ҳисобланади.

Хозирги кунда “Молиявий натижалар тўғрисида”ги, “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ёки “Умумий даромад тўғрисида”ги ҳисобот ўзаро синоним сифатида ишлатилиб келинмоқда. Улар мазмунан якуний молиявий натижани аниқлаш учун фойдаланса-да, қонунчилик нормаларидан ва хўжалик юритувчи субъект мақсадидан келиб чиққан ҳолда тузилади ҳамда фойдаланилади.

МҲХСлари бўйича фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг аниқ шакли берилмаган, асосийси, ҳисоботда қуйидаги маълумотлар ўз аксини топиши керак:

даромадлар;
харажатлар;
солиқ тўлагунга қадар фойда;
соф фойда.

Умумий даромад тўғрисидаги ҳисобот – бу ҳисобот давридаги фойда, зарар ва бошқа даромаддаги ўзгаришларни акс эттирувчи ҳужжат. Умумий даромад тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш 1-Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш МҲХС томонидан тартибга солинади.

Умумий даромад тўғрисидаги ҳисобот икки бўлимдан иборат:

фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;

бошқа умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисобот (яъни тақсимланмаган фойдага таъсир қилувчи, аммо даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмаган моддалар, масалан, эълон қилинган дивидендлар, қайта баҳолаш захирасидаги ўзгаришлар ва бошқалар).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

МҲХСлари харажатларни тақдим этишнинг икки шаклини назарда тутади: харажатлар характери бўйича ва харажатлар функцияси бўйича (сотиш таннархи усули). Халқаро стандартларга мувофиқ, якуний фойда олиш жараёнининг барча таркибий қисмларини контекстда очиб бериш ва харажатларни қуйидаги иккита усулдан бирида гуруҳлаш керак.

1) харажатлар характери бўйича. Бунда харажатлар бизнес турига қараб бўлинмайди, улар ҳуқуқий табиатига кўра жамланган гуруҳларда кўрсатилади. Масалан, моддий бойликлар, ходимларнинг иш ҳақи, амортизация ва бошқалар. Бу гуруҳлаш усули кичик субъектлар учун мос келади.

1-жадвал.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг “харажатлар характери бўйича” шакли

Тушум	X
Бошқа даромадлар	X
Захирадаги ўзгаришлар (тайёр маҳсулот ва тугалланмаган қурилиш)	(X)
Фойдаланилган ҳом ашё	(X)
Ходимлар учун харажатлар	(X)
Амортизация харажатлари	(X)
Асосий воситаларнинг қадрсизланиши	(X)
Бошқа харажатлар	(X)
Молиявий харажатлар	(X)
Ассоциялашган корхоналар фойдаси	X
Солиқлар тўлагунга қадар фойда	X
Солиқлар бўйича харажатлар	(X)
Ҳисобот даври фойдаси	X
Мажоритарлар фойдаси	X
Миноритарлар фойдаси	X

2) харажатлар функцияси бўйича (сотиш таннархи усули). Харажатлар бизнес турига ва бошқа харажатлар гуруҳларига бўлинади. Масалан, таннарх, сотиш, маъмурий харажатлар ва бошқалар. Ушбу усул йирик компаниялар учун кўпроқ мос келади, бу ерда корхонада нима содир бўлаётгани ҳақида

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

энг аниқ тасаввурни шакллантириш учун функционаллик бўйича тақсимлаш зарур.

2-жадвал.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг “харажатлар функцияси бўйича” шакли

Маҳсулот (хизмат) сотишдан тушум	X
Бошқа маҳсулот (хизмат) сотишдан тушум	X
Жами тушум	X
Сотилган маҳсулот (хизмат) таннархи	(X)
Сотилган бошқа маҳсулот (хизмат) таннархи	(X)
Ялпи фойда	X
Маъмурий харажатлар	(X)
Тижорат харажатлари	(X)
Молиявий активлар қадрсизланиши бўйича зарар	(X)
Бошқа харажатлар	(X)
Операцион фаолиятдан фойда	X
Ижобий (салбий) курс ўртасидаги фарқ	(X)
Молиявий харажатлар	(X)
Инвестицион фаолият фойдаси	X
Солиқ тўлагунга қадар фойда	X
Фойда солиғи бўйича харажатлар	(X)
Ҳисобот даври фойдаси	X
Мажоритар фойда	X
Миноритар фойда	X

Ҳисоб-китоб қилиш нуқтаи назаридан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни шундан иборатки, унда корхона хўжалик фаолиятининг якуний ва оралиқ молиявий натижалари уларнинг алоҳида даромад (фойда) харажат (зарар) кўрсаткичларини таққослаш ва қўшиш орқали аниқланади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

3-жадвал.

“Бухоро Агрокластер” МЧЖнинг молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботи

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ - 2-сонли шакл					Ўлчов бирлиги, минг сўм
Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	10	43759485.12	x	1078065242.64	x
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	20	x	28444520.56	x	918160477.82
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	30	15314964.56	0	159904764.82	0
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080),шу жумладан:	40	x	7228053.21	x	69554816.23
Сотиш харажатлари	50	x	447595.25	x	28349698.8
Маъмурий харажатлар	60	x	3407576.04	x	9764350.81
Бошқа операцион харажатлар	70	x	3372881.92	x	31440766.62
Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	80	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	90	37624.17	x	202893.55	x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100	8124535.52	0	90552842.14	0
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:	110	9080696.15	x	61905666.18	x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120	7126976.44	x	5940176.06	x
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130	7417.81	x	1174109.59	x
Молиявий ижарадан даромадлар	140		x		x
Валюта курси фарқидан даромадлар	150	1946301.9	x	54791378.23	x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x	203	x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	170	x	1697413.1	x	55347648.87
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180				
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	x	1697413.1	x	55347648.87
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x		x	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)	220	15507818.57	0	97110859.45	0
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	230				
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	240	15507818.57	0	97110859.45	0
Фойда солиғи	250	x	1109079.36	x	15084235.61
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	x		x	
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	270	14398739.21	0	82026623.84	0

“Бухоро Агрокластер” масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар туғрисида”ги Қонуни ҳамда “Бухоропахтасаноат ХБ” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2019 йил 06 июлдаги ва 11 июлдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорларига мувофиқ ташкил этилган.

“Бухоро Агрокластер” МЧЖ нинг молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботига эътибор берадиган бўлсак, белгиланган стандарт шаклда тузилган. Ҳисоботда жами 27та сатр акс эттирилган. “Бухоро Агрокластер” МЧЖнинг жорий йилда маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф

тушуми 1078065 млн сўмни, сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи 918160 млн сўмни ташкил қилган ва маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси 159904 млн сўм бўлган. Давр харажатлари 69554 млн сўм, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 203 млн сўм, асосий фаолиятнинг фойдаси 90552 203 млн сўм, молиявий фаолиятнинг даромадлари 61905 млн сўм, молиявий фаолият бўйича харажатлар 55347 млн сўм, умумхўжалик фаолиятининг фойдаси 97110 млн сўм, фойда солиғини тўлагунга қадар фойда 97110 млн сўм, фойда солиғи 15084 млн сўмни ташкил қилган ҳолда ҳисобот даврининг соф фойдаси 82026 млн сўмни ташкил қилган. Бу кластер учун яхши деб баҳоласа бўлади.

Хулоса

Пахта хомашёсини етиштиришдан тортиб, пахта тозалаш заводларида қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришгача бўлган барча ишлаб чиқариш цикларини боғловчи пахта-тўқимачилик кластерларида молиявий натижаларни молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилиши фойдаланувчи учун хар доим долзарблигини сақлаб қолади.

Бугунги кунда мамлакатимизда табиий-иқлим шароитида қишлоқ хўжалигида хосилдорликни кўтариш, етиштирган маҳсулотларни четга хомашё сифатида эмас, тайёр маҳсулот сифатида чиқариш кўпроқ даромад келтириши, бунда қишлоқ хўжалигини ривожланиш стратегик аҳамиятининг ортиши, ушбу тармоқда тўпланган ижобий тажрибаларни жаҳон хўжалигида амалда қўлланилиб келаётган сўнгги илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигининг молиявий таъминотини барқарорлаштириш шароитида тармоқда агрокластерларни янада ривожлантириш зарурлиги ёритиб берилган.

Доимий иш ўринларини яратиш, солиқ тўловларини тўлаш орқали бюджетни маблағ билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасини янада ривожлантириш, тармоқда экспорт ҳажмини ошириш кейинги ўн йилликда қишлоқ хўжалигини сезиларли ривожланишига, бу жараёнда кластерларни асосий куч сифатида майдонга чиқишига замин яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bekmuradov A.Sh., Yang Son Bae. Development strategy of the textile industry in Uzbekistan. Cluster approach. – T., 2006. – 247 s.

2. Bergman E., Feser E. Industrial and Regional Clusters: Concepts and Comparative Applications. – http://www.rri.wvu.edu/WebBook/Bergman-Feser/chapter3.htm.

3. Brown, K., Burgess, J., Festing, M., & Royer, S. (2013). Resources and competitive advantage in clusters. München: Rainer Hampp Verlag. [Google Scholar]

4. Воронов А., Кластерный анализ – база управления

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

конкурентоспособностью на макроуровне//Маркетинг. – 2003. – № 1. – С. 11–20.

5. Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2001. – б. 33.

6. Дусмуратов Р.Д. Илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш:ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliy, 2019. – 260 б.

7. Dragusin, M., Constantin, D. L., & Petrescu, R. M. (2010). Clustering in transition economies: The case of Romanian tourism industry, 20th Biennial International Congress Tourism and Hospitality Industry 2010 “New trends in Tourism and Hospitality Management” (pp. 287–301).

Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2005. – С. 496.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

АУДИТНИ ДАСТЛАБКИ РЕЖАЛАШТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Исмоилова Феруза
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси
E-mail: feruzz18@icloud.com
ORCID:0009-0002-8211-1179

Аннотация. Мақолада аудиторлик текширувини дастлабки режалаштиришнинг мазмуни ва аҳамияти таҳлил этилиб, мазкур соҳада тадқиқот олиб бориш долзарблигининг моҳияти очиб берилган. Шунингдек мақолада аудиторлик текширувини дастлабки режалаштиришнинг ахборот манбалари, дастлабки режалаштириш жараёнида бажариладиган аудиторлик амаллар, аудит буюртмачисининг раҳбариятига текширувни самарали ташкил этиш тўғрисида жўнатиладиган хатнинг мазмуни, аҳамияти ва уни қўллаш тартиби, аудиторлик шартномасининг мазмуни ва унинг таркибий қисмлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар. аудиторлик текшируви, аудиторлик хизмати, аудитор, аудиторлик ташкилоти, аудиторлик текшируви буюртмачиси, дастлабки режалаштириш, аудитнинг халқаро стандартлари, аудиторлик шартномаси, аудит босқичлари, аудитнинг умумий стратегияси.

ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЕ ПЛАНИРОВАНИЕ АУДИТА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Исмаилова Феруза
студентка Ташкентского государственного экономического университета
E-mail: feruzz18@ic ud.com
ORCID:0009-0002-8211-1179

Аннотация. В статье анализируется содержание и значение первоначального планирования аудита, исследуются вопросы актуальности проведения научных исследований в этой области, изучаются источники информации предварительного планирования аудита, аудиторские действия, выполняемые в ходе предварительного планирования, содержание, значение и порядок направления письма руководству заказчика аудита об эффективной организации аудита, содержание договора на проведение аудита и его составляющие.

Ключевые слова: аудиторская проверка, аудиторские услуги, аудитор, аудиторская организация, заказчик, планирование аудита, предварительное планирование, международные стандарты аудита, аудиторский договор, этапы аудита, общая стратегия аудита.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

PRELIMINARY AUDIT PLANNING: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Ismailova Feruza

student of Tashkent state economic university
E-mail: feruzz18@ic ud.com
ORCID:0009-0002-8211-1179

Abstract. The article analyzes the content and significance of initial audit planning, examines the relevance of scientific research in this area, studies the sources of information for preliminary audit planning, audit actions performed during preliminary planning, the content, significance and procedure for sending a letter to the management of the audit client about the effective organization of the audit , the content of the audit contract and its components.

Keywords: audit, audit services, auditor, audit organization, customer, audit planning, pre-planning, international auditing standards, audit contract, audit stages, general audit strategy.

Кириш

Ҳозирги пайтда аудиторлик амалиётида аудиторлик текширувларини режалаштириш, ўтказиш ва текширув натижаларини умумлаштириш жараёнида ўз ечимини кутаётган қатор муаммоларни бартараф этиш, уларнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш долзарб илмий муаммолардан бири ҳисобланади. Булар, биринчидан, бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолияти бўйича қонун ва норматив-ҳужжатларнинг аудиторлик амалиётида талаб даражасида қўлланилмаётганлиги, иккинчидан, аудиторлик текширувини ташкил қилиш ва ўтказишнинг услубий жиҳатлари етарлича чуқур тадқиқ қилинмаганлиги, учинчидан, аудиторлик текшируви натижаларини аудиторлик иш ҳужжатларида умумлаштириш ва расмийлаштиришнинг амалдаги талабларга тўла жавоб бера олмаслиги, тўртинчидан, аудиторлик риски, муҳимлик даражаси, аудит иш сифати ва аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда уни баҳолаш услубияти каби ҳолатлар замонавий талаблар даражасида ишлаб чиқилмаганлигидир.

Республикамизда олиб борилган илмий тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, юқорида қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш, аудиторлик текширувини режалаштириш босқичлари, хусусан дастлабки режалаштириш услубиятини такомиллаштириш масаласи ҳозирги кунга қадар бир бутун, яхлит илмий асар сифатида батафсил кўриб чиқилган эмас. Аудиторлик фаолияти тушунчасининг кенгайиб бориши ва бу соҳада фундаментал тадқиқотларнинг камлиги дастлабки режалаштириш жараёнларининг долзарблиги ва аҳамиятини белгилаб, аудиторлик текширувини дастлабки режалаштиришни такомиллаштиришга оид илмий асосланган тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Юқорида қайд этилган мавжуд ҳолатларни бартараф этиш мазкур мақола мавзусининг долзарблиги ва илмий тадқиқотнинг устувор йўналишларини белгилаб, мамлакатимизда ўтказилаётган аудиторлик текширувларини дастлабки режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган илмий муаммоларни чуқур тадқиқ этишни тақозо этади.

Адабиётлар шарҳи

Россиялик иқтисодчи олим Ю.И. Новиковнинг таъкидлашича, “... аудитни режалаштириш – бу умумий стратегияни ишлаб чиқиш ва аудит процедураларининг кутилаётган табиати, муддати ва ҳажмига батафсил ёндашувдир. Аудитни режалаштириш учта асосий босқични ўз ичига олади: 1) аудит олдидан режалаштириш; 2) аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш; 3) аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш”[1].

Иқтисодчилар Т. Рыбак ва М. Лаврентьеваларнинг фикрича, “аудитнинг умумий стратегиясининг айрим йўналишларини амалиётга татбиқ этиш учун аудиторлик ташкилоти аудит режасини ишлаб чиқади ва ҳужжатлаштиради” [2].

Аудиторлик текирувини дастлабки режалаштириш жараёнида аудиторлар томонидан ўрганиладиган ҳужжатлар ёки ахборот манбалари иқтисодчи А. Сатторовнинг тадқиқотларида кўриб ўтилган [3].

Иқтисодчи олим И. Мелиевнинг тадқиқотларида дастлабки режалаштиришнинг мазмуни, аҳамияти ва дастлабки режалаштиришда бажариладиган амаллар моҳияти очиб берилган [4].

Тадқиқотчи О.Р. Райимбердиеванинг фикрича, “… режалаштириш аудитнинг бошланғич босқичи бўлиб, аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг кутилаётган ҳажми, жадваллари ва муддатларини кўрсатувчи умумий аудит режасини ишлаб чиқишни, шунингдек аудитнинг ҳажми, турлари ва турларини белгилайдиган аудит дастурини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. объектив аудиторлик ташкилотини шакллантириш учун зарур бўлган аудиторлик процедураларининг кетма-кетлиги ва ташкилотнинг молиявий ҳисоботи бўйича асосли фикрдир” [5].

Иқтисодчи олим Н. Калуцкаянинг таъкидлашича, “... аудитни режалаштиришда қуйидаги ҳужжатлар тузилади: мижознинг хўжалик фаолиятини ўрганиш бўйича ишчи ҳужжат, аудит бўйича хат, аудит шартномаси, бош режа ва аудит дастури. Ушбу фаолиятни шакллантиришда санаб ўтилган ҳужжатлар асосий ҳисобланади. Аудитни режалаштиришдан мақсад маълум вақт оралиғида самарали иқтисодий хизматлар кўрсатиш, шунингдек, корхонада мавжуд бўлган, дарҳол ҳал қилишни талаб қиладиган муаммоларни аниқлашдир. Аудиторлик фаолиятини режалаштиришда мақсад, вазифалар, аудиторларнинг масъулияти ва умумий ҳаракатлар режаси каби жиҳатлар аниқланади” [6].

Юқоридагилардан кўринадики, аудитни дастлабки режалаштириш жараёнлари аудитга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув адабиётлари ҳамда тадқиқотларда батафсил баён этилмаган ёки етарлича тадқиқ

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

этилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Республикамизда аудиторлик фаолияти мустақиллик давридан бошлаб янги шаклланаётган фаолият тури эканлиги боис, бу фаолиятга оид қонуности ҳужжатлари талабларининг амалиётдаги талабларга тўла-тўкис мос келмаслик ҳолатлари мавжуд, бу эса мазкур фаолиятга оид қонуности ҳужжатларини босқичма-босқич амалий ва назарий жиҳатдан такомиллаштириш, уларни илғор хориж тажрибаси ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни тақозо этади. Шу мақсадда биз 300-сон аудитнинг халқаро стандарти (кейинги ўринларда АХС) талабларини мазмун ва шакл жиҳатдан таҳлил қилганимизда, унда аудитни режалаштириш босқичлари мазмуни, аҳамияти, унга қўйилган талабларнинг назарий ва амалий жиҳатлари аниқ очиб берилмаганлиги, аудитни режалаштириш босқичларининг ўзаро фарқли хусусиятлари очиб берилмаганлиги маълум бўлди.

Маълумки, “Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” номли 300-сон АХСда аудиторлик текширувини режалаштириш жараёни икки босқичда, яъни, аудитнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш ва аудит режасини тайёрлаш босқичлари асосида амалга оширилиши белгиланган. Бироқ, 300-сон АХСда белгиланган босқичлар умумий ва назарий жиҳатдан ёритилганлиги боис, амалиётда мазкур норматив ҳужжатдан фойдаланиш текширувни мукаммал режалаштириш имконини бермайди. Бизнингча, аудиторлик текширувини режалаштириш жараёнини қуйидаги уч номдаги босқичларга ажратган ҳолда амалга оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Дастлабки режалаштириш.
2. Умумий режани тайёрлаш.
3. Аудиторлик дастурини тайёрлаш.

Шунингдек, 300-сон АХСда дастлабки режалаштириш босқичида бажариладиган вазифалар ва қўйилган талаблар умуман баён этилмаган бўлса, мавжуд ўқув адабиётлари ва тадқиқот ишларида дастлабки режалаштириш амаллари жуда қисқа ва мавҳум мазмунда баён этилганлиги тадқиқотлар жараёнида аниқланди. Ўзбекистон Аудиторлар палатаси ҳамда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси мутахассислари билан ҳамкорликда амалиётдаги аудиторлик ташкилотларида ўтказилган тадқиқотлар натижасида амалиётда дастлабки режалаштириш жараёни юзаки ёки амалдаги аудитнинг халқаро стандартлари талаблари даражасида амалга оширилмаётганлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги аудитнинг халқаро стандартларида аудитни режалаштириш жараёни амалда аудиторлик текширувини дастлабки режалаштиришдан бошланиши, мазкур жараёнда бажариладиган вазифалар ёки аудиторлик амаллари мазмуни аниқ келтирилмаган. Фикримизча, энг аввало, 300-сон АХСга аудитни дастлабки режалаштириш жараёни

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

мазмунини ифодаловчи қўшимча банд киритиш лозим. Мазкур таклиф этилаётган бандда дастлабки режалаштириш босқичига қуйидагича таъриф беришни таклиф этамиз. Фикримизча, стандартга дастлабки режалаштириш жараёнининг мазмунини киритилиши аудитор ёки аудиторлик ташкилоти учун дастлабки режалаштириш босқичининг моҳияти ва унинг фарқли хусусиятларини тўлиқ англаш ҳамда унда бажариладиган вазифалар хусусида аниқ маълумот олиш имконини беради.

Аудитор учун дастлабки режалаштириш жараёнида қуйидагилар хўжалик юритувчи субъект тўғрисида ахборот олиш манбалари бўлиб ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал.

Аудиторлик текширувини дастлабки режалаштиришнинг ахборот манбалари*

1.	Хўжалик юритувчи субъект устави
2.	Хўжалик юритувчи субъектни рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжатлар
3.	Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини ва унга ўзгартиришлар киритишни тартибга солувчи ҳужжатлар
4.	Хўжалик юритувчи субъектни рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжатлар
5.	Кузатув ва (ёки) ижроия органлари акциядорлар йиғилишларининг ёхуд хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа шу сингари бошқарув органлари мажлислари баённомалари
6.	Бухгалтерия ҳисоботлари
7.	Статистика ҳисоботлари
8.	Хўжалик юритувчи субъектнинг шартномалари ва битимлари
9.	Ички аудиторларнинг ҳисоботлари
10.	Корхонанинг филиаллари ва шуъба жамиятлари рўйхати
11.	Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилишларини тартибга соладиган ҳужжатлар, унинг филиаллари ва шуъба жамиятлари рўйхати
12.	Аудиторлик ташкилоти мутахассислари малака даражаси бўйича маълумотлар (Аудиторлик текшируви буюртмачиси фаолият соҳасини тушунадиган мутахассислар етарлилигини баҳолаш ва эксперт хизматига бўлган эҳтиёжни аниқлаш мақсадида)

* Муаллиф томонидан тайёрланган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Шунингдек, “Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” номли 300-сон АХСда аудитни дастлабки режалаштириш жараёнини тавсифловчи талаблар мазмунан умумий ва мавҳум тарзда баён қилинган бўлиб, уларга аниқликлар киритиш мақсадида стандартнинг мазкур бандига қуйидагича ўзгартиришлар киритишни тавсия этамиз:

“Дастлабки режалаштириш босқичида аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти билан танишиши ва қуйидагилар тўғрисида ахборотга эга бўлиши шарт:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсир этувчи ташқи омиллар тўғрисидаги маълумотлар.

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсир этувчи ички омиллар тўғрисидаги маълумотлар.

3. Аудиторлик текшируви буюртмачисининг фаолият хусусиятлари ва мазкур фаолият турларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талаблари тўғрисидаги маълумотлар”.

Шунингдек, 300-сон АХСда ахборот манбаларини ўрганишни аудитнинг умумий режалаштириш босқичига киритиш ҳамда дастлабки режалаштириш жараёнида аудиторлар қуйидагиларни ўрганиши етарли, деб ҳисоблаймиз ва амалдаги 300-сон АХСга дастлабки режалаштириш жараёнига оид тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Хусусан, 300-сон АХСда дастлабки режалаштиришнинг аҳамияти ва мазмунини очиб бериш ва аудиторнинг дастлабки режалаштириш жараёнидаги вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда юқоридаги муаммоли жиҳатларга аниқлик киритиш мақсадида мазкур ХАСга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик ташкилоти томонидан текширув буюртмачисини текширувдан ўтказиш салоҳияти баҳоланади ва аудиторлик шартномаси шартларини хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан келишиб олинади. Агар, аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишни мумкин деб қарор қабул қилса, у аудиторлик гуруҳини шакллантиришга ўтади ҳамда мижоз билан аудиторлик шартномасини расмийлаштиради”.

Фикримизча, дастлабки режалаштириш амаллари бажарилгандан сўнг аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига текширувни самарали ташкил этиш тўғрисида хат жўнатилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, мазкур хатнинг намунавий шакли қуйидаги мазмунда тайёрланиши мақсадга мувофиқ.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

“UZKABEL” акциядорлик жамияти раҳбари А.Қодировга аудиторлик текширувини самарали ташкил этилишини таъминлаш тўғрисида

ХАТ

Сиз раҳбарлик қилаётган хўжалик юритувчи субъект билан 03/2019-сон тузилган аудиторлик шартномасига мувофиқ, 2022 йил 8 апрелдан 28 апрелгача биз томонимиздан аудиторлик текшируви ўтказилишини маълум қиламиз. Шу муносабат билан аудиторлик текширувини белгиланган муддат ва тартибда ўтказилишини таъминлаш учун сиздан аудиторлик гуруҳининг фаолияти учун қуйидагиларни, яъни:

1.Текширув гуруҳи учун алоҳида хона, иш жойлари билан ___ та иш ўрни, ҳар бирида камида 2 та электр манбаига уланиш нуқтаси, шаҳарлараро телефон алоқани таъминловчи ва интернетга кирувчи телефон линиясини.

2.Аудиторлик гуруҳи мутахассислари учун компьютерлардан бухгалтерия ҳисоби регистрларини шакллантириш ва матнини чиқариб олиш имконини берувчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари базаларига кириш рухсатини.

3.Принтер ёки тармоқ принтерига кириш учун рухсатни.

4.2022 йил учун йиллик статистик ва бухгалтерия ҳисоботларини ҳамда ҳисоботлар изоҳлари билан.

5.2022 йил чораклари учун оралиқ бухгалтерия ҳисоботларини.

6.2022 йил учун солиқ декларацияси солиқ органларинингни қайдлари билан (4 та чорак учун ҚҚС), шунингдек, 2018 йил учун барча қўшимча ва аниқлик киритилган декларациялар, капитал сарф-харажатлар объектлари бўйича қурилишларнинг норматив муддатлари расшифровкасини.

7.2022 йил 12 ойи учун бухгалтерия ҳисоби қайдномалари, бошланғич ҳужжатлар, асосий воситалар бўйича ОС-1 далолатномалари ва давлат рўйхатидан ўтказиш маълумотларини.

8.Текширув даврининг 31.12.2022 санаси ҳолатига дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаларини;

9.Солиқ органлари билан солиштириш далолатномаларни.

10.Акциядорлик жамиятининг 2022 йил учун мол-мулклар ва мажбуриятларни инвентаризация далолатномалари, инвентаризация натижалари бўйича солиштириш-таққослаш қайдномаларини.

11.Хўжалик шартномаларининг реестрини.

12.Лицензиялар реестри ва нусхаларини.

13.Хўжалик юритувчи субъектда назорат органларининг 2022 йилда ўтказилган текширувлар далолатномаларини.

14.Жамият акциядорлари ва кузатув кенгаши, таъсисчиларнинг 2022 йил 4-чораги ва 2019 йил 1-чорагида бўлган мажлисларининг баённомаларини.

15.Устав ва таъсис ҳужжатларининг нусхалари, агар 2022 йилда жамият фаолиятига ўзгариш киритилган бўлса, рўйхатдан ўтказиштўғрисидаги гувоҳномаларнинг нусхаларини.

16.Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни.

17.Мижоз-корхона ҳамкорлари ва филиал(бўлим)ларининг рўйхатини.

18.Акциядорлик жамиятининг 2022 йил учун ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи ва унинг иловалари нусхаларини.

19.Акциядорлик жамиятида 31.12.2022 ҳолатига очилган хорижий валютадаги ҳисоб-рақамлари рўйхатининг нусхаларини.

20.Акциядорлик жамиятида 31.12.2022 ҳолатига жамиятнинг бошқа ташкилотларга молиявий инвестицияларини тасдиқловчи ҳужжатларни.

21.Ўтган давр ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосалари, аудиторлар тузатишлари ва эътирозларининг жадвалини тақдим этишингизни сўрайман.

Ҳурмат билан,

“Grant Thornton” аудиторлик ташкилоти раҳбари Н.Каримов

Тавсия этилган мазкур хатнинг аҳамияти шундаки, аудиторлик ташкилотини хўжалик юритувчи субъектда текширув жараёни учун зарур шарт-шароитлар яратилиши ва текширув ҳужжатларини ўз вақтида тақдим

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

этилишини таъминлайди.

Дастлабки аудиторлик келишувига эришиш деганда, аудиторлик текшируви бўйича мурожаат қилган субъект фаолияти тўғрисида зарурий маълумотларни тўплаш ва субъектга аудиторлик текшируви ҳамда аудиторлик шартномаси талабларини тушунтириш тушунилади.

Аудиторлик амалиёти шуни кўрсатадики, бугунги кунда мавжуд адабиётлар, аудитга оид меъёрий ҳужжатларда ва тадқиқотларда аудиторлик шартномасининг мазмуни ва шаклининг талаблари, содда қилиб айтганда, намунавий шакл ва мазмуни келтирилмаган. Бу эса, амалиётда аудитор, аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик хизматлари буюртмачилари томонидан шартномани тайёрлашда турлича ёндашувлар ҳамда тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

1-чизма.

Аудиторлик шартномасининг таркибий қисмлари*



*Муаллиф томонидан тайёрланган.

Аудиторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишдан асосий мақсад – аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик хизмати буюртмачисининг ўзаро ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарликларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳолатини расмийлаштиришдир. Фикримизча, аудитнинг халқаро стандартлари меъёрларига мувофиқ тузилган аудиторлик

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

шартномасининг асосий таркибий қисмлари юқоридагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ (1-расм).

Аудиторлик шартномасини ўзгартириш деганда, унинг шартларига ўзгартиришлар, қўшимчалар ва тузатишлар киритиш тушунилиб, бекор қилиш муддатидан олдин, яъни шартнома амал қилишининг белгиланган муддатдан аввал тугашини англатади. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш томонларнинг келишуви билан амалга оширилиши мумкин. Тузилган аудиторлик шартномасини томонлардан бирининг талабига кўра, суд тартибида ўзгартириш ва бекор қилиш мумкин.

Хулоса

Фикримизча, аудитни дастлабки режалаштириш бу - хўжалик юритувчи субъект ва аудиторлик ташкилоти ўртасида аудиторлик шартномасини тузгунгача бўлган ишларни ўз ичига олиб, бу босқичда аудиторлик ташкилоти томонидан текширув буюртмачиси фаолияти билан танишиш, буюртмачига аудиторлик фаолиятини ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияни ва аудиторнинг малака сертификатлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, текширув буюртмачисининг ички ва ташқи фаолият хусусиятлари тўғрисида маълумот тўплаш, буюртмачи субъектни аудиторлик текширувидан ўтказа олиш салоҳиятини баҳолаш, аудиторлик шартномаси шартларини буюртмачи субъект раҳбарияти билан келишиб олиш, буюртмачини текшириш учун аудиторлик ишчи гуруҳини шакллантириш ҳамда якунда аудиторлик шартномасини расмийлаштириш жараёнидир.

Текширувнинг дастлабки аудиторлик келишувига эришиш ва аудиторлик шартномасини тайёрлаш босқичида аудиторлик ташкилоти томонидан текширув буюртмачисини аудиторлик текширувидан ўтказиш шакли (мажбурий ёки ташаббус тарзидаги), текширув мақсади, ташкилот томонидан кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари турлари ва ҳажми, текширувда ўрганиладиган масала ва аудиторлик далиллари ҳамда аудиторлик шартномасининг бошқа мажбурий шартлари (хизмат ҳақи миқдори ва тўлов тартиби) келишиб олиниши лозим.

Бизнингча, аудиторлик текширувини дастлабки режалаштириш аудиторлик ташкилоти учун буюртмачининг текширувдан ўтказиш салоҳиятини баҳолаш имконини беради ҳамда аудиторлик шартномаси шартларини текширув буюртмачиси билан келишиш имконини беради. Бу эса, иккала томон текширув ўтказишни мумкин деган қарорга келса, аудиторлик гуруҳини шакллантириш ҳамда текширув буюртмачиси билан аудиторлик шартномасини расмийлаштиради.

Аудитни дастлабки режалаштириш жараёнини мазкур мақолада тавсия этилган тартиб-қоидалар асосида амалга оширилиши аудиторлик ташкилотлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текшириш салоҳиятини баҳолаш, текширув буюртмачиси фаолияти билан танишиш,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

текширув буюртмачиси билан аудиторлик шартномаси шартларини келишиб олиш жараёнини мукаммаллаштириш ва оптималлаштириш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Новиков Ю.И. Планирование аудита и оценка системы бухгалтерского учета и внутреннего контроля по учету расчетов с НДС в ООО «Ясное дело» г. Омска // Электронный научно-методический журнал. Омского ГАУ. – 2021. – №3(6) июль – сентябрь. – URL http://ejournal.omgau.ru/index.php/2021-god/5/29- statya-2016-2/368-00118. - ISSN 2413-4066

2. Рыбак Т., Лаврентьева М. Планирование аудита и порядок его проведения. – https://www.minfin.gov.by/upload/audit/sm i/2021_11_gk.pdf

3. Сатторов А.Х. Аудиторлик текширувларини режалаштириш ва ички назорат тизимини баҳолашнинг аҳамияти.// Moliya va Bank ishi. – № 4 (2022), – Б.- 97-104. – bfa.uz

4. Мелиев И. Аудиторлик текширувини ўтказиш услубияти: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Внешинвестпром, 2020. – 191 б.

5. Райимбердиева, О.Р. Особенности планирования аудита в Республике Узбекистан // Молодой ученый. – 2020. – № 2 (106). – С. 578-581. – URL: https://moluch.ru/archive/106/25319/.

6. Калуцкая Н. А. Основные этапы планирования аудита //Современная российская наука. – Белгород, РФ. 2021 г.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

MOLIYAVIY HISOBOTLAR AUDITI SIFATINI OSHIRISH MASALALARI

Avazov Ilxom Ravshanovich
iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD)
audit kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: avazov86@mail.ru
ORCID: 0000-0001-8917-6966

Annotatsiya. Mazkur maqolada xalqaro standartlarga muvofiq tuzilgan moliyaviy hisobotlarni taqdim etish jarayonida auditorlik tekshiruvini o‘tkazish, audit sifatini nazorat qilish tizimini xalqaro standartlarga moslashtirish jarayonida yuzaga kelgan muammolar tadqiq etilib, ularning yechimlari bo‘yicha xulosa va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: audit jarayoni, moliyaviy hisobot, tashqi audit, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, auditning xalqaro standartlari, aksiyadorlik jamiyati, audit sifatini baholash.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА АУДИТА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Авазов Ильхом Равшанович
доктор философии (RhD) по экономическим наукам
доцент кафедры аудита
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: avazov86@mail.ru
ORCID: 0000-0001-8917-6966

Аннотация. В статье исследуются вопросы проведения аудиторской проверки в процессе предоставления финансовой отчетности, подготовленной в соответствии с международными стандартами, изучаются проблемы адаптации системы контроля качества аудита к требованиям международных стандартов, а также сделаны выводы и сформулированы рекомендаций по их решению.

Ключевые слова: процесс аудита, финансовая отчетность, внешний аудит, международные стандарты финансовой отчетности, международные стандарты аудита, акционерное общество, оценка качества аудита.

ISSUES OF IMPROVING THE QUALITY OF AUDIT OF FINANCIAL STATEMENTS

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Avazov Ilkhom Ravshanovich
Doctor of Philosophy (RhD)
in Economic Sciences
Associate Professor of the
Department of Audit
Tashkent State
the University of Economics
E-mail: avazov86@mail.ru
ORCID: 0000-0001-8917-6966

Abstract. The article examines the issues of conducting an audit that arise in the process of providing financial statements prepared in accordance with international standards, the problems of adapting the audit quality control system to international standards, as well as drawing conclusions and formulating recommendations for solving them.

Keywords: audit process, financial reporting, external audit, international financial reporting standards, international auditing standards, joint stock company, audit quality assessment.

Kirish

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning asosiy maqsadi turli xil mulkchilik asosida faoliyat yurituvchi subyektlarda iqtisodiy faoliyatni jadallashtirish, mulklarni davlat mulkidan nodavlat sektorga o‘tkazish va shu orqali o‘zini-o‘zi boshqaradigan xususiy xo‘jalik yurituvchi subyektlarini tashkil etishdan iborat. Shu nuqtai nazardan mamlakatimizning jahon hamjamiyatiga integratsiyalashuv darajasini oshirish, moliyaviy hisobotni xalqaro moliyaviy hisobot standartlari asosida va uning talablariga mos ravishda taqdim etish muhim ahamiyat kasb etadi. Shunday ekan, bozor munosabatlarining shakllanishi va rivojlanishi natijasida turli mulkchilik shaklidagi xo‘jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy-xo‘jalik faoliyatini samarali tashkil etish va professional auditorlik xizmatlarini ko‘rsatish bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

Bunday sharoitda auditorlik xizmatlari va auditorlik faoliyatini samarali amalga oshirish audit sifatini oshirishga xizmat qiladi. Auditorlik tekshiruvlarining sifati tashqi axborot iste’molchilari, jumladan, investorlar uchun qulay muhit yaratish omili hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasida aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy hisobotlarini xalqaro moliyaviy hisobot standartlari asosida tayyorlash va taqdim etish, auditorlik tekshiruvi jarayonida xalqaro standartlar asosida sifat nazorati tizimini shakllantirish muhim ahamiyatga ega.

Auditga bo‘lgan ehtiyoj xorijiy investorlarni jalb qilish jarayonida asosiy ko‘rsatkichlarning ishonchliligini ta’minlaydi. Shu munosabat bilan tashqi audit orqali moliyaviy hisobot auditini o‘tkazish jarayonida asosiy e’tibor auditning sifatiga qaratiladi. Chunki uning sifati moliyaviy hisobotlarni xolisona baholash imkonini beradi va xorijiy investorlarni jalb qilish uchun qulay sharoit yaratadi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Auditorlik tekshiruvlarining sifatini nazorat qilish auditor tomonidan olingan ma’lumotlarning sifati va auditorlik tekshiruvini o‘tkazish jarayonida to‘plangan ma’lumotlarning ishonchliligi hamda to‘g‘riligiga bog‘liq bo‘ladi.

Adabiyotlar sharhi

Auditning xalqaro standartlarida va iqtisodchi olimlar asarlarida moliyaviy hisobot auditi sifatini oshirish bo‘yicha fikrlar bildirilgan.

Audit sifatini nazorat qilish masalasi, birinchi navbatda, sifat nazorati standartlarini belgilaydigan va auditorlik tashkilotining sifat nazorati tizimi bo‘yicha qo‘llanmasini o‘rnatadigan sifat nazorati xalqaro standartlari (SNXS) tomonidan tashkil etiladi [2].

Audit sifatini nazorat qilish bo‘yicha A. Ibragimovning fikriga ko‘ra “Auditorlik amaliyotini hisobga olgan holda, auditor tomonidan ko‘rsatilayotgan xizmatlar va auditorlik xulosasining sifati bevosita auditorning kasbiy mahorati va tajribasining natijasidir” [3].

Taniqli olim A. Avlokulovning fikricha, auditorlik tekshiruvlarining sifatli o‘tkazilishi “... haqqoniy va shaffof auditorlik xulosasining tuzilishiga xizmat qiladi. Auditorlik xulosasini tuzish ko‘plab jihatlarga, xususan, muhimlik darajasi va auditorlik riskini to‘g‘ri belgilashga bevosita bog‘liq bo‘ladi. Muhimlik darajasi va auditorlik riskining optimal belgilanishi auditorlik xulosasining sifati ta’minlanishiga olib keladi” [4].

Rossiyalik iqtisodchi S. Bichkova “Audit sifati uning audit standartlariga bir vaqtda mos kelishi va auditorlik xizmatlarining narxi bilan belgilanadi, ya’ni iqtisodchi sifat nazoratida auditorlik xizmatlari masalasini o‘rganishni taklif qiladi” degan xulosaga kelgan [5].

V.S. Karagoda “Auditorlik faoliyati sifatini nazorat qilish bo‘yicha ko‘rsatmalar har bir xodimga ma’lum bo‘lishi va xodimning ish tavsifiga kiritilishi kerakligini o‘qtirib o‘tgan. Shuningdek, u auditorlik tashkiloti xodimlari audit sifati va unga kiritilgan har qanday o‘zgartirishlar to‘g‘risidagi hujjatlar bilan tanishligini, ular qat’iy hujjatlashtirilishi kerakligini ta’kidlagan” [7].

Auditorning kasbiy mahoratini yuqori darajada ushlab turish va rivojlantirish uchun auditor ishining sifatini doimiy nazorat qilib borish zarur, bu borada Jarelgasova va Suglobovlar quyidagi fikrlarni bildirdilar, auditorlik tashkiloti sifat nazorati jarayoni va siyosatiga e’tibor qaratishi va uning xalqaro audit standartlariga muvofiqligini ta’minlashi kerak [8].

Biroq yuqoridagi tadqiqotlarda moliyaviy hisobot auditi sifatini oshirishga keng e’tibor qaratilmagan.

Tahlil va natijalar

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-fevraldagi “Xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4611-son qarorida aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug‘urta tashkilotlari va yirik soliq to‘lovchilar toifasiga kiritilgan yuridik shaxslar, 2021-yil 1-yanvardan boshlab, MHXS asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini

tashkil etadi va 2021-yil yakunlaridan boshlab moliyaviy hisobotni MHXS asosida tayyorlaydi, qonun hujjatlarida MHXSga o‘tishning ertaroq muddatlari nazarda tutilgan yuridik shaxslar bundan mustasno [1], deb keltirib o‘tilgan.

Bundan tashqari ushbu qarorning 1-ilovasida “Ilg‘or xalqaro tajribani hisobga olgan holda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini va mazkur sohada kadrlar tayyorlashning zamonaviy usullarini bosqichma-bosqich joriy etish bo‘yicha “Yo‘l xaritasi”ning 4-bandida:

1. Davlat aktivlarini boshqarish agentligi veb-saytida davlat ulushi ishtirokidagi xo‘jalik jamiyatlari va davlat korxonalarida buxgalteriya hisobini yuritish va moliyaviy hisobot tuzishni MHXS asosida amalga oshirishga o‘tish grafigini e’lon qilish;

2. Davlat ulushi ishtirokidagi xo‘jalik jamiyatlari va davlat korxonalarida buxgalteriya hisobini yuritish va moliyaviy hisobotni tuzishni MHXS asosida amalga oshirishni tashkil etish;

3. Davlat ulushi ishtirokidagi xo‘jalik jamiyatlari va davlat korxonalarining MHXS asosida e’lon qilinadigan moliyaviy hisobotlari shaffofligi va sifatini oshirish bo‘yicha choralar ko‘rish, shuningdek, mazkur sohada amalga oshirilgan ishlar to‘g‘risida Moliya vazirligiga ma’lumot taqdim etish keltirib o‘tilgan [1].

Auditorlik tashkilotlari uchun sifat nazorati mijozlar oldidagi o‘z kasbiy majburiyatlarini to‘liq bajarishi kafolatini ta’minlash usullari yordamida amalga oshiriladi. Bu auditorlik tashkilotlarining tashkiliy tizimi va ular bajaradigan muomalalarga taalluqlidir. Auditorlik tashkiloti har bir auditorlik tekshiruvini o’tkazishda umumiy qabul qilingan standartlariga rioya qilinganligini kafolatlashi kerak. Sifat nazorati auditorlik tashkiloti auditorlik tekshiruviga joriy qilish kerak bo‘lgan standartlar chegarasidan chiqmaslikka yordam beruvchi yo‘riqnomadir. Bundan kelib chiqib, sifat nazorati barcha auditorlik tashkilotlari uchun kiritiladi, umumiy auditning xalqaro standartlari esa aniq ish hajmiga qo‘llash uchun mo‘ljallangandir.

Xalqaro amaliyot tajribalari va Amerika Qo‘shma Shtatlari xolis buxgalterlar instituti tomonidan tashkil etilgan sifat nazorati standartlari qo‘mitasi ishlab chiqqan sifat nazorati elementlariga asoslangan holda auditorlik tashkilotlarining namunaviy sifat nazorati standartlarini keltirish mumkin.

O‘zbekistonda amalda bo‘lgan sifat nazorati (AXS) bo‘yicha “Moliyaviy hisobotlar auditi sifatini nazorat qilish” nomli 220-sonli auditning xalqaro standarti amal qiladi. Ushbu standartning maqsadi audit professional standartlarga hamda qonun hujjatlari va tartibga soluvchi organlarning tegishli talablariga muvofiq ekanligi va chop etilgan auditorlik xulosasining qaysi vaziyatlarga mos kelishini ta’minlashdan iborat.

Ushbu standartning talablari barcha auditorlik tashkilotlari uchun auditni amalga oshirishda majburiy bo‘lib, u rasmiy auditorlik xulosasini tayyorlashni nazarda tutadi.

Auditor ishining sifatini nazorat qilish bir necha shakllarda amalga oshiriladi:

1. Bosh auditor tomonidan o‘z yordamchilarining ishini nazorat qilish

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

(bosh auditor audit davomida yordamchilarning bajargan ishlarini doimiy nazorat qilib borishi va unga rahbarlik qilishi kerak).

2. Auditorlik tashkiloti rahbari tomonidan auditorlik ishini nazorat qilish (auditorlik tashkiloti rahbari tomonidan auditorlik tekshiruvini nazorat qilishda, xususan, mijoz bilan audit rejasi va audit dasturining asosliligini muhokama qilish va tekshirish, auditning tashkiliy va axloqiy tamoyillariga qat’iy rioya qilish va auditor auditorlik xulosasini bergandan so‘ng, auditorlik tashkilotining boshqa auditori mijoz uchun bepul bo‘lgan takroriy qayta ekspertiza o‘tkazish yo‘li bilan hisobotlarning ishonchliligini tekshiradi).

3. Tashqi nazorat (tashqi nazorat amaldagi qonunchilik va normativ hujjatlarda nazarda tutilgan vakolatli organlar tomonidan amalga oshiriladi).

Audit ishining sifatini nazorat qilish ikkita asosiy yo‘nalishga ega:

1. Muayyan auditorlik tekshiruvi sifatini nazorat qilish.
2. Umumiy sifat nazorati.

Agar ushbu masalani xalqaro miqyosda ko‘rib chiqsak, asosiy standartlardan biri bo‘lgan sifat nazorati xalqaro standarti (SNXS) auditorlik tashkilotining ishi sifatini ishonch va tegishli xizmat shartnomalari uchun sifat nazorati tizimi bo‘yicha o‘z majburiyatlarini ochib beradi.

1-chizmada audit sifatini nazorat qilishning asosiy maqsadlari keltirilgan.

1-chizma.

Audit sifatni nazorat qilish siyosatini qo‘llashning asosiy maqsadlari*



* Muallif ishlanmasi.

Auditorlik faoliyati bo‘yicha adabiyotlarni o‘rganish asosida audit jarayonining kengroq ta’rifini quyidagicha ta’kidlashimiz mumkin: Audit – bu ma’lum bir malakaga, mustaqil auditorlik ko‘nikmalariga ega bo‘lgan shaxs tomonidan amalga oshiriladigan hamda mos keladigan axborotlarni to‘plash va baholashni amalga oshiradigan, shuningdek, iqtisodiy tizimdagi raqamlar ifodasiga

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

mos keladigan, mamlakat qoidalariga asoslanib, o‘z xulosalarini beruvchi murakkab jarayondir.

Auditni tasniflashda quyidagi mezonlarga e’tibor qaratish kerak:
ma’lumotlardan foydalanuvchilarning fikriga ko‘ra;
qonun talablariga muvofiq;
audit obyektiga ko‘ra (korxonalar faoliyati turi);
maqsadiga ko‘ra va bajarilish muddatiga ko‘ra.

Xo‘jalik yurituvchi subyeklarning yuriklashib borayotgan bir vaqtda biznes jarayonlarining tobora murakkablashib borishi, nazorat muhitining kuchayishi va axborot texnologiyalarining takomillashuvi ichki auditorlarning imkoniyatlari va mas’uliyatiga ham o‘z ta’sirini o‘tkazmoqda. Tashqi va ichki audit o‘rtasidagi jiddiy farqlar ularning holati, asosiy majburiyatlari va auditni tekshiruvini o‘tkazish muddati bilan ajralib turadi. Demak, auditor tomonidan ko‘rsatilayotgan xizmat va auditorlik xulosasining sifati bevosita auditorning kasbiy mahorati va tajribasiga bog‘liqdir.

Agar ichki audit xizmati to‘g‘ri tashkil etilsa va ichki audit xizmati natijalari o‘z vaqtida rasmiylashtirilsa, korxonalarda iqtisodiy samaradorlik oshadi. Auditorlik tashkilotlari va ichki auditorlar tomonidan operatsion auditni o‘tkazish korxonalar faoliyatini baholash va ularning uzoq muddatli strategik rejalari samaradorligini aniqlash imkonini beradi. Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, agar audit sifati nazorati yaxshilansa, u nafaqat audit sifatini nazorat qilish tizimining samaradorligini doimiy nazorat qilibgina qolmay, balki uni baholaydi.

Mazkur jihatlar aksiyadorlik jamiyatlarida audit va ichki nazorat tizimini, shu orqali aksiyadorlik jamiyatining umumiy faoliyatini samarali tashkil etishga yordam beradi.

Xulosa

Xulosa qilib aytish mumkinki, moliyaviy hisobot auditi sifatini nazorat qilishni nazariy jihatdan chuqurroq o‘rganish davr talabi bo‘lib qolmoqda. Shu nuqtai nazardan, bu boradagi ilg‘or xorijiy tajribalarni o‘rganish va ularning xulosalarini O‘zbekiston sharoitida qo‘llash muhim ahamiyatga ega.

Binobarin, O‘zbekiston Respublikasining “Auditorlik faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq mustaqil audit tizimini yanada rivojlantirish, auditorlik xizmatlari bozori sifatini yanada oshirish, auditorlik tashkilotlarini boshqarishning samarali usullaridan foydalanish, auditorlik tekshiruv natijalari va xolisligi uchun javobgarligini kuchaytirish va oshirish zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-fevraldagi “Xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4611-son qarori.

2. Audit va sifat nazoratining xalqaro standartlari. // “Samo-Standart” bosmaxonasi. 2014. – 556-b.

3. Vahobov A.V., Ibragimov A.K., Rizayev N.K. Tijorat banklarining tashqi

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

auditiga moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini joriy etish metodikasi. Monografiya. – T.: Moliya, 2011. – 188-b.

4. Avlokulov A.Z. Xalqaro standartlar talablari asosida auditorlik xulosasini tuzishni takomillashtirish // Agroiqtisodiyot. – №2, – 2023. – B 23-25.

5. Бычкова С.М., Понимание качества в аудите и бухгалтерском учете//Аудиторские ведомости. – Москва – №3/2005. – 2015. – 36-37 с

6. Пахомов Д., Качество аудиторских услуг: организация контроля // Финансовая газета. – Москва. – №/2001. –2001. – 14-15 с.

7. Карагода В.С. Аудит. – Москва: Юрайт.2016. – 328 с.

8. Жарылгасова Б.Т., Суглобов А.Е. Международные стандарты аудита. – Москва: КНОРУС, 2011. – 400 с.

9. Гутцайт Е.М. Внешний контроль при аудите качества//Таблицы аудиторов. – Москва. – №4/2004. – 2004. – 23-26 с.

10. Аренс Е.А., Лоббек Д.К., (2011) Аудит. – Москва: Финансы и статистика. – 560 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ХАРАЖАТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ИНТЕГРАЛЛАШГАН МОДЕЛЬ ОРҚАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Пардаева Шаҳноза Абдинабиевна
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
банк ҳисоби ва аудит кафедраси доценти
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: shahnoza.pardayeva.94@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0654-8152

Аннотация. Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини интеграллашган модель орқали такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада эгилувчан бюджет асосида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини баҳолаш, баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (БКТ) блоклари ҳамда улар бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: стратегик бошқарув ҳисоби, харажат, хўжалик юритувчи субъект, молиявий натижа, интеграллашган модел, баланслаштирилган кўрсаткичлар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СТРАТЕГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА ЧЕРЕЗ ИНТЕГРИРОВАННУЮ МОДЕЛЬ

Пардаева Шахноза Абдинабиевна
доктор философии (RhD)
по экономическим наукам
доцент кафедры банковского
учета и аудита
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: shahnoza.pardayeva.94@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0654-8152

Аннотация. В статье исследованы вопросы совершенствования стратегического управления затратами хозяйствующих субъектов посредством интегрированной модели. Также представлена оценка финансовых результатов экономического субъекта на основе гибкого бюджета, блоков системы сбалансированных показателей (ССП), а также сформулированы выводы и предложения по ним.

Ключевые слова: стратегический управленческий учет, затраты, хозяйствующий субъект, финансовый результат, интегрированная модель, сбалансированные показатели.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

IMPROVING STRATEGIC COST MANAGEMENT ACCOUNTING THROUGH AN INTEGRATED MODEL

Pardaeva Shakhnoza Abdinabievna
Doctor of Philosophy (RhD)
in Economic Sciences
Associate Professor of the
Department of Banking
accounting and audit
Tashkent State the University of Economics
E-mail: shahnoza.pardayeva.94@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0654-8152

Abstract. This article highlights the issues of improving the strategic management accounting of costs in economic entities through an integrated model. Also, the article provides an assessment of the financial results of an economic entity based on a flexible budget, blocks of the balanced scorecard system (BSS), as well as conclusions and suggestions on them.

Keywords: strategic management accounting, costs, business entity, financial result, integrated model, balanced indicators.

Кириш

Ривожланган давлатлар амалиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шакллантириш, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда ҳисоботини тузиш ҳар доим долзарб муаммолардан бири ҳисобланган.

Хорижий давлатларда хўжалик юритувчи субъектларда жорий молиявий ҳолатни билишдан кўра, уларни кўпроқ келажакдаги кутилишлар қизиқтиради, яъни ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўтган ёки жорий даврда эришган натижалари билан эмас, балки келажакдаги ўзгаришлар орқали ўзининг молиявий имкониятлари билан барқарорлигини таъминлай олади. Ушбу ҳолат йирик тадбиркорлик субъектлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида қатор давлатларда йирик компанияларнинг молиявий-иқтисодий инқирозга учраётгани туфайли ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий оқимларини оптимал бошқаришни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу муҳим вазифани самарали ташкил қилинган молиявий оқимлар бошқарув ҳисобини нафақат оператив-тактик, балки стратегик даражада ташкил қилмасдан амалда бажариб бўлмайди.

Адабиётлар шарҳи

Хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини, хусусан компанияларда бошқарув ҳисобини масъулият

марказлари бўйича ташкил қилиш, четланишлар таҳлилини олиб бориш амалиётини ҳамда “харажатлар – ишлаб чиқариш – фойда” кўрсаткичлари базасида бошқарув ҳисобини юритиш масалаларини Маклейни [1], К. Друри ва бошқалар [2] ўзларининг илмий ишларида батафсил таҳлил қилишган.

МДҲ давлатлари иқтисодчи олимлари Ф.С. Мишкин [4], А. В. Ильина [3], М. А. Вахрушина [5], В.Г. Гетьман [6] ва бошқалар томонидан ҳам корхоналарда бошқарув ҳисобини харажатлар асосида ташкил қилиш, харажатларнинг бошқарув ҳисобида қўлланиладиган калькуляция усулларини янада такомиллаштириш ҳамда бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.А. Абдуғаниев, Н.Б. Абдусаламова, У.У. Костаев, А.Х. Пардаев, Б.А. Хасанов, А.А. Хашимовларнинг илмий ишларида бошқарув ҳисобини миллий иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил қилиш масалаларига, хусусан унинг назарий масалалари таҳлилига, уни хўжалик юритувчи субъектларда амалий жиҳатдан ташкил қилиш услубиётига, бошқарув ҳисобида трансферт баҳоларни шакллантириш, баҳолаш усулларини такомиллаштириш, стратегик бошқарув ҳисобини амалий жиҳатдан ташкил қилишнинг асосий фаолият билан боғлиқ масалалари атрофлича талқин қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон иқтисодининг ҳозирги глобаллашуви ва бунинг натижасида рақобат муҳитининг янада кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитида хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини янада такомиллаштириш мақсадида, унинг интегралашган моделидан фойдаланишни таклиф этамиз (1-жадвал).

1-жадвал.

Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини янада такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган беш босқичли модель*

Модель босқичлари		**Амалдаги ҳолат тизимлаштирилади**	**Таклиф этилаётган янгилик**
1.	1.1.Молиявий натижаларга масъул бўлган тузилма шакллантирилади.	Ходим-мутахассислар таналанади.	
	1.2.Ҳисоб объектлари аниқланади.	Ҳисобга олиш учун қайд қилинади.	
	1.3.Баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими шакллантирилади.	“Стандарт костинг”, “Директ костинг”, “АВС” усулларидан фойдаланиш.	1. Харажатларни *“Қиймат занжири усули”* бўйича ҳисобга олиш таклиф этилган. 2. *Номолиявий кўрсаткичларни* ҳам ҳисобга олиш таклиф этилган.
2.	Молиявий натижаларнинг	Жумладан, стратегик	

	стратегик бошқарув *ҳисоб сиёсати* ишлаб чиқилади.	ҳисоби сиёсатини шакллантириш механизми кўрсатиб берилади.	
3.	*Режалаштириш* амалга оширилади.	Харажатларнинг миқдори “Директ костинг” усули асосида режалаштирилади.	“Директ костинг” ҳисоб тизими тамойиллари асосида *эгилувчан бюджетни шакллантириш* таклиф этилган.
4.	*Тезкор назорат* тизими жорий этилади.	Баланслаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилиши ҳолати ва четланишлари таҳлил қилинади.	
5.	Меҳнатни *рағбатлантириш тизими* жорий этилади.	Баланслаштирилган кўрсаткичларни ошириб бажарганлар рағбатлантирилади, оғиш ва камчиликка йўл қўйганлар масъулияти оширилади.	

* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Биз таклиф этаётган моделнинг моҳияти (1-жадвал) – хўжалик юритувчи субъектларда харажатларни ҳисобга олиш ҳамда уларни бошқаришнинг турли тизимларини мувофиқлаштириш тамойилига асосланган бўлиб, корхона ва ташкилотга ўзларининг стратегик мақсадларини амалга ошириш жараёнида мустаҳкам имконият билан бирга бир қатор имкониятларни ҳам яратиб беради, деб ҳисоблаймиз.

Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини янада такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган моделни бир нечта босқичда амалга ошириш таклиф этилган бўлиб, унинг биринчи босқичида бир қатор ташкилий-техник масалаларни ечиш зарур, хусусан (1-жадвал):

1. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижаларига алоқадор бўлган стратегик бошқарув қарорлари самарали ва натижадор бўлиши учун барча ишчи-ходимлар ва раҳбарларнинг бажарувчи, тартибга солувчи ҳамда назорат қилувчи ваколатларини тўлиқ тақсимлашни назарда тутувчи молиявий тузилмани шакллантириш керак бўлади. Ана шу ташкилий-молиявий тузилмадаги барча масъулларнинг ваколатлари ва жавобгарликлари тасдиқланиши, яъни белгилаб берилган бўлиши керак бўлади;

2. Режалаштириладиган, ҳисобга олинадиган, назорат қилинадиган ҳамда бошқариладиган барча объектларнинг номлари ҳам қайд қилиниши ва тасдиқланиши керак.

3. Фаолият натижаси ҳамда самарадорлиги даражасини баҳоловчи баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими шакллантирилиши ҳамда

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

тасдиқланиши керак. Барча масъулларнинг ваколатлари ва жавобгарликларини ифодалай оладиган даражадаги, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини стратегик тарзда бошқариш имкониятини яратиб бера оладиган кўрсаткичлар, уларни баҳолаш мезонлари шакллантирилиши ва тасдиқланиши керак бўлади. Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда уни бошқаришда баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (БКТ)ни шакллантириш муҳим жараён ҳисобланади. Корхоналарда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва уни самарали тарзда бошқариш мақсадида шакллантириладиган БКТ молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичлар блокларида акс эттирилади. БКТ хўжалик юритувчи субъектнинг стратегик мақсадини унинг алоҳида фаолият йўналишларига аниқ кўрсаткичлар ҳамда сифат таснифи орқали трансформация қилишни назарда тутиши мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда эътироф этиш керакки, бир қатор олимлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш мақсадида БКТдан фойдаланиш таклиф этилган. Хусусан, иқтисодчи олим Л.В. Шалаева БКТни 4 йўналишда ҳамда 16 та кўрсаткичлар кесимида шакллантиришни таклиф этади. Мамлакатимиз олимларидан У.У. Костаев эса, БКТни иккита блокда, яъни молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичлар блокида ҳисобга олишни тавсия қилган. Қайд қилиш керакки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг стратегик мақсадидан келиб чиқиб БКТни ўзининг стратегик мақсадларини ифода эта оладиган даражада шакллантириши керак, яъни айрим олинган хўжалик юритувчи субъект миқёсида унинг сони ва миқдорини чегараламаслик керак, деб ҳисоблаймиз [5]. Шунингдек, ана шундай тизим унинг барча фаолият йўналишларига таъсир қилувчи омил ҳамда кўрсаткичларни ўзида, албатта, мужассам этган бўлиши керак, яъни кенг қамровли, мажмуавий характерга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ана шундай фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш учун қуйидаги БКТ блоклари ва ҳар бир блокда акс эттирилиши шарт бўлган кўрсаткичларни таклиф этамиз (2-жадвал).

2-жадвал.

Баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (БКТ) блоклари*

T\p	**БКТ блоклари**	**Стратегик мақсад**	**Асосий кўрсаткичлар**
1.	Иқтисодий-молиявий ҳолатни баҳоловчи.	1.1.Фаолиятнинг фойдалилиги *(рентабеллик)* даражаси.	Ишлаб чиқариш ҳажми, сотув ҳажми, даромад, маҳсулот таннархи, харажатлар миқдори, ялпи фойда, соф фойда, капитал рентабеллиги.
		1.2.Фаолиятнинг иқтисодий қиймати ўсиши.	Иқтисодий ўсиш даражаси, қўшилган қиймат миқдори, асосий капитал ҳажмининг ўсиши.
		1.3. Молиявий барқарорлик ва тўлов	Ликвидлилик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик коэффицентлари миқдори.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

		қобилияти динамикаси.	
		1.4. Пул оқими ҳажмининг ўсиши.	Нақд пул оқими миқдори, ўсиш динамикаси, дисконтлашган меъёри.
2.	Бозор фаоллигини баҳоловчи.	2.1.Бозордаги улушининг ўсиши.	Сотувга таклиф этилаётган маҳсулот таркиби, маҳсулотнинг сотув динамикаси, рақобатбардошлик даражаси.
		2.2.Харидорлар талабини қондириши.	Буюртмаларнинг бажарилиш муддатлари, маҳсулотнинг сифат даражаси, истеъмол қиймати, инновацион маҳсулот турлари, инновациянинг татбиқ этилиш динамикаси, сервис хизмати.
		2.3. Харидорлар ҳудудининг кенгайиб бориш даражаси.	Бозор кўламининг кенгайиб бориши, харидорлар сони ва географиясининг кенгайиши.
3.	Асосий фаолият самарадорлигини баҳоловчи.	1.1. Инновацияларни жалб қилиш даражаси.	Инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш даври, сотув ҳажмида инновацион маҳсулотлар улуши.
		1.2. Харажатлар миқдори ва динамикаси.	Сотишдан тушган тушум, даромад миқдори, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва маъмурий-бошқарув харажатлари миқдорлари, динамикаси ва улушлари, яроқсиз маҳсулотлар ҳажми, чиқиндилар миқдори, ишлаб чиқариш рентабеллиги.
		1.3. Сервис хизматлари даражаси.	Сервис хизмати мавжудлиги, унинг харажатлари миқдори, реклама харажатлари, маҳсулотни алмаштириш тартиби ва харажатлари.
		1.4. Моддий-техник таъминот даражаси.	Маҳсулотни сақлаш имконияти, омбор хўжаликларини сақлаш харажати, омбордаги камомад ва йўқотиш миқдори.
4.	Ходим ва мутахассис кадрлар даражасини баҳоловчи.	4.1. Информацион технологияларнинг ҳолати.	Коммуникация тизими сифати, фойдаланилаётган операцион тизим ва дастурий таъминот даражаси, замонавий дастурий таъминот даражаси.
		4.2.Мутахассис кадрларнинг касбий ҳамда профессионаллик даражаси.	Ишчи-ходим ва мутахассисларнинг билим даражаси, информацион технологияларни, чет тилларини замонавий интернет пакетлардан фойдаланишни билиш даражалари.
		4.3. Кадрлар билан таъминланганлик даражаси.	Даврлар кесимида ходимларнинг ўртача сони, ўртача ёш даражаси, кадрлар қўнимсизлиги коэффициенти даражаси.
		4.4. Моддий рағбатлантириш даражаси.	Умумий иш ҳақи фондига нисбатан рағбатлантирувчи тўловлар улуши, рағбатлантирувчи тўловлар ва унинг персонални қамраш миқдори, тўловлар сони, миқдори.

*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Мана шу босқичда харажатларни ҳисобга олишнинг “Директ костинг”, “ABC” (Activity Based Costing – “Асосий фаолият йўналишлари бўйича харажатларни ҳисобга олиш”) ҳамда “Қиймат занжири усул”ларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Шундай қилиб, биз томондан таклиф этилаётган модель хўжалик юритувчи субъектларга стратегик мақсадларини амалга оширишга таъсир қиладиган ички ва ташқи муҳит омилларини тезкор ҳисобга олиш, глобаллашув шароитидаги рақобатнинг тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитида рақобатчиларига нисбатан узлуксиз тарзда афзалликларга эга бўлиб бориш каби имкониятларни яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эдди Маклейни. Финансовый менеджмент и управленческий учет для руководителей и бизнесменов – М.: Альпина Диджитал, 2008. – 64 с.

2. Друри К. Управленческий учет для бизнес-решений / К. Друри ; пер. с англ. ; под ред. В. Н. Егорова. М. : ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 655 с.

3. Ильина, А. В. Управленческий учет. / А. В. Ильина, Н. Н. Илышева. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2016. – 180 с.

4. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С.483.

5. Вахрушина М. А. Управленческий анализ : учеб. пособие / М.А. Вахрушина. 6-е изд. – М.: Омега-Л, 2010. 399 с.

6. Гетьман В. Г. Бухгалтерский учет. – М.: Инфра-М, 2015. 420 с.

7. Хасанов Б.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. /А. Абдувохидов, А. Хашимов, А. Мухамедов/ – Тошкент: Иқтисодиёт, 2021. – 913 б.

8. Пардаева Ш.А. Хўжалик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш//Халқаро молия ва ҳисоб. Илмий-электрон журнал. – www.interfinance.uz – №3. 2021 йил.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

XO‘JALIK YURITUVCHI SUB’EKTLARNING BOSHQARUV HISOBINI TASHKIL QILISHNING USLUBIY JIHATLARI

Sobirov Otabek Olimjonovich
iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
buxgalteriya hisobi va audit kafedrasi dotsenti
Namangan muhandislik-texnologiya instituti
E-mail: oosobirov@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0415-0802

Annotastiya. Maqolada boshqaruv hisobini tashkil etish va takomillashtirishda byudjetlashtirish va uni korxonalar faoliyatida tutgan o‘rni va ahamiyati, shuningdek xarajatlar va ularni nazorat qilish bilan bog‘liq masalalar yoritilgan. Shuningdek, korxonalarda boshqaruv hisobini tashkil etishning ijobiy jihatlari, xarajatlarni nazorat qilishning samarali yo‘llariga atroflicha to‘xtalib o‘tilgan. Bundan tashqari sohada aniqlangan ayrim muammolar yuzasidan tegishli ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: boshqaruv hisobi, xarajatlar, byudjetlashtirish, daromad, ishlab chiqarish, hisobot, investitsiya, xalqaro standartlar, strategik qaror, rejalashtirish.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕТА МЕНЕДЖМЕНТА ЭКОНОМИЧЕСКИХ СУБЪЕКТОВ

Собиров Отабек Олимжонович
доктор философии (PhD) по экономическим наукам
доцент кафедры бухгалтерского учета и аудита
Наманганский инженерно-технологический институт
E-mail: oosobirov@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0415-0802

Аннотация. В статье изучаются актуальные вопросы бюджетирования, его роль и значение в экономической деятельности предприятий при организации и совершенствования управленческого учета, а также исследуются затраты и вопросы, связанные с их контролем. Подробно рассмотрены положительные стороны организации управленческого учета на предприятиях, эффективные способы контроля затрат. Также разработаны соответствующие предложения и практические рекомендации по отдельным выявленым проблемам.

Ключевые слова: управленческий учет, затраты, бюджетирование,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

доходы, производство, отчет, инвестиции, международные стандарты, стратегические решения, планирование.

METHODOLOGICAL ASPECTS OF ORGANIZATION OF ACCOUNTING MANAGEMENT OF ECONOMIC ENTITIES

Sobirov Otabek Olimjonovich
Doctor of Philosophy (PhD)
in economic sciences
associate professor Department of
Accounting and Auditing
Namangan Institute of Engineering
and Technology
E-mail: oosobirov@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0415-0802

Abstract. The article examines current issues of budgeting, its role and importance in the economic activities of enterprises in organizing and improving management accounting, and also examines costs and issues related to their control. The positive aspects of organizing management accounting at enterprises and effective ways to control costs are discussed in detail. Relevant proposals and practical recommendations on individual identified problems have also been developed.

Keywords: management accounting, costs, budgeting, income, production, reports, investment, international standards, strategic decisions, planning.

Kirish

Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatida iqtisodiy barqarorlikni ta’minlash, ishlab chiqarish jarayonini samarali tashkil etish uchun avvalo boshqaruv hisobini tashkil etish, qilinayotgan xarajatlarni to‘g‘ri rejalashtirish va barcha faoliyatni byudjetlashtirishning samarali tashkil etilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Keng ko‘lamli tadqiqotlar natijalariga ko‘ra, iqtisodiyoti rivojlangan davlatlarda buxgalterlarning lavozim vazifalariga nafaqat buxgalteriya hisobini yuritish ishlarini olib borish, balki korxonaning turli segmentlari bo‘yicha daromad va xarajatlar smetasini tuzish, tannarx hisobini yuritish, kelajakdagi strategik maqsadlarga erishish bo‘yicha aniq chora-tadbirlarni ishlab chiqish kabi muhim vazifalar ham yuklatilgan.

Bugungi kunda mamlakatimizda ham xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatida boshqaruv hisobini tashkil etish va yuritish, moliyaviy hisobotlarni tuzish va taqdim etish kabi munosabatlarda keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Bundan ko‘zlangan maqsad esa barcha xarajatlarni to’g’ri rejalashtirish, shuningdek moliyaviy hisobotlarni xalqaro standartlar talablari asosida tuzishni tashkil etishdir. Natijada xalqaro talablar darajasida tuzilgan moliyaviy hisobotlar xorijiy investorlar uchun tushunarli va aniq moliyaviy ma’lumotlarni taqdim etadigan manbaga aylanmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasini

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

rivojlantirish bo‘yicha Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi farmoni ham ana shunday maqsadlarni amalga oshirishni ko‘zlangan vazifalarni o‘z ichiga olishi bilan ahamiyatlidir [1].

Olib borilgan tadqiqotlar natijasiga asosan, iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlar tajribasini o‘rganilishi shuni ko‘rsatmoqdaki, korxonalar buxgalteriya hisobi sohasidagi belgilangan ish vaqtining asosiy qismi boshqaruv hisobini tashkil etish va yuritish hamda ushbu jarayonlar bilan bog‘liq masalalarga sarflanishi aniqlangan. Boshqaruv hisobida xarajatlarni rejalashtirish va faoliyatni byudjetlashtirish masalalari bilan eng yuqori malakali mutaxassislar shug‘ullanishi talab etiladi. Chunki bu korxonalarni kelajagini belgilashda juda ham muhim ahamiyat kasb etadi. So‘ngi yillarda mamlakatimizda buxgalteriya hisobi, xususan, boshqaruv hisobini rivojlantirishga qaratilayotgan katta e’tibor natijasida buxgalteriya hisobining me’yoriy-huquqiy bazasi ham yanada mustaxkamlanmoqdi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi PQ-4611-sonli “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori sohani jadal rivojlantirishga zamin yaratmoqda [2].

Amalga oshirilayotgan bunday islohotlar iqtisodiy barqarorlikni ta’minlash, mamlakatimizda investitsion jozibadorlikni oshirishga qulay shart-sharoitni yaratishga xizmat qilmoqda. Yurtimizda yaratilayotgan qulay ishbilarmonlik muhitidan tadbirkorlik sub’ektlari tez va samarali foydalanmoqda deyish biroz qiyin. Sababi shuki, ayrim korxonalar faoliyatida boshqaruv hisobini tashkil etish masalalari sust amalga oshirilayotganligi, mahsulot ishlab chiqarish bilan bog‘liq xarajatlar hisobini samarali tashkil etilmayotganligi ishlab chiqarilayotgan mahsulotni tannarxini oshishiga va yakunda korxonalarni samarasiz faoliyat yuritishiga olib kelmoqda. Mazkur muammolarni tizimli xal etish sohada keng ko‘lamli ilmiy tadqiqotlarni yanada jadal olib borishda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Adabiyotlar sharhi

Tadqiqot yo‘nalishimizda o‘z ilmiy tadqiqotlarini olib borgan xorijiy iqtisodchi olimlardan K. Druri, X. Anderson, S. Davidson, O.E. Nikolayeva, A.D. Sheremet, Ya.V. Sokolovlarning ilmiy tadqiqotlari muhim ahamiyatga ega. Yurtimizda ham soha rivojiga ulkan hissa qo‘shgan iqtisodchi olimlar o‘z ilmiy tadqiqotlarini olib borishgan. Ularga A. Abdug’aniyev, A. Ibragimov, A. Karimov, A. Pardayev, A. Avlokulov, M. Pardayev, N. Abdusalomova, M.B. Kalonov, U. Kostayev, B. Maxsudov, N.K. Rizayev, B.A. Xasanov, I.K. G’iyasov, O.O. Sobirov va boshqalarning olib borgan ilmiy tadqiqotlarini kiritish mumkin [3]. Mualliflarning tadqiqotlari mamlakatimizda boshqaruv hisobining tashkil topishi va rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Tahlil va natijalar

Tahlillar shuni ko‘rsatmoqdaki, boshqaruv hisobini tashkil etish va yuritish,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

boshqaruv hisobida byudjetlashtirish tizimining nazariy-uslubiy asoslari va amaliy jihatlarini takomillashtirish, faoliyatni tashkil etish va uni yuritish bilan bog‘liq xarajatlar va ularni nazorat qilish tizimini samarali tashkil etish bugungi kundagi muhim bo‘lgan masalalardan biri hisoblanadi.

Sir emaski xar bir korxonaning ko‘zlagan asosiy maqsadi yuqori daromad olish bilan birga rejali xarajat qilishdir. Xarajatni rejadagidandan oshishi bu kelgusida ishlab chiqarilayotgan mahsulotning yoki ko‘rsatilayotgan xizmatning tannarxini oshishiga olib keladi. Korxona oldiga ko‘yilgan strategik maqsadlarda doimo barqaror o’sishni ta’minlash yotadi. Ushbu maqsadlarga erishish uchun korxonalar faoliyatida quyidagi ishlarni amalga oshirish lozim deb hisoblaymiz:

1. Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning faoliyat xususiyatlarini hisobga olgan xolda boshqaruv hisobini tashkil etish va yuritish.

2. Faoliyatni tashkil etishda mutaxassis xodimlarning vazifa va maqsadini to‘g‘ri belgilash va ish samaradorligini baholab borish.

3. Moliyaviy hisobotlarni o‘z vaqtida, aniq va ishonchli tarzda tuzish va bu orqali investitsion jozibadorlikni oshirish.

4. Foliyatga xorijiy investitsiya mablag‘larini jalb etish hisobiga ishlab chiqarishni tashkil etish, investistiya markazlari faoliyatini kengaytirish va nazoratini olib borish.

5. Korxonalarda byudjetlashtirish tizimini joriy etish va moliyalashtirish bilan bog‘liq masalalar ustidan samarali nazorat tizimini tashkil etilsh.

6. Korxonalarda tashkil etilgan byudjetni bajarilishini doimiy baholash, xarajatlarni rejalashtirilishi bo‘yicha nazoratini amalga oshirish va bu ishlarni takomillashtirib borish bo‘yicha ilmiy va amaliy takliflar va tavsiyalar ishlab chiqish.

Ushbu vazifalarni korxonalar faolitida doimiy bajarilishi moliyaviy barqarorlikni ta’minlashga xizmat qiladi. Korxonalar faoliyatida boshqaruv hisobini yuritish, shuningdek byudjetlashtirishni samarali tashkil qilish, ishlab chiqarish bilan bog‘liq xarajatlarni doimiy nazoratini olib borish dolzarb ahamiyat kasb etadi va quyidagi maqsadlarga erishilishini ta’minlaydi:

- strategik maqsadlarni ko‘zlangan boshqaruv qarorlarini samarali qabul qilish;
- korxonalar faoliyatini byudjetlashtirishni joriy etish orqali barcha xarajatlarni nazorat qilish va ularni baholash;
- korxonalarda ishlab chiqarishda rejadan tashqari ortiqcha mahsulot ishlab chiqarishni oldini olish va mahsulotni omborda yig‘ilib qolishini oldini olish;
- tannarxni hisoblashni ishlab chiqariladigan mahsulot xususiyatidan kelib chiqgan holda eng samarali kal’kulyatsiya usulini qo‘llash orqali xarajatlarni optimallashtirish.

Xulosa

Ko‘p yillik izlanishlar davomida boshqaruv hisobini takomillashtirish bilan bog‘lik ko‘plab masalalar tizimli tahlil etildi va unga samarali yechimlar ko‘rsatildi. Ushbu maqolamizda biz tomonimizdan olimlarimizning tadqiqotlarini

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

o‘rgangan holda bildirgan fikr-mulohazalar, ilmiy takliflar va tavsiyalar boshqaruv hisobini rivojlantirishga qaratilganligi bilan ahamiyatlidir. Bildirilgan fikrlar boshqaruv hisobida byudjetlashtirish va xarajatlarni doimiy nazorat qilish va ularga baho berish bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar olib borishda foydalidir va korxonalar faoliyatini tashkil etishda samarali natijalarga erishish imkonini beradi.

Fikrimizcha, biz bayon etgan taklif va tavsiyalarni xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatida qo‘llash orqali moliyaviy barqarorlikka erishish, xorijiy investitsiya mablag‘larini jalb etishda investitsion jozibadorlikni ta’minlash, boshqaruv hisobida byudjetlashtirish va korxonaning barcha xarajatlarini nazorat qilish bilan bog‘liq jarayonlarni yanada takomillashtirish va tartibga solish imkoniyatini yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 – 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi farmoni. 28.01.2022 yildagi PF-60-son farmoni. – https://lex.uz/uz/docs/-5841063

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi PQ-4611-sonli “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori. – https://lex.uz/docs/-4746047

3. Sobirov O. O. Opportunities to reduce the cost of product production in business subjects. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” TMI. Toshkent. Issue 1, 2024. ISSN: 2181-1016

4. Sobirov O. O. Boshqaruv hisobi: o‘quv qo‘llanma. – Namangan: Usmon Nosir Media. 2023. – 247 b.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ОЛИШДА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Ешпанов Исламбек Тохтарбаевич
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
таянч докторанти
E-mail:Islam160894@gmail.com
ORCID: 0000-0003-0445-0650

Аннотация. Мақолада аудиторлик текширувида “аудиторлик далиллари” тушунчаси ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида етакчи иқтисодчи олимларнинг фикрлари келтириб ўтилган. Шунингдек, аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик далилларини тўплаш, умумлаштириш ҳамда натижаларини аудиторлик хулосасида акс эттириш жараёнлари ёритиб берилган. Шу билан бирга, мақолада аудиторлик далилларига қўйилган талабларга тегишли халқаро стандартлар нормалари бўйича муаллифнинг илмий қарашлари берилган.

Калит сўзлар: аудиторлик далиллари, таҳлилий амаллар, аудиторлик хулосаси, ишончлилик, етарлилик, мослик, молиявий ҳисобот, аудитнинг халқаро стандартлари.

ВИДЫ АУДИТОРСКИХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ И ТРЕБОВАНИЯ К ИХ ПОЛУЧЕНИЮ

Ешпанов Исламбек Тохтарбаевич
докторант Банковско-финансовой
академии Республики Узбекистан
E-mail:Islam160894@gmail.com,
ORCID: 0000-0003-0445-0650

Аннотация. В статье представлены взгляды ведущих экономистов относительно понятия “аудиторское доказательство” в аудиторских проверках и их особенностях. Также исследованы процессы сбора аудиторских доказательств, вопросы их обобщения и отражения результатов в аудиторском отчете на основе международных стандартов аудита. В то же время в статье содержится научное наблюдение автора о нормах международных стандартов относительно требований к аудиторским доказательствам.

Ключевые слова: аудиторские доказательства, аналитические процедуры, аудиторское заключение, надежность, достаточность, уместность, финансовая отчетность, международные стандарты аудита.

TYPES OF AUDIT EVIDENCE AND REQUIREMENTS FOR OBTAINING THEM

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Eshpanov Islambek Toxtarbaevich
doctoral student of Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan
E-mail: Islam160894@gmail.com
ORCID: 0000-0003-0445-0650

Abstract. This article presents the opinions of leading economists on the concept of audit evidence and its features. Also, the processes of collecting audit evidence, summarizing and reflecting the results in the audit report based on international auditing standards are described. At the same time, this article contains the author’s scientific observation about the norms of international standards regarding the requirements for audit evidence.

Keywords: audit evidence, analytical procedures, audit conclusion, reliability, adequacy, appropriateness, financial reporting, international standards of auditing.

Кириш

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида товар айирбошлаш бошланганидан буён иқтисодий фаолиятни назорат қилиш жараёни ҳам такомиллашиб борди. Вақт ўтиб назорат иқтисодий жараённи таҳлил қилишда ва уни янада ривожлантириш учун асосли хулосалар чиқаришда ўзига хос тизимли тартибга айлана бошлади. Бундай фаолият, биринчи навбатда, давлат молиявий назорати сифатида белгиланиб, унда алоҳида ҳуқуқий ва иқтисодий меъёр ва қоидалар назорат амалларининг муайян усул ва алгоритмлари орқали ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солишга имкон берди. Сўнгра унинг негизида бутунлай янги молиявий назорат тури, яъни аудиторлик текшируви юзага келди. Жаҳондаги коронавирус пандемияси шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичларини холисона ва тўғри ифода қилиниши жараёнида аудиторлик хулоса ва аудит ҳисоботига эътибор янада кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ПФ-5978-сонли фармонида таъкидланганидек: “Ўзбекистон Республикасида аудит хизматини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан унинг жавобгарлигини ошириш мақсадида устав капитали оширилди ва мажбурий аудит жавобгарлик суғуртаси жорий этилди. Натижада аудиторлик ташкилотларининг фаолияти тартибга солинди ва уларни устав капиталининг 51 фоизи аудиторларга ва нақд пул кўринишида қўйилиши унинг аудиторлик текширувларини сифатига алоҳида эътибор бериш вазифаси юклатилди” [1].

Адабиётлар шарҳи

Айниқса иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик хизматига бўлган талаб янада ошди. Аудит жараёнида асосий масала аудит учун зарур маълумотларни йиғиш ва унга ишлов бериш ҳисобланади. Шу

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

нуқтаи назардан аудиторлик маълумотлари, аудит далиллари ва уларни тўплаш энг муҳим масала ҳисобланади.

Аудиторлик далиллари хусусида проф. Р.Д. Дусмуратов томонидан қуйидаги фикр билдирилган: «... маълум факт тўғрисида маълумотлар олиш жараёни тушунилади» [2].

Бундан ташқари, аудиторлик далилларини гуруҳларга бўлиш бўйича амалий ишлар қилинган, шу жумладан аудиторлик текширувлар жараёнида тўпланадиган далиллар турли-туман бўлиб, улар тури, манбаси ва олиниш усулларига кўра туркумланади. Иқтисод фанлари доктори профессор И. Қўзиевнинг фикрича, “Аудиторлик далиллари – аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви вақтида йиғилган ва аудиторлик хулосасини асословчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, аналитик счётлар қолдиқлари, бошланғич ҳужжатлар ва йиғма регистрлар, бошқа аудитор томонидан тўпланган ахборотлар ҳисобланади” [3].

Ушбу масала бўйича Россияда махсус аудитнинг стандарти, яъни Россия Федерал стандарти № 5- «Аудиторлик далиллари» номли стандартда аудиторлик далилларига талаблар белгиланган: «Аудиторлик далиллари сифатида ҳар қандай ахборотдан фойдаланилади, шу жумладан аудитор томонидан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини ҳаққонийлиги тўғрисида ўзининг фикрини ифода қилиш учун зарур бўлган ахборот ҳисобланади» [4].

Иқтисодчи олимлар Г.Я. Остаев ва Г.Р. Концевойларнинг фикрича, аудиторлик далиллари хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий объектларининг ҳолати ва хўжалик фаолиятининг амал қилишга доир фактларнинг моҳиятини очиб бериш борасида тўпланган, ўрганилган ва баҳоланган ахборотлардир [5].

Аудиторлик далилларига иқтисодчи олим А.Д. Шеремет томонидан қуйидагича таъриф берилган: «Аудиторлик далиллари – бу аудитор томонидан аудиторлик текшируви жараёнида олинган, ушбу ахборотларни таҳлил қилиш натижасида аудитор фикрини шакллантириш учун асос бўлган ахборотлар ҳисобланади» [6].

Умуман олганда, «Аудиторлик далиллари бу – тегишли аудиторлик хулосаларини тасдқилаш учун асос сифатида фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бошланғич ҳисоб ва умумлаштирувчи ахборотлар, молиявий ҳисоботни тузиш учун асос бўлган маълумотлар ва счётларнинг қолдиқлари, бизнес-режа маълумотлари, ташқи манбалардан олинган маълумотлар ва бухгалтерия ҳисобига тааллуқли бўлмаган ахборотлар ҳисобланади». Ушбу маълумотлар аудиторлик хулосасини тавсифлаш учун етарлича асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Чунки мазкур далиллар асосида аудитор аудиторлик хулосаларини турларидан фойдаланиши мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Ҳар бир аудитор қабул қилиши лозим бўлган энг муҳим қарор мижоз молиявий ҳисоботи объектив тақдим этилганини тасдиқлаш, тўплаш керак

бўлган далилларнинг тегишли миқдорини аниқлашга оид бўлади. Бу масалада бир қарорга келиб олиш муҳим аҳамиятга эга, чунки барча мавжуд далилларни баҳолаш ва таҳлил қилиш аудитнинг ахамиятини ақл бовар қилмас даражада ошириб юборади.

Масалан, хўжалик тизимларининг катта қисмига оид молиявий ҳисоботлар аудитида барча бекор қилинган чекларни, юк хатларини, товарларни қабул қилиш ҳужжатларини, сотиш бўйича счет-фактураларни, транспорт ҳужжатларини, мижозлар буюртмаларини, ҳисоб-китоб варақларини, шунингдек, бошқа кўплаб ҳужжат ва қайдномаларни текшириш имконияти мавжуд эмас.

Аудиторга айнан қандай далиллар керак бўлишига оид қарор қабул қилиниши жараёнини қуйидаги тўрт саволга жавоб излаш сифатида тасаввур қилиш мумкин:

1. Қандай аудиторлик амалларидан фойдаланиш лозим?
2. Ҳар бир аниқ аудит амали бўйича саралаш қандай ҳажмда бўлиши лозим?
3. Берилган мажмуадан қайси аниқ элементни танлаш лозим?
4. У ёки бу аниқ амалларни қачон амалга ошириш лозим? [7]

Аудиторлик текшируви натижасида ҳосил бўлган хулоса ишончли ва оқилона бўлиши учун аудиторлар уларнинг ишончлилигига таъсир қилувчи аудиторлик далилларининг қуйидаги муҳим жиҳатларини ҳисобга олишлари керак:

1. Ташқи аудит далиллари ички ёзма ва оғзаки далиллардан кўра ишончлироқ ва муҳимроқ.
2. Ички назорат тизимлари ва текширилаётган фирма бухгалтерия ҳисоби самарадорлиги ички аудит далилларнинг ишончлилигини оширади.
3. Аудитор томонидан олинган далиллар аудиторлик ташкилотидан олинган маълумотларга қараганда ишончли.
4. Аудиторлик далилларининг ишончлилиги кўплаб манбаларни ва турли хулоса бериш учун етарли фикрларнинг мазмунини оширади, берилаётган хулосани аниқлиги ва тўғрилигини мустаҳкамлайди.
5. Аудиторлик текшируви давомида аудитор томонидан аудиторлик далилларини олиш учун аудитнинг ҳар бир босқичида у ёки бу турдаги далилларни тўплаш хусусиятлари ҳақида аниқ батафсил кўрсатмалар мажмуини яратиб олиши лозим бўлади [8].

Масалан, товар-моддий бойликларни инвентаризация қилиш, бекор қилинган чеклар сони билан сотишдан даромадлар миқдори, тизимли бухгалтерия ёзувлари ва транспорт ҳужжатларини солиштириш бўйича далиллар муайян аудит амаллари ёрдамида тўпланади. Уларни ишлаб чиқишда, одатда, махсус атамалар қўлланилиб, бу мазкур амаллардан аудит амалга ошириш йўриқномалари сифатида фойдаланиш имконини беради.

Аудитор аудит амаллари бўйича саралаш ҳажмини текширилаётган мажмуага оид барча элементларнинг кўринишини ўзгартириш мумкин. Дейлик, сотиш журналида 6600та ҳисобга тўлов амалга оширилгани қайд

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

этилган. Аудитор мазкур ҳолатда 200та ҳисобни танлаши ва уларни касса дафтари билан солиштириши мумкин. Ҳар бир аниқ аудит жараёнида қанча элемент текширилиши лозимлигини ҳар сафар унинг ўзи ҳал этиши керак. Саралаш ҳажми турли текширишлар учун турлича бўлиши мумкин. Аудитор муайян аудит учун саралаш ҳажмини белгилаб олгач, айнан қандай аниқ элементларни текширишини ҳам аниқлаб олиши лозим. Агар аудитор, масалан, сотиш журналидаги ёзувлар билан солиштириш мақсадида 6600та ҳисобни ўз ичига олувчи мажмуадан тўлов амалга оширилган 200та ҳисобни текширишга қарор қилса, у ҳолда ўзи текширадиган аниқ ҳисобларни саралаш орқали бир қанча усуллардан фойдаланиши мумкин. Аудитор:

а) қандайдир ҳафтани танлаши ва дастлабки 200 та ҳисобни текшириши;

б) энг йирик миқдорли 200 та ҳисобни танлаши;

в) ихтиёрий текшириш учун ҳисобни танлаши;

г) аудиторнинг фикрига кўра, хатолар мавжуд бўлиши эҳтимол қилинган ҳисобни танлаши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу ёндашувларнинг уйғун бирикмаси ҳисобланувчи бошқа қандайдир усулдан фойдаланса ҳам бўлади.

Молиявий ҳисобот аудити, одатда, қандайдир даврни, масалан, бир йилни ўз ичига олади. Аудиторлик текшируви мазкур давр тугаганидан сўнг бир неча ҳафта ёки ойдан кейингина якунланади. Шунинг учун аудитга кирувчи операцияларни амалга ошириш вақти турлича бўлиши ва улар ҳисобот даврининг бошида ёки ҳисобот санасидан узоқ вақт ўтгандан кейин амалга оширилиши мумкин. Мижоз молиявий ҳисобот аудитида аксарият ҳолларда аудит йил якунлангандан бир-уч ойдан кейин тугашини хоҳлайди.

–лучшее прогнозирование спроса на продукт, так как цена продукта определяется с учетом рыночных требований;

–улучшение качества продукта, так как процесс таргет-кастинга позволяет определить, какие функции и характеристики продукта являются ключевыми для его успеха на рынке.

В целом, таргет-кастинг является эффективным методом калькуляции себестоимости продукта, но требует серьезных усилий для внедрения и использования на практике, особенно на ранних стадиях разработки продукта.

Еще одним современным методом калькуляции является кайзен-костинг (kaizen costing). Цель данной системы заключается в непрерывном улучшении производственного процесса, бизнес-процессов и продукции путем сокращения затрат и увеличения качества. "Кайзен-костинг" нацелен на минимизацию разницы между фактической и расчетной себестоимостью продукции по каждой статье затрат.

Если система "таргет-костинг" направлена на достижение заданного уровня себестоимости продукта в процессе его разработки, то "кайзен-костинг" фокусируется на улучшении отдельных статей затрат и общей себестоимости в процессе производства. Чтобы достичь наилучших результатов, рекомендуется использовать обе системы взаимосвязано [12].

Выводы

Итак, себестоимость производимой продукции, выполненных работ и оказанных услуг является важным показателем деятельности предприятия, оказывающим прямое влияние на его финансовые результаты. Уровень прибыли, конкурентоспособность продукции и финансовое состояние зависят от величины себестоимости. Калькуляция себестоимости необходима для корректного установления цен на продукцию, расчета рентабельности и оценки эффективности производства.

Традиционные методы калькуляции основываются на учете прямых и косвенных затрат, а также на распределении косвенных затрат между продуктами на основе различных методов расчета.

Современные методы калькуляции, такие как JIT-калькуляция, Lean-калькуляция, функционально-стоимостной анализ, таргет-костинг и другие, учитывают более широкий спектр факторов, таких как стоимость материалов, процессов, логистики, качества и так далее, что позволяет более точно определить стоимость продукции.

Выбор метода калькуляции себестоимости должен зависеть от конкретных условий и требований предприятия. Например, в случае массового производства серийных изделий более подходящим будет метод директ-костинга или ABC-костинга, тогда как для производства уникальных изделий более эффективным будет использование функционально-стоимостного анализа.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Кроме того, современные методы калькуляции себестоимости продукции, такие как JIT-калькуляция, Lean-калькуляция, таргет-костинг и кайзен-костинг, позволяют предприятиям улучшить эффективность производства, снизить затраты и повысить качество выпускаемой продукции.

Предприятиям, особенно функционирующим в странах с развивающейся экономикой, рекомендуется проводить работу по внедрению современных подходов к калькуляции себестоимости продукции, что будет способствовать повышению их конкурентоспособности, рентабельности и эффективности деятельности.

Таким образом, выбор метода калькуляции себестоимости является важным шагом для успешной деятельности предприятия. Необходимо учитывать все особенности производства, конкретные требования рынка и применять соответствующие методы для достижения оптимальной себестоимости продукции и максимизации прибыли предприятия.

Литература

1. Санникова И.Н. Комплексный экономический анализ: учебное пособие. – Барнаул: изд-во Алтайский государственный университет, 2010. – С. 33-36.

2. Палий В.Ф. Управленческий учет издержек и доходов (с элементами финансового учета). – М.: ИНФРА-М,2010. – С. 546-547.

3. Арзуманова Т. И., Мачабели М. Ш. Экономика и планирование на предприятиях торговли и питания: учебник. – М.: ИТК Дашков и К, 2010. – С. 2-3.

4. Антонова З.Г. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности: учебное пособие. 2е изд., стер. – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2010. – С. 109-110.

5. Никитина А. Р. Содержание понятий «затраты», «расходы», «издержки», «себестоимость» и их различия // Мир современной науки. – 2014. – № 6. – 15-19 с.

6. Яркулова М.А. Совершенствование традиционных методов калькулирования себестоимости продукции нефтеперерабатывающих предприятий // Moliya va Bank ishi – № 3 (2022), – С.166-170.

7. Волчков А. Ю. Особенности определения себестоимости банковских продуктов малого и среднего бизнеса в условиях применения метода АВС // Промышленность: экономика, управление, технологии. – 2011. – №1.

8. Бондаренко Т.Г. Основные методы калькулирования себестоимости банковских продуктов. – http://www.economyar.narod.ru/bondarenko.pdf

9. Золотухина А.Д. Методы учета затрат и калькулирования себестоимости продукции (работ, услуг) // Аудит и финансовый анализ 2, 2009 с. 1-9 – https://auditfin.com/fin/2009/2/Zolotuhina/Zolotuhina%20.pdf

10. Чичерова Е.Ю. Современные подходы к финансированию затрат и снижению издержек на предприятии как основа для инновационного развития // Экономические науки. 2012. – №1 (86). – С. 252-256.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

11. Яругова А. Управленческий учёт: учебник. – М.: Финансы и статистика, 2018. – 250 с.

12. Воробьева А.С., Заздравнова М.А. Современные методы калькулирования себестоимости // Инновационные технологии, экономика и менеджмент в промышленности: сборник научных статей VIII международной научной конференции. 19-20 августа 2021 г. – Волгоград: ООО «Конверт», – 2021. – 184 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДАВРИЙ ТЕБРАНМА ҲАРАКАТИ ШАРОИТИДА КАПИТАЛ ҚИЙМАТИГА РИСКНИНГ ТАЪСИРИ

Баймуратов Турсунбай Махкамбаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди
профессор
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: bay_tur58@mail.ru
ORCID:0000-0002-1386-4364

Аннотация. Мақолада ноаниқлик ва риск ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг ажралмас қисми эканлиги қайд этилган. Шу нуқтаи назардан даврий тебранма ҳаракат замонавий иқтисодиётнинг ўзига хос энг муҳим муаммоларидан биридир. Муаллиф иқтисодий жараёнларнинг даврий тебранма ҳаракати хусусиятларини кўриб чиқиш асосида капиталнинг умумий қийматига (*инг.л.* total price), хусусан, нолга тенг бўлмаган активнинг меърий қийматига (*инг.л.* standard *cost*) риск таъсирининг мантиқий изчил кўрсаткичларининг геометрик ифодасини ўзида мужассам этган моделни таклиф қилади. Таъкидлаш жоизки, модель иқтисодий тизимларда ўзига хос тарзда конструктивлик ва миқдорийлик кесимида ноаниқликнинг ролини баҳолашга имкон беради.

Калит сўзлар: ноаниқлик, фундаментал ноаниқлик, стохастиклик, мувозанатлилик, мувозанатсизлик, риск, вербал риск, фундаментал риск, мультиплицирлашган риск, рискология, фойдалилик назарияси, иқтисодий даврий тебранма ҳаракат, пессимизм мезони, оптимизм мезони.

ВЛИЯНИЕ РИСКА НА СТОИМОСТЬ КАПИТАЛА В УСЛОВИЯХ ЦИКЛИЧНОСТИ ЭКОНОМИКИ

Баймуратов Турсунбай Махкамбаевич
кандидат экономических
наук, профессор
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: bay_tur58@mail.ru
ORCID:0000-0002-1386-4364

Аннотация. В статье отмечается, что неопределенность и риск – неотъемлемый компонент любой экономической деятельности. В этом контексте цикличность относится к числу наиболее важных проблем

современной экономики. Автор на основе анализа особнностей цикличности экономических процессов предлагает модель, отражающую геометрическое выражение логически последовательных показателей риска, воздействующую на общую стоимость капитала (*англ*. total price), в частности, на нормативную стоимость (*англ*. standard cost) актива не равного нулю. Стоит отметить, что предложенная модель в рамках конструктивности и количественности позволяет оценить роль неопределённости в экономических системах.

Ключевые слова: неопределённость, фундаментальная неопределённость, стохастичность, сбалансированность, не сбалансированность, риск, вербальный риск, мультиплицированный риск, рискология, теория полезности, экономическая цикличность, критерий пессимизма, критерий оптимизма.

INFLUENCE OF RISK ON THE COST OF CAPITAL IN A CYCLICAL ECONOMY

Baimuratov Tursunbay Makhkambaevich
candidate of economics sciences, professor
Tashkent State the University of Economics
E-mail: bay_tur58@mail.ru
ORCID:0000-0002-1386-4364

Abstract. The article notes that uncertainty and risk are an integral component of any economic activity. In this context, cyclicality is one of the most important problems of modern economics. The author, based on an analysis of the cyclical features of economic processes, proposes a model that reflects the geometric expression of logically consistent risk indicators affecting the total cost of capital, in particular, the standard cost of an asset that is not equal to zero. It is worth noting that the proposed model, within the framework of constructivity and quantity, allows us to assess the role of uncertainty in economic systems.

Keywords: uncertainty, fundamental uncertainty, stochasticity, balance, unbalance, risk, verbal risk, multiplied risk, riskology, utility theory, economic cyclicality, criterion of pessimism, criterion of optimism.

Кириш

Глобаллашув қамровининг кенгайиши ва бугунги борликнинг динамик ўзгариши шароитида иқтисодиётнинг мувозанатлилик ҳолати (*инг*л. economic equilibrium), унинг бевосита тўғри траектория бўйлаб ривожланиши ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) ҳажми, айнан омилларнинг ўзгариши билан мутаносиб эканлигини тавсифласа, аксинча, иқтисодиёт субъектининг ривожланиши даврий тебранма тарзда

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

кечиши фаолият натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар ўзаро мутаносиб эмаслигини англатади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ноаниқлик ва риск иқтисодий фаолиятнинг ажралмас қисми саналгани боис, ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёни ноаниқлик ва риск қамровида кечиши кузатилади. Бу ҳолат, ўз навбатида англанилган зарурат сифатида, анъанавий бошқарув тизими функцияларидан фарқли равишда рискни бошқариш заруратининг аҳамиятини оширади.

Ноаниқликнинг моҳияти принципиал жиҳатдан қандайдир бир ҳодисанинг юз бериши ёки аксинча, содир бўлмаслигини аниқлаш эҳтимолининг чекланганлигида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий воқейликнинг аниқ ёки айнан содир бўлишини олдиндан кўра билмаслик ёхуд уни олдиндан айтиб бера олмаслик оқибатида риск кузатилиши мумкин.

Иқтисодиёт назариясида ноаниқлик ва риск муаммоларининг замирида ушбу жараёнга хос бўлган келажакка мақсадли йўналтирилганлик, хусусан, ноаниқлик даражасини пасайтириш ва уни прогноз қилишнинг мутаносиблигини ошириш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Ҳар қандай прогнозлаш усулларининг самарадорлиги, биринчи навбатда, унинг муайян вазифа(лар)га мувофиқлигига, зарурлигига ҳамда ҳаққонийлигига, иккинчидан, олинган натижа(лар)нинг тури, типи, даври, қамрови ва тизимлилигига, учинчидан, уни амалга ошириш қийматига бевосита боғлиқдир.

Иқтисодиётда ноаниқликни бартараф эта олиш “уч манба, уч таркибий компонентлар” – яъни жараёнларнинг “даврий тебранма ҳаракатлар – прогнозлар – рисклар” кесимида умумлаштирилиши ва баҳоланиши орқали ўз ечимини топиши мумкин.

Адабиётлар шарҳи

Риск назариясига тегишли фундаментал илмий ишлар бир қатор муаллифлар томонидан амалга оширилган. Шу жумладан, А.Р.Альгиннинг илмий ишланмаларида [1] рискни аниқлаш ва уни бошқаришнинг айрим методлари ўз аксини топган бўлса, Ж.М.Кейнс [2] бу борадаги қарашларида рискни, хусусан, молиявий рискни моҳиятан жойлаштирилган маблағлардан кутилаётган даромадни олишнинг ноаниқлиги сифатида талқин этган. У ноаниқликнинг сабаби иқтисодий жараён тавсифига кўра, келажакка қаратилганлиги сабабидан деб ҳисоблайди. Олимнинг тадқиқоти ноаниқлик даражасини пасайтиришда давлат ролини кучайтиришни таклиф этганлиги эътиборга моликдир. А. Маршалл эса, рискни тадбиркорлик ва шахсий рискларга ажратиб таснифлайди. Унинг табирига кўра, тадбиркорлик риски “...хомашё ва тайёр маҳсулотлар бозорларидаги даврий тебранишлар, кутилмаганда моданинг ўзгариши, янги кашфиётлар, соҳа(тармоқ ва ҳудуд)га янги ва кучли рақобатчиларнинг кириб келиши натижасида юзага келади. Шу билан бирга, рискнинг яна бир категорияси мавжуд бўлиб, унинг юки

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

фақат жалб этилган капитал билан ишлайдиган шахснинг зиммасига тушади. Мазкур рискни шахсий риск, деб аташ мумкин” [3].

Д. Бернулли [4] тасодифий ўзгарувчининг кутилаётган қиймати барча қийматларни ушбу қийматлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар сонига кўпайтириш йўли билан ҳисоблашни, бу жараёнда жами қийматлар ушбу маҳсулотлар йиғиндисини умумий ҳолатлар сонига бўлиш орқали аниқланиши мумкин деган умумқабул қилинган тахминни танқид қилади. У бирор нарсанинг қиймати унинг нархига эмас, балки фойдалилигига асосланиши керак, деган тезисни илгари суради. Мазкур тезиснинг моҳияти шундан иборатки, ҳар ким томонидан ҳар хил қабул қилинадиган рискни бир хил баҳолаб бўлмайди. Шу билан бирга товарнинг фойдалилигини баҳолаш оддий чизиқли функцияга эмас, балки айнан риск ҳолатида бўлган субъектга боғлиқлигини таъкидлайди.

Шу нуқтаи назардан, рискнинг моҳиятини аниқлашга бўлган ёндашувни О. Моргенштерннинг фон Нейман-Моргенштерн назариясида топиш мумкин [5]. Хусусан, у мазкур назариясида фойдалилик норматив тавсифга эга эканлигини қайд этган. Бу ўринда у математикадан фойдаланган ҳолда мақсадга эришишнинг энг самарали усулини кўрсатади. Мақсадга эришишга йўналтирилган қарорни қандай оптималлаштириш мумкин деган саволга жавоб берган. Шу билан бирга, у назарий тадқиқотларнинг бошланғич нуқтаси сифатида қарор қабул қилиш жараёни моҳиятини умумий тавсифлаш ва уни моделлаштиришда фойдаланилиши мумкин бўлган формал методларнинг имкониятлари юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этганлигини келтириб ўтиш ўринлидир.

Қарорларни қабул қилиш назарияси кенг маънода айнан рационалликка таяниши мумкин эмаслиги моҳиятан тушунарли эди. Бу ўринда, Ж. фон Нейман ва О. Моргенштерларнинг хизмати шундаки, улар илк маротаба рационал ҳаракатдаги субъект афзалликларини тавсифловчи аксиомаларни шакллантирганликларидадир. Риск шароитида оптимал стратегияни аниқлаш имкониятини бериш фойдалилик назариясининг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Унга кўра, кутилган фойдалиликни максимал даражада оширишга омил бўладиган муқобилни танлаши рационал шахсдан талаб этилади.

XX-асрнинг иккинчи ярмида иқтисодиёт ва бошқарув соҳаларида фойдалилик назарияси кенг қўлланила бошланди. Бу ўринда қарорни кутилиётган қийматга асосланган ҳолда қабул қилишда, ушбу назариянинг баъзи чекланганлик жиҳатларини ҳисобга олиш зурурлигидан келиб чиқиб, риск ва ноаниқликни камайтириш борасида сезувчанлик таҳлил (*инг*л. sensitivity analysis) ва сценарийларни режалаштириш (*инг*л. scenario planning) инструментларини қўллаш самарали ҳисобланади.

Шунга кўра, қайд этиш лозимки, қатор иқтисодчи олимлар адолатли тарзда бундай ёндашув юзага келиши ва ривожланишини XX-асрнинг интеллектуал ютуқларидан бири сифатида қарашлари тасодифий эмаслиги намоён бўлади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Бугунги кунда иқтисодиёт субъектлари фаолиятининг кўлами тобора кенгайиб бораётган шароитда фойдалилик назарияси ва унинг турли модификациялари ностандарт қарорларни қабул қилиш жараёнларини моделлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда, замонавий дунёда тобора мураккаблик ва ноаниқликнинг қамрови ортиб бораётган шароитда рискни бошқариш юзасидан қарор қабул қилиш жараёнларини янада чуқурроқ ўрганиш зарурати ортмоқда.

Одамларни ташкилий қовиштириш борасидаги рационал ёндашувнинг асосий муаммоси айнан унинг рационал эмаслигида намоён бўлади. Инсон миясининг ҳаёлий рамзий мажозийликка асосланган ўнг ярим шари ҳеч бўлмаганда худди рационал чап ярим шар каби муҳим роль ўйнайди. Одамлар дунёқараши рационаллика, яъни аниқликка асосланганлиги каби инсон томонидан оламнинг тушуниши тарихий воқейлик, мажозий образларга таянади.

Ф.Найт, Дж. Нейман, В.В.Черкасов [6] ва бошқа олимларнинг илмий ишланмаларида “риск” ва “ноаниқлик” категорияларининг тавсифи ва таърифлари берилиши асосида назарий-методологик муаммолар маълум даражада очиб берилган. Қайд этиш лозимки, мазкур муаммоларнинг амалий жиҳатлари, хусусан, рискка таъсир этишнинг усул ва услублари тадқиқотлар доирасига кирмаганлиги боис, тизимли ўрганилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) натижаси ижодий фаолият жараёни якунида эришилган самара ҳисобланади. Товар (иш, хизмат)лар келажакдаги эҳтиёжларни қондириш учун ишлаб чиқарилиши ва бу жараён маълум вақт талаб этиши, ўз навбатида, риск ва прогнознинг ўзаро фарқланувчи икки турига мос равишдаги ноаниқликнинг қуйидаги икки унсури (element of uncertainty) [7] назарда тутилишини тақазо этади:

биринчидан, ишлаб чиқаришда ресурслар ва механизмлардан фойдаланган ҳолда мунтазам такрорланадиган ҳаракат (операция)ларни амалга ошириш орқали истеъмолчига аҳамиятли бўлган натижага эришиш учун мақсадни аниқлаштириб олиш талаб этилади. Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнига киришиш олдидан кутилаётган натижанинг ўлчами, асосий ва айланма капитал (ресурслар) сарфи, товарнинг миқдори ва сифати қандай бўлишини олдиндан аниқ айтиб бўлмайди;

иккинчидан, эҳтиёжлар, уларни қондириш учун мўлжалланган нафлилик келажакка тегишли бўлганлиги боис, истиқболни прогнозлаш ҳам ноаниқлик ва риск қамровида кечади.

Шунга кўра, иқтисодиёт субъектининг муҳим хусусиятларидан бири истеъмолчининг эҳтиёжларини ишлаб чиқариш даврига қадар прогноз қила олиш қобилияти ҳисобланади. Бу жараённинг давомийлиги тобора ортиб бораётганлиги боис, прогнозлаш эҳтиёжлар табиатининг барқарорлигини назарда тутади. Ишлаб чиқарувчи истиқболдаги нафлилигини ҳам, ўзаро узвий боғлиқ бизнес жараёнларидан кутилаётган натижаларни ҳам баҳолаши

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

орқали ўз фаолиятини бундай талабни қониқтиришга йўналтиради.

Бундай ҳолда иқтисодий активлар, қарорлар, лойиҳалар, ҳодисалар, операциялар, жараёнлар кетма-кетлиги ёки уларнинг параллель логистик занжирларида рискнинг юзага келиши, ўзгариши, такрорланиши ва қамрови ортишининг омили сифатида айнан стохастик (хаос) ҳолат намоён бўлади. Бу ҳолатнинг институционаллиги айнан иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган имманентли хусусиятларида ўз аксини топганлиги билан изоҳланади [9].

Бугунги кунда иқтисодий ўсиш ва аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик чуқур ўрганилиши долзарб ва зарурлигига қарамасдан унга етарлича баҳо берилмаганлиги боис, ижтимоий-иқтисодий риск янада яққол намоён бўлмоқда. Иқтисодий ривожланиш тебранма даврийликда кечиши эмпирик тарзда намоён бўлишига асосланиб, таъкидлаш мумкинки, айнан тебранма ҳаракат такрор ишлаб чиқариш жараёнини мунтазам қамраб олиши бутун иқтисодиётнинг имманентли хусусияти ҳисобланади.

Иқтисодиётдаги даврий тебранма ҳаракатлар, яъни цикллар (инг. economic cycle) анъанавий табиий-ижтимоий ва иқтисодий омиллар таъсири натижасида юзага келадиган мавсумий тебранишлардан фарқли ўлароқ, кутилмаганда юзага келиши ва йўқолиши, даврийлиги, амплитудаси, сабаблари олдиндан номаълумлиги билан тафовутланади. Бугунги кунда замонавий иқтисодий фан 1380 дан ортиқ турли цикллар мавжудлигини қайд этган [10]. Шу боис, даврий тебранма ҳаракатлар барча бозор субъектларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан иқтисодиётдаги муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

А.Х. Уиллет [11] рискни «субъектив ноаниқликнинг объектив корреляцияси» деб таърифлайди, мазкур жараёнда зарар кўришнинг назарий эҳтимолига кўра риск ўзгаради, ҳодисанинг юз бериши, айнан унинг юзага келмаслик эҳтимолига тенг бўлганда максимал даражага эришилишини таъкидлайди.

Замонавий воқеликлар ҳар доим фаолият мавжуд бўлган жойда риск мавжудлигини ва, аксинча, агар фаолият бўлмаса, риск ҳам йўқлигини асосли тарзда таъкидлаш имконини беради. Шу боис, замонавий иқтисодий шароитда рисклар ҳақидаги фан сифатида “Рискология”ни ривожлантириш зарурати тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда рискология комплекс чора-тадбирлар мажмуи сифатида рискни аниқлаш, баҳолаш, фарқлаш, олдини олиш ва минималлаштиришга йўналтирилган қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

биринчи босқич – рискларни аниқлаш ва фарқлаш (масалан, лойиҳа рискографияси орқали кўрилиши эҳтимол бўлган рискларни идентификациялаш);

иккинчи босқич – антириск дастурини (хавфсизлик чоралари) ишлаб чиқиш – фаолиятда аниқланган рисклар мониторингини юритиш, олдини олиш, минималлаштириш чоралари кўрилиши назарда тутилган хавфсизлик

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

талаблари даражасидаги функционал тизимли дизайнни яратиш;

учинчи босқич – антирискка йўналтирилган чора-тадбирларини (бевосита Р-технологиясини) амалга ошириш.

Юқорида келтириб ўтилган босқичлар кесимида рискологиянинг эҳтимолликни аниқлашга йўналтирилган қуйидаги методларини қўллашда ҳисоблаш кўрсаткичларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади:

✓ ***Эҳтимолликни аниқлашнинг объектив усули*** муайян ҳодисалар содир бўлишининг нисбий частотасини ҳисоблашга асосланади. Мазкур частота далилий маълумотлар асосида ҳисобланади. Масалан, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнида маълум даражадаги зарар кўриш эҳтимолининг нисбий частотасини ҳисоблаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$f(A) = \frac{n(A)}{n}$$

бу ерда, $f(A)$ – маълум даражадаги зарар(йўқотиш)лар юзага келишининг нисбий частотаси;

$n(A)$ – ушбу даражадаги зарар(йўқотиш)лар содир бўлган ҳолатлар сони;

n – статистик танлов бўйича ҳолатларнинг, шу жумладан, муваффақиятли ва муваффақиятсиз амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг умумий сони.

Эҳтимолликни аниқлашнинг субъектив усули баҳоловчининг шахсий мулоҳаза ёки тажрибасига мувофиқ ҳисобланган нисбий натижага асосланади. Турли хил маълумотлар ёки улар билан ишлаш имкониятлари турличалиги айнан бир хил маълумот бўйича субъектив эҳтимолликнинг ўзгарувчанлигига омил бўлади.

Шу нуқтаи назардан нолга тенг эҳтимоллик муайян ҳодисанинг содир бўлиши мумкин эмаслигини, бирга тенг эҳтимоллик эса, ҳодисанинг муқаррар содир бўлишини англатади. Бу ўринда барча эҳтимол бўлган вариантларнинг йиғиндиси айнан бирга тенг бўлади.

Риск таҳлилида қўлланиладиган муқобиллик, муҳит ҳолати ва натижа категориялари муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда муқобиллик моҳиятан муайян муаммони ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлар кетма-кетлигини англатади. Янги ускуналарни сотиб олиш ёки олмаслик, тавсифига кўра фарқли хусусиятга эга икки станокдан қай бирини харид қилган маъқул ёки ишлаб чиқаришга янги маҳсулотни жорий этиш керакми кабилар моҳиятан муқобилликка мисол бўла олади.

Муҳитнинг ҳолати – қарор қабул қилувчи шахс, хусусан, инвестор (масалан, қулай ёки ноқулай бозор, иқлим шароити ва шу кабиларга таъсир ўтказилмайдиган вазият сифатида талқин этилиши мумкин.

Муқобиллик таъсирида муҳитнинг маълум бир ҳолатида ҳодиса - натижа (воқейлик) юзага келади. Бу ўринда, муқобилликнинг натижаси акс этган муҳитнинг маълум бир ҳолатини, масалан, фойда ҳажми ёки ҳосил

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

миқдорининг катталигини баҳолаш сингари талқин этилиши мумкин.

Қарор қабул қилиш назариясига мувофиқ инвесторлар инвестиция лойиҳалари вариантлари таҳлили ҳамда уларни таққослашлари орқали ўз фаолиятини амалга оширади.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, эҳтимолликнинг амалий инструментарийлари ноаниқлик ва рискнинг ўзаро моҳиятан фарқланишини аниқ чегаралаш имконини беради.

Шунга мос равишда, қарорларни қабул қилиш назариясида қўлланиладиган қуйидаги уч типдаги моделларни ажратиб кўрсатиш мумкин [12]:

– ***аниқлик шароитида қарор қабул қилиш*** – қарор қабул қилувчи шахс ҳар қандай муқобил ёки қарор танловининг оқибат ва натижаларини аниқ билади (бу модель узоқ муддатли инвестиция қарорини қабул қилишда самарали ҳисобланмайди);

– ***риск шароитида қарор қабул қилиш*** – қарор қабул қилувчи шахс ҳар бир қарорнинг натижа ёки оқибатлари эҳтимолини билади;

– ***ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш*** – қарор қабул қилувчи шахс ҳар бир қарорнинг натижа ёки оқибатлари эҳтимолини билмайди.

Агарда ноаниқлик (масалан, келгусида олиниши кутилаётган даромаднинг прогноз қийматидан фарқланиши) кузатилганида ҳар бир кутилаётган натижанинг юзага келиши эҳтимолини тахмин қилиш мумкин эмас, у ҳолда инвестициялашнинг муқобилини танлаш қуйидаги учта мезонлардан бирига асосланади:

- ***максималлик (оптимизм) мезони*** – унга кўра, агар шароит энг қулай тарзда ривожланса, максимал фойда келтириши мумкин бўлган муқобил инвестиция объекти оптимистик прогнозга асосланган ҳолда танланади. Мазкур мезонга асосланиб, қарор қабул қилувчи шахс ўз ҳаракатларининг мумкин бўлган натижалари тўғрисидаги маълумотга эга бўлмаган ва муқобил ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган эҳтимолликни баҳолай олмайдиган вазият, яъни ноаниқлик шароитида ҳар бир муқобил учун максимал натижани максимал даражага келтирадиган муқобилни аниқлайди;

максималлик (пессимизм) мезони - ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш мезонларидан бири ҳисобланади [153]. Қарор қабул қилувчи шахс унга асосланиб, ҳар бир муқобил учун минимал натижани максимал даражага келтирадиган муқобилни аниқлайди. Бу ўринда қайд этиш лозимки, максимини қиймати мос келадиган минимакс қийматидан ошмайди. (Мазкур мезон 1955 йилда Абраҳам Валд томонидан дастлаб тенг ўлчамдаги намуналар учун таклиф қилинган, кейинчалик турли ўлчамдаги намуналар учун мослаштирилганлиги боис, Валд мезони деб номланган [17]);

– ***бефарқлик мезони*** – унга кўра, максимал ўртача натижага эга бўлган муқобил аниқланади (муҳитнинг мумкин бўлган ҳар бир ҳолати тенг эҳтимоллик билан содир бўлиши мумкин деган сўзсиз тахминга асосланиб, математик кутишнинг максимал қийматини берадиган муқобил танланади).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Шу ўринда, бефарқлик эгри чизиғи истеъмолчи учун айнан бир хил фойдалиликка эга бўлган икки товарнинг турли тўпламларини акс эттирувчи нуқталар тўплами сифатида талқин этилади [18]. Бу ўринда бефарқлик эгри чизиғи, ҳар бир жойда бир хил даражадаги мижозлар қониқишини таъминлайдиган маҳсулотлар аралашмаси мавжуд бўлишини англатади.

Мазкур мезонлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, иқтисодиёт субъектлари, шу жумладан персонал инвесторлар ноаниқликка бўлган мос равишдаги муносабатларига кўра, пессимист, оптимист ва бефарқ каби тоифалардан бирига мансублиги намоён бўлади ҳамда улар қуйидаги шартлар, яъни:

– вақтинчалик афзаллик;

– кутилаётган самарадорлик;

– риск даражаси;

– эҳтимолликка кўра баҳолаш асосида инвестиция лойиҳасини танлаш тўғрисидаги муайян қарорни қабул қилашади. Масалан, мутлоқ ноаниқлик шароитида инвестиция тўғрисидаги қарор қабул қилинмайди, одатда инвестор зарур маълумотлар базасини барча саъй-ҳаракатлари орқали шакллантиради.

Лойиҳа амалга оширилиши давомида белгиланган шартлар бажарилишига дахлдор қўшимча маълумотлар инвесторга етказиб турилиши ва улар таҳлил этилиши орқали ноаниқлик бирмунча аниқлаштирилишига эришилади. Бундай ҳолда, лойиҳага оид маълумотлар эҳтимоллик тақсимоти қонунларида ўз ифодасини топган ёки топмаган бўлиши ҳам мумкин.

Инвестиция лойиҳалари таҳлилида қарорни қабул қилиш жараёни риск шароитида амалга оширилганлиги боис, қуйидаги омиллар, яъни:

– инвестиция вариантини танлаш юзасидан қабул қилинган ҳар бир қарорнинг натижаси ёки кутилган оқибати;

- муайян муҳит ҳолати юзага келиши эҳтимоли ҳисобга олиниши тақозо этилади.

Бу ўринда, эҳтимоликка асосланиб, рискнинг стандарт тавсифи ҳисобланади:

1. E - ***математик кутиш (ўртача кутилган қиймат)*** – эришилиши мумкин бўлган барча натижаларнинг ўртача юки, бу ўринда ўлчам сифатида эришилиши эҳтимол бўлган натижадан фойдаланилади.

$$E = \sum\left(X_j \cdot P_j\right)$$

Бу ерда, x_j – натижа (ҳодиса ёки натижа, масалан, даромад миқдори); p_j – натижага эришиш эҳтимоли.

2. D – ***дисперсия – тасодифий ўзгарувчининг математик кутилганидан квадрат оғишларининг ўртача катталиги*** (яъни ҳақиқий натижаларнинг кутилганидан оғиши) – оғиш ўлчови.

$$s^2 = D = \sum\left(x_i - E\right)p_i\,.$$

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Дисперсия таркибидаги квадрат илдиз стандарт оғиш деб аталади. Бу тавсиф рискнинг мутлақ ўлчови сифатида қаралади.

3. Вариация коэффициенти – рискнинг нисбий ўлчови ҳисобланади:

$$Var = \frac{s}{E}.$$

4. Корреляция коэффициенти ўзгарувчиларнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатади, хусусан, ўртача катталикнинг биридаги ўзгариш, бошқасининг ҳам шундай ўзгаришига сабаб бўлади:

$$R(x_1, x_2) = \frac{Cov(x_1, x_2)}{s_{x_1} s_{x_2}},\ R \in [-1;1],$$

бу ерда, $Cov(x_1, x_2) = E\left[\left(x_1 - E_{x_1}\right)\left(x_2 - E_{x_2}\right)\right]$.

Ҳозирга келиб, рискларни баҳолаш ва таҳлилига дахлдор бир қатор ёндашувлар ишлаб чиқилган. Рискларни баҳолаш ва таҳлил методлари сифат ва миқдорига кўра, фарқланиши ҳамда мазкур методларнинг кучли ва кучсиз томонларини кўрсатиб ўтиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал.

Рискларни баҳолаш ва таҳлил методларининг кучли ва кучсиз томонлари*

Методлар	Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
Миқдорий методлар	Рисклар, хусусан, молиявий рисклар таҳлили ва уларни баҳолашнинг объективлиги, статистик маълумотларга асосланган муайян рискни ўзгартириш моделини яратиш.	Миқдорига кўра, иқтисодиёт субъектининг рисклари, хусусан, молиявий рискларини формал рақамлаштиришнинг мураккаблиги.
Сифат методлари	Сифатига кўра, рисклар таҳлили ва уларни баҳолаш қобилияти.	Рискларни, хусусан, молиявий рискларни эксперт баҳолашларининг субъективлиги

*Манба: Методические подходы и способы оценки финансовых рисков на предприятии // Вопросы экономики и управления. 2016. № 5 (07). С. 163.

Рискнинг миқдорий ўлчови у юзага келишининг маълум бир эҳтимолига асосланади. Шу муносабат билан рисклар ўртасидаги боғлиқлик, уларнинг ўзига хос хусусияти сифатида, ўзаро мослигига кўра, риск жуфтликларини шакллантириш имконини беради. Рискларнинг кўп хиллигида уларнинг ўзаро мослик хусусияти, кейинчалик уларни мос тармоқларга бириктиришнинг асосини ташкил этади. Рискли вазиятларда қарорни қабул қилиш жараёнида миқдорий ўлчовга асосланган чораларни қўллашнинг қулайлиги, ушбу ўлчовларнинг осонлиги ва объективлиги билан

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

изоҳланади.

Сифат методлари орқали рискни баҳолаш, статистик маълумотлар базаси етарли даражада бўлмаганда, риск тузилмасини яратиш имкониятини берувчи эксперт баҳолаши сифатида қаралади. Мазкур методларга мувофиқ амалга ошириладиган таҳлилнинг асосий мақсади риск омили ва унинг сабаблари, намоён бўладиган босқич ва фаолият жабҳаларини аниқлаш ҳисобланади.

Сифат методлари орқали риск таҳлили қуйидаги:

– рисклар юзага келиши мумкин бўлган потенциал зоналарни аниқлаш;

– рисклар идентификацияси;

– рискларнинг кутилиши мумкин бўлган оқибатларини прогнозлаш каби босқичларни ўзида мужассам этади.

Рискнинг сифат таҳлили натижалари унинг миқдорий таҳлили учун дастлабки асос бўлиб хизмат қилади.

Миқдорий таҳлил босқичида муайян рискларнинг катталиклари ҳамда объект риски ҳисоблаб чиқилади. Шунингдек, кутилиши мумкин бўлган зарар кўлами аниқланади, унга хос харажатлар сметаси шакллантирилади, якуний босқичда эса, антириск чоралари тизими ишлаб чиқилади ва мос тарздаги эквивалент харажатлар қийматининг ҳисоби амалга оширилади.

Рисклар миқдорий таҳлилида статистик, аналитик, эксперт баҳолашлари ва аналоглар методлари кенг қўлланилади.

Рискларга дахлдор қарашлар, илмий ишланмалар анъанавий тарзда “Кризисология” ёки “Катострофалар назарияси” фанининг бир қисми сифатида қараб келинган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмида алоҳида иқтисодий фан – “Рискология” таркибида ўрганила бошланди. Рискларни минималлаштириш ва уларни бошқаришни оптималлаштириш ушбу фаннинг устувор вазифасига айланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур фаннинг моҳияти ва хусусиятларини очиб беришга қаратилган тарифлар хилма-хилдир. Шундай тарифлардан бири, яъни: "Рискология – бу рискни аниқлаш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва бошқаришнинг асосий қонуният, тамойил ва инструментарийларини ўрганадиган фан” [14] тарзидаги талқин кўпроқ миқдорий кўрсаткичларга асосланганлигини келтириб ўтиш мумкин.

Юқорида баён этилган қарашларнинг синтези сифатида келтириб ўтиш мумкинки, рискология моҳиятан рискни англаш ва уни бошқаришга йўналтирилган назарий асос ҳамда амалий хусусиятларни ўзида мужассам этган фан ҳисобланади.

Мазкур фан вазифаларининг кўлами кенглиги рискологиянинг иқтисодий (ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш каби) жараёнларнинг даврий тебранма ҳаракати шароитида бошқаришнинг (вақт, қиймат, сифат каби) функциялари билан ўзаро узвий боғлиқликликда кечишида намоён бўлади. Шундай вазифалардан бири прогнозолди маълумотлар базаси замирида иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларининг

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

риск типларини идентификациялаш, баҳолаш ва таҳлили орқали рискларни бошқариш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳисобланади[15] .

Рискология фанининг муаммо ва мураккабликлари:

-риск тузилмаларининг композицион аморфлиги, яъни шундай таркибий ўзаро алоқадорликнинг ўта бўшлиги;

- риск тузилмаларининг миқдорий чекланмаганлиги, яъни ўлчовсизлиги;

- риск таснифининг чексизлиги;

- рискни баҳолашда сон ва қиймат ўлчамларининг катталиги, даражаси ва нисбати эмас, балки риск самараси сифатида кўрсатиб ўтилаётган (вербал, лингвистик, интуитив, дескриптив, тавсифий, психологик, билвосита, атрибутив ва бошқа) миқдорий ўлчамларнинг устунлиги;

- риск (масалан, молиявий риск) оқибатининг турличалиги кабиларда намоён бўлади.

Юқорида келтирилган талқиндан фарқли равишда, иқтисодий бахсларда кенг қўлланиладиган “риск” тушунчаси Ф.Х. Найтнинг фикрига кўра, “ўлчанмаган ноаниқлик” сифатида охир оқибатда иқтисодий йўқотиш (зарар)га омил бўладиган ҳодиса[6].

Албатта, субъектив таъсир остида мақсадли тарзда яратилган такомиллашган интеллектуал тизимлар орқали хатто етарли даражадаги статистик база мавжуд бўлган шароитда ҳам рискни мутлоқ аниқ баҳолаш мумкин эмаслиги иқтисодий жараёнларнинг бир даврий тебранма ҳаракати шароитида аниқланган анъаналар келгуси даврда айнан такрорланмаслиги билан изоҳланади.

Хулоса

Мазкур мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқотнинг дастлабки натижаси сифатида қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

биринчидан, ноаниқликнинг моҳияти принципиал жиҳатдан қандайдир бир ҳодисанинг юз бериши ёки, аксинча, содир бўлмаслигини аниқлаш эҳтимолининг чекланганлигида намоён бўлади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, эҳтимолликнинг амалий инструментарийлари ноаниқлик ва рискнинг ўзаро моҳиятан фарқланишини маълум даражада аниқ чегаралаш имконини беради;

иккинчидан, ҳозирги реалликнинг динамик ўзгариши шароитида иқтисодиётнинг мувозанатлилик ҳолати, унинг бевосита тўғри траектория бўйлаб ривожланиши ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) ҳажми айнан омилларнинг ўзгариши билан мутаносиб эканлигини тавсифлайди, ва, аксинча, иқтисодиёт субъектининг ривожланиши даврий тебранма тарзда кечиши фаолият натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар ўзаро мутаносиб эмаслигини англатади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий воқейликнинг аниқ ёки айнан содир бўлишини олдиндан кўра билмаслик, ёхуд уни олдиндан айтиб бера олмаслик

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

оқибатида риск кузатилиши мумкин;

учинчидан, иқтисодиётда риск идентификацияси замирида унинг муқаррар равишда эҳтимоликка кўра юзага келиши ёки келмаслигини олдиндан била олмаслик, “уч манба, уч таркибий компонентлар”, яъни иқтисодий жараёнларнинг “даврий тебранма ҳаракатлари – прогнозлар – рисклар” кесимида умумлаштириш ва баҳолаш орқали уни миқдорий ҳисоблаш муаммоси ўз ечимини топиши мумкин;

тўртинчидан, риск тавсифини аниқлашга йўналтирилган ёндашувлар ва қарашларнинг синтези сифатида рискология моҳиятан рискни англаш ва уни бошқаришга йўналтирилган назарий асос ҳамда амалий хусусиятларни ўзида мужассам этган фан тарзда талқин этилди. Шунингдек, ушбу фан вазифаларининг кўлами кенглиги, хусусан, шундай вазифалардан бири прогнозолди маълумотлар базаси замирида иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларининг риск типларини идентификациялаш, баҳолаш ва таҳлилини амалга ошириш уларни бошқариш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришнинг асоси ҳисобланади;

бешинчидан, рискнинг миқдорий ўлчови у юзага келишининг маълум бир эҳтимолига асосланади. Шу муносабат билан рисклар ўртасидаги боғлиқлик, уларнинг ўзига хос хусусияти сифатида, ўзаро мослигига кўра, риск жуфтликларини шакллантириш имконини беради. Рискларнинг хилма-хиллигида уларнинг ўзаро мослик хусусияти, кейинчалик уларни мос тармоқларга бириктиришнинг асоси ҳисобланади;

олтинчидан, мамлакатимиз ва хорижий олимларининг рискларни бошқариш алгоритмини яратишга бўлган ёндашувлари таҳлили асосида ривожланган мамлакатлар амалиётида микро- ва макродаражада таркибий бўлинмалараро аниқ алоқалар ўрнатилганлиги ва уларга амал этилиши, мамлакатимизда фаолият юритаётган иқтисодиёт субъектларида эса, тақсимланган рискларни ҳар бир таркибий бўлинманинг фаолият босқичлари доирасида бошқаришга асосланиши аниқланди;

еттинчидан, иқтисодиётдаги даврли тебранма ҳаракатлар, яъни цикллар (инг. economic cycle) анъанавий табиий-ижтимоий ва иқтисодий омиллар таъсири натижасида юзага келадиган мавсумий тебранишлардан фарқли ўлароқ, кутилмаганда юзага келиши ва йўқолиши, даврийлиги, амплитудаси, сабаблари олдиндан номаълумлиги билан тафовутланади. Шу боис, даврий тебранма ҳаракатлар барча бозор субъектларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан иқтисодиётдаги муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Рискни фақат эҳтимолликка кўра баҳолаш мумкинлиги ноаниқлик ва риск ўртасидаги чегара шартли эканлиги билан изоҳланади. Бу ўринда, мантиқий ёндашув асосида амалга ошириладиган риск таҳлилининг асосий вазифаси муайян бир рискни баҳолаш эмас, балки ноаниқликнинг рискка трансформациясини амалга ошириш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Альгин, А.П. Риск и его роль в общественной жизни / А.П. Альгин. – М.: Мысль, 2000. – 298 с.

2. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – М., 1948. Гл. 11.

3. Маршалл А. Принципы экономической науки. М [Электрон ресурс]. – Режим доступа: http://exsolver.narod.ru.

4. Бернулли Д. Опыт новой теории изменения жребия. /Вехи экономической мысли. Т. 1. Теория потребительского поведения и спроса. /Под ред. В.М. Гальперина. – СПб.: Экономическая школа, 2000. –380 с.

5. Morgenstern O., von Neumann J. Theory of Games and Economic Behavior. Moscow, Nauka, 1970 [in Russian].

6. Knight, F.H. (1921) Risk, Uncertainty and Profit, Univ. of Chicago Press. Нейман Дж. К теории стратегических игр //Матричные игры. Сб. переводов. Под ред. Н.Н.Воробьева. – М., 1961. – С.173-204. Черкасов В. В. Проблемы риска в управленческой деятельности. – М: Релф-бук, 1999. – С.73.

7. Тихомиров Н.П., Тихомирова Т.М. Риск-анализ в экономике: Монография. – М.: Издательство: Экономика, 2010. –318 с.; Киселев М. Управляй будущим. Как принимать решения в условиях неопределенности. – Санк-Петрбург, Издательство «Питер», 2017. – 192 с.

8. Винтизенко И.Г., Черкасов А.А. Диадическая трактовка количественного риска// Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение. – № 4 (24), – 2010. – С.33-38.

9. Сухарев, О.С. Институциональная экономика: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. /О.С.Сухарев. -3-е изд., испр. И доп. – М.: Юрайт, 2018. – 463 с.

10. Галяутдинов Р.Р. Экономический цикл: причины, фазы и виды//Сайт преподавателя экономики. [2015]. URL: http://galyautdinov.ru/post/ekonomicheskij-cikl-fazy-i-vidy.

11. Willett A.H. The Economic Theory of Risk and Insurance / A.H. W illett. London: P.S. King & Son, 1901. – pp. 29-33 /-142 pp.,

12. Лебедева К.М. Модели поведения инвесторов на развивающихся финансовых рынках. 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва. 2020. – 207 с.

13. Бродецкий Г. Л. Системный анализ в логистике, выбор в условиях неопределённости. – Москва: Academia, 2010. – С. 22. – 336 с.

14. Буянов В.П., Кирсанов К. А., Михайлов Л. А. Управление рисками (рискология):учебное пособие. Второе издание, исправленное и дополненное. – М.: Экзамен, 2002. – 384 с.

15. Перепелица В.А., Попова Е.В. Математические модели и методы оценки рисков экономических, социальных и аграрных процессов. Ростов-на-Дону: Издательство Ростовского государственного университета, 2002, – 202 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

16. Рискология: Учебник. I часть /Т.М. Баймуратов. – Т.: «Iqtisod Moliya», 2023. – 348 с.

Электронный ресурс

17. https://cyclowiki.org/wiki/
18. https://ru.wikipedia.org/wiki/.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ТЕНЕВАЯ ЭКОНОМИКА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Норбаев Тура
доктор политических наук
профессор кафедры
общественных наук
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail:professor.tura.norboyev@gmail.com
ORCID:0009-0009-4906-0913

Гиёсиддинова Мадинахон
магистрант
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: m4993888@gmail.com

Аннотация. В статье исследованы экономическая сущность понятия «теневая экономика». Подвергается анализу экономические показатели теневой экономики, влияющие на рост экономики страны, изучены факторы, способствующие возникновению теневой экономики.

Ключевые слова: теневая экономика, экономическая безопасность, вызовы в экономике, правовая основа, регулирование, рыночная экономика, экономическая сфера, угроза, экономический рост, теневой бизнес, коррупция.

YASHIRIN IQTISODIYOT: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

Norboev Tura
siyosiy fanlari doktori
ijtimoiy fanlar kafedrasi professori
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail:professor.tura.norboyev@gmail.com
ORCID:0009-0009-4906-0913
G'iyosiddinova Madinaxon
magistrant
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: m4993888@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada “yashirin iqtisodiyoti” tushunchasining iqtisodiy mohiyati ko'rib chiqilgan. Mamlakat iqtisodiyotining o‘sishiga ta’sir etuvchi yashirin iqtisodiyotning iqtisodiy ko‘rsatkichlari tahlil qilinib, yashirin iqtisodiyotning paydo bo‘lishiga sabab bo‘layotgan omillar o‘rganilgan.

Kalit so'zlar: yashirin iqtisodiyot, iqtisodiy xavfsizlik, iqtisodiyotdagi muammolar, qonunchilik bazasi, tartibga solish, bozor iqtisodiyoti, iqtisodiy soha,

tahdid, iqtisodiy o'sish, yashirin biznes, korruptsiya.

SHADOW ECONOMY: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Norbaev Tura
Doctor of Political Science
professor of the department
social sciences
Tashkent State
the University of Economics
E-mail:professor.tura.norboyev@gmail.com
ORCID:0009-0009-4906-0913

Giyosiddinova Madinakhon
master's student
Tashkent State
the University of Economics
E-mail: m4993888@gmail.com

Abstract. The article examines the economic essence of the concept of “shadow economy”. The economic indicators of the shadow economy that influence the growth of the country's economy are analyzed, and the factors contributing to the emergence of the shadow economy are studied.

Keywords: shadow economy, economic security, challenges in the economy, legal framework, regulation, market economy, economic sphere, threat, economic growth, shadow business, corruption.

Введение

Количественное расширение теневой экономики в большинстве стран отражает рост рыночных отношений в сочетании с неадекватной экономической политикой государства. Теневые производства и услуги возникают в ответ на имеющийся на них спрос, не удовлетворяемый по разным причинам в рамках официальной экономики.

Особенно выразителен обобщенный средний показатель доли теневой экономики в мировом ВВП за почти четверть века, составивший 31,9%. Это означает, что примерно треть всей хозяйственной активности в мире находится вне официального учета со всеми негативными последствиями, прежде всего, для национальных хозяйств и уровня жизни населения. Теневая экономика в некоторых странах, например, в Зимбабве составляет 60,6%, Боливии – 62,3% ВВП (самый высокий показатель в мировом хозяйстве), и по сути, замещает и вытесняет цензовую.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиеев 27 июля 2020 года провел внеочередное совещание по вопросам борьбы с теневой экономикой. Было отмечено, что в нашей стране высокий уровень теневой экономики среди стран мира. Руководителем страны были поставлены задачи

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

по его снижению. Он поручил разработать стратегию по сокращению теневой экономики с привлечением международных экспертов. Вместе с тем было отмечено, что борьба с теневой экономикой не означает наказание предпринимателей [5].

Скрытая от налогов хозяйственная деятельность снижает централизованные финансовые ресурсы, которые потенциально могли быть направлены государством и бизнесом на цели экономического продвижения.

Обзор литературы

В мировой практике изучение проблем, связанных с теневой экономикой, началось в 30-х годах прошлого века, и к концу этого века во многих странах стало ясно, что теневая экономика является одной из причин коррупции. Исследования по всему миру показывают, что по крайней мере 40 процентов прибыли, получаемой от теневой экономики, идет непосредственно на поддержание незаконных политических и экономических отношений.

Экономическая деятельность, скрытая от государственного финансового надзора, проявляется в форме теневой экономики. Уход от уплаты налогов, использование двойной бухгалтерии, легализация незаконных доходов, отмывание денег и другие незаконные денежные операции являются основой коррупционной деятельности. Как подчеркивает Д.Д. Кобозева и Е.Н. Елисеева «Основными предпосылками развития «неформальной экономики являются снижение уровня финансового роста, инвестиционной и производственной деятельности, доходов населения, что приводит к коррупции» [1].

О теневых процессах в системе рисков легализации доходов, полученных преступным путем, пишут М.В. Облаухова и С.П. Анофриков: «Отмывание незаконно полученных доходов позволяет преступникам скрыть первоначальную противоправную деятельность, продуктом которой являются доходы, что усложняет задачу уголовного преследования за преступления» [2].

Говоря о существовании множество возможных сценариев развития теневой экономики в текущем десятилетии Е.В. Дробот, И.Н. Макаров пишут: «В краткосрочной перспективе изменившиеся условия могут привести к росту активности теневого сектора экономики, поскольку ограниченные возможности трудоустройства и повышение налоговой нагрузки на домашние хозяйства и бизнес могут повысить привлекательность теневой экономики» [3].

По мнению Д. Жамилова и М. Ахмедовой только в 2022 году огромная сумма почти 85 трлн сумов, принадлежащих теневой экономике, не попали в государственный бюджет Республики Узбекистан [4].

Как видем точка зрение ученых на теневую экономику хотя и разнятся по своей интерпретационной направленности, но все они едины в том, что данная противоправная экономика является негативной силой не только для

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

экономики, но и для общественных устоев.

Анализ и результаты

По своей природе теневая экономика представляет собой совокупность видов экономической деятельности, которые не отражаются в официальной статистике и остаются вне государственного контроля. Доходы теневой экономики не попадают в государственный бюджет. Это ведет не только к сокращению налоговой базы, но и к усилению социальной несправедливости и экономической неопределенности.

Действительно, теневая экономика является огромным источником получения криминального дохода. Ограничение ее является стимулирующим фактором для роста официальной экономики и социального развития. Поэтому недаром в нашей стране уделяется большое внимание сокращению размеров теневой экономики, созданию благоприятной среды для предпринимательства и равной конкуренции, цифровизации процедур соблюдения налогового законодательства.

Сокращение масштабов теневой экономики в Узбекистане всегда было одним из актуальных вопросов. Скрытая экономика, природа которой не проявляется в статистике, представляет собой явление, тормозящее развитие экономики страны. Это происходит потому, что в хозяйственной деятельности страны с каждым годом увеличивается его количество.

Развитие теневой экономики обусловлено тем, что хозяйствующие субъекты при осуществлении экономической деятельности не руководствуются действующими законодательными нормами. Предпочтение они отдают альтернативным способам решения финансовых вопросов.

Предпосылками распространения теневого бизнеса в экономике страны являются следующие аспекты:

1.Экономический характер предпосылок:

-недостаток средств для уплаты налогов по причине высокой налоговой ставки: примерно 40% от своего заработка предприятия должны отдать в государственный бюджет в виде налоговых сборов; повышенная налоговая ставка принуждает налогоплательщика искать пути обходов налогов, что является главным условием создания теневой экономики;

Кириш

Бюджет тизимида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасида давлат бюджети ижросини амалга оширишнинг мукаммал меъёрий ҳуқуқий ҳамда ташкилий асоси яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, “Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом, “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқнома, “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” ва бошқа шу каби меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат бюджети ижросининг ушбу меъёрий ҳужжатлар доирасида амалга оширилиши бюджет даромадлари ва харажатлари ўзаро мувофиқлигини таъминлаб келмоқда. Ундан ташқари бюджет ташкилотларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматида бухгалтерия ҳисоби юритилишини белгиловчи нормалар, бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби бўйича қўшимча нормалар акс эттирилди. Бюджетларни тузиш, ижросини амалга ошириш ва назорат қилиш маблағларни самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабдан бюджет ижроси жараёнида ишончли ахборотга эхтиёж вужудга келади. Бунда бухгалтерия ҳисоби энг асосий ахборот манбаи бўлиб, уни ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, бюджет

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

тақчиллигини олдини олиш долзарб масалалардан бири саналади. Бюджет ташкилотлари бюджет маблағларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланиб, Давлат бюджети харажатлари сметаси асосида бюджетдан молиялаштирилади. Шунингдек, бюджет ташкилоти қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг ҳисобини юритишда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар харакати бўйича уларнинг назоратини хам амалга ошириб бориши зарур.

Адабиётлар шарҳи

Академик тадқиқотларда давлат секторида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини Халқаро Стандартлари (IPSAS) асосида такомиллаштириш зарурати ва истиқболлари кенг кўламда кўриб чиқилди. Ушбу мавзу бўйича энг асосий матнлардан бири Лаффонт ва Тиролнинг "Инфратузилмани тартибга солиш учун бухгалтерия ҳисоби: Кириш" (1993). Гарчи IPSASга алоҳида эътибор қаратилмаган бўлса-да, бу муҳим иш тартибга солинадиган тармоқларда, шу жумладан автомобил йўлларини бошқариш каби давлат секторларида шаффоф ва стандартлаштирилган бухгалтерия амалиёти учун иқтисодий асосларни тақдим этади. Яқинда нашр этилган ҳужжатлар IPSAS ва давлат секторига эътиборни қисқартирди. Масалан, Христиаенс ва бошқалар (2010) ўзларининг "ДСБХҲСнинг давлат молиявий ахборот тизимларини ислоҳ қилишга таъсири: Қиёсий тадқиқот" номли мақоласида IPSASнинг қабул қилиниши турли Европа мамлакатларига турли хил таъсир кўрсатганлигини кўрсатади. Уларнинг таъкидлашича, натижалар кўп жиҳатдан давлат бухгалтерия ҳисоби амалиётининг олдинги сифатига боғлиқ. Торрес ва бошқалар "Молиявий жавобгарлик ва бошқарув" журналида чоп этилган тадқиқотида IPSASни қабул қилиш "янада кенг қамровли ва шаффоф молиявий ҳисобот" га олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди, аммо давлат сектори ташкилотлари мавжуд эски тизимлар туфайли қабул қилиш жараёни оғир бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

Соҳен ва Каратзимас давлат сектори ташкилотларида IPSASга ўтишдаги қийинчиликлар ва имкониятларни ўрганиб чиқди. Улар бошқарув ва таълим муаммоларини аниқлаб, IPSASни қабул қилиш шаффофлик ва молиявий интизомнинг ошишига олиб келиши мумкинлигини таъкидладилар. Бу фикр Манес-Росси ва бошқалар томонидан ўтказилган кейинги тадқиқотда акс этган.

IPSASга ўтиш даврида кадрлар тайёрлаш ва кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар ҳам ўрганилди. Хиндистонлик олимлар Гупта ва Йилмаз бухгалтерия таълими бўйича ўзларининг мақолаларида ходимларни кенг қамровли ўқитиш дастурига бўлган эҳтиёжни, шунингдек, ўтиш жараёнини силлиқ қилиш учун ташкилий маданиятни ўзгартиришни муҳокама қилишган.

Таҳлил ва натижалар

Асосий воситалар таркибида қуйидагилар ҳисобга олинади: иморатлар,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

иншоотлар, машина ва ускуналар, компьютер техникаси ва унга қўшимча қурилмалар, транспорт воситалари, кутубхона фонди, узаткич мосламалари, ишчи ва маҳсулот берувчи ҳайвонлар, шунингдек бошқа асосий воситалар (музейнинг моддий бойликлари, ҳайвонот олами экспонатлари, саҳна-томоша воситалари, ўқув кинофильмлар, магнит дисклари ва ленталари ва ҳоказо) [1].

Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш амалиёти ҳамда ушбу жараённи таъминлашда керак бўладиган амалларга кўра ўзгаришлар қилиниши керак. Асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш учун кўп турдаги маълумотларга эга бўлиш зарур. Масалан:

1. Бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг ҳисобини такомиллаштириш учун муаммолар таркиби.
2. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш учун самарали дастур ва тизимларни яратиш.
3. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш учун муаммоларни ўрганиш ва ечиш.

Ушбу жараённи амалга оширишда ўзининг меъёрларига эга бўлган ходим ва мутахасисслар керак. Асосий воситалар ҳисобини такомиллаштиришда жавобгар шахсларнинг стратегияси ва мақсадларини тузатиш керак. Қиймати ва хизмат муддатидан қатъи назар, қуйидагилар, яъни: қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари, катта ёшдаги ишчи ва маҳсулот берувчи ҳайвонлар (шу жумладан, майдаси ҳам), кутубхона фондлари, музей бойликлари (музей экспонатларидан ташқари), ҳайвонот оламини акс этувчи экспонатлар ва намунавий лойиҳалаштиришга оид ҳужжатлар асосий воситалар таркибига киради.

Ҳозирги вақтда дунёда асосий воситалар ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан бюджет ташкилотларида муҳим рол ўйнайди. Улар товар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ёки маъмурий эҳтиёжлар учун ишлатиладиган моддий бойликлардир. Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобга олиш ўзига хос хусусиятларга эга ва маълум принципларга риоя қилишни талаб қилади. Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг биринчи босқичи уларни рўйхатдан ўтказишдир. Асосий воситаларни бюджет муассасасига олгандан сўнг уларни бухгалтерия тизимида рўйхатдан ўтказиш керак. Бу эса активларнинг ҳаракатини кузатиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари уларни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам боғлиқ. Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни баҳолаш қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши керак. Одатда давлат идоралари томонидан тасдиқланган баҳолаш, харажатлар ёки жорий қиймат усуллари қўлланилади. Асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш учун уларни амортизация қилиш керак.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Амортизация бу асосий воситаларнинг ишлаш муддати давомида уларнинг қийматининг амортизациясини тан олиш орқали уларнинг қийматини босқичма-босқич тўлаш. Бюджет ташкилотларида амортизация ваколатли органлар томонидан тасдиқланган белгиланган меъёр ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ҳам уларни ҳисобга олишнинг муҳим босқичидир. Агар, асосий воситаларни яроқсиз ҳолга келтирадиган ҳолатлар юзага келса (масалан, ескириш, йўқотиш), улар бухгалтерия ҳисобидан ҳисобдан чиқарилиши керак. Ҳисобдан чиқариш қонун ҳужжатларига ва тасдиқланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг ҳисобини юритиш молиявий назоратга қатъий риоя қилишни талаб қилади. Бунга мунтазам захиралар, активлар ҳаракатини тахлил қилиш, шунингдек асосий воситалар ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида янгилаш киради. Шундай қилиб, бюджет ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобга олиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қонунчилик ва бундай ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Асосий воситаларни тўғри ҳисобга олиш ресурсларни самарали бошқариш ва бюджет ташкилотлари фаолиятининг молиявий шаффофлигини таъминлаш имконини беради [2].

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни сотиб олиш холатларида уларни айнан қайси манбалар асосида сотиб олиниши ва уларни кирим қилиш жараёнида аниқликларни киритиб борилмаслиги бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради.

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг ҳисобга кирим қилиш жараёнида бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига йиллар давомида кирим қилиб келинмоқда. Буни қуйидаги Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг ҳисоботларини таҳлили жараёнида кўришимиз мумкин (1-диаграмма).

1-диаграмма.

Муассасада асосий воситаларни умумий кирим қилиш ҳолати бўйича молиялаштириш кўрсаткичлари*



*Ногиронларни реабилитация килиш ва протезлаш миллий марказининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Шунингдек, муассасада машина ва жиҳозларнинг кирими ва ҳаракати 2169-сон “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома”га асосан молиялаштириш манбаларидан қатъий назар умумлаштирилган ҳолда 013-“Машина ва жиҳозлар” счётида ҳисобга олинади. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кирим қилинган машина ва жиҳозларни Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти «Ягона счётлар режаси» (2-сонли БҲС) бўйича 221 220/1 (013/1) – “Бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилинган машина ва жиҳозлар” ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кирим қилинган машина ва жиҳозларни 221 220/2 (013/2) – “Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кирим қилинган машина ва жиҳозлар” ишчи счётларида алоҳида ҳисобга олиш зарур. Ушбу таклиф натижасида машина ва жиҳозлар кирими ҳамда уларнинг ҳаракатини молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида ҳисобга олиш ва таҳлилий бухгалтерия ахборотларини шакллантиришга хизмат қилади.

Тиббиёт муассасада транспорт воситалари кирими ва ҳаракати “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома”га асосан молиялаштириш манбаларидан қатъий назар умумлаштирилган ҳолда қуйидаги 015-“Транспорт воситалари” счётида ҳисобга олинади. Тиббиёт муассасаларида транспорт воситаларини молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида ҳисобларда юритиш зарур. Яъни юқоридагилардан келиб чиқиб, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кирим қилинган транспорт воситаларини 221 211 (015/1) – “Бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилинган транспорт воситалари” ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кирим қилинган транспорт воситаларини 221 212 (015/2) – “Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кирим қилинган транспорт воситалари” ишчи счётларида алоҳида ҳисобга олиш зарур.

Ушбу таклиф натижасида транспорт воситалари кирими ҳамда уларнинг ҳаракатини бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида ҳисобга олиш ва таҳлилий бухгалтерия ахборотларини шакллантиришга хизмат қилади. Транспорт воситаларнинг кирими бўйича Ногиронларни реабилитация килиш ва протезлаш миллий марказининг олти йиллик молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкун (1-жадвал).

1-жадвал.

Муассасада молиялаштириш манбалари бўйича транспорт воситаларининг ҳаракати тўғрисида маълумот (минг сўм)*

Йиллар	Молиялаштириш манбалари	Йил боши	Кирим	Чиқим	Йил охири
2018	Бюджет маблағлари	140766,7	83420,1	0	224186,8
	Бюджетдан ташқари маблағлар	205129,7	61658,7	0	266788,4
2019	Бюджет маблағлари	224186,8	8627,1	0	232813,9
	Бюджетдан ташқари	266788,4	149418,3	0	416206,7

	маблағлар				
2020	Бюджет маблағлари	232813,9	-232813,9	0	0
	Бюджетдан ташқари маблағлар	416206,7	273904,3	0	690111
2021	Бюджет маблағлари	0	263648,1	0	263648,1
	Бюджетдан ташқари маблағлар	690111	-217231,3	0	472879,7
2022	Бюджет маблағлари	263648,1	16229,1	0	279877,2
	Бюджетдан ташқари маблағлар	472879,7	1418,6	0	474298,3
2023	Бюджет маблағлари	279 877,2	26113,6	0	305 990,8
	Бюджетдан ташқари маблағлар	474 298,3	36995,3	0	511 293,6

*Ногиронларни реабилитация килиш ва протезлаш миллий марказининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Бундан кўриш мумкинки, олти йиллик хисобот маълумотлари асосида транспорт воситаларининг молиялаштириш манбалари бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 9 бараварга камайган бўлса, бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан молиялаштириш хам 9 бараварга ўсган. Юқоридаги жавдалда келтирилган маълумотларни қуйида расм орқали ифодалашимиз мумкин (2-диаграмма).

2-диаграмма.

Муассасада молиялаштириш манбалари бўйича транспорт воситаларининг ҳаракати тўғрисида маълумот (%да)



*Муаллиф ишланмаси.

Шу билан бирга, муассасада машина ва жиҳозларнинг амартизацияси (эскириши) “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома”га кўра молиялаштириш манбаларидан қатъий назар умумлаштирилган ҳолда 023 “Машина ва жиҳозларнинг эскириши” счётида ҳисобга олинади. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кирим қилинган машина ва жиҳозларнинг амартизацияси (эскириши)ни 231 220/1 (023/1) –

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

“Бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилинган машина ва жиҳозларнинг амартизацияси” ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кирим қилинган машина ва жиҳозларнинг амартизацияси (эскириши)ни 231 220/2 (023/2) – “Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кирим қилинган машина ва жиҳозларнинг амартизацияси” ишчи счётларида алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Ушбу таклиф натижасида машина ва жиҳозларга ҳисобланган амартизация (эскириши) суммаларини уларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ҳисобда алоҳида акс эттириш орқали аналитик бухгалтерия ахборотларини шакллантириш имконини беради ва ҳисобини юритишда бир қанча янгиллик яратади.

Машина ва жиҳозларнинг кирими бўйича Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг олти йиллик молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал.

Муассасада молиялаштириш манбалари бўйича машина ва ускуналарнинг ҳаракати тўғрисида маълумот (минг сўм)*

Йиллар	Молиялаштириш манбалари	Йил боши	Кирим	Чиқим	Йил охири
2018	Бюджет маблағлари	6847035,3	2700648,5	0	9547683,8
	Бюджетдан ташқари маблағлар	3124768,3	1513587,9	0	4638356,2
2019	Бюджет маблағлари	9547683,8	139050	0	9686733,8
	Бюджетдан ташқари маблағлар	4638356,2	1221908,5	0	5860264,7
2020	Бюджет маблағлари	9686733,8	897814,4	0	10584548,2
	Бюджетдан ташқари маблағлар	5860264,7	1336823,3	0	7197088
2021	Бюджет маблағлари	10584548,2	20867,8	0	10605416
	Бюджетдан ташқари маблағлар	7197088	823476,8	0	8020564,8
2022	Бюджет маблағлари	10605416	704174,4	0	11309590,4
	Бюджетдан ташқари маблағлар	8020564,8	2905280,6	0	10925845,4
2023	Бюджет маблағлари	11 309 590,4	1380215,3	0	12 689 805,7
	Бюджетдан ташқари маблағлар	10 925 845,4	1442855,3	0	12 368 700,7

*Муаллиф ишланмаси.

Бу олти йиллик хисобот маълумотлари асосида машина ва ускуналарнинг молиялаштириш манбалари бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 16 бараварга ошган бўлса, бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан молиялаштириш хам 16 бараварга камайган. Юқоридаги жавдал маълумотларини қуйидаги расм орқали ифодалашимиз мумкин (3-диаграмма).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

3-диаграмма.

Муассасада молиялаштириш манбалари бўйича машина ва ускуналарнинг ҳаракати тўғрисида маълумот (%да)*

*Муаллиф ишланмаси.

Шу билан бирга муассасада транспорт воситаларининг амортизацияси (эскириши) “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома”га асосан молиялаштириш манбаларидан қатъий назар умумлаштирилган ҳолда 025-“Транспорт воситаларининг эскириши” счётида ҳисобга олинади. Бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилинган транспорт воситаларининг амортизациясини 231 211 (025/1) – “ Бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилинган транспорт воситаларининг амортизацияси” ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кирим қилинган транспорт воситаларининг амортизациясини 231 212 (025/2) – “Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кирим қилинган транспорт воситаларининг амортизацияси” ишчи счётларида алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу таклиф натижасида транспорт воситаларининг амортизацияси суммаларини уларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ҳисобда алоҳида акс эттириш ҳамда аналитик бухгалтерия ахборотларини шакллантириш имконини беради.

Биламизки, бюджет ташкилотларида кирим қилинган хар бир асосий восита ишлатилишидан қатий назар унга амортизация хисобланади. Бизнинг фикримизча, тиббиёт муассасасида пуллик тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида кирим қилиниб, фойдаланилмаётган асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туриш орқали тиббий хизматлар таннархини меъёрлаштирилади. Бу билан Ногиронларни реабилитация килиш ва протезлаш миллий марказининг ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида, фойдаланилмаётган асосий воситалар билан боғлиқ амортизация ажратмаларини пуллик тиббий хизматлар таннархига олиб борилишининг олди олиниб, пуллик тиббий хизматлар таннархини меъёрлаштиришга хизмат қилган.

Фойдаланишда бўлган машина ва ускуналарнинг бошланғич қиймати ортиб кетмаслиги учун уларни кўчириш, қайта ўрнатиш ва ишга тушириш

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

билан боғлиқ бошқа ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга оид харажатларни молиялаштириш манбалари бўйича жорий давр ҳақиқий харажатлари таркибида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ саналади. Ногиронларни реабилитация килиш ва протезлаш миллий марказининг ҳисоб сиёсатида ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши орқали, фойдаланишда бўлган машина ва ускуналарни ички кўчириш, қайта ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни асоссиз ҳолда уларнинг баланс қийматига киритишнинг олди олиниб, уларни молиявий ҳисоботларда ҳаққоний қийматда акс эттирилишига хизмат қилган.

Хулоса

Давлат секторида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тўғрилиги, давлат хизматлари сифатига, солиқларни режалаштиришга ва пировардида аҳолининг давлат органларига ишончига бевосита таъсир кўрсатадиган бошқарувнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бироқ анъанавий бухгалтерия тизимларида сезиларли чекловлар мавжуд бўлиб, бу кўпинча нотўғри молиявий ҳисоботларга, шаффофликнинг пасайишига ва операцион самарасизликка олиб келади. Давлат сектори бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, хусусан, IPSAS 17 нинг қабул қилиниши давлат сектори ташкилотларига нафақат ички бошқарувни, балки жамоатчилик ишончини ҳам ошириш орқали бухгалтерия ҳисоби тизимини тубдан яхшилаш имконини беради.

Мавжуд адабиётлар ва амалий тадқиқотлар асосидаги кенг қамровли таҳлиллар шуни кўрсатадики, IPSASга ўтиш гарчи таълим эҳтиёжлари ва тизимни янгилаш нуқтаи назаридан қийин бўлсада, узоқ муддатли катта фойда беришга хизмат қилади. Бу имтиёзлар стандартлаштирилган ҳисобот бериш, ошкораликни ошириш ва давлат ресурсларини янада масъулиятли бошқаришни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди. Тақдим етилган батафсил тавсиялар давлат сектори ташкилотлари учун ушбу ўтишни осонлаштириш бўйича стратегик йўл харитасини таклиф этади, бунда ҳар томонлама ўқитиш, босқичма-босқич амалга ошириш, ташқи маслаҳатлашувлар ва технологик мослашув зарурлигини таъкидлайди. Бундан ташқари жамоатчилик ишончини ошириш бўйича тавсия IPSAS техник ҳисоб-китобларнинг аниқлигидан ташқари бериши мумкин бўлган макроскопик ижтимоий имтиёзларга мисолдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, IPSASга ўтиш фақат бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқлик ёки жавоб бериш масаласи эмас. Бу жамоат ташкилотлари қандай фаолият юритиши, уларнинг активларини бошқариши ва жамоатчилик билан алоқасидаги трансформатив ўзгаришларни ифодалайди. Қийинчиликлар ва имтиёзлар ўртасидаги ўлчовларни мувозанатлашда IPSASни қабул қилишнинг афзалликлари ўтиш давридаги қийинчиликлардан анча устун эканлиги аён бўлади. Шаффофлик, ҳисобдорлик ва самарали бошқарувга содиқ бўлган давлат сектори

ташкилотлари IPSASни асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича қўлланма сифатида қабул қилишдан кўп фойда олади.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг харакатини ва уларнинг келиб тушиш манбалари яъни бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағларини самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга бюджет ташкилотлари ҳисоб сиёсатини юритиш жараёнида ишончли ахборотлар билан таминлаб беради. Умумий қилиб айтганда, юқорида келтирилган муаммоли ҳолатларни ижобий ҳал қилиш ҳамда бюджет ташкилотларида маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш учун келтирилган амалий таклиф ва тавсияларни амалга ошириш керак, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎРҚ-404-сон Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатдан 2015 йил 15 декабрда 2634-сон билан ўтган.

5. “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги низом (янги таҳрирда). 2004 йил 29 август, 1401-сон.

6. «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» йўриқнома. 2010 йил 22 декабрь, 2169-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти «Ҳисоб сиёсати». 1-сон БҲС, 2016 йил 27 декабрь, 2853-сон.

8. Azamat, Ostonokulov, Sattoriy Fayzullokh, and Abdullayeva Nilufar. "The Impact of Entrepreneurship on Poverty Reduction." International Journal of Professional Business Review 8.3 (2023): e01012-e01012.

9. Abdullayeva, Nilufar. "Composition of essential oils from four Apiaceae and Asteraceae species growing in Uzbekistan." Scienceweb academic papers collection (2018).

10. Javdatovna, Abdullayeva Nilufar. "Foreign experience in accounting and control of fixed assets in the public sector." ResearchJet Journal of Analysis and Inventions 2.4 (2021): 1-5.

11. Меҳмонов С. Бюджет ҳисоби: ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

технология, 2012. – 352 б.

12. Tuychiyev, A. J., Ostonokulov, A. A., Ibragimov, K. S., & Tursunov, A. S. (2018). Budget accounting in budget organizations. Textbook-T.:" Economy-Finance", 329.

13. Hamdamov, B. K., & Ostonokulov, A. A. (2018). Byudjet nazorati: o’quv qo’llanma. – T.:Iqtisod-moliya”. – 318 b.

14. Tuychiyev, A. J., Ostonokulov, A. A., Ibragimov, K. S., & Tursunov, A. S. (2018). Byudjet hisobi:darslik. – T.: Iqtisod-moliya/ – 428 b.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

АУКЦИОН НА ПОНИЖЕНИЕ СТАРТОВОЙ ЦЕНЫ – ДЕЙСТВЕННЫЙ МЕХАНИЗМ ОПТИМИЗАЦИИ БЮДЖЕТНЫХ СРЕДСТВ

Бакиева Гульшат Худайбердиевна
самостоятельный соискатель
кафедры финансов
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail:gulya_2904@bk.ru
ORCID: 0009-0002-8707-5664

Аннотация. В статье исследована практика осуществления в Республике Узбекистан аукциона на понижение стартовой цены, а также проанализированы отдельные механизмы изменения системы государственных закупок. Изучена действующая практика осуществления аукциона, приведены данные о заключённых контрактах. На основании полученных данных, автором выявлены особенности проведения аукциона на понижение стартовой цены, влияющие на эффективное использование бюджетных средств. Особое внимание уделено проблемам, возникающим в процессе проведения закупочной процедуры.

Ключевые слова: государственные закупки, аукцион по первичному снижению цен, модерация, механизм поэтапного снижения цен, проведение аукциона, электронный портал, коррупция, цифровизация, недобросовестные поставщики.

BOSHLANG’ICH NARXNI PASAYTIRISH AUKSIONI - BYUDJET XARAJATLARINI OPTIMALLASHTIRISHNING TA’SIRCHAN MEXANIZMI

Bakieva Gulshat Xudayberdievna
moliya kafedrasining
mustaqil izlanuvchisi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: gulya_2904@bk.ru
ORCID: 0009-0002-8707-5664

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekiston Respublikasida boshlang‘ich narxni pasaytirish bo‘yicha auksion o‘tkazish amaliyoti, shuningdek, davlat xaridlari tizimini o‘zgartirishning individual mexanizmlari ko‘rib chiqilgan. Kim oshdi savdosini o‘tkazishning joriy amaliyoti tahlil qilinib, tuzilgan shartnomalar bo‘yicha ma’lumotlar taqdim etilgan. Olingan ma’lumotlarga asoslanib, boshlang‘ich bahoni pasaytirish bo‘yicha kim oshdi savdosini o‘tkazishning budjet mablag‘laridan samarali foydalanishga ta’sir etuvchi xususiyatlar aniqlangan. Xaridlar jarayonida yuzaga keladigan muammolarga alohida e’tibor qaratilgan.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Kalit so'zlar: davlat xaridlari, boshlang'ich narxni pasaytirish bo'yicha auksion, moderatsiya, narxlarni bosqichma-bosqich pasaytirish mexanizmi, o'tkazilgan auktsion, elektron portal, korruptsiya, raqamlashtirish, mas’uliytsiz ta’minotchilar.

AUCTION TO LOWER THE STARTING PRICE IS AN EFFECTIVE MECHANISM FOR OPTIMIZING BUDGET FUNDS

Bakieva Gulshat Khudaiberdievna
Independent applicant
Department of Finance
Tashkent State the University of Economics
E-mail:gulya_2904@bk.ru
ORCID: 0009-0002-8707-5664

Abstract. The article examines the practice of conducting an auction to reduce the initial price in the Republic of Uzbekistan, as well as individual mechanisms for changing the state procurement system. The current practice of conducting auctions has been analyzed and information on concluded contracts has been presented. Based on the obtained data, the features affecting the effective use of the budget funds of the initial price reduction auction were identified. Special attention is paid to the problems that arise in the procurement process.

Keywords: public procurement, initial price reduction auction, moderation, gradual price reduction mechanism, held auction, electronic portal, corruption, digitization, irresponsible suppliers.

Введение

Государственные закупки занимают ключевое место в экономической жизни станы. Опираясь на зарубежный опыт, система государственных закупок Республики Узбекистан претерпевает множество изменений, которые регламентируются законодательством. Необходимо отметить, что развитие системы государственных закупок является одной из первостепенной задачей, стоящей перед правительством. Цифровизация экономики – первый ключ к построению эффективной и мощной системы государственных закупок. Благодаря этому процесс проведения закупочных процедур становится прозрачным, что снижает уровень коррупции.

Аукцион является одним из видов закупочных процедур. Различают два вида аукциона:

- аукцион на повышение стартовой цены («английский аукцион»), победителем признаётся тот, кто предложил наивысшую цену;
- аукцион на понижение стартовой цены («голландский аукцион»), победителем признаётся тот, кто предложил наименьшую цену.

Каждый из представленных выше видов имеет свою целевую аудиторию и свое место предназначение.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Схема 1.

Классификация аукционов по различным критериям*

При осуществлении государственных закупок в Республики Узбекистан используют аукцион на понижение стартовой цены.

Обзор литературы

Система государственных закупок является одной из обсуждаемых тем среди учёных, экономистов и широкой общественности. Одни считают, что система государственных закупок является мощным инструментом, который эффективно взаимодействует на экономику, другие же, наоборот. Рассмотрим один из используемых видов государственных закупок – аукцион на понижение стартовой цены. Различают множество различных трактовок термина «аукцион». В экономических источниках аукцион рассматривают в качестве торга.

Таблица 1.

Дефиниции термина «аукцион»*

Авторы	Описание
Г. Суходольский	Извещение о проведении торгов является публичной офертой, так как после его опубликования и получения от участников торгов заявок (предложений) у организатора торгов возникает обязанность рассмотреть предложения участников и выбрать победителя.
К.Н. Волков, А.В. Ермакова	Заявки участников является акцептом договора на проведение торгов и в то же время офертами на заключение конечного договора.
Ю.С. Турсунова	Одно лишь выдвижение оферты участником и принятие её организатором не является достаточным для признания подобного договора заключённым.

*Разработка автора.

В современном обществе мнения учёных и экономистов о проведении

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

аукциона разделились на две группы. Одна группа лиц считает, что проведение аукциона – это публичная оферта, обращённая к неопределённому кругу лиц, вторая – это приглашение организаторами торгов заключить оферту.

Анализ и результаты

Анализируя сложившийся механизм осуществления государственных закупок посредством аукциона на понижение стартовой цены, можно утверждать, что с принятием новых законодательств упрощается процесс их осуществления.

До 2021 года механизм проведения государственных закупок был регламентирован законом «О государственных закупках» № 472 от 09.04.2018 года. Далее вступает в силу закон «О государственных закупках» №684 от 22.04.2021 года, аннулируя действия предыдущего. Благодаря данному закону процесс проведения аукциона на понижения стартовой цены был изменён.

Таблица 2.

Процесс проведения аукциона на понижение стартовой цены



*Разработка автора.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Для обеспечения работы заказчиков в системе электронных закупок специалистами в области государственных закупок разработаны электронные системы. Данные системы совершенствуются, устраняя реальные проблемы, с которыми сталкиваются государственные заказчики.

Рис. 1.

Электронные системы закупочной процедуры аукциона на понижение стартовой цены*



Из вышеупомянутого мы можем наблюдать как меняется процесс проведения аукциона на понижение стартовой цены, делая его более упрощённым и прозрачным.

Диаграмма 1.

Сумма контрактов аукциона на понижение стартовой цены бюджетными заказчиками по одному из районов г. Ташкент за 2021-2023 гг. (млн сум)*



Темп роста договоров, заключенных посредством аукциона на понижение стартовой цены бюджетными заказчиками в 2023 году по отношению к 2021 году, составил 144.9%, т.е. показатели выросли почти в 1.5 раза.

Данное увеличение можно охарактеризовать тем, что модернизация и внедрение новых правил проведения аукциона положительно сказались на практике. А именно, вводятся ограничения для проведения прямых закупок необходимых товаров и нужд для бюджетных организаций.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Диаграмма 2.

Аннулированные договоры аукциона на понижение стартовой цены бюджетными заказчиками по г. Ташкенту* (2021-2023 гг.)



Из диаграммы видно, что количество аннулированных договоров, заключенных посредством аукциона уменьшается с каждым годом. Эти изменения говорят о том, что у заказчиков повышается уровень доверия к системе государственных закупок, а также ужесточается контроль над заключением и исполнением контрактов посредством аукциона на понижение стартовой цены со стороны уполномоченных органов.

Диаграмма 3.

Виды товаров, приобретенных бюджетными заказчиками посредством аукциона на понижение стартовой цены (2023 г.)*



В соответствии с законом «О государственных закупках» заказчики

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

могут приобретать посредством аукциона на понижение стартовой цены только товары, то есть осуществление услуг посредством данного вида закупок не предусматривается. В Республике Узбекистан в условиях реализации «Стратегии Узбекистан – 2030» ведётся активная политика по снижению уровня безработицы, в частности, создаются дополнительные преференции для социально уязвимых слоёв населения, а также отечественных производителей продукции. Всё это оказывает положительное воздействие на систему государственных закупок. В частности, увеличивается перечень товаров, предлагаемые заказчикам.

Заключение

Анализируя механизм осуществления аукциона на понижения стартовой цены, можно выделить следующие недостатки:

Во-первых, срок поставки товара 7 дней. Учитывая место поставки товара, необходимо пересматривать их сроки, так как правильная транспортировка товара служит гарантом его сохранности.

Во-вторых, повышается уровень коррупции. Другими словами, создаётся мнимая игра между заказчиком и исполнителем. То есть, если ЛОТ выигрывает другой поставщик, то заказчик пытается расторгнуть договор по какой-либо причине.

В-третьих, уровень доверия к системе государственных закупок падает со стороны добросовестных поставщиков (предпринимателей), следовательно, их число на электронном портале уменьшается.

В-четвёртых, снижение качества товаров приводит к увеличению издержек бюджетных заказчиков.

В-пятых, происходит искусственное завышение цен на товары.

В-шестых, что процесс заключения закупочных процедур, таких как электронный магазин и аукцион на понижение стартовой цены, происходит в автоматическом режиме в соответствующих подразделениях, отвечающих за их проведение, не является гарантом их легальности.

В заключении хотелось бы отметить каким образом совершенствуется процесс проведения аукциона на понижение стартовой цены:

1. Модернизируются электронные платформы, где происходят закупочные процедуры.

2. При подаче объявлений о начале проведения аукциона на понижение стартовой цены, у заказчиков появилась возможность выбора необходимого товара по детальным характеристикам;

3. В случае поступления жалоб со стороны заказчиков на поставщика, последний зачисляется в категорию «недобросовестных» и попадает в чёрный список. Иными словами, данный недобросовестный поставщик не может участвовать в закупочных процедурах.

На основании вышеизложенного, можно утверждать, что в Республике Узбекистан происходят коренные изменения в сфере государственных

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

закупок, которые сводятся к построению чёткой и налаженной системы, отвечающая всем требованиям законодательства и рыночных отношений.

Литература

1. Закон Республики Узбекистан от 22 апреля 2021 года №684 «О государственных закупках». – https://lex.uz/ru/docs/5382983

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 14 сентября 2021 года №6313 «О мерах по коренному совершенствованию договорных отношений». https://lex.uz/docs/5633853

3. Приказ Министерства финансов от 22 октября 2019 г №157 «О реформировании системы Казначейства Республики Узбекистан при Министерстве финансов и улучшение организационной структуры»

4. Brammer S. &Walker H. (2011) Sustainable Procurement in the Public Sector: An International Comparative Study/ International Journal of Operations Production management, vol.31, no 4, – pp.452-476

5. Кузьминов Я.И., Бендукидзе К.А., Юдкевич М.М. Курс институциональной экономики: институты, сети, трансакционные издержки, контракты // Вопросы экономики. – 2006. – (7). –152-156. – https://doi.org/10.32609/0042-8736-2006-7-152-156.

6. Дегтев Г.В. Международный опыт государственных закупок // Современные проблемы науки и образования, – 2013. – №6.

7. Семёнова Ф.З., Боташева Л.С., Борлакова М.Б. Зарубежный опыт осуществления государственных закупок // Фундаментальные исследования, – 2016. – №6. – С.465-469.

8. Бурханов У., Атамурадов Т. Государственные закупки: учебное пособие. – Т.: Fan va texnologiya, 2012.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎЧМАС МУЛК СОЛИҒИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Сафаров Ғиёсиддин Абдуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори
солиқлар ва солиққа тортиш
кафедраси профессори в.б.,
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail:g_safarov@tfi.uz
ORCID: 0000-0002-3324-1519

Аннотация. Мақолада мол-мулк ва ер солиқларининг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари, бюджет даромадларидаги аҳамияти, кўчмас мулк солиғининг афзалликлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан тушумларнинг бюджет даромадларига корреляцион боғлиқлиги таҳлил қилинган. Кўчмас мулк солиғини жорий қилиш жараёнидаги муаммоларга тўхталиб, уларни бартараф етишга доир муаллифнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Калит сўзлар: кўчмас мулк, ер участкаси, мол-мулк солиғи, ер солиғи, кўчмас мулк солиғи, бозор баҳоси, кадастр қиймат, юридик шахс, жисмоний шахс.

ВНЕДРЕНИЕ НАЛОГА НА НЕДВИЖИМОСТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Сафаров Гиясиддин Абдуллаевич
доктор экономических наук
и.о. профессора кафедры налогов
и налогообложения
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail:g_safarov@tfi.uz
ORCID: 0000-0002-3324-1519

Аннотация. В статье изучены экономическая сущность и особенности налогов на имущество и землю, их значение в доходах бюджета, а также преимущества налога на недвижимость. Также проанализирована корреляционная зависимость поступлений налога на имущество и земельного налога от доходов бюджета. Затронуты проблемы, связанные с процессом введения налога на недвижимость, даны авторские рекомендации по их решению.

Ключевые слова: недвижимость, земельный участок, налог на имущество, земельный налог, налог на недвижимость, рыночная стоимость, кадастровая стоимость, юридическое лицо, физическое лицо.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

IMPLEMENTATION OF REAL ESTATE TAX IN UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Safarov Giyosiddin Abdullayevich
Doctor of Economic Sciences
Professor of the Department of Taxes and taxation
Tashkent State the University of Economics
E-mail:g_safarov@tfi.uz
ORCID: 0000-0002-3324-1519

Abstract. The economic essence and characteristics of property and land taxes, their importance in budget revenues, and the advantages of real estate taxes were studied in the article. Correlational dependence of property tax and land tax receipts on budget revenues was also analyzed. The problems in the process of introducing the real estate tax were touched upon and the author's opinions on their elimination were given.

Keywords: real estate, land plot, property tax, land tax, real estate tax, market value, cadastral value, legal entity, individual.

Кириш

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бошқа солиқлар каби мол-мулк солиғи ва ер солиғи жорий қилинди. Ушбу солиқлар маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Мол-мулк ва ер солиқларини ундиришга доир мамлакатимиз тажрибаси кўп йиллар давомида амал қилиб келган бўлса-да, солиқ тизимини жаҳон амалиётига мувофиқлаштиришга доир олиб борилаётган ислоҳотлар мазкур солиқларни ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимида кўчмас мулк солиғи асосий солиқ тури бўлмаса-да, лекин солиқ тизимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистонда мол-мулкларни солиққа тортишда устуворлик бюджет тизимининг даромадлар қисмини молиявий маблағлар билан мунтазам равишда таъминлашга, мол-мулклардан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи механизмининг таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Республикада иқтисодиётни янада ривожлантириш ва солиқ тўловчиларнинг мол-мулклардан самарали фойдаланишини таъминлашда «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш йўлини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кенгайтириш»[1] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда илғор технологияларни кенг қўллаш орқали юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланилаётган мол-мулкларнинг бозор баҳосига яқин бўлган

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

кадастр қийматини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш долзарб масалалардан биридир.

Адабиётлар шарҳи

Кўчмас мулкларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий тадқиқотлар халқаро ташкилотлар, жаҳондаги етакчи университет ва марказлар томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар солиқ тизимида кўчмас мулк солиғининг ялпи ички маҳсулот ва давлат бюджети даромадларидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлиб, “... мулк солиғини таснифлаш асосида кўчмас мулкларни солиққа тортишнинг таъсирчан механизми ишлаб чиқилган” [8]. Европа Иттифоқи ҳисоботига кўра «Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда 2020 йилда кўчмас мулк солиғи ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2,3 фоизини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 0,1 фоиз бандга ошган ва ушбу мамлакатлар жами солиқ тушумларида кўчмас мулк солиғининг салмоғи 5,7 фоизни ташкил этган» [9]

Кўчмас мулк солиғининг назарий ва амалий масалалари хорижлик ва мамлакатимизнинг қатор иқтисодчи-олимлари тадқиқотларида ўрганилган. Жумладан, иқтисодчи-олим С.В. Богачев кўчмас мулк солиғига доир кенг доирадаги тадқиқотлар олиб борган. “Кўчмас мулк солиғи жаҳоннинг 130 дан ортиқ давлатида амал қилади. Мазкур солиқ аксарият мамлакатларда маҳаллий бюджетларга тушади ва унинг барча даражалардаги бюджетлардаги улуши 1 фоиздан 3 фоизгача (Францияда 2,17%, Данияда 1,85%, Голландия ва Италияда 1,8%, Германияда 1,06%, Швецияда 0,89%) ташкил этади. Айрим ривожланган мамлакатлар бюджет даромадларида кўчмас мулк солиғининг улуши бир қадар юқори эканлиги кузатилди. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 10%, АҚШда 9%, Канадада 8%ни ташкил этади. Ушбу мамлакатларда кўчмас мулк солиғи маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Хусусан, уларнинг улуши Канадада 40 фоизгача, Буюк Британияда 30 фоизгача, Францияда 20 фоизгача етади” [4]. Демак, кўчмас мулк солиғи дунё мамлакалари солиқ тизимида муҳим ўрин эгаллаб, маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисодчилар И. Ниязметов, С. Воронин, Б. Корабоев, Д. Угай кўчмас мулкларни солиққа тортишнинг хорижий тажриба асосида тадқиқ этиб, ривожланган мамлакатларда кўчмас мулк солиғининг хусусиятларини очиб берган ва республикамизда уни жорий этиш истиқболларини тадқиқ этиб, мол-мулк солиғини ундиришнинг амалдаги механизми етарлича самарали эмаслигини қайд этган [5].

Иқтисодчи Ш. Мусалимов ўз тадқиқотларида “Мулкий солиқларнинг фискал аҳамиятини ошириш учун, ўз таркибига бино ва иншоотлар ҳамда улар жойлашган ер участкасини олувчи кўчмас мулк солиғининг базасини аниқлашда юридик шахслар учун йиллик ўртача қолдиқ қиймат усулидан воз

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

кечиб, кўчмас мулкнинг қийматини бозор механизмлари асосида баҳолаш тизимига ўтиш зарур” лигини қайд этган [6]. Келтирилган фикрлардан кўриш мумкинки, сўнгги йилларда мол-мулкларни солиққа тортишга доир тадқиқотлар кўлами кенгайиб, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикрлар билдирилмоқда ва уларнинг аксариятида мол-мулк ва ер солиқлари ўрнига кўчмас мулк солиғини жорий этиш таклиф этилмоқда.

Шу каби тадқиқотлар ер солиғи бўйича ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, иқтисодчи Ў. Тўлаков мамлакатимизда ер солиғини ривожланиш истиқболларини тадқиқ этиб, қуйидагиларни қайд этади “Ер майдонларининг бирлигига тўғри келадиган тўловлар ўрнига ер солиғини ҳисоблашга ўтиш бу ер эгаларига солиқ солиш тизимини ва ушбу тўловнинг кўплаб элементларини сезиларли даражада ўзгартиради. Хусусан, солиқ солиш базаси сифатида ер участкасининг майдонидан фойдаланиш ўрнига ер участкасининг кадастр қиймати белгиланади” [7].

Демак, кўплаб тадқиқотларда мол-мулк солиғи ва ер солиғини бирлаштириб, кўчмас мулк солиғини жорий қилиш юзасидан таклиф билдирилмоқда. Кўчмас мулк солиғини жорий қилиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилган, уни амалга ошириш учун чора-тадбирлар белгиланган бўлсада, республикамиз солиқ тизимида амалда бўлган мол-мулк ва ер солиқлари объекти ва базасини ўзига хослиги ва фарқли жиҳатлари бу жараёнда айрим мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Шу боис, аниқ ечимга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш заруратини тақазо этмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Мол-мулк ва ер солиқлари асосан фискал вазифасини бажаришига қарамасдан, уларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги улуши юқори эмас (1-жадвал).

1-жадвал.

Мол-мулк ва ер солиқларининг давлат бюджети даромадларидаги ўзгариш динамикаси*

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Давлат бюджети даромадлари, млрд сўм	49681,0	79099,0	112165,4	132938,0	164680,3	202042,9
Мол-мулк солиғи, млрд сўм	**2129,7**	**2606,1**	**2360,2**	**1974,3**	**2457,3**	**4015,4**
Давлат бюджети даромадларидаги улуши, %да	*4,3*	*3,3*	*2,1*	*1,5*	*1,5*	*2,0*
Ер солиғи, млрд сўм	**1091,8**	**1504,2**	**2313,2**	**2386,7**	**4082,8**	**5305,9**
Давлат бюджети даромадларидаги улуши, %да	*2,2*	*1,9*	*2,1*	*1,8*	*2,5*	*2,6*

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, 2016-2021 йиллар мобайнида давлат бюджети даромадлари мунтазам равишда ўсиб бориш тенденциясига эга

бўлган. Мос равишда, мол-мулк солиғининг бюджет даромадларидаги улуши 2016 йилдан 2021 йилга қадар 2,5 фоиз бандга камайган. Бунга аксинча, ер солиғининг улуши деярли ўзгармаган. Давлат бюджети даромадларида мол-мулк солиғи улушининг кескин камайиши солиқ қонунчилигидаги, солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар натижасида кузатилган. Айниқса, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида мол-мулк солиғи ставкаси сезиларли даражада пасайтирилди. Бунда соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчиларга солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида «юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини, бино ва иншоотлардан, шу жумладан илгари хусусийлаштирилган объектлардан самарасиз фойдаланаётган юридик шахслар учун оширилган ставкада солиқ ҳисоблаш тартибини сақлаб қолган ҳолда, 5 фоиздан 2 фоизга пасайтириш» [3] амалга оширилди.

Шу ўринда мол-мулк солиғи (x) ва ер солиғи (y)дан тушумларнинг бюджет даромадларига (z) корреляцион боғлиқлигини таҳлил қиламиз (1-жадвал маълумотлари асосида) ва бунда қуйидаги формулалардан фойдаланамиз:

$z - \bar{z} = a(x - \bar{x}) + b(y - \bar{y})$ – регрессия тенгламаси,

$a = \frac{r_{xz} - r_{yz} r_{xy}}{1 - r_{xy}^2} \frac{\sigma_z}{\sigma_x}, b = \frac{r_{yz} - r_{yz} r_{zx}}{1 - r_{xy}^2} \frac{\sigma_z}{\sigma_y}.$

Бу ерда, $r_{xy} = \frac{\sum n_{xy} xy - n \cdot \bar{x} \cdot \bar{y}}{n \sigma_x \sigma_y}, r_{xy} - (x, y) -$ жуфтликнинг корреляция зичлигини аниқловчи корреляция коэффициенти; $r_{yz} = \frac{\sum n_{zy} zy - n \cdot \bar{z} \cdot \bar{y}}{n \sigma_z \sigma_y}, r_{yz} - (z, y) -$ жуфтликнинг корреляция зичлигини аниқловчи корреляция коэффициенти; $r_{zx} = \frac{\sum n_{zx} zx - n \cdot \bar{x} \cdot \bar{z}}{n \sigma_x \sigma_z}, r_{zx} - (x, z) -$ жуфтликнинг корреляция зичлигини аниқловчи корреляция коэффициенти; $\sigma_x = \sqrt{\overline{x^2} - \bar{x}^2} - x$ параметр учун ўртача квадратик четланиш (стандарт четланиш); $\sigma_y = \sqrt{\overline{y^2} - \bar{y}^2} - y$ параметр учун ўртача квадратик четланиш (стандарт четланиш); $\sigma_z = \sqrt{\overline{z^2} - \bar{z}^2} - z$ параметр учун ўртача квадратик четланиш (стандарт четланиш).

Бюджет даромадларини (z) мол-мулк солиғи (x) ва ер солиғига (y) нисбатан корреляция зичлигини (боғлиқлик даражасини) аниқлаб берувчи детерминация коэффициентини қуйидагича аниқлаймиз:

$R = \sqrt{\frac{r_{xz}^2 - 2 r_{xz} r_{yz} r_{xy} + r_{yz}^2}{1 - r_{xy}^2}}, R^2$ –детерминация коэффициенти. У ҳолда юқоридаги статистик маълумотлар асосида қуйидаги катталиклар аниқланади:

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

$$\bar{x} = 2082{,}83; \overline{x^2} = 4503928{,}68; \sigma_x = 407{,}13; \sum xy = 29098480{,}91; r_{xy} = 0{,}604494;$$

$$\bar{y} = 1870{,}78; \overline{y^2} = 4666898{,}68; \sigma_y = 1080{,}30; \sum zy = 1489373567; r_{zy} = 0{,}96566;$$

$$\bar{z} = 88014{,}34; \overline{z^2} = 9873480743; \sigma_z = 46118{,}93; \sum xz = 1362741077; r_{xz} = 0{,}605.$$

Ушбу қийматлардан фойдаланиб, детерминация коэффициенти ва регрессия тенгламасини ҳисоблаб чиқамиз:

$$R = 0{,}96654; R^2 = 0{,}93420; a = 5{,}79274; b = 0{,}352513.$$

Детерминация коэффициенти 1 га жуда яқин бўлганлиги сабабли мол-мулк солиғи (x) ва ер солиғи (y)дан тушумларнинг бюджет даромадларига (z) корреляцияси жуда яхши эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Улар орасидаги регрессия тенгламасини қуйидагича ифодалаймиз:

$$z - 88014{,}34 = 5{,}79274(x - 2082{,}83) + 0{,}352513(\mathrm{y} - 1870{,}78)$$

Инвестицион лойиҳаларнинг бухгалтерия рентабеллигини аниқлаш ARR (инг. The accounting rate of return) ёки рентабеллик даражаси ROI(инг. Return On Investment) усули бухгалтерия маълумотларига асосланган ҳолда аниқланадиган ўртача даромадларни сарфланадиган инвестицияларнинг ўртача йиллик ҳажмига бўлиш орқали ёки амортизация ажратмаларини бошланғич инвестициялар билан қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқни лойиҳаларни амалга ошириш муддатига бўлиш орқали аниқлаб олиб, сўнг эса йиллик ўртача даромадлардан амортизация ажратмаларини айиришдан келиб чиққан миқдорни бошланғич инвестицияларга бўлиш билан аниқлаймиз. Бунда ҳисоб-китоб ишлари фоизларни ва солиқларни тўламасдан аввалги фойда миқдорига асосланиб амалга оширилиши мумкин ёки у солиқларни тўлагандан кейинги, лекин фоиз тўловларигача бўлган даромадга асосланади. Энг яхшиси, солиқ тўлангандан кейинги соф фойда миқдори танлаб олинганлиги афзалроқдир, чунки у корхона таъсисчилари ва инвесторлар оладиган ҳақиқий фойдани ифодалайди [7].

$$a)\ ARR = \frac{D(1 - C_C}{C_a^b - C_a^o}\ \ b)\ A = \frac{I_0 - SV}{T}, \qquad ARR = \frac{CF - A}{I_0} \cdot 100\% \quad (2)$$

бунда, A – амортизация, SV – қолдиқ қиймат, T – лойиҳа муддати, CF – йиллик пул тушумлари.

$$A = \frac{I_0 - SV}{T} = \frac{17070000000 - 0}{8} = 2133750000,$$

$$ARR = \frac{CF - A}{I_0} \cdot 100\,\% = \frac{4286625000 - 2133750000}{17070000000} \cdot 100\% = 12{,}6\%$$

Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг соф жорий қиймати NPV (инг. Net Present Value) усули инвестицияланадиган объектдан фойдаланиш мабойнида олдиндан қатъий белгиланган ва ўзгармайдиган фоиз меъёрида олинган пул тушумлари ва қилинадиган пул чиқимларининг алоҳида белгиланган даврдаги кирим ва чиқим пулларининг дисконлаштирилиши йўли билан қўлга киритилган ва улар орасидаги фарқни кўрсатувчи усул ҳисобланади. Унинг моҳияти соф жорий қиймат белгиланган давр оралиғи бўйича қўлга киритиладиган пул даромадлари ва сарфланадиган пул харажатларининг фарқланиши билан изоҳланади. Инвестицияларни режалаштиришда улар самарадорлиги ва риск даражасини баҳолаш масаласи асосий ўринни эгаллайди [8].

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

$$a)\ NPV = \sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+k)^t} - I_0, \qquad b)\ NPV = \sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+k)^t} - \sum_{t=1}^{m} \frac{I_t}{(1+k)^t} \quad (3)$$

$$c)\ NPV = \frac{CF_1}{(k \pm q)} - I_0, \qquad d)\ NPV = -\frac{CF_1}{(1+k)} - \frac{CF_2}{(1+k)^2} + \frac{CF_3}{(1+k)^3} - I_0$$

бунда, NPV – соф жорий қиймат, n – даромад олинувчи даврлар сони, k – диконтлаш ставкаси, $CF_t - t$ охирига келиб, тушган пул оқими, $I_t - t$ даврдаги инвестицялар сарфи, m – инвестиция қилинадиган даврлар сони, CF_1– инвестициялар амалга оширилгандан кейин биринчи йил охиридаги пул тушумлари, q – доимий суръат, яъни келажакдаги пул тушумларининг йиллик қўшимча ўсиш суръати.

$$\mathbf{NPV} = \sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+k)^t} - \sum_{t=1}^{m} \frac{I_t}{(1+k)^t} = \frac{2200000000}{(1+0{,}11)^3} + \frac{3800000000}{(1+0{,}11)^4} + \frac{3\,430\,000\,000}{(1+0{,}11)^5} + \frac{4154\,000\,000}{(1+0{,}11)^6} + \frac{4743\,000\,000}{(1+0{,}11)^7} + \frac{4888\,000\,000}{(1+0{,}11)^8} + \frac{5121\,000\,000}{(1+0{,}11)^9} + \frac{5957\,000\,000}{(1+0{,}11)^{10}} - \left(\frac{8000\,000\,000}{(1+0{,}11)^1} + \frac{6500\,000\,000}{(1+0{,}11)^2} + \frac{2570\,000\,000}{(1+0{,}11)^3}\right) = 16873662100 - 14361914900 = 2511747200 \text{ сўм.}$$

Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлаш фойданинг ички меъёри IRR (инг. Internal Rate of Return) усули пул тушумларининг дисконт ставкасига тенг бўлгандаги даромадлилиги ёки инвестицион лойиҳадан олинган соф тушумларнинг дисконтланган қиймати сарфланадиган инвестицияларнинг дисконтланган қийматига, соф жорий қиймати нолга тенглигини кўрсатувчи дисконт меъёри ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични топиш учун соф жорий қийматни аниқлашда ёрдам берадиган формуладан фойдаланамиз ҳамда соф жорий қийматни нолга тенглаштирадиган минимал фоиз ставкасини топамиз. b) формула инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашда фойданинг ички меъёри бошқача шаклда, яъни интерполяция усули ёрдамида ифодаланади.

$$a)\ NPV = \sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+k)^t} - I_0 = 0, b) IRR = k_1 + \frac{\mathbf{NPV_1}}{\mathbf{NPV_1} + \mathbf{NPV_2}} \cdot (k_2 - k_1) \ (4)$$

бу ерда, $\mathbf{NPV_1}$(positeve) – k_1 паст (кичик) фоиз (дисконт) ставкасидаги соф жорий қийматнинг ижобий миқдори, $\mathbf{NPV_2}$(negotive) – k_2 юқори фоиз ставкасидаги соф жорий қийматнинг салбий миқдори; $\mathbf{NPV_1}$ ва $\mathbf{NPV_2}$ – ҳар доим ижобий (мусбат) миқдорда ҳисобланади; $\mathbf{k_1}$ ва $\mathbf{k_2}$ – бир ёки икки пунктдан (фоиздан) ортиғига фарқ қилмаслиги керак. Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашда фойданинг ички меъёрини аниқлаш асосан $\mathbf{k_1}$ ва $\mathbf{k_2}$ кўрсаткичларнинг интервалига боғлиқ, улар орасидаги интервал қанчалик кичик бўлса, ҳисоблаш ишларини олиб бориш аниқ ва осон бўлади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

2-жадвал.

Инвестицион лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашда фойданинг ички меъёрини ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар

Йиллар	Пул оқими(+, -)	Турли йиллардаги пул оқимининг 1 сўмдаги жорий қиймати (k=11)	Турли йиллардаги пул оқимининг соф жорий қиймати(NPV) (млн сўм)	Турли йиллардаги пул оқимининг 1 сўмдаги жорий қиймати (k=13)	Турли йиллардаги пул оқимрининг соф жорий қиймати(NPV) (млн сўм)
0 йил	-8 000	1,000	-8 000	1,000	-8000
1 йил	-6 500	0,900	-5850	0,884	-5746
2 йил	-2 570	0,811	-2084	0,783	-2012
3 йил	2 200	0,731	1608	0,693	1524
4 йил	3 800	0,658	2500	0,613	2329
5 йил	3 430	0,593	2033	0,542	1859
6 йил	4 154	0,534	2218	0,480	1993
7 йил	4 743	0,481	2281	0,425	2015
8 йил	4 888	0,433	2116	0,376	1837
9 йил	5 121	0,390	1997	0,332	1700
10 йил	5 957	0,352	2096	0,294	1751
Жами соф жорий қиймат(NPV)			**915**		**-750**

***Муаллиф томонидан тузилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инвестициянинг ички даромадлилик меъёри усули кўпинча инвестицион лойиҳаларнинг дастлабки таҳлили жараёнида қўлланади ва унинг ёрдамида корхона учун мақбул бўладиган даромадлиликни таъминлайдиган ҳамда кейинчалик атрофлича ўрганиладиган лойиҳалар ажратиб олинади[9].

Мазкур берилган маълумотларни инвестицион лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашда фойданинг ички меъёрини ҳисоблаш учун интерполяция усулидаги формулага қўямиз. $\mathbf{k_1 = 11\%}$ бўлганида NPV_1=915, $\mathbf{k_2 = 13\%}$ бўлганида эса NPV_2=-750 чиқди. Шундан кейин ҳисобланган кўрсаткичларни қўйидаги формулага қўйиб IRRни топамиз:

$$\mathbf{IRR = k_1 + \frac{NPV_1}{NPV_1 + NPV_2} \cdot (k_2 - k_1)} = 11\% + \frac{915}{915-(-750)} \cdot (13\% - 11\%) = \mathbf{13,55\%}$$

Кўпинча молиявий-иқтисодий муносабатларнинг фойдалилигини аниқлаш учун рентабеллик кўрсаткичлари керак бўлади. Умуман олганда ушбу кўрсаткич корхона хўжалик фаолиятида қўлга киритилган пул тушумини уни олиш учун кетган маҳсулот таннархига бўлиш орқали аниқланади [10]. Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг инвестициялар рентабеллиги PI (инг. profitability index) усули ҳам мантиқан ушбу йўл орқали топилади. Бу усулнинг улардан фарқ

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

қиладиган жиҳати шуки, инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдан келаётган маълум фоиз остида дисконтланган соф пул тушумлари инвестиция қилинадиган бошланғич ёки дисконтланган сарфлар қийматига бўлинади. Бу усул қандай ҳолатда инвестор бойлиги ошиши мумкинлигини аниқлаб беради ва қуйидаги формулалар ёрадамида топилади:

$$a)\ PI = \frac{\sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+k)^t}}{I_0}, \qquad b)\ PI = \frac{\sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+k)^t}}{\sum_{t=1}^{m} \frac{I_t}{(1+k)^t}} \quad (5)$$

Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг соф жорий қиймати балан инвестициялар рентабеллиги таққослаб баҳоланганда, уларнинг соф жорий қиймати ўсиши билан инвестициялар рентабеллиги ҳам ўсади ёки пасаяди. Биз амалга оширмоқчи бўлган инвестицион лойиҳанинг берилган маълумотларидан фойдаланиб, инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг инвестициялар рентабеллиги усули ёрдамида ҳисобласак, қуйидаги натижани оламиз:

$$PI = \frac{\sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+k)^t}}{\sum_{t=1}^{m} \frac{I_t}{(1+k)^t}} = \frac{16873662100}{14361914900} = 1,17$$

Демак, биз инвестицион лойиҳамизнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг инвестиция ретабеллиги пул оқимларини жорий қийматга келтирганимиздан кейин сарфланиши режалаштирилган инвестиция 17% капиталлашувига гувоҳ бўламиз.

Умуман олганда инвестициянинг рентабеллик кўрсаткичи натижаси ёрдамида инвестицион лойиҳани амалга ошириш ёки оширишмаслик тўғрисида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- агар PI > 1 бўлса, инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун қарор қилиш мумкин;
- агар PI < 1бўлса, у ҳолда инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун қарор қилиб бўлмайди;
- агар PI = 0 бўлса, инвестицион лойиҳани амалга ошириш фойда ҳам зарар ҳам келтирмайди.

Инвестицион лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг яна бир усули бу инвестицион лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг қоплаш муддати DPP (инг. Discount Payment Period) усули ҳисобланади. Юқорида инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг қоплаш муддати усули кўриб ўтдик. Аммо ушбу қоплаш муддати усули келгуси даврларда қўлга киритиладиган пул оқимининг қийматини ҳисобга олмаганлиги учун дисконтлаштирилган усуллар билан ҳисоблаш заруратини тўғдиради. Инвестицион лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг қоплаш муддати усули

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

сарфлаш режа қилинган инвестицияларнинг бошланғич ёки жорий қийматини келгусида олинадиган пул тушумининг дисконт қиймати билан қанча муддатда тўлиқ қоплаш мумкинлигини ифодалайди [11].

$$a)\ DPP = \frac{I_0}{DCF_t^{(\Sigma)}} \quad b)\ DPP = \frac{DI_t^{(\Sigma)}}{DCF_t^{(\Sigma)}} \quad (6)$$

бунда, $DCF_t^{(\Sigma)}$ – инвестицион лойиҳани амалга оширишдан олинган дисконтланган йиллик пул тушуми суммаси, $DI_t^{(\Sigma)}$ – амалга оширилиши режалаштирилган инвестицияларнинг дисконтланган қиймати.

3-жадвал.

“Ясмина савдо” инвестицион лойиҳанинг дисконтлашга асосланган қоплаш муддатини ҳисоблаш кўрсаткичлари (млн сўм)*

Йиллар	0 йил	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	6 йил	7 йил	8 йил	9 йил	10 йил
CF (Cash Flow)	8000	6500	2570	2200	3800	3430	4154	4743	4888	5121	5957
Турли йиллардаги дисконт меъёри (ставкаси)	0/ 1,11	1,11 / 1,232	1,232 / 1,367	1,367	1,518	1,685	1,870	2,076	2,304	2,558	2,839
Дисконт-ланган CF				1609	2503	5779	2221	2284	2121	2001	2098
Дисконт-ланган I	7207	5275	1879								
Қоплаш муддати(PP)								6,073 йил			
Инвестиция-ларнинг қопланиш ҳолати				1609	4112	9891	12112	14396	16517	18518	20616
Дисконтлаш-тирилган қоплаш мудддати (DPP)								6,15 йил			
DPP=6 йил 54 кундан иборат											

*Илмий манба [2] асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотларига кўра, инвестицияларнинг қоплаш муддати 6,073 йил, яъни 6 йил 26 кунни, инвестицион лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг қоплаш муддати эса 6,15 йилни ташкил қилмоқда. Уларнинг иккисининг ҳам ҳисобланиши қуйидаги кўринишда бўлади:

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

$$PP = \frac{I_0}{CF_t^{(\Sigma)}} = 6 + \frac{1257000000}{17070000000} = 4 \text{ йил} + 0,073 \text{ йил} = 6,073 \text{ yil}$$

$$DI_t^{(\Sigma)} = \frac{I_1}{(1+k)^1} + \frac{I_2}{(1+k)^2} + \frac{I_3}{(1+k)^3} = \frac{80000000000}{(1+0,11)^1} + \frac{6500000000}{(1+0,11)^2} + \frac{2570000000}{(1+0,11)^3} =$$

7207207210+5275545820+1879161850=14361914900 сўм.

$$DPP = \frac{DI_t^{(\Sigma)}}{DCF_t^{(\Sigma)}} = 12112 + \frac{14361 - 12112}{14396} = 6 \text{ йил} + 0,15 \text{ йил}$$

$$= 6,15 \text{ йил}$$

Бунда инвестицияларнинг дисконтлашган қоплаш муддати уларнинг дисконтлаштирилмаган қоплаш муддатига қараганда бироз вақтга, яъни 0,077 йилга фарқ қилишини кўришимиз мумкин. Демак, инвестицияларнинг қоплаш муддатини ҳисоблаш усули амалга ошириладиган инвестицияларнинг жорий қиймати бўйича тўлиқ қопланишини кўрсатади, шунинг учун ҳам инвестицияларнинг дисконтлашган қоплаш муддати усули унга кўра афзалроқ ҳисобланади.

Хулоса

“Ясмина савдо” инвестицон лойиҳасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усулларида баҳолаганимизда ва ҳосил бўлган натижаларни реал ҳаётда инвестицион лойиҳани тадбиқ қилиш даврлари билан боғлиқ ҳолатда танқидий таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги хулосалар шаклланади:

- инвестицион лойиҳаларни қоплаш муддатини ҳисоблаш усулининг афзалликлари инвестицион лойиҳанинг ҳисоб-китоб ишлари оддий, қулай ва тушунарли бўлиб, уни қоплаш муддатининг узоқлигини, шунингдек, капитал сарфларининг иммобилизациясининг узоқлиги ва уни амалга ошириш риски юқорилигини аниқлаш имконини беради. Камчилиги эса, инвестицион лойиҳанинг қоплаш муддати тамом бўлганидан кейин олинадиган пул оқими қийматини ҳисобга олишга қодир эмаслиги ҳамда унинг даромадлилигини аниқлаш учун фойдаланиб бўлмаслигидадир. Ушбу усул молиявий-иқтисодий инқироз, кучли инфляция, сиёсий беқарорлиқ ва ликвид маблағларнинг етишмаслиги каби шароитларда қисқа давр ичида юқори даромад келтирадиган инвестицион лойиҳалардан бирини танлаш имконини беради;

- инвестицион лойиҳанинг бухгалтерия рентабеллигини аниқлаш усули орқали инвестицион лойиҳани ҳисоблаб ушбу усулнинг афзаллик ва камчилик томонларини шакллантирдик. Мазкур усул ҳисоб-китобнинг тушунарлиги, соддалиги, инвестицион лойиҳанинг фойдалилиги ҳамда ҳаётийлик даврини кўрсатиши, бу каби лойиҳалар кўп бўлганида улар орасидан мақбулини танлаб олиб батафсил кўриш имконини бериши билан алоҳида ажралиб туради. Усулнинг камчиликлари сифатида амортизация ажратмалари типидаги пулсиз ва солиқ харажатларининг яширин хусусиятларини, молиявий ресурсларнинг эскисини янгиси билан

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

алмаштирилиши ёки тугатилиши натижасида олинадиган даромадларни ҳамда пул тушумларининг келгусидаги қийматини кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслигини келтиришимиз мумкин.

- инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг соф жорий қиймати (**NPV**) нолдан катта бўлса, инвестициянинг рентабеллиги дисконт миқдоридан юқори бўлади, акс ҳолда, паст бўлади, бу ҳолда инвестицион лойиҳани амалга ошириш рад этилади, агарда нолга тенг чиқса, инвестор фойда ҳам зарар ҳам кўрмайди. Ушбу усулнинг яна бир афзалликларидан бири акциядорларнинг даромадларини ошириш кўзлаган бўлса, молиявий менежментнинг асосий мақсадига етишга қаратилган бўлса, соф жорий қиймат усулини қўллаш яхши самара беради. Бироқ бошқа ҳисоблаш усуллари каби мазкур усулнинг камчиликлари ҳам бор. Соф жорий қиймати бир хил бўлган инвестицион лойиҳалар таҳлил этилганда, бошланғич инвестицияларнинг бири кичик миқдорли, бошқаси катта миқдорли бўлса, ушбу лойиҳаларни танлаш мураккаблашади.

Шунингдек, дисконтли қоплаш муддати ва соф жорий қиймати катта бўлган инвестицион лойиҳа билан худди ўша хусусиятлари кичик бўлган инвестицион лойиҳалардан бирини танлаш имкони келганида бу усул аниқлаб бера олмайди.

- инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашда фойданинг ички меъёри усули асосан инвестицион лойиҳалар таҳлили жараёнининг бошида фойдаланилади. Ушбу усул орқали “Ясмина савдо” инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини ҳисоблаганимизда фойданинг ички меъёри бугунги кундаги бозор фойда нормасидан юқори чиқмади. Шунинг учун ушбу лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги паст эканлигини аниқладик. Шунга кўра бу лойиҳани амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас.

- Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг инвестициялар рентабеллиги усули инвестицион лойиҳаларнинг соф жорий қиймати бир хил бўлганида ушуб лойиҳалар орасидан муқобилини танлаш имконини беради. Шунингдек, уни тушуниш осон бўлиб, акциядорларнинг даромадларини оширишга қаратиш орқали молиявий менежментнинг асосий мақсадига эришишга ёрдам беради. Шу билан ушбу усул оддий бўлишига қарамай, инвестицион лойиҳаларнинг инвестициялар рентабеллигини аниқлаш бир қанча қийинчиликларни туғдиради. Бу эса, айниқса, инвестициялар турли даврларда турли валюталар орқали амалга оширилганда инвестициялар рентабеллигини аниқлашда муаммо бўлади.

- “Ясмина савдо” инвестицион лойиҳасини инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг қоплаш муддати усули орқали ҳисоб-китоб қилганимизда, амалга ошириш режалаштирилган инвестицияларнинг жорий қиймати бўйича тўлиқ қопланиш муддатини аниқ кўрсатиб беришини ва шунинг учун бу усул

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

инвестицияларнинг инвестицион лойиҳаларни қоплаш муддати усулидан фарқли равишда афзаллигига гувоҳи бўлдик. Таҳлил натижасида шуни айтиш мумкинки, инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини дисконтлашнинг қоплаш муддати усули кўрсаткичлари соф жорий қийматнинг тўлиқ қопланишини кўрсатади. Аммо сарфланган инвестициялар қопланганидан кейин ушбу инвестициянинг самарадорлигини аниқлаб бермайди ҳамда амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг фойдалилигини кўрсатмайди.

Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари молиявий менежерларга инвестицион лойиҳанинг ҳар томонлама пухта таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижасида келгусида қайтимининг миқдорини аниқлаш, инвестицион лойиҳа хусусиятларининг у ёки бу томонларини ўрганиб, афзалликлари ва камчиликларини олдиндан айтиш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони. – www.lex.uz.

2. Бозоров Р.Ҳ. Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш\\ Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. – Т. 2018 – № 2.

3. Mackevicius J., Tomasevic V. (2011) Model for evaluating the economic efficiency of investment projects: Architecture and main aspects of application. Ekonomika, vol. 90, no. 4, – pp. 133.

4. Chen C. (2016) Evaluating the investment benefit of multinational enterprises’ international projects based on risk adjustment: Evidence from China. Eurasia Journal of Mathematics, Science and Technology Education, vol. 12, no. 9, – pp. 2451–2464.

5. Шарп У., Александер Г., Бейли Дж. Инвестиции. – М.: 2018. – 1028 с; Холт Роберт Н., Барнес Сет. Б. Планирование инвестиций: учебное пособие, перевод с англ. – М.: Академия народного хозяйства: Дело, 1994. – 116 с.

6. Астанакулов О.Т., Асатуллаев Х.С. Анализ и оценка эффективности инвестиционных проектов //Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнал –2018. – №3.

7. Жўраев А., Хўжамқулов Д., Маматов Б. Инвестиция лойиҳалари таҳлили; ўқув қўлланма. –Т.: Шарқ, 2003. – 256 б.

8. Насретдинова Ш., Джалилов Д., Мирзаев Б. Инвестицион лойиҳалар рискларинии баҳолашни моделлаштириш. Монография. –Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020. – 224 б.

9. Солиев Б., Солиев С., Аҳмедов С. Инвестицион лойиҳалар самарадорлиги ва уларни баҳолаш усуллари// Илмий ахборатнома. АДУ. – 2009. – № 3.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

10. Петрова Е., Арапов С., Бикезина Т. Инвестиционный анализ: учебное пособие. – Санкт-Петербург: РГГМУ, 2021 – 220 с.

11. Улашов А. Показатели оценки и классификационные аспекты эффективности инвестиционной деятельности на предприятиях // Шестая международная научно-практическая конференция «Большая Евразия: национальные и цивилизационные аспекты развития и сотрудничества». – Москва. – 22 ноября 2023 г.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

FOND BOZORIDA LISTING JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

Badalova Gulnoza G‘ayrat qizi
korporativ moliya va qimmatli qog‘ozlar bozori mutaxassisligi magistranti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: mahkamova70@gmail.com
ORCID: 0009-0003-8478-3187

Annotatsiya. Mazkur maqolada O‘zbekiston fond bozori listingiga kirish va unda turish talablari, listing to‘lovlari va kategoriyalari hamda fond birjasida investitsion jozibadorlikni oshirishda dual-listingning o‘rni haqida batafsil to‘xtalib o‘tilgan. Shuningdek, xavf darajasi nisbatan past bo‘lgan aktivlar qatoriga kiruvchi birjaviy instrumentlarni birja savdolariga ma’lum bir o‘rnatilgan talablar orqali kiritilishi masalalari tadqiq qilingan hamda “Toshkent” RFBning listing kategoriyalari, ularga bo‘lgan talablar o‘zgarishini fazalarga bo‘lgan holda o‘rganilgan. Olib borilgan tahlillar asosida tegishli xulosalar va takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: qimmatli qog‘ozlar bozori, fond birjasi, birja kotirovkalash varag‘i, listing, listingga kirish talablari, listingda turish talablari, delisting, dual-listing, offshore qimmatli qog‘ozlar.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛИСТИНГОВОЙ ПРОЦЕДУРЫ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ

Бадалова Гулноза Гайрат кызы
магистрант специальности корпоративные финансы и рынок ценных бумаг
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: mahkamova70@gmail.com
ORCID: 0009-0003-8478-3187

Аннотация. В статье рассмотрены листинговая процедура на фондовом рынке Узбекистана, листинговые сборы и категории, проанализирована роль дуал-листинга в повышении инвестиционной привлекательности фондовой биржи. Также исследованы вопросы введения в торговлю на фондовом рынке биржевых инструментов, входящих в число активов с относительно низким уровнем риска.

Ключевые слова: рынок ценных бумаг, фондовый рынок, фондовая биржа, листинг, листинговые требования к входу, листинговые требования к прибиванию, биржевой котировальный лист, дуал-листинг, оффшорные ценные бумаги.

PROCESS OF LISTING IN THE STOCK MARKET AND ISSUES OF ITS

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

IMPROVEMENT

Badalova Gulnoza Gayrat kizi
Master's student of Corporate finance and securities market,
Tashkent State the University of Economics
E-mail: mahkamova70@gmail.com
ORCID: 0009-0003-8478-3187

Abstract. This article discusses in detail the requirements for entering and staying in the stock market of Uzbekistan, listing fees and categories, as well as the role of dual-listing in increasing the investment attractiveness of the stock exchange. Also, the issues of introducing stock exchange instruments, which are among the assets with a relatively low level of risk, into stock market trading through certain established requirements, and the listing categories of "Tashkent" RFB, the changes in requirements for them, divided into phases studied. Based on the conducted analysis, appropriate conclusions and suggestions are given.

Keywords: equity market, stock market, stock exchange, listing, entering listing requirements, remaining listing requirements, stock exchange quotation sheet, dual listing, offshore securities.

Kirish

O‘zbekiston Respublikasida so‘nggi yillarda mahalliy qimmatli qog‘ozlar bozori salmog‘ini, savdolar hajmini hamda fond birjasida bo‘lib o‘tadigan savdo bitimlari sonini oshirish davlat miqyosidagi strategik jihatdan muhim ahamiyatga ega vazifalardan biriga aylanib bormoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasining 2023 yil 11 sentabrdagi PF-158-sonli “O‘zbekiston – 2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi farmonda “Mamlakatimizning investitsiyaviy jozibadorligini yanada oshirish va qimmatli qog‘ozlar bozorini jadal rivojlantirish” bandiga ko‘ra, erkin muomaladagi qimmatli qog‘ozlar savdolari hajmini 8 mlrd AQSH dollariga yetkazish ko‘zda tutilgan (bugungi kunda yillik ayalnma hajmi o‘rtacha 245 mln AQSH dollariini tashkil qiladi) [1]. Shu bilan birga 40 ta davlat ishtirokidagi korxonalar aksiyalarini “Xalq IPO”siga chiqarish [2], aholini IPOda qatnashishini rag‘batlantirish mexanizmlarini joriy qilish ham “O‘zbekiston – 2030” strategiyasiga kiritilganligini alohida ta’kidlab o‘tishimiz lozim.

Fikrimizcha, ushbu strategiyalarda belgilangan vazifalarni amalga oshirish investorlar sonini ko‘paytirish va ularning ishonchini qozonish bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri bog‘liqdir. Sababi IPOda ham, birja aylanmasi hajmining oshishida ham ularning roli benihoya katta. Shu sababdan investorlarning xavfsizligini ta’minlash, investitsion muhit jozibadorligini oshirish emitentning moliyaviy barqarorligiga, axborotlarni oshkor qilish siyosatining ishlash mexanizmida adolatlilik va shaffoflik tamoyillarining ishlashiga, korporativ boshqaruv tizimi to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilganiga, ularni amalda qay darajada ishlayotganini tekshirish va uzluksiz monitoringini olib borishga bog‘liq hisoblanadi. Bular ustidan nazorat funksiyasini qimmatli qog‘ozlar bozorining muhim bo‘lagi hisoblangan fond bozori o‘zining

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

listing talablarini o‘rnatgan holda amalga oshiradi.

Emitent qimmatli qog‘ozlarining listingga kirish va unda turish talablarini belgilash bozorning investorlar uchun qay darajada xavfsiz ekanligini belgilab beruvchi muhim omil sanaladi. Ammo birja vakillari talablar mezonini emitentlarning birja kotirovkalash varag‘iga kirishi imkonini suis’temol qilmagan holda o‘rnatishi, shu bilan birga ularning investorlar uchun ishonchli aktiv bo‘la olishi uchun teng imkoniyatlar yaratib bera oladigan darajada belgilashlari zarur. Bu borada mamlakatimizda yagona hisoblangan “Toshkent” Respublika fond birjasi aksiyadorlik jamiyati (keyingi o‘rinlarda “Toshkent” RFB yoki Birja) jahon tajribasi hamda mamlakatimizning mahalliy kompaniyalar va investorlari imkoniyatlarini inobatga olgan holda listing talablarini kategoriyalarga bo‘lgan holda joriy etgan. Ushbu kategoriyalarning har biri o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lib, ular emitent qimmatli qog‘ozlarini ularning moliyaviy va boshqaruv hisobi holatiga qarab tabaqalashtirib beruvchi omil vazifasini bajaradi va bu investorlarning bozorda yangi ishtirokchi bo‘lishiga qaramasdan to‘g‘ri investitsion qaror qabul qilishlarida muhim ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar sharhi

Listing talablarining mohiyati, ularni o‘rnatishda foydalaniladigan kriteriyalar, uyushgan fond birjalarida qimmatli qog‘ozlarni listingga kiritish talablarining ahamiyati haqida ko‘plab jahon olimlari o‘z ilmiy izlanishlarida to’htab o’tgan. Jumladan, iqtisodchi-sotsiolog Adam Xeys o‘zining “Listing talablari: fond birjalarining ta’rifi va mezonlari” maqolasida listing talablariga quyidagicha ta’rif bergan: “Listing talablari – NYSE, NASDAQ, London fond birjasi yoki Tokiyo fond birjasi kabi uyushgan fond birjalaridan birida qimmatli qog‘ozni listingga qo‘yishdan oldin kompaniya bajarishi kerak bo‘lgan shartlar to‘plami” [3].

Yaponiya xalqaro hamkorlik agentligi maslahatchisi, Daiwa tadqiqot instituti izlanuvchisi Akifumi Nakanishi “Osiyoda listing talablari” nomli maqolasida listing talablarini ikki toifaga ajratgan: 1) miqdoriy talablar va 2) sifat talablari. Miqdoriy talablar sirasiga olim so‘nggi ikki yil davomidagi sof foyda miqdorini, ustav kapitaliga qo‘yilgan talablarni, free-float miqdorini hamda aksiyadorlarning maksimal sonini kiritgan bo‘lsa, sifat talablariga biznesning davomiyligi va uzluksizligini, yaxshi korporativ boshqaruvni va ichki nazoratni, sifat menejmenti hamda axborotlarni oshkor qilish kabi omillarni e’tirof etgan [4].

Mamlakatimiz fond bozorini, uning rivojlanish darajasi, unga ta’sir etuvchi omillar, savdo tizimi faoliyati, fond birjasidagi bozorlar va savdo maydonlari tahlillari haqida mahalliy iqtisodchi olimlar va ilmiy izlanuvchilar tomonidan, jumladan, S.Elmirzayev “Xalqchil IPO qanday tashkil etilishi va o‘tkazilishi kerak?” [5], F.T.Muhamedov “Qimmatli qog‘ozlar bozori savdo tizimlarining rivojlanish tendensiyalari tahlili va muammolari” [6], Z.R. Bo‘riboyeva “O‘zbekistonda fond bozorini rivojlantirishdagi muammolar va ularni hal etish yo‘llari” [7] kabi ilmiy maqolalarda turli dolzarb mavzularni o‘zida jamlagan ilmiy

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

izlanishlar olib borgan.

Kapital bozori, qimmatli qog‘ozlar bozori, fond bozori hamda fond birjasi, ularning iqtisodiy mohiyati va ishlash mexanizmi haqida ko‘plab iqtisodchi olimlar o‘z ilmiy maqola va monografiyalarida turli xil dolzarb masalalarni yoritib berishgan. Ammo O‘zbekiston fond bozorida listing talablari va ularni takomillashtirish masalalari iqtisodchi izlanuvchilar tomonidan yetarlicha tadqiq etilmagan. Bu esa mavzuning dolzarbligini ko‘rsatib, fond birjasining aynan listingiga qimmatli qog‘ozlarni kiritish jarayonini, uning talablari hamda to‘lovlarini, shuningdek dual-listingni mahalliy fond birjasida joriy etish imkoniyatlarini atroflicha o‘rganilishini taqozo etadi.

Tahlil va natijalar

Iqtisodiyot va moliya – bu, bir joyda turib qolmaydigan, rivojlanishdan to‘xtamaydigan va har bir siyosiy talofatlar, iqtisodiy inqirozlar yoki uzoq muddatli turg‘unlik davrida jadallik bilan o‘zgarishni talab qiluvchi, butun dunyo miqyosidagi global sohalardir. Ayniqsa butun jahon integratsiyasi jarayoni amalga oshirilayotgan bir paytda ushbu tarmoqlarda sezilarli darajadagi tezlik bilan o‘zgarishlarni amalga oshirish davlat va moliya institutlari oldidagi ulkan vazifalardan biriga aylanib bormoqda. Iqtisodiy islohotlar, moliyaviy o‘zgarishlar fond bozori faoliyatini ham parallel ravishda rivojlantirishni talab etadi. Har bir yangi islohot o‘z ijobiy tomonlari mavjudligiga qaramasdan, yangi risklarni ham yuzaga kelishiga sabab bo’lishi mumkin. Birja kotirovkalash varag‘iga kiritilgan emitent qimmatli qog‘ozlariga talabi mavjud bo‘lgan investorlarni, hamda listingga kirish istagi mavjud emitentlarni bu risklardan himoyalash maqsadida har bir uyushgan birjaviy bozor vakillari listing talablarga tegishli o‘zgartirish va qo‘shimchalarni kiritib borishi zarur.

Shunga ko‘ra, tadqiqotlarimiz natijasida “Toshkent” RFBning listing kategoriyalari va ularga bo‘lgan talablar o‘zgarishini uch fazaga bo‘lib o‘rganish mumkin (1-chizma).

1-chizma.

“Toshkent” RFB lisiting kategoriyalari takomillashtirilishi bosqichlari*

*Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

I faza – listing talablarini o‘zida mujassamlashtirgan birja faoliyatining ilk bosqichi hisoblanadi. Unda listing “A” va “B” toifalarga ajratilgan va “A” eng oliy toifa hisoblangan. O‘sha davrda “A” toifasining ustav kapitaliga talab miqdori 2,00 mlrd so‘mni tashkil etgan. Bank emitentlari qonunchilik va qarorlarga ko‘ra, majburiy tartibda birja kotirovkalash varag‘iga kirgan va banklarga listing talablari qo‘llanilmagan. Keyinroq, toifalar kengaytirilgan va “C” hamda “D” kategoriyalar birja faoliyatida joriy etilgan.

II fazada esa Yagona dasturiy-texnik majmuaning ishga tushirilishi aksiyalar bozori segmentida qimmatli qog‘ozlarni emitentlarning moliyaviy holati va ustav kapitali hajmiga qarab “A”, “B”, “C” va “P” toifalariga bo‘ldi. Bunda ham eng oliy toifa “A” kategoriyasi bo‘lgan va ustav kapitali 16 mlrd so‘mdan kam bo‘lmasligi talabi qo‘yilgan. “P” toifadagi qimmatli qog‘ozlar O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining va/yoki Respublika Vazirlar Mahkamasining qarorlariga muvofiq birja savdosiga qo‘yilgan davlat aksiyalari hisoblanib, ularga nisbatan eng yengil talablar joriy etilgan.

III faza mavjud listing talablarini joriy etilishi bilan boshlangan. Aksiyalar bozorining 4 toifasi o‘rniga, yangi qabul qilingan Nizomga ko‘ra [8], dastlab 2 asosiy toifa – “Premium” va “Standart”, keyinroq listing talabi yengillashtirilgan 3-toifa – “Tranzit” joriy etilgan. Shuni ta’kidlab o‘tish joizki, ushbu 3 toifa talablari ilgarigilariga nisbatan ancha kuchaytirilgan bo‘lib, ushbu talablarning joriy etilishi natijasida birja kotirovkalash varag‘idan bir vaqtning o‘zida 45dan ziyod emitent qimmatli qog‘ozlari delisting qilib yuborilishiga olib kelgan. Ammo buning natijasida bozorning investitsion jozibadorligi oshgan, risklar darajasi kamaygan hamda birja aylanmasida ham ijobiy o‘zgarishlar kuzatilgan.

“Premium” toifasi birja kotirovkalari ro‘yxatining eng oliy toifasi bo‘lib, “Standart” toifasi bilan solishtirganda unga yanada qattiqroq talablar Birja vakillari tomonidan belgilangan.

Shunga ko‘ra, “Premium” toifasiga kirish talablari quyidagilardan iborat:

- emitentning o‘z kapitali hajmi, hujjat birjaga taqdim etilayotgan paytda, 15 mlrd so‘m va/yoki undan ko‘p bo‘lishi zarur;
- emitent aksiyadorlik jamiyati sifatida 5 yildan ko‘p davrda faoliyat yuritgan bo‘lishi zarur;
- ichki audit faoliyati yo‘lga qo‘yilgan bo‘lishi zarur;
- Free-float miqdori 15%dan kam bo‘lmasligi kerak;
- korporativ boshqaruv bo‘limining mavjudligi majburiy;
- moliyaviy hisobotlarni yuritish va Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari (IFRS) yoki GAAP va Xalqaro audit standartlari (ISA) asosida audit o‘tkazish;
- emitent aksiyadorlarining umumiy yig‘ilishi tomonidan tasdiqlangan korporativ boshqaruv kodeksining mavjudligi majburiy;
- aksiyadorlar soni 300tadan kam bo‘lmasligi kerak;
- korporativ veb-saytining mavjudligi majburiy;
- sof foyda miqdori kamida yillik ustav kapitalining 10%dan kam bo‘lmasligi zarur;

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

- dividendlar barqaror ravishda so’nggi 3 yil davomidan sof foydaning kamida 30% miqdorida to‘lanib kelingan bo‘lishi zarur;
- kuzatuv kengashi tarkibida mustaqil a’zo bo‘lishi shart;
- marketmeykerning mavjudligi yoki ushbu qimmatli qog‘ozlar bilan birjada bitimlar tuzilgan savdo kunlari soni o‘tgan yil uchun barcha savdo kunlari sonining kamida 70 foizini tashkil qilishi zarur;
- aktivlar rentabelligi: Krr > 0,1;
- qoplash koeffitsiyenti (to‘lovga qobiliyatlilik): Kpl > 2;
- moliyaviy mustaqillik koeffitsiyenti: Kss > 0,5 shu me’yorlarga rioya qilishi zarur.

“Standart” toifasi uchun kirish talablariga “Premium” toifasiga nisbatan bir muncha yengilroq shartlar qo‘yilgan bo‘lib, ular quyidagilardan iborat:
- emitentning ustav kapitali hajmi, hujjat birjaga taqdim etilayotgan paytda 500 mln so‘m va undan ko‘p bo‘lishi zarur;
- emitentning askiyadorlik jamiyati sifatidagi faoliyati muddati belgilanmagani sababli ushbu toifaga kirish uchun, birja tomonidan ko‘rib chiqish uchun, quyidagi muddatlardagi, yani:
- agar emitent ikki yildan ortiq faoliyat olib borogan bo‘lsa, ikki yil muddatga tuzilgan hujatlar;
- agar emitent ikki yildan kamroq vaqt davomida mavjud bo‘lsa, so’nggi yakunlangan moliyaviy yil uchun hujatlar;
- agar emitent bir yildan kamroq vaqt davomida mavjud bo‘lsa, so’nggi chorak uchun hujjatlar;
- faoliyat muddati ikki yildan kam bo‘lgan emitentlar uchun ijobiy auditorlik xulosasi bilan yakunlangan so’nggi moliyaviy yil uchun ijobiy moliyaviy natija;
- faoliyat muddati kamida bir yil bo‘lgan emitentlar uchun so’nggi yakunlangan moliyaviy chorakdagi ijobiy moliyaviy natija qabul qilinadi;
- aksiyadorlar soni 30tadan kam bo‘lmasligi zarur;
- aorporativ veb-saytining mavjudligi majburiy;
- aktivlar rentabelligi: Krr > 0,1
- qoplash koeffitsienti (to‘lovga qobiliyatlilik): Kpl > 2
- moliyaviy mustaqillik koeffitsienti: Kss > 0,5 bo‘lishi zarur.

“Tranzit” toifasi – bu birja kotirovkalari ro‘yxatining asosiy toifalariga kiritish va joylashtirish talablariga javob bermaydigan emitentlarning aksiyalari uchun maxsus toifa bo‘lib, ushbu toifadagilarga faqat “Main Board” savdo bo‘limi hamda IPO va SPOni amalga oshirishda aksiyalarni joylashtirish bo‘limlarida savdo qilish imkoniyati beriladi. Tranzit toifasiga kirish talablari asosiy toifalarga kira olmaydigan, ammo birja kotirovkalash varag‘ida turishni istagan emitentlar uchun maxsus joriy etilgan bo‘lib, ushbu talablar quyidagilardan iborat:
- ustav kapitali talab qilinmaydi;
- faoliyat muddati ikki yildan kam bo‘lgan emitentlar uchun ijobiy auditorlik xulosasi bilan yakunlangan so’nggi moliyaviy yil uchun ijobiy moliyaviy natija;
- faoliyat muddati kamida bir yil bo‘lgan emitentlar uchun so’nggi

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

yakunlangan moliyaviy chorakdagi ijobiy moliyaviy natija;

- korporativ veb-saytning mavjudligi majburiy.

Listingga kirish talablari bilan bir qatorda birja kotirovkalash varaqasida turish talablari ham mabjud bo‘lib, ushbu talablar faqat “Premium” va “Standart” talablariga joriy etilgan. Ushbu talablar quyidagi 1-jadvalda aks ettirilgan.

1-jadval.

“Premium” va “Standart” toifalarining listingda turish talablari*

T/r	Listingda turish talablari	
	Talab nomi	**Belgilangan talab**
PREMIUM		
1.	Qimmatli qog'ozlarning likvidligi	Market-meykerning mavjudligi yoki ushbu qimmatli qog'ozlar bilan bitimlar tuzilgan savdo kunlari soni "Toshkent" RFBning birja kotirovkalari ro'yxatiga kiritilgan paytdan boshlab o'tgan yil uchun barcha savdo kunlari sonining kamida 70 foizini tashkil qilishi
2.	Emitentning barcha aktivlariga sof tushumning nisbati	Har bir kalendar yili uchun 0,5% dan kam bo'lmasligi kerak
3.	Emitentlar tomonidan dividendlarning so'zsiz hisoblanishini ta'minlash	Ularning sof foydasining kamida 30 foizi
4.	Har bir kalendar yili uchun free-float hajmi	Emitent tomonidan chiqarilgan aksiyalar sonining kamida 15 foizi
5.	Ustav kapitalining hajmiga qarab operatsiyalar hajmi	yillik kamida 0,5 foiz
STANDART		
1.	Har bir kalendar yili uchun listing kompaniyasining qimmatli qog'ozlari bilan birja bitimlarining umumiy soni	100 tadan kam bo'lmasligi kerak
2.	Aksiyadorlar soni	30 aksiyadordan kam bo'lmasligi kerak
3.	Har bir kalendar yili uchun free-float hajmi	Emitent tomonidan chiqarilgan aksiyalar sonining kamida 1 foizi

*” Toshkent” RFB rasmiy veb-sayti ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.

Har bir listing toifasining obro‘si asosan investorlar e’tiborini tortishi hamda qimmatli qog‘ozlarning risklilik darajasiga ko‘ra listing to‘lovlari belgilanadi. Shunga ko‘ra, quyidagi 2-jadvalda listing to‘lovlari miqdori toifalar bo‘yicha ko‘rsatib o‘tilgan.

2-jadval.

Listingga kirish va birja kotirovkalari ro‘yxatida turish uchun to‘lovlar*

T/r	Listing toifasi	To'lov turi	To'lov hajmi	To'lov muddati
1	**PREMIUM**	kirish	$\frac{60BHM}{365} * t^1 + 60BHM$ *(bazaviy hisoblash miqdori)*	Listing payti 1 marotaba
		turish	60 BHM	Yillik
2	**STANDART**	kirish	$30BHM/365 * t^1 + 30BHM$	Listing payti 1 marotaba
		turish	30 BHM	Yillik
3	**TRANZIT**	kirish	$30 * BHM */182 * t^1 + 30 * BHM$	Listing payti 1 marotaba
		turish	30 BHM	Yarim yillik

* “Toshkent” RFB rasmiy veb-sayti ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.

Jadval ma’lumotlari shuni ko‘rsatadiki, birjaning eng oliy toifasi hisoblangan “Premium” hamda qo‘shimcha toifa sifatida kiritilgan “Tranzit” to‘lovlari (yillik hisobda) eng yuqoriligi bilan ajralib turadi. Buning asosiy sababi, “Premium”da aksiyalarga nisbatan investorlarning ishonchi yuqoriligi uning investitsion jozibasini oshirgani hisoblansa, “Tranzit”da qimmatli qog‘ozlarning risklilik darajasi nisbatan yuqoriligi hisobiga, hamda emitentlar “Tranzit” toifasidan “Standart”ga o‘tishga intilishlarini oshirish maqsadida bu to‘lovlar birja va birja regulyatorlari tomonidan belgilangan.

Shu bilan birga, birja foaliyatida listing bilan bir qatorda delisting operatsiyalari ham muhim o‘rinni egallaydi. Listing – emitent qimmatli qog‘ozlarini ma’lum talablar asosida birja kotirovkalash varag‘iga kiritishni o‘z ichiga olsa, delisting – ushbu qimmatli qog‘ozlarni ma’lum sabablarga ko‘ra, kotirovka varaqasidan chiqarib tashlashni anglatadi. Delisting aksiyalarga nisbatan emitent xohishiga ko‘ra, sud qarori asosida emitent bankrot etib topilganda, aksiyadorlik jamiyati o‘z tashkiliy strukturasini mas’uliyati cheklangan jamiyatga o‘zgartirganda, so’nggi 12 kalendar oy ichida axborotni oshkor qilish talablari o‘n yoki undan ortiq buzilganda, qimmatli qog‘ozlar delistingi bo‘yicha asos bo‘ladigan qonun hujjatlarida belgilangan holatlar yuzaga kelganda, emitentning muomaladagi qimmatli qog‘ozlarini qimmatli qog‘ozlar bozorini tartibga soluvchi vakolatli davlat organi tomonidan bekor qilinishi oqibatida, emitent birjaning Nizomida ko‘rsatilgan listingda turish talablariga javob bermay qolganda yoki listing to‘lovlarini belgilangan muddatlarda o‘tkazmaganda, bir necha ogohlantirishlardan keyin amalga oshiriladi. Delisting bo‘lgan qimmatli qog‘ozlar listingdan tashqari savdo maydoniga o‘tkaziladi va ular bilan nobirjaviy uyushgan yoki uyushmagan bozorlarda savdolarni amalga oshirish imkoniyati yaratiladi (agar ma’lum sabablarga ko‘ra, qimmatli qog‘oz savdosi Markaziy depozitariy tomonidan blokirovka qilib qo‘yilmagan bo‘lsa).

O‘zbekiston Republikasi qimmatli qog‘ozlar bozorida listing amaliyotlari yil sayin takomillashtirilib, jahon talablariga mos keladigan darajaga olib chiqish bosqichma-bosqich amalga oshirilib kelinmoqda. Ushbu listing jarayonini yanada rivojlantirish va xorijiy emitent qimmatli qog‘ozlari savdolari mahalliy fond birjada amalga oshirilishi uchun imkoniyat yaratish maqsadida, fikrimizcha, dual-lisiting faoliyati tizimini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish zarur hisoblanadi. Dual-listing deganda kompaniya aksiyalari bir nechta fond birjalarida ro‘yxatga olinadigan holatga aytiladi [9]. Bu shuni anglatadiki, kompaniya aksiyalari bir vaqtning o‘zida bir nechta fond bozorlarida sotiladi. Dual-listing - bu kompaniyalar tomonidan o‘zlarining likvidligini oshirish, kengroq investorlar bazasini jalb qilish va qo‘shimcha kapital manbalariga kirish uchun qabul qilingan strategik qarordir.

Mamlakatimiz fond birjasida ko‘proq listing kompaniyalarini jalb qilish, savdo hajmini ko‘paytirish va ularning global obro‘sini oshirish orqali dual-listingdan foyda ko‘rish, bu esa birja savdo hajmining ham oshishiga va bozor instrumentlari soni ortishiga olib kelishi mumkin. Qolaversa, dual-listing orqali

offshore qimmatli qog‘ozlarni jalb qilish ham mamlakatimiz fond bozori jozibadorligini yanada oshiradi. Offshore qimmatli qog‘ozlar birjaga jahon qimmatli qog‘ozlar bozori qonunlari asosida listingdan o‘tadi va ushbu qonunlar asosida savdolari amalga oshiriladi. Bu orqali xorijiy investorlar e’tiborini tortish imkoniyati ham paydo bo‘ladi.

Umuman olganda, birjalar uchun listing talablari listing kompaniyalarining moliyaviy salomatligi, shaffofligi va boshqaruvini ta’minlovchi muhim mezon bo‘lib xizmat qiladi. Qattiq standartlar investorlarni himoya qiladi va bozor yaxlitligini saqlaydi. Inklyuzivlik va qat’iylikni muvozanatlash, bu talablar birjaga ishonchni kuchaytiradi, sifatli qimmatli qog‘ozlarni jalb qiladi va umumiy bozor barqarorligi va o‘sishiga hissa qo‘shadi.

Xulosa

“Toshkent” RFBning listing talablari fond bozorining samarali faoliyat yuritishini va investorlar manfaatlarini himoya qilishni ta’minlovchi asosiy mexanizmdir. Bu talablar qimmatli qog‘ozlar bozorining shaffofligi, likvidligi va barqarorligini ta’minlashning ishonchli vositasi hisoblanadi. O‘z aksiyalarini “Toshkent” RFBga joylashtirgan tashkilotlar korporativ boshqaruv va hisobot berishning yuqori standartlariga rioya qilishga majbur. Buning sababi:

- birinchidan, bu jarayon investorlarning ishonchini oshirishga yordam beradi va kapitalni jalb qilish uchun qulay muhit yaratadi;
- ikkinchidan, moliyaviy hisobotga qo‘yiladigan talablar, faoliyatning shaffofligini ta’minlash va normativ hujjatlarga rioya qilish kompaniyalarning investitsiya jozibadorligini oshirishga, ularning o‘sishi va rivojlanishini rag‘batlantirishga yordam beradi;
- uchinchidan, investitsion jozibadorlikka erisha olgan emitentlar, investorlar ishonchini qozinish orqali qimmatli qog‘ozlar bozoridan eng qulay va boshqa manbaalarga nisbatan arzon kapitalni jalb qilish imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Shu bilan bir qatorda, O‘zbekiston qimmatli qog‘ozlar bozoriga dual-listingning joriy etilishi mamlakat moliya infratuzilmasini rivojlantirishdagi muhim qadamdir. Ushbu innovatsion mexanizm bozor ishtirokchilari uchun investitsiyalarni jalb qilish, likvidlilikni yaxshilash va shaffoflikni oshirish uchun yangi imkoniyatlar ochadi.

Umuman olganda, O‘zbekiston fond birjasining listing talablari barqaror va jozibador moliya bozorini shakllantirishda, korporativ madaniyatni rivojlantirish va dual-listing amaliyotini joriy etish O‘zbekiston iqtisodiyotining jahon miqyosida raqobatbardoshligini oshirishda muhim o‘rin tuta oladi deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasining 2023 yil 11 sentabrdagi PF-158-sonli “O‘zbekiston — 2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. – https://lex.uz/docs/-6600413

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 24 martdagi PQ-102-sonli “Iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida” qarori. - https://lex.uz/uz/docs/-6417192

3. A. Xeys, J.R.Brown “Listing Requirements: Definition and Criteria for Stock Exchanges” // Investopedia. 2023 yil – http://surl.li/ojkrj

4. Akifumi Nakanishi “Listing Requirements in Asia” hisobot // Japan International Cooperation Agency. 2016 yil – http://surl.li/ojkus

5. S.Elmirzayev “Xalqchil IPO qanday tashkil etilishi va o‘tkazilishi kerak?” // “Moliya bozorini rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari, zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari” mavzusidagi II respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to‘plami. –T.: TDIU 2023. 116-121 betlar

6. F.T. Muhamedov “Qimmatli qog‘ozlar bozori savdo tizimlarining rivojlanish tendensiyalari tahlili va muammolari” // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar Ilmiy elektron jurnali. –T.: TDIU 2020 № 1. 14-18 betlar – https://rb.gy/n6oxal

7. Z.R. Bo‘riboyeva “O‘zbekistonda fond bozorini rivojlantirishdagi muammolar va ularni hal etish yo‘llari” // “Moliya bozorini rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari, zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari” mavzusidagi II respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to‘plami. – T.: TDIU 2023. 81-85 betlar

8. 2020 yil 9 iyundagi 1-sonli “Toshkent” Respublika fond birjasining Birja kotirovkalash varaqasi to‘g‘risidagi” Nizom. – https://uzse.uz/legislations/409

9. W.Kenton, J.Mansa, “What Is a Dual Listing? Uses, Advantages, and Disadvantages” // Investopedia. 2022 yil – http://surl.li/ojlcv

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

FOND BOZORIDA DAVLAT ISHTIROKIDAGI KORXONALAR FAOLYATINING AYRIM JIHATLARI

Axmedov Xasan Ruzibayevich
iqtisodiyot fanlari bo’yicha
falsafa doktori (RhD)
korporativ moliya va qimmatli
qog'ozlar kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: akhmedov0828@gmail.com
ORCID: 0009-0007-5193-4662

Annotatsiya. Maqolada fond bozorida davlat ishtiroki mavjud korxonalar va ular faoliyatining ayrim jihatlari o‘rganilgan. Bugungi kunda fond bozorida davlat ishtiroki mavjud korxonalari faoliyati va ularning ko’rsatkichlari hamda fond bozoridagi ishtiroki “O‘zbekneftegaz” AJ misolida tahlil qilingan. Xususan, “O‘zbekneftegaz” AJning ustav kapitali, aksiyadorlari tarkibi va obligatsiyalar amaliyoti tadqiq qilingan. Davlat ishtiroki mavjud korxonalar va ularning fond bozoridagi faoliyatini o‘rganish asosida tegishli xulosa va takliflar shakllantirilgan.

Kalit so’zlar: davlat korxonalari, fond bozori, obligatsiya, emissiya, aksiya, ustav kapitali, investitsiya.

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ УЧАСТИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ С ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДОЛЕЙ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ

Ахмедов Хасан Рузибаевич
доктор философии (RhD)
по экономическим наукам
доцент кафедры
корпоративных финансов и ценных бумаг
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: akhmedov0828@gmail.com
ORCID: 0009-0007-5193-4662

Аннотация. В статье изучены государственные предприятия и некоторые аспекты их деятельности на фондовом рынке. Деятельность государственных предприятий на фондовом рынке и их показатели, а также их участие в фондовом рынке анализируются на примере АО «Узбекнефтегаз». В частности, были изучены уставный капитал, состав акционеров, операции с облигациями АО «Узбекнефтегаз». На основе изучения государственных предприятий и их деятельности на фондовом рынке сформированы соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: государственные предприятия, фондовый рынок, облигация, выпуск, акция, уставный капитал, инвестиции.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

SOME FEATURES OF THE PARTICIPATION OF COMPANIES WITH A STATE SHARE IN THE STOCK MARKET

Akhmedov Khasan Ruzibaevich
Doctor of Philosophy (RhD)
in Economic Sciences
Associate Professor of the Department of
Corporate Finance and Securities
Tashkent State the University of Economics
E-mail: akhmedov0828@gmail.com
ORCID: 0009-0007-5193-4662

Abstract. In this article, state-owned companies and their participation in the stock market are studied based on the researches of various economists. The activity of state-owned companies in our country and their participation in the stock market are analyzed on the example of JSC “Uzbekneftegaz”. In particular, the authorized capital, composition of shareholders and bond issuing practices of JSC “Uzbekneftegaz” are studied. Relevant conclusions and proposals are formed based on the study of state-owned companies and their participation in the stock market.

Keywords: state-owned companies, stock market, bond, issue, stock, authorized capital, investment.

Kirish

Bugungi kunda iqtisodiyotda korporativ sektor ulushini oshirish, shuningdek, davlat ishtirokini kamaytirish rivojlanayotgan mamlakatlarda hal qilinishi zarur bo‘lgan masalalardan hisoblanadi. Respublikamizda mavjud aksiyadorlik jamiyatlarining aksariyatida davlat ulushi hamda ishtiroki mavjudligini kuzatishimiz mumkin. Aytish kerakki, ushbu korxonalarning hammasida ham investitsion jozibadorligi, moliyaviy natijalari, investitsion faoliyati, shuningdek, fond bozoridagi ishtirokini qoniqarli darajada deb bo‘lmaydi. Raqobatning yetishmasligi, qimmatli qog‘ozlar sotib olishga bo‘lgan talabning pastligi, investitsion jozibadorlikka ega moliyaviy instrumentlar taklifining kamligi mahalliy fond bozorini rivojlanishiga salbiy ta’sir qiluvchi jihatlardan hisoblanadi. Mazkur jihatlarning yuzaga kelishida aksiyadorlik jamiyatlarida davlat ulushining yuqori ekanligi ham rol o‘ynaydi. Bugungi kunda O‘zbekistonda fond bozorini riovjlantirish va aksiyadorlik jamiyatlarining fond bozoridagi ishtirokini oshirish muhim hisoblanadi. Shu sababli davlat ishtiroki mavjud korxonalar va ularning fond bozoridagi ishtirokini kengaytirish masalalarini o‘rganish alohida ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar sharhi

Davlat ishtirokidagi korxonalar mavzusi xorijiy iqtisodchi olimlar, jumladan, xitoylik iqtisodchi olimlar Chuang Lu, Yuhao Niu: “Davlatga qarashli

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

korxonalarda xodimlarning ish haqini oshirish xodimlarning o‘rtacha ish haqiga nisbatan taqqoslash natiajalariga bog‘liq bo‘lishi mumkin, bu esa rag‘batlantiruvchi rol o‘ynamaydi. Shu sababli kelgusida ish haqini isloh qilishda, shuningdek, davlat korxonalarining ishlab chiqarish va faoliyat samaradorligini oshirishda institutsional yordam ko‘rsatilishi zarur” – deya ta’kidlagan holda davlar bevosita ishlab chiqarishni rag’batlantirish yuzasida korxonalarga doimiy ravishda ko’mak berishi lozimligi ta’kidlangan [1].

Xorijiy iqtisodchi olimlardan Rodrigo Wagner o’zing ilmiy maqolalarida davlat ishtirokidagi korxonalar yuzasidan: “Davlat korxonalari ko‘pgina mamlakatlar uchun strategik ahamiyatga ega bo‘lishi mumkin. Siyosiy sabablar yoki amaldagi vaziyatlarga ko‘ra ushbu korxonalarning ba'zilari to‘liq davlat mulki bo‘lib qolishi mumkin. Bunday korxonalarda aksiyalar sotuvining yo‘qligi real bozorga asoslangan baholash qiymatini yuzaga kelishiga to‘sqinlik qiladi. To‘liq davlat egaligidagi korxonalar, ayniqsa, konchilik va bank tizimidagi davlat korxonalarining samaradorligini ta'minlash uchun yangi vositalar va mexanizmlarni ishlab chiqilishi zarur”ligidan kelib chiqqan holda alohida ahamiyat kasb etishini e’tirof etgan [2].

Davlat ishtirokidagi korxonalarni xususiylashtirish yuzasidan xitoylik iqtisodchi olimlar Wencong Li, Xingquan Yang, Xingqiang Yin. O’z ilmiy ishida: “Globallashuv, texnologik taraqqiyot va raqobatning kuchayishi ko‘plab davlat korxonalari uchun sharoitlarni o‘zgartirdi. Binobarin, davlat mulkdor sifatida vaqt o‘tishi bilan kompaniyalar portfelini moslashtirishga majbur bo‘ldi. Davlat korxonalarini rivojlantirish amaliyotiga turli xil yondashuv mavjud bo‘lib, ularning asosiylaridan biri xususiylashtirish amaliyoti hisoblanadi” -deya ta’kidlab o’tgan holda, xususiylashtirish jarayoni bevosita davlat ishtirokidagi korxonalarda raqobatni ta’minlashga xizmat qilishi ta’kidlangan [3].

Yevropalik iqtisodchi olimlardan José E.Farinós, C. José García, Ana MaIbáñez.ning tadqiqotida: “Jahon miqyosida davlat korxonalarini xususiylashtirish nazariy va empirik nuqtai nazardan keng o‘rganilgan, chunki bunday faoliyat siyosatchilar, investorlar, iste'molchilar va ishchilarni o‘z ichiga oladi. Umuman olganda, davlat korxonalarini xususiylashtirishda davlat daromadlarini oshirish, iqtisodiy samaradorlikni oshirish, davlatning iqtisodiyotga aralashuvini kamaytirish, aksiyalarga egalik huquqini kengaytirish, raqobatni joriy etish imkoniyatini ta'minlash, davlat korxonalarini bozor intizomiga bo‘ysundirish va milliy kapital bozorini rivojlantirish kabilar asosiy maqsadlar hisoblanadi” – deyilgan [4]. Bundan xulosa qilish mumkinki, xususiylashtirish jarayonida davlar daromadlari ortishi, shu bilan birga strategik ahamiyatga ega korxonalarni boshqarish yuzasidan doimiy nazoratni amalga oshirishi ham maqsadga muvofiq hisoblanadi.

O’zbek iqtisodchi olimlaridan S.Elmirzayevning ko’rsatishicha “Davlat ishtirokidagi korxonalarda davlat ushbu korxona va ularning qimmatli qog‘ozlari bilan bog‘liq bir qancha vazifalarni, jumladan:

- aksiyadorlik jamiyati ovoz beruvchi aksiyalariga to‘liq egalik qilish;

- aksiyadorlik jamiyatlari aksiyalar nazorat paketiga egalik qilish;
- aksiyadorlik jamiyati ustav kapitalida ma’lum bir ulushga egalik qilish;
- oltin aksiya amaliyotini joriy etish” – lozimligini ta’kidlagan holda yuqoridagi jihatlarning har biri alohida e’tibor qaratilishi aksiyadorlik jamiyatlarida samaradorlikni ta’minlashga xizmat qilishi qayd etilgan [5].

Davlat ishtirokidagi korxonalar faoliyatining xorij tajribasi yuzasidan O. Nazirov o’z ilmiy maqolasida: “Iqtisodiyotda davlatning mavjudligi davlatning mamlakat kapital bozoridagi ulushini bevosita aks ettiradi” deb, davlat tadbirkorlik, qurilish va qishloq xo‘jaligini qo‘llab-quvvatlash dasturlari doirasida kredit portfelini sog‘lomlashtirishda bilvosita ishtirok etishini, nisbatan kichik va yomon diversifikatsiyalangan iqtisodiyotda banklar uchun muhim va barqaror moliyaviy resurslarni olish qiyin ekanligini ham ta’kidlaydi [6].

Yuqoridagi olimlarning fikr-mulohazalarini inobatga olgan holda shuni ta’kidlashimiz lozimki, davlat ishtiroki mavjud korxonalarining fond bozoridagi faolligini oshirish hamda bu orqali korxonani rivojlantirish va xususiylashtirish masalariga e’tibor qaratish muhim hisoblanadi.

Tahlil va natijalar

O‘zbekistonda davlat aktivlarini boshqarish masalalari O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi tomonidan tartibga solinadi. Mazkur agentlik ma’lumotlariga ko‘ra, bugungi kunda mamlakatimizda 2240 ta davlat ulushiga ega korxonalar, shu jumladan, 867 ta davlat korxonasi, 225 ta aksiyadorlik jamiyati va 1148 ta mas’uliyati cheklangan jamiyati mavjud [7]. Aksiyadorlik jamiyatlarida davlat ulushini tahlil qiladigan bo‘lsak, bugungi kunda Respublikamizda 606 ta aksiyadorlik jamiyati mavjud. Demak, mavjud aksiyadorlik jamiyatlari sonining 37 foizdan ortig‘ida yoki jami aksiyadorlik jamiyatlari ustav kapitalidagi ulushi bo‘yicha solishtirsak, 80 foizdan ortiq kapital davlatga tegishli ekanligini ko‘rishimiz mumkin [8]. Mamlakatimizdagi aksiyadorlik jamiyatlari tarkibida davlat ulushining yuqoriligi bugungi kunda fond bozori rivojlanishiga to‘sqinlik qilayotgan jihatlardan biri hisoblanadi. Davlat ulushini qisqartirish va fond bozorini rivojlantirish maqsadida davlat ulushi mavjud korxonalarning fond bozorida faolligini oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Davlat korxonalarining fond bozoridagi ishtirokini tahlil qilish maqsadida quyida davlat korxonasi sifatida “Uzbekneftegaz” AJning fond bozoridagi ishtirokiga to‘xtab o‘tamiz.

1-jadval.

“Uzbekneftegaz” AJ aksiyadorlik kapitali tahlili*

t\r	Aksiyadorlar tarkibi	Ulushi, foizda	Jami aksiyadorlar soni			Aksiya nominal qiymati, so‘m	Jami aksiyalari soni	Aksiyalar chiqarilishi hajmi (mln. so‘m)
			Yuridik shaxslar	Jismoniy shaxslar	Xorijiy investorlar			
1.	Davlat	99,94	30	57 497	177	500	42 486 946 702	21 243 473,35
2.	Xorijiy aksiyadorlar	0,05						
3.	Boshqa aksiyadorlar	0,003						

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

*“Uzbekneftegaz” AJ rasmiy veb-sayti ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan

“Uzbekneftegaz” AJning ustav kapitaliga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, ustav kapitalining 99,94 foizi davlat egaligida, 0,05 foizi boshqa aksiyadorlar va 0,003 foizi xorijiy aksiyadorlarga tegishli ekanligini ko‘rishimiz mumkin (1-jadval).

2-jadval.

“Uzbekneftegaz” AJ tomonidan chiqarilgan yevroobligatsiyalar tahlili*

t\r	Asosiy axborotlar	Ko‘rsatkichlar
1.	Emitent nomi	“Uzbekneftegaz” AJ
2.	Tashkilotchi menejerlar	Bank GPB International S.A. (Gazprombank) Citigroup Global Markets Limited J.P. Morgan Securities plc MUFG Securities EMEA plc
3.	Taklif etilgan qimmatli qog‘ozlar hajmi	700 mln. AQSh dollari
4.	Sanasi	16.11.2021
5.	Foiz stavkasi	4,75%
6.	Davri	7 yil
7.	Ishonchli vakil	BNY Mellon Corporate Trustee Services Limited
8.	Asosiy to‘lov bo‘yicha agent	The Bank of New York Mellon, London filiali
9.	Ro‘yxatga oluvchi va transfer agent	The Bank of New York Mellon SA/NV, Dublin filiali

*“Uzbekneftegaz” AJ rasmiy veb-sayti ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan

Jadval ma’lumotlaridan ma’lum bo’ladiki, “Uzbekneftegaz” AJ 2021-yil noyabr oyida chiqarilgan yevroobligatsiyalarini London fond birjasiga joylashtirib, 700 mln AQSh dollari qiymatidagi kapital jalb qilishga muvaffaq bo‘lgan. Ta’kidlash lozimki, yevroobligatsiyalarning yillik foiz stavkasi dastlab belgilangan 5 foizdan 4,75 foizga pasaytirishga erishilgan.

3-jadval.

“Uzbekneftegaz” AJ tomonidan chiqarilgan yevroobligatsiyalar emissiyasida tashkilotchi menejerlar ishtiroki*

t\r	Tashkilotchi menejerlar	Yevroobligatsiyalarning asosiy to‘lov miqdori
1.	Bank GPB International S.A. (Gazprombank)	175 mln. AQSh dollari
2.	Citigroup Global Markets Limited	175 mln. AQSh dollari
3.	J.P. Morgan Securities plc	175 mln. AQSh dollari
4.	MUFG Securities EMEA plc.	175 mln. AQSh dollari

*“Uzbekneftegaz” AJ rasmiy veb-sayti ma’lumotlari asosida muallif tomonidan

tayyorlangan.

“Uzbekneftegaz” AJ 4 ta bank, ya’ni Bank GPB International S.A. (Gazprombank), Citigroup Global Markets Limited, J.P. Morgan Securities plc va MUFG Securities EMEA plc. bilan tashkilotchi menejerlar sifatida 2021-yil 12-noyabrda shartnoma imzoladi. Unga ko‘ra, mazkur ishtirokchilar bir xil miqdorda, ya’ni 175 mln AQSh dollari miqdorida majburiyat olganligini ko‘rishimiz mumkin (3-jadval).

1-diagramma

Davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlari soni, dona (27.10.2023 y.)



*O‘zbekiston Respublikasi Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi rasmiy sayti ma’lumotlari asosida tuzildi

1-diagrammada davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlari soni tahlil qilinganda O‘zbekistonda 2023-yil oktyabr holatiga ko‘ra 620 ta aksiyadorlik jamiyati mavjud bo‘lib, shundan 241 ta aksiyadorlik jamiyatlarida davlat ishtiroki mavjud ekanligini ta’kidlash lozim. Shuningdek, 134 ta aksiyadorlik jamiyatlarida xo‘jalik boshqaruv organlari ulushi mavjud [9].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Kapital bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6207-sonli farmonida aks ettirilgan 2021-2023-yillarda kapital bozorini rivojlantirish dasturini amalga oshirish bo’yicha maqsadli ko‘rsatkichlar ijrosi ta’minlandi hamda fond bozori va undagi moliyaviy instrumentlar faoliyati samaradorligi natijasida davlat korxonalarining fond bozoridagi faoliyatini kengayganligini ta’kidlash lozim.

Xulosa

Davlat ishtiroki mavjud korxonalarning fond bozoridagi ishtirokini o‘rganish asosida quyidagi xulosalarni shakllantirish mumkin mumkin.

1. Davlat ishtiroki mavjud korxonalarning iqtisodiyotdagi yuqori ulushi iqtisodiy rivojlanishni sekinlashishiga olib keladi. Bunday vaziyatda davlat tomonidan iqtisodiyotda o‘z ulushini qisqartirish, ya’ni xususiylashtirish chora-

tadbirlari amalga oshirilishi lozim. Xususiylashtirish amaliyotini fond bozori orqali amalga oshirilishi ko‘p tomonlama foydali bo‘ladi. Bunda korxonalar xususiylashtirilishidan tashqari fond bozorini rivojlantirish, fond bozori ishtirokchilari tarkibini kengaytirish, korxonalarga katta hajmda kapital jab qilish kabi ijobiy natijalarga erishish mumkin.

2. Davlat ishtiroki mavjud korxonalar tomonidan mahalliy va xalqaro fond bozorlariga obligatsiyalar joylashtirilishi davlat korxonalari faoliyatini kengaytirish va yangi loyihalarni amalga oshirish uchun arzon va katta hajmdagi moliyaviy resurslar jalb qilish imkonini beradi. Qolaversa, bunday amaliyotlar orqali davlat korxonalarining investitsion jozibadorligi oshadi hamda korxonaning bozor qiymati o‘sadi. Shuningdek, xalqaro fond bozoridagi ishtirok xorijiy investorlarni jalb qilish imkonini beradi.

3. Davlat ishtiroki mavjud korxonalarning fond bozoridagi faoliyatini kengaytirish orqali aholining fond bozoridan oladigan qo‘shimcha daromadini shakllantirishga, aholi qo‘lidagi bo‘sh pul mablag‘larini iqtisodiyotga jalb qilsishga ham imkon yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Chuang Lu, Yuhao Niu. Do companies compare employees’ salaries? Evidence from stated-owned enterprise group. // China Journal of Accounting Research, Volume 15, Issue 3, September 2022. – P. 20. – https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1755309122000326

2. Rodrigo Wagner. Can the market value state-owned enterprises without privatizing them? An application to natural resources companies. // Resources Policy, Volume 59, December 2018, – P. 282-290 – https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0301420717306633

3. Wencong Li, Xingquan Yang, Xingqiang Yin. Non-state shareholders entering of state-owned enterprises and equity mispricing: Evidence from China. // International Review of Financial Analysis, Volume 84, November 2022

4. José E. Farinós, C. José García, Ana MaIbáñez. Operating and stock market performance of state-owned enterprise privatizations: The Spanish experience. // International Review of Financial Analysis, Volume 16, Issue 4, 2007, Pages 367-389.

5. Elmirzayev S.E. Zamonaviy korporativ boshqaruv. – T.: Iqtisod-moliya, 2019. – 416 b.

6. Нарзиев О. С. Россияда ва Қозоғистонда давлат корхоналари улуши ва унинг капитал бозорига таъсири. // International journal of philosophical studiesand social sciences. – 142 b. http://ijpsss.iscience.uz/

7. https://davaktiv.uz/uz/corporate

8. http://openinfo.uz/uz/issuers/?page=13&page=12&page=13

9. https://uzcsd.uz/financialReport

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

FOND INDEKSLARINI HISOBLASH USULLARINING MILLIY IQTISODIYOTDAGI AHAMIYATI

Karimov Akramjon Ikromjon o‘g‘li
iqtisodiyot fanlari bo'yicha
falsafa doktori (PhD)
korporativ moliya va qimmatli
qog‘ozlar kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: a.karimov@tsue.uz
ORCID: 0000-0001-9426-8777

Annotatsiya. Maqolada milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda fond bozoriga institutsional va individual investorlarni keng jalb etishda fond indekslarining ahamiyati, ularni hisoblash metodlari, vazifalari keltirib o`tilgan. Shuningdek, fond birjalari savdolarida fond indekslarining ko`tarlishi yoki pasayishiga ta’sir etuvchi omillar tahlil etilgan, milliy fond indekslarimizning joriy holati o`rganilib chiqilgan hamda tegishli takliflar shakllantirilgan.

Kalit so‘zlar: milliy iqtisodiyot, fond birjasi, aksiya, obligatsiya, investor, yillik daromadlilik, emitent, emissiya, fond indeksi, birjaviy indeks, investitsiya, fundamental tahlil, texnik tahlil, bozor kapitallashuvi.

МЕТОДЫ РАСЧЕТА ФОНДОВЫХ ИНДЕКСОВ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

Каримов Акрамджан Икрамджан оглы
доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
доцент кафедры корпоративных
финансов и ценных бумаг
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: a.karimov@tsue.uz
ORCID: 0000-0001-9426-8777

Аннотация. В статье исследуются особенности фондовых индексов, методов их расчета, функций и задач в условиях роста национальной экономики, анализируется их роль в привлечении институциональных и индивидуальных инвесторов на фондовый рынок. Также рассмотрены факторы, влияющие на повышение или понижение фондовых индексов при биржевой торговле, изучено текущее состояние национальных фондовых индексов и сформулированы соответствующие предложения.

Ключевые слова: национальная экономика, фондовая биржа, акция,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

облигация, инвестор, годовая доходность, эмитент, выпуск, фондовый индекс, фондовые индексы, инвестиции, фундаментальный анализ, технический анализ, рыночная капитализация.

METHODS FOR CALCULATING STOCK INDICES IN THE NATIONAL ECONOMY

Karimov Akramjon Ikromjon ugli,
Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences
Associate Professor of
the Department of Corporate
finance and securities
Tashkent State the University
of Economics
Email: a.karimov@tsue.uz
ORCID: 0000-0001-9426-8777

Abstract. The article examines the features of stock indices, methods of their calculation, functions and tasks in the context of the growth of the national economy and analyzes their role in attracting institutional and individual investors to the stock market. The factors influencing the increase or decrease of stock indices during exchange trading were also studied, the current state of our national stock indices was studied and appropriate proposals were formulated.

Keywords: national economy, stock exchange, share, bond, investor, annual return, issuer, issue, stock index, stock indices, investment, fundamental analysis, technical analysis, market capitalization.

Kirish

Fond indekslari orqali milliy kapital bozorlaridagi moliyaviy instrumentlar narxlarining o‘sishi yoki pasayishi yuzasidan tezkor ma’lumotlarga ega bo‘lish mumkin bo‘lib, uning dinamik o‘zgarishiga iqtisodiyotdagi mahalliy va xorijiy investrolarning faollik darajasi ta’sir o‘tkazadi. Moskva fond birjasining indeksi IMOEX indeksi eng quyi qiymati 2078,58 rubl va eng yuqori qiymati 3287,34 rubl yoki 158,15 foizga o‘zgargan. Shuningdek, 2023-yilda “Toshkent” RFBsidagi UCI indeksi 482,01 so‘mdan 763,03 so‘mgacha ko‘tarilgan [7]. Ushbu jihatlarni olib qaraydigan bo‘lsak, milliy iqtisodiyotda investorlarning faolligini oshirishda fond indekslarini asosiy ko‘rsatkich sifatida e’tirof etsak bo‘ladi.

O‘zbekiston Respublikasida investitsiyaviy jozibadorligini yanada oshirish va qimmatli qog‘ozlar bozorini jadal rivojlantirish doirasida mamlakatimizda 250 mlrd AQSH dollarlik investitsiyalarni o‘zlashtirish, jumladan 110 mlrd AQSH dollar xorijiy investitsiyalar va 30 mlrd AQSH dollar davlat-xususiy sheriklik doirasidagi investitsiyalarni jalb qilish, erkin muomaladagi qimmatli qog‘ozlar savdolari hajmini 8 mlrd dollarga yetkazish, umumiy qiymati 150 mlrd AQSH

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

dollarlik 500 dan ziyod strategik ahamiyatiga ega bo‘lgan texnologik va infratuzilmaviy loyihalarni amalga oshirish, hududlarning investitsion reytingini yuritish, har bir hududning imkoniyatlaridan kelib chiqib, uning investorlar uchun jozibadorligini yanada oshirish kabi vazifalar belgilab olingan [1]. Ushbu vazifalarni amalga oshirishda kapital bozorida investitsion faollikni kuchaytirishda tarkibida yuqori daromadga va likvidlilikga ega bo‘lgan fond indekslarini, ETF va boshqa moliyaviy instrumentlar sonini ko‘paytirish dolzarb ahamiyatga ega masala hisoblanadi.

Adabiyotlar sharhi

Kapital bozorida investorlarning faolligini oshirishda fond indekslarining o‘rni, fond bozorida mavjud fond indekslariga ta’sir etuvchi omillar, aksiylar savdosida fond indekslarining ahamiyati, ETFlarni savdosi, investitsion fond indekslari bo‘yicha juda ko‘plab xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlar keng qamrovli ilmiy tadqiqotlar olib bormoqdalar. Xususan, xorijlik iqtisodchi olomlardan Ju-Jie Wang, Jian-Zhou Wang, Zhe-George Zhang, Shu-Po Guolar o‘zlarining ilmiy tadqiqotlarida [2] ESM, ARIMA, BPNN va PHM modellari orqali Shenzhen Integrated Index (SZII) va Dow Jones Industrial Average Index (DJIAI) indekslarini tahlil etganlar. Covid-19 global pandemiyasining dunyo iqtisodiyotiga va fond indekslariga ta’sirini iqtisodchilardan Parag Verma, Ankur Dumka, Anuj Bhardwaj, Alaknanda Ashok, Mukesh Chandra Kestwal, Praveen Kumarlar o‘zlarining ilmiy ishlarida ko‘rib chiqqanlar. Aksiyalar bozorida turli fond indekslarining o‘zgarish dinamikasini hamda investorlarga ushbu holatning ahamiyati bo‘yicha xorijlik iqtisodchilardan P.N. Afego, R. Tsaih, Y. Hsu, C.C. Lai, P. Giot, E. Katmas, N.A. Indarningsih, Xiaojie Xu, Yun Zhang, W. Marquering, M. Verbeek nazariy-amaliy tadqiqotlarni olib borganlar [3].

MDH davlatlarida faoliyat olib boruvchi iqtisodchilardan D.A. Gersekovich, R.V. Babushkin, V.I. Zorkalsev, N.P. Sherstyankina, A.N. Malyarov, Y.A. Gerasimovalarning fond indekslari bo‘yicha ilmiy-amaliy tadqiqotlarini alohida qayd etish joizdir[4].

Yurtimiz iqtisodchi olimlaridan Sh.Sh. Shoxa’zamiy, S. Elmirzayev, N. Shavkatov, N. Sherkuziyeva, D. Abduraximova, S. Omonov, M. Eshov, A. Xujamurodovlar fond bozorida aksiyalar savdosi va fond indekslarining iqtisodiy mohiyati bo‘yicha fikr va mulohazalarni o‘zlarining ilmiy tadqiqotlarida aks ettirganlar [5].

Tahlil va natijalar

Kapital bozori o‘zining iqtisodiy imkoniyatlari va jozibasi bilan barcha darajadagi investorlarni o‘ziga jalb etadi. Bunda har bir investor fond bozoridagi ma’lumotlarni tez va ishonchli ravishda olishga harakat qiladi hamda bunda fond indekslari juda qulay vosita sifatida namoyon bo‘ladi. Iqtisodiy nashrlarda qayd etilganidek, fond indeksi – bu qimmatli qog‘ozlarning ma’lum bir guruhi – “indeks savati” narxlari asosida hisoblangan kompozit indeksdir. Indeksni hisoblashda

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

uning boshlang‘ich qiymati narxlar yig‘indisi bo‘lishi yoki ixtiyoriy raqamga tenglashtirilishi mumkin. Taqqoslashni ta’minlash uchun narxlar ko‘pincha qo‘shimcha omillar bilan ko‘paytiriladi.

Fond indeksi – bu qimmatli qog‘ozlar bozori holatini baholash ko‘rsatkichi bo‘lib, sodir bo‘layotgan makroiqtisodiy jarayonlarni kompleks ifodalaydi. Iqtisodiyotda inqirozlar sodir bo‘lsa, uning miqdori pasayadi. Iqtisodiy o‘sish davrida esa uning miqdori ortib boradi. Shuning uchun fond indekslarini barcha mamlakatlarda iqtisodiyot holatini umumlashgan miqdoriy ko‘rsatkichlari deb qabul qilingan [6]. Fond indeksiga yaqin bo‘lgan «exchange-traded fund» (ETF) tushunchasi mavjud bo‘lib, u investitsion fondlar tomonidan tashkillashitirilgan turli moliyaviy instrumentlardan iborat bo‘lgan portfelni o‘z ichiga oladi.

Bizning fikrimizcha, fond indekslari orqali investorlarga axborotlar qulay va tushunarli tarzda yetkaziladi. Fond indeksi – bu o‘zida bir qancha qimmatli qog‘ozlarning kunlik o‘zgarish dinamikasini ifodalovchi, tarkibi fond birjalari yoki boshqa tashkilotlar tomonidan yaratilgan axborot ko‘rinishidagi ko‘rsatkich hisoblanib, investorlarning faollik darajasiga doimiy ravishda ta’sir etadi yoki ta’sirida bo’ladi.

Kapital bozorida fond indekslarini hisoblash bir qator jarayonlarni, xususan, fond indeksi ma’lumotlar bazasini shakllanitirish va doimiy ravishda ma’lumot berib borishni talab etadi. Odatda, barcha fond indekslarining qiymati fond birjasida tanlangan aksiyalarning o‘rtacha qiymatidan kelib chiqgan holda hisoblanadi (1-chizma). Iqtisodiy adabiyotlarda eng keng tarqalgan usullar sifatida indeksni ishlab chiquvchilar quyidagi usullardan foydalanishadi[19]: oddiy o‘rtacha arifmetik usul; o‘rtacha geometrik usuli; o‘rtacha tortilgan arifmetik usul.

1- chizma.

Fond indekslarini hisoblash usullari*



*http://www.ereport.ru/articles/indexes/findex.htm ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi

Ushbu usullarda fond indekslarini hisoblash amaliyotlarini birma bir ko‘rib chiqamiz:

1. Oddiy o‘rtacha arifmetik usul

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

$$J = \frac{\sum P_i}{N},$$

bunda J – indeks; P_i – bir dona; i – kompaniya aksiyasining narxi;
N – bo‘luvchi, indeks boshlanish holatidagi kompaniyalar miqdori.

Fond indekslarni hisoblashda o‘rtacha arifmetik usul eng oddiy va soddaligi bilan ajralib turadi. Ushbu usulda AQSh fond bozoridagi mashxur fond indekslari, xususan NYSEdagi Dou-Djonsa (DJIA) fond indeksi qiymati hisob kitob qilinadi:

$$\text{DJIA} = \frac{\sum P_i}{D},$$

bunda, DJIA – indeks; P_i – bir dona; i – kompaniya aksiyasiтшшп narxi; D – bo‘luvchi, indeks boshlanish holatidagi kompaniyalar miqdori. Ushbu usulning oddiy hisob kitob orqali amalga oshirilishi, bozor tebranishiga tezkor munosabat bildirish va qo‘shimcha chiqarilgan aksiyalar bo‘yicha hisob kitobning aniqliligi uning afzalliklaridir.

DOW JONES INDUSTRIAL AVERAGE (DJIA) indeksning investorlarning diqqat e’tiborida bo‘lib, so‘nggi 10 yilda muntazam ravishda o‘sib kelgan (1-diagramma).

1-diagramma.

DOW JONES INDUSTRIAL AVERAGE (DJIA)ning keyingi 10 yillik indeksi, AQSH dollarida*



*https://www.nyse.com/quote/index/DJI ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi

Diagrammada NYSE fond birjasida Dow jones industrial average (DJIA) indeksning 2014-2023-yillardagi dinamik o‘zgarishi berilgan. Xususan, 2015-

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

yilning 1-yanvar holatiga DJIA indeksning qiymati 17164,95 AQSH dollarini tashkil etgan bo‘lsa, 2024-yilning 1-yanvariga kelib 38150,30 AQSH dollarlik qiymatga erishgan. Shuningdek, diagrammada Bollinger Bands indekatori qo‘shilgan bo‘lib, ushbu indikator grafikdagi chiziqlar indeksning joriy bosqichining tendentsiyasi va o‘zgaruvchanligini hisobga olgan holda narxlarning o‘zgarishi yo‘nalishi va diapazonini ko‘rsatadi. Bollinger Bands indikator uchta chiziqdan iborat: harakatning asosiy yo‘nalishini tavsiflovchi o‘rtadagi harakatlanuvchi(sariq rangda) o‘rtacha va har ikki tomonda narxlar jadvalini cheklaydigan va uning o‘zgaruvchanligini tavsiflovchi ikkita chiziq (qizil va yashil ranglarda). Tahlil etish jarayonida indeks uchun tezkor volatilnilik ko‘rsatkichi (ko‘k rangda) ham ko‘rsatib o‘tilgan bo‘lib, DJIA indeks uchun uning eng yuqori qiymati 05.01.2020 yilga to‘g‘ri kelgan.

Fond indekslarini hisoblashda o‘rtacha arifmetik usulga yaqin usul sifatida aksiyalar narxining o‘sish dinamikasiga bog‘liq bo‘lgan o‘rtacha arifmetik usulni keltirib o‘tishimiz mumkin. Ushbu usul orqali fond bozori indekslarining qiymati aksiyalar narxining o‘sishi bilan xamohang tarzda hisob-kitob qilib boriladi. Uning hisoblash formulasi quyida keltirilgan:

$$I_p^{rt} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n} P_i^{rt} \ ,$$

bunda, I_p^{rt} – yig‘ma indeks;

n – kompaniyalar miqdori;

P_i^{rt} – aksiya bozor bahosining o‘sish dinamikasi.

Ushbu formula orqali fond indeksini hisoblashda aksiyalarning o‘sish dinamikasiga katta e’tibor qaratiladi.

NASDAQ, NYSE, Toronto, American Stock Exchange kabi amerika fond bozorlarida ishtirok etuvchi 1700ta kompaniyalar yig‘masidan tashkil topgan fond indeksi: Value Line Composite Arithmetic Index ushbu usul orqali hisoblanib, 1982-yilda Kansas City Board of Trade (KCBT) tashkiloti tomonidan yaratilgan hamda u quyidagicha ifodalanadi [6]:

$$I_p^{rt} = \frac{\sum_{i=1}^{n} P_i^{rt} \times k_i^0}{\sum_{i=1}^{n} k_i^0} \ ,$$

Bunda, I_p^{rt} – yig‘ma indeks;

n – kompaniyalar miqdori;

P_i^{rt} – aksiya bozor bahosining o‘sish dinamikasi;

k_i^0 – aksiyalar turining miqdori.

Ushbu usulning afzalligi, uning aksiyalar narxining o‘zgarish dinamikasini hisobga olishi va alohida kotirovkalash zarur emasligidadir. Shuningdek, aksiyalar narxining o‘sish dinamikasiga bog‘liq bo‘lgan o‘rtacha arifmetik usulning kamchiligi kompaniyalarning fond indeksini hisoblashda ularning nisbiy og‘irligi hisobga olinmagan, ya’ni indeks tarkibidagi kapitallashuv kichik kompaniyalar aksiyalari narxining yirik o‘zgarishi katta kompaniyalardek bir xilda fond indeksi

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

dinamikasiga ta’sir ko‘rsatadi va ushbu jihat noaniqlikni keltirib chiqaradi.

3-diagramma.

NYSE COMPOSITE (DJ) NYA so‘nggi 10 yillik indeksi, AQSH dollarida*



*https://www.nyse.com/quote/index/NYA ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Diagrammada NYSE Composite indeksning so‘nggi 10 yillik ko‘rsatkichi taqdim etilgan bo‘lib, ushbu indeks dunyodagi eng mashhur fond indekslaridan biridir. U Nyu-York fond birjasida sotiladigan barcha qimmatli qog‘ozlar narxlaridagi o‘zgarishlarni aks ettiradi, uning tarkibiga Qo‘shma Shtatlar va xorijda ro‘yxatga olingan, umumiy kapitallashuvi 20 trln dollardan ortiq bo‘lgan 2000 dan ortiq yirik kompaniyalar kiradi.

2. O‘rtacha geometrik usul. Ushbu usul orqali fond indeksi tarkibiga kiruvchi aksiyalarni o‘rtacha geometirik qiymati aniqlanadi.

$$J = \sqrt[n]{J_1 \cdot J_2 \cdot J_3 \cdot J_4 \cdot \dots \cdot J_n},$$

bunda, J – yig‘ma indeks; J_1, J_2, J_3, J_4 – kompaniyalar aksiyalarining narxi o‘sish darajasi (individual indekslar); n – kompaniyalar miqdori.

Fond indekslari qiymatini aniqlashda o‘rtacha geometrik usulda fond indeksiga kirgan xar bir kompaniyaning aksiya narxi kunlik o‘zgarish asosida olinib, individual indekslar to‘plamidan kelib chiqib hisoblanadi.

Shuningdek, o‘rtacha geometrik usulning aksiyalar narxi o‘zgarishga qarab aniqlanuvchi fond indeksini hisoblash usuli quyidagicha:

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

$$I_p^{rt} = \sqrt[n]{\prod_{i=1}^{n} P_i^{rt}},$$

bunda, I_p^{rt} – yig‘ma indeks; n – kompaniyalar miqdori; P_i^{rt} – aksiya bozor bahosining o‘sish dinamikasi.

Ushbu hisoblash usuli orqali tarkibiga 1700 ta yirik va o‘rta toifadagi kompaniyalar kiruvchi Value Line Composite Geometric Index hamda FT 30 (Financial Times Industrial Ordinary Share Index) fond indekslarini aniqlashda foydalaniladi.

4-diagramma.

S&P 500 INDEX ($SPX) indeksning so‘nggi 10-yillik ko‘rsatkichi, AQSH dollari *



*https://www.nyse.com/quote/index/SPX ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

3. O‘rtacha tortilgan arifmetik usul orqali fond indeksini hisoblash. Ushbu usul orqali yig‘ma fond indeksini hisoblashda kompaniyalar aksiyalarining umumiy miqdori va ularning kapitallashuv darajasi inobatga olinadi. Kompaniya aksiyalarining kapitallashuvi yoki bozor kapitallashuvi deyilganda kompaniya umumiy aksiyalarining miqdorini bozor narxiga ko‘paytirilgani bilan topilgan qiymatga aytiladi.

O‘rtacha tortilgan arifmetik usuli orqali fond indeksini hisoblash quyidagi formula asosida hisob kitob qilinadi:

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

$$J = \frac{\sum_{i=1}^{n} P_i^1 \times Q_i^1}{\sum_{i=1}^{n} P_i^0 \times Q_i^0} \times K,$$

Bunda, P_i^0 va P_i^1 – kompaniyaning joriy va hisobot davridagi aksiyasi narxi;

Q_i^0 va Q_i^1 – kompaniyaning joriy va hisobot davridagi aksiyalari miqdori;

i = 1, 2, 3, 4 …, n – tanlangan kompaniyalar miqdori;

K – indeksning bazaviy qiymati.

AQShda o‘rtacha tortilgan arifmetik usul orqali tarmoq va yig‘ma indekslardan «Standart and Poors» («S&R»), Nyu-York fond birjasi yig‘ma indeksi, NASDAQ tizimi indekslari, Amerika fond birjasi indekslari, «Uilshir-5000» («Wilshire 5000») fond indekslarining qiymati aniqlanadi. Shuningdek, Buyuk Britaniyada «FT-SE 100», indeks «FT-250» («FT-SE Mid 250»), «FT-350» fond indekslari, Germaniyada «DAX», «CDAX»; «DAX-100», Fransiyada «SAS», «SAS-40», «SAS General», Yaponiyada «TOPIKS» (TOPIX) fond indekslarini hisob-kitob qilishda foydalaniladi.

5-diagramma.

FTSE 100 indeksning so‘nggi 10-yillik ko‘rsatkichi, funt sterlingda*****

https://www.londonstockexchange.com/indices/ftse-100 ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Diagrammada FTSE 100ning so‘nggi 10-yillik indeksi keltirilgan bo‘lib, 2014-yil yanvar oyida indeks 6510,44 funt sterling va Bollinger Bands indekatori mos ravishda 6989.89, 5448.38, 6231.16 qiymatlarni ifoda etgan bo‘lsa, 2023-yilning dekabr holatiga 7733.24 funt sterling va Bollinger Bands indekatori mos ravishda 7906.26, 7050.66, 7494.05 qiymatlarga erishgan. FTSE 100 indeksning so‘nggi 10 yillikdagi eng quyi qiymati 4898.79 ni, eng yuqori qiymati 8047.06 ni

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

tashkil etgan.

6-diagramma.

IMOEX indeksning so‘nggi 10-yillik ko‘rsatkichi, rublda*



*https://www.moex.com/ru/index/IMOEX/technical ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Diagrammada IMOEXning so‘nggi 10-yillik indeksi taqdim etilgan. IMOEX indeksi Moskva birjasi tomonidan uning tarkibiga kiradigan kompaniyalarning aksiya bahosi, erkin aylanish koeffitsienti va bozor kapitallashuviga asoslangan holda hisoblab chiqiladi. IMOEX indeksi 2014-yil yanvar oyida 1454.45 rubl va Bollinger Bands indekatori mos ravishda 1433.56, 1546.56, 1320.57 qiymatlarni ifoda etgan bo‘lsa, 2023-yilning dekabr holatiga 3099.11 rubl va Bollinger Bands indekatori mos ravishda 2580.35, 3422.73, 1737.97 qiymatlarda bo’lgan. IMOEX indeksining so‘nggi 10-yillikdagi eng quyi qiymati 1182.86 ni, eng yuqori qiymati 4245.32 ni tashkil etgan.

O‘zbekiston Respublikasida fond bozori savdolarini tashkillashtiruvchi tashkilot sifatida “Toshkent” respublika fond birjasi aksiyadorlik jamiyati hisoblanadi. “Toshkent” respublika fond birjasida aksiyadorlik jamiyatlari va mas’uliyati cheklangan jamiyatlarning korporativ qimmatli qog‘ozlari bilan bog‘liq bitimlar amalga oshiriladi (7-diagramma).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

7-diagramma.

Birja kotirovkalash varag‘idagi aksiya emitentlarining umumiy bozor kapitallashuvi
(2023 yilning 9 oyi bo‘yicha, trln so‘m)*



*https://uzse.uz/system/analytics/pdfs/000/000/188/original/Birjaviy_tahlil_2023_9oy_bo'yicha.pdf?1700204297

Diagramma ma’lumotlarida 2023 yilning 9 oyi bo‘yicha birja kotirovka varag‘idagi aksiya emitentlarining umumiy bozor kapitallashuvi aks ettirilgan. Tahlil etilgan davrda o‘rtacha 107 emitentning bozor kapitallashuvi 144.02 trln so‘mni tashkil etgan. “Toshkent” respublika fond birjasi listingidagi kompaniyalarni birlashtiruvchi UCI (uzbek composite index) indeksi mavjuddir. Uzbekistan composite index (UCI) “Toshkent” respublika fond birjasining kompozit indeksi bo‘lib, u o‘zida birja kotirovkalash varag‘iga kiritilgan aksiya emitentlarining umumiy bozor holatini aks ettiradi. Birja UCI indeksini Yagona dasturiy-texnik majmua savdo platformasi orqali avtomatik tarzda, real vaqtda amalga oshiriladigan savdolar natijasida kelib chiqadigan narxlarga asosan hisoblaydi, shu sababdan birja savdo kuni davomida tuzilgan bitimlarning har biri UCI indeksga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. UCI indeksining hisoblash formulasi birjaning umumiy bozor kapitallashuviga asoslangan bo‘lib, bunda quyidagilar nisbat sifatida hisoblanadi:

$$INDEX = \frac{\text{Market Cap Current date}}{\text{Market Cap Base date}} \times \text{Base Index}$$

bu yerda, Market Cap Current date – bu birja kotirovka ro‘yxatiga kiritilgan barcha aksiya emitentlarining joriy savdo sanasidagi bozor kapitallashuvi; Market Cap Base date – bu indeks orgali yuzaga kelgan ma’lum sanadagi birja kotirovka varaqasiga kiritilgan barcha aksiya emitentlarining jami bozor kapitallashuvi hisoblanadi; Base Index – bu indeks uchun belgilangan o‘zgarmas son birligi - 1 000.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

6-diagramma.

UCI indeksning so‘nggi 1-yillik ko‘rsatkichi, so‘mda*****



*G.Maxkamova va M.Tuxtasinov, “Toshkent” Respublika fond birjasi uzbekistan composite index (UCI) indeksining tahlili, 5-bet (uzse.uz)

Diagramma ma’lumotlarida UCIning so‘nggi 1-yillik indeksi tahlil etilgan bo‘lib, eng yuqori ko‘rsatkich 767 so‘mni va eng quyi ko‘rsatkich 482.01 so‘mni tashkil etgan.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda fond indekslarining asosiy funksiya va vazifalari sifatida quyidagilarni e’tirof etamiz:

Bozor tendentsiyalarini kuzatish: Indekslar investorlarga umumiy bozor faoliyatini kuzatish va o'sish yoki pasayish tendentsiyalarini aniqlash imkonini beradi.

Portfel samaradorligini baholash: Indekslar portfel samaradorligini butun bozor ko'rsatkichlari bilan solishtirish uchun ishlatilishi mumkin.

Risklarni boshqarish: Indekslar investorlarga turli sektorlar va bozorlarga sarmoya kiritish orqali o'z portfellarini diversifikatsiya qilishga yordam beradi.

Investitsion qarorlar vositasi: Indekslar asosli investitsiya qarorlarini qabul qilish uchun qimmatli ma'lumotlarni taqdim etadi.

Passiv investitsiya uchun asos: Indeks fondlari va birja fondlari (ETF) orqali passiv investitsiya qilish uchun asosdir.

Xulosa

Milliy iqtisodiyotda investorlarning faolligini oshirishda fond indekslarining o‘rni muhim ahamiyat kasb etib, fond bozori hamda milliy iqtisodiyotning o’sishiga katta ta’sir ko‘rsatadi. Fond indekslari investorlar va bozor tahlilchilari

uchun muhim vositadir. Ular ma'lum bir sektor yoki umuman bozorning umumiy ko'rsatkichlarini aks ettiruvchi aktsiyalar guruhi bahosining o'rtacha og'irlikdagi qiymatini ifodalaydi. Fond indekslari orqali kompaniyalarda qanday o‘zgarishlar bo‘layotgani tez va oson ravishda anglab o‘lsa bo‘ladi. Ushbu jihatlarni inobatga olganda quyidagilarni milliy fond bozorimizda:

-yuqori daromadli hamda likvidlikka ega bo‘lgan fond indekslarini shakllantirish;

- ETFlar bo‘yicha amaliyotlarni keng joriy etish;

- xorijiy kompaniyalarni milliy fond bozorida listingdan o‘tkazish orqali likvidlilikni oshirish;

- xorijiy investitsion vositachilarga milliy fond bozorga tog‘ridan tog‘ri kirish imkonini yaratish;

- milliy fond indekslari bo‘yicha ma’lumotlarni investorlar uchun qulay tarzda joylashtirish zarur.

Yuqoridagilarni inobatga olganda, milliy iqtisodiyotni rivojlantirish va unga xorijiy hamda mahalliy investorlarni keng jalb etishda fond indekslari bo‘yicha ma’lumotlarni samarali tashkil etish muhim ahamiyat kasb etib, keltirib o‘tilgan takiliflarni amaliyotga joriy etish soha rivojiga katta hissa qo‘shadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston — 2030” strategiyasi to‘g‘risida farmoni, 11.09.2023 yildagi PF-158-son (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 12.09.2023-y., 06/23/158/0694-son; 29.12.2023-y., 06/23/214/0984-son)

2. Ju-Jie Wang, Jian-Zhou Wang, Zhe-George Zhang, Shu-Po Guo, Stock index forecasting based on a hybrid model, Omega, Volume 40, Issue 6, 2012, Pages 758-766, ISSN 0305-0483, https://doi.org/10.1016/j.omega.2011.07.008. (https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0305048311001435)

3. Verma P. et al. A statistical analysis of impact of COVID19 on the global economy and stock index returns //SN Computer Science. – 2021. – T. 2. – C. 1-13; Afego P. N. Effects of changes in stock index compositions: A literature survey //International Review of Financial Analysis. – 2017. – T. 52. – C. 228-239; Tsaih R., Hsu Y., Lai C. C. Forecasting S&P 500 stock index futures with a hybrid AI system //Decision support systems. – 1998. – T. 23. – №. 2. – C. 161-174; Giot P. Relationships between implied volatility indices and stock index returns //Journal of Portfolio Management. – 2005. – T. 31. – №. 3. – C. 92-100; Katmas E., Indarningsih N. A. The Effect of BI Interest Rate, Exchange Rate, and Inflation on The Indonesian Sharia Stock Index (ISSI) //Indonesian Interdisciplinary Journal of Sharia Economics (IIJSE). – 2022. – T. 5. – №. 2. – C. 768-782; Xu X., Zhang Y. Individual time series and composite forecasting of the Chinese stock index //Machine Learning with Applications. – 2021. – T. 5. – C. 100035; Marquering W., Verbeek M. The economic value of predicting stock index returns and volatility //Journal of Financial and Quantitative Analysis. – 2004. – T. 39. – №. 2.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

– С. 407-429.

4. Герцекович Д. А., Бабушкин Р. В. Динамический портфельный анализ мировых фондовых индексов //Мир экономики и управления. – 2019. – Т. 19. – №. 4. – С. 14-30; Зоркальцев В. И., Шерстянкина Н. П. Классификация методов расчета фондовых индексов //Известия Байкальского государственного университета. – 2009. – №. 6; Маляров А. Н., Герасимова Е. А. Портфель малой капитализации, имитирующий рыночный индекс //Вестник СамГУПС. – 2015. – №. 2-2. – С. 60-64.

5. Sh.Sh. Shoxa’zamiy Moliya bozori va qimmatli qog‘ozlar. Darslik //T.: Iqtisod-moliya. – 2007. – T. 474; S.Elmirzayev, N.Shavkatov, N.Sherkuziyeva, A.Karimov, D.Abduraximova, S.Omonov Moliya bozori va moliyaviy texnologiyalar: Darslik – T.: « Diadema nur servis » OOO. – 412 b; Eshov M. O‘zbekiston fond bozoriga covid-19 koronavirus pandemiyasi ta’sirining ekonometrik tahlili //Ekonomika i innovatsionnыe texnologii. – 2020. – №. 5. – S. 236-243; Xujamurodov A. FOND BIRJASINI RIVOJLANTIRIShNING XITOY TAJRIBASI //Arxiv nauchnыx issledovaniy. – 2020. – T. 35.

6. Берзон Н. И. и др. Фондовый рынок //М.: ВИТАПРЕСС 2002. – 2009.

7. https://uzse.uz/price_indices.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

XIZMAT KO’RSATISH SOHASI BOSHQARUVI SAMARADORLIGINING OMILLI TAHLILI

Niyatov Navruzbek Zarifovich

menejment kafedrasining assistenti
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
E-mail: navruzbekniyatov@gmail.com
ORCID:0009-0004-6948-7977

Annotatsiya. Maqolada xizmat ko’rsatish sohasida boshqaruv samaradorligining omilli tahlili, boshqaruv samaradorligini oshirish usullari tadqiq etilgan.

Kalit so’zlar: xizmat ko’rsatish, boshqaruv samaradorligi, rentabellik darajasi, omilli tahlil, samaradorlik ko‘rsatkichlari, iqtisodiy tahlil, zanjirli almashtirish, aylanma mablag‘lar, samarali faoliyat, korxona foydasi, zarar.

ФАКТОРНЫЙ АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ СФЕРОЙ УСЛУГ

Ниятов Наврузбек Зарифович

ассистент
кафедры менеджмента
Самаркандский институт
экономики и сервиса
E-mail: navruzbekniyatov@gmail.com
ORCID:0009-0004-6948-7977

Аннотация. В статье представлен факторный анализ эффективности управления сферой услуг, исследованы способы повышения эффективности управления.

Ключевые слова: сервис, эффективность управления, уровень рентабельности, факторный анализ, показатели эффективности, экономический анализ, цепная замена, оборотный капитал, эффективная деятельность, прибыль предприятия, убыток.

FACTOR ANALYSIS OF MANAGEMENT EFFICIENCY IN THE SERVICE SECTOR

Niyatov Navruzbek Zarifovich

Department of Management
Trainee Assistant
Samarkand Institute
economy and service

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

E-mail: navruzbekniyatov@gmail.com
ORCID:0009-0004-6948-7977

Abstract. The article provides a factor analysis of management efficiency in the service sector, ways to improve management efficiency.

Keywords: service, management efficiency, profitability level, factor analysis, efficiency indicators, economic analysis, chain replacement, working capital, effective activity, enterprise profit, loss.

Kirish

Bozor munosabatlari xizmat ko'rsatish korxonalarini samarali boshqarish bu sohaning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish zarurligini taqozo etadi. Mazkur korxonalarning xususiyatlari ular tomonidan ko'rsatilayotgan xizmat bilan bog'liq.

Xizmat ko'rsatish korxonalarini boshqarish har tomonlava chuqur o’ylab ko’rilgan tezkor qarorlar asosida boshqarilishi lozim. Chunki iqtisodiyod sohasida sodir etilayotgan jarayonlar vaqt tanqisligi va pulning talabgorlari ko’pligi sharoitida kechadi. Shunday ekan tazkor qaror qabul qilish va sifatli mahsulot ishlab chiqarish xizmat ko'rsatish korxonalari faoliyatida bosh mezon hisoblanadi.

Xozirgi kunda mamlakatimizda xizmat ko’rsatish jadal rivojlanib borayotgan soha bo’lib, bu faoliyat bilan shug’ullanuvchi korxonalar tamonidan ko’rsatilayotgan xizmatlarning yuqori sifatiga, mijozlar miqdorini oshirishga va bu orqali iqtisodiy o’sishiga katta etibor qaratmoqda.

Xizmat ko’rsatish korxonalari rivojlanishida soliq imtiyozlari katta ahamiyatga ega. O‘zbekiston Respublikasining “Soliq kodeksida”gi o’zgarishlar xizmat ko’rsatish sohasidagi korxonalar faoliyati rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko’rsatdi. Bugungi kunda xizmat ko’rsatish bilan shug’ullanuvchi chakana savdo, umumiy ovqatlanish korxonalari, mehmonxona xizmatlarini amalga oshiruvchi sub’ektlar, avtotransport vositasida yo‘lovchi va yuk tashish korxonalari, avtotransport vositalarini ta’mirlash hamda ularga texnik xizmat ko‘rsatish firmalar, kompyuter xizmatlari, maishiy texnikani ta’mirlash, agro va veterinariya xizmatlari bilan shug’ullanuvchi tadbirkorlar, shuningdek ko‘ngilochar markazlarda xizmat ko‘rsatuvchi tadbirkorlik sub’ektlari 2022 yil 1 apreldan 2025 yil 1 yanvarga qadar bo‘lgan davrda ijtimoiy soliqni 1 foiz miqdordagi soliq stavkasi bo‘yicha soliq to‘laydi [3]. Soliq sohasidagi bunday o’zgarishlar xizmat ko’rsatish korxonalar faoliyati rivojlanishida muhim omil bo’lib qolmoqda.

Adabiyotlar sharhi

Xizmatlar sohasi mamlakat iqtisodiyoti rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etib, yuzaga kelayotgan muammolar xorijiy va mamlakat iqtisodchi olimlarning ilmiy ishlarida o’z aksini topgan.

Ko’rstilayotgan xizmat o’z mijoziga ega bo’lib, o’ziga hosligi jihati bilan ajralib turadi. Shu ma’noda R. A. Fatxutdinov korxona ishlab chiqaradigan mahsulot va u tomonidan ko’rsatilayotgan xizmat o’rtasida kichik farq bor ekanligini ta'kidlab, xizmat ko’rsatishni o'ziga xos "mahsulot" deb hisoblash

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

mumkin degan fikrni bildiradi [6].

G. Shodiyeva va G. Rustamovalarning ilmiy maqolasida xizmat ko‘rsatish sohasida oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish va samaradorligini oshirish yo‘llari va bu borada amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar tahlil qilinib, muammolar aniqlangan hamda ularni hal etish yo‘llari bo‘yicha takliflar va amaliy tavsiyalar berilgan [4].

Tahlil va natijalar

Iqtisodiyot sohasini jadal rivojlanishi, kelajakda boshqaruvga qo’yladigan turli xil talablar xizmat ko'rsatish korxonalarini faoliyatiga o’z ta’sirini ko’satadi. Xizmat ko’rsatish korxona faoliyatining balans va moliyaviy hisobotlaridan foydalanib, kelajakda foydaga chiqish yoki zarar ko’rish mumkinligini tahlil qilib chiqamiz.

1-jadval.

Samarqand shahar “Gubdin sharofbek sifat” MCHJning iqtisodiy ko‘rsatkichlari (ming so’mda)*

Ko’rsatkichlar	2021 y.	2022 y.	2021 yiliga nisbatan 2022 yildagi farq
Foyda	5 443 138,70	7 731 962,50	2 288 823,80
Asosiy vositalar	1 000 601,90	1 518 184,41	517 582,51
Aylanma mablag'lar	40 627 953,55	38 417 920,53	- 2 210 033,02

*Muallif ishlanmasi.

Hisob kitoblar natijasidan ko’rinib turibdiki, korxona foydasi 2022 yilda 2021 yilga nisbatan 2 288 823,80 so’mga oshgan. Asosiy vositalar qiymati o’tgan yildagi ko’rsatgichga qaraganda 517 582,51 so’mga oshgan. Aylanma mablag’lar esa –2 210 033,02 so’mga kamayganini ko’rish mumkin.

Xizmat ko’rsatish sohasida boshqaruv samaradorligining omilli tahlili o‘tkazishda eng avvalo samaradorlik ko‘rsatkichlarini aniqlab olish zarur. Hozirgi innovatsion iqtisodiyot sharoitida korxonalar samaradorligini ifodalovchi ko‘rsatkichlar juda ko‘p. Lekin ularning eng asosiysi bu rentabellikdir. Shuning uchun ham xizmat ko‘rsatish korxonalarida rentabellikni aniqlab olish zarur, va ularga qaysi omillar qanday ta’sir qilganligini bilishimiz kerak. Buning uchun iqtisodiy tahlilda qo‘llaniladigan zanjirli almashtirish usulidan foydalanish maqsadga muvofiq [1].

Biz bu tahlilni amalga oshirishda quyidagi formulalardan foydalandik.

$$R = \frac{F}{AV + AM}$$

$$\Delta Rf = \left(\frac{F1}{AV0 + AM0}\right) - \left(\frac{F0}{AV0 + AM0}\right)$$

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

$$\Delta Rav = \left(\frac{F1}{AV1 + AM0}\right) - \left(\frac{F1}{AV0 + AM0}\right)$$

$$\Delta Ram = \left(\frac{F1}{AV1 + AM1}\right) - \left(\frac{F1}{AV1 + AM0}\right)$$

$$\Delta R = \Delta Rf \pm \Delta Rak \pm \Delta Ram$$

Bu erda:
R – rentabellik;
F – foyda;
AV – asosiy vositalar;
AM – aylanma mablag’lar.

2-jadval.

Rentabellik darajasiga foyda, asosiy vositalar va aylanma mablag‘lar o‘zgarishining ta’sirini zanjirli almashtirish usuli bilan aniqlash yo‘llari*

№	Ko‘rsatkichlar	2021 y.	2022 y.	Zanjirli almashtirish		
				1	2	3
1.	Foyda, mln so’m	5443138,70	7731962,50	7731962,50	7731962,50	7731962,50
2.	Asosiy vositalar, mln so’m	1000601,90	1518184,41	1000601,90	1518184,41	1518184,41
3.	Aylanma mablag'lar, mln so’m	40627953,55	38417920,53	40627953,55	40627953,55	38417920,53
4.	Rentabellik darajasi (foiz)	13,1	19,4	18,6	18,4	19,4

*Muallif ishlanmasi.

Yuqoridagi jadval ma’lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, bu xizmat ko‘rsatish korxonasida, rentabellik ko‘rsatkichi o‘tgan yiliga qaraganda 6,3 (19,4-13,1) foizga oshgan. Bunga quyidagi uchta omil ta’sir qilgan.

$$\Delta Rf = \left(\frac{7731962,5}{41628555,45}\right) - \left(\frac{5443138,7}{41628555,45}\right) = 0,186 - 0,131 = 0,055$$

$$\Delta Rav = \left(\frac{7731962,5}{42146137,96}\right) - \left(\frac{7731962,5}{41628555,45}\right) = 0,184 - 0,186 = -0,002$$

$$\Delta Ram = \left(\frac{7731962,5}{39936104,94}\right) - \left(\frac{7731962,5}{42146137,96}\right) = 0,194 - 0,184 = 0,01$$

$$\Delta R = 0,055 - 0,002 + 0,01 = 0,063$$

Xulosa

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, rentabellik ko‘rsatkichining 6,3 foizga oshishiga quyidagi uchta omil ta’sir qilmoda.

1. Foyda summasi 2022 yilda 2021 yilga qaraganda 2,8 mln.so‘mga oshishi rentabellik darajasini 0,01 koeffitsiyentga yoki 10 foizga ko‘payishiga sabab bo‘lgan.

2. Xizmat ko‘rsatish korxonasi asosiy vositalari 2021 yilga qaraganda 1,8 mln so‘mga ko‘payganligi rentabellik darajasining 0,001 koeffitsiyentga, yoki 0,1 foizga kamayishiga sabab bo‘lgan.

3. Korxonaning aylanma mablag‘lari 2022 yilida 2021 yilga qaraganda 15,0 mln so‘mga ko’payishi rentabellik darajasining 0,007 koeffitsiyentga kamayishiga yoki 0,7 foizga kamayishiga sabab bo‘lgan.

Shunday qilib barcha omillar ta’siri natijasida rentabellik darajasi o‘tgan yilga nisbatan 0,2 foizga oshgan.

Umumiy xulosa qilib aytganda, korxona foydasi 2021 yilga nisbatan 2022 yilida 15,0 mln so’mga oshganligini ko’rish mumkin. Bu esa hozirgi kunda korxonada ishlar miyorida tashkil qilinganligi korxona samarali ish olib borayotganligidan dalolat beradi. Korxona bundan ham yuqori foyda olish uchun o’ziga mijozlar jalb qilishi, targ’ibot ishlarini olib borishi, reklama faoliyat olib borayotgan yo’nalishlar bo’yicha yana ham kengroq aholiga ma’lumot yetkazishi zarur, deb o’ylaymiz. Korxona foydasi qancha yuqori bo’lsa, uning ish samarasi shunchaga oshadi.

Korxonaning asosiy vositalariga to’xtaladigan bo’lsak, korxona 2021 yilga qaraganda 2022 yilida 1,8 mln so’mga asosiy vositalar xarid qilganini ko’rish mumkin. Asosiy vositalar ham, albatta, korxona uchun zarur bo’lgan, ishlarida foyda keltiradigan, kelajakda yuqori samara beradigan vositalar hisoblanadi. Asosiy vositalarning ham o’tgan yilga nisbatan ko’paygani korxona uchun foydali deb hisoblaymiz.

Aylanma mablag’lar haqida fikr bildiradigan bo’lsak, korxonada 2021 yilga nisbatan 2022 yiida aylanma mablag’lar 15,0 mln so’mga ko’payganini ko’rish mumkin. Umuman olganda moliyaviy hisobot va balans ma’lumotlaridan ko’rinib turibdiki, korxona hozirgi kunda samarali faoliyat olib bormoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. – https://lex.uz/docs/5841063

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.

3. Soliq kodeksi. – https://lex.uz/docs/4674902?ONDATE=19.07.2023

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси. Расмий сайт. – www://stat.uz

5. Pardaev M.Q., Xoliqulov A.N. Iqtisodiyot sub’ektlarida omilli tahlilni

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

takomillashtirish. Monografiya. – T.: Navro‘z nashriyoti. 2014.

6. Фатхутдинов Р. А. Конкурентоспособность организации в условиях кризиса: экономика, маркетинг, менеджмент. – М.: Маркетинг, 2002. – 892 с.

7. Pardaev M.Q., Xoliqulov A.N. Iqtisodiyot sub’ektlarida omilli tahlilni takomillashtirish. Monografiya. – T.: Navro‘z nashriyoti. 2014.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сон фармони. – https://lex.uz/docs/5841063

9. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси. Расмий сайт. – www://stat.uz

11. Soliq kodeksi.

12. www.lex.uz

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

AKSIYADORLIK JAMIYATLARINING MOLIYAVIY MENEJMENT TIZIMINI ZAMONAVIY MODELLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH

Ilxomjonova Fotima Muxiddinovna
menejment va marketing kafedrasi o‘qituvchisi
Toshkent davlat iqtisodiyoy universiteti
E-mail: ilhomjonova_fotima@tfi.uz
ORCID: 0009-0008-7109-3343

Annotasiya. Maqolada aksioyadorlik jamiyatlarining moliyaviy menejment tizimini zamonaviy modellar asosida rivojlantirish, hamda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish, aksiyadorlik jamiyatlari faoliyati samaradorligini tubdan yaxshilash masalalari tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: aksiyadorlik jamiyati, moliyaviy menejment, moliyaviy tahlil, moliyaviy ko'rsatkichlar, iqtisodiy o'sish, moliyaviy resurs, makroiqtisodiyot, boshqaruv samaradorligi.

МОДЕЛИРОВАНИЕ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ФИНАНСОВОГО УПРАВЛЕНИЯ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ

Илхомжанова Фотима Мухиддиновна
преподаватель кафедры менеджмента и маркетинга Ташкентского государственного экономического университета
E-mail: ilhomjonova_fotima@tfi.uz
ORCID: 0009-0008-7109-3343

Аннотация. В статье исследуются проблемы совершенствования системы финансового управления акционерных обществ на основе современных моделей, изучаются вопросы привлечения прямых иностранных инвестиций и кардинального повышения эффективности акционерных обществ.

Ключевые слова: акционерное общество, финансовый менеджмент, финансовый анализ, финансовые показатели, экономический рост, финансовый ресурс, макроэкономика, эффективность управления.

MODELING AND IMPROVING THE FINANCIAL MANAGEMENT SYSTEM OF JOINT STOCK COMPANIES

Ilkhomzhonova Fotima Mukhiddinovna
teacher of the department

management and marketing
Tashkent State
University of Economics
E-mail: ilhomjonova_fotima@tfi.uz
ORCID: 0009-0008-7109-3343

Abstract. The article examines the problems of improving the financial management system of joint-stock companies on the basis of modern models, studies the issues of attracting foreign direct investment and radically increasing the efficiency of joint-stock companies.

Keywords: joint stock company, financial management, financial analysis, financial performance, economic growth, financial resource, macroeconomics, management efficiency.

Kirish

Milliy iqtisodiyot barqarorligini ta'minlash, unga horijiy va mahalliy investitsiyalarni olib kirish, aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy menejment tizimini zamonaviy modellar asosida takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi. Moliyaviy-iqtisodiy globallashuv va jahon iqtisodiyotidagi keskin raqobat investitsiyalarga bo’lgan talabni oshirmoqda. Bundan shuni tushunish mumkinki, rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlardagi korporativ kompaniyalar nafaqat milliy, balki xalqaro moliya bozorlaridan ham kapital jalb qilish orqali moliyaviy ta’minot masalasini hal qilishga va faoliyatini xalqaro darajada kengaytirishga intilmoqda.

Mulkchilik shakllarining turli-tumanligi va ularning huquqiy jihatdan tengligi milliy iqtisodiyotda bozor munosabatlari qaror topishining eng muhim sharti hisoblanadi. Buning natijasida tobora keng ko`lamda faoliyat yuritayotgan korporativ tuzilmalarni samarali boshqarish va rivojlantirish dolzarb masalalardan biriga aylandi. Shu nuqtai nazardan mamlakatimizda aksiyadorlik jamiyatlarining yanada rivojlanishini ta`minlash samarali moliyaviy menejment tizimini joriy etishni taqozo etadi [1].

Aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy menejmentning o'rni juda muhimdir. Moliyaviy menejment aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy resurslarini nazorat qilish va ulardan to'g'ri foydalanish bilan bog'liqdir. Bunday menejment biznesni muvaffaqiyatli rivojlanishida muhim ahamiyatga ega. Moliyaviy menejment keng qamrovli bo'lgan yo'nalishlarni o'z ichiga oladi. Moliyaviy menejerlar aksiyadorlik jamiyatlarining umumiy budjetini ishlab chiqish va ivestitsiyalarni jalb etishda katta rol o’ynaydi. Moliyaviy menejment kompaniyaning moliyaviy natijalariga ko’ra, strategiya va yo'nalishlarni belgilaydi. Bu jarayonda moliyaviy menejerlar savdo siyosatini belgilaydi, turli moliyaviy risklarning oldini olish masalalari bilan shug’ullanadi, mavjud moliyalashtirish muammolarni yechishga harakat qiladi va vakolat doirasida huqiqiy amallarni oshiradi. Bundan tashqari moliyaviy menejerlar aksiyadorlik jamiyatlarining hisobotlarini tuzish, moliyaviy ma'lumotlarni to'plash, moliyaviy manbalarning nazoratini amalga oshirish va aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy holatini tahlili bilan shug’ullanadi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Mmoliyaviy menejerlar aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy risklarini aniqlash, baholash va boshqarishda muhim ishlarni amalga oshiradi. Bu jarayonda aksiyadorlik jamiyatlarining xavfsizligiga, hujjatlar saqlanishiga, moliyaviy muomala sifatiga va boshqa ko'rsatkichlarga e’tibor qaratiladi.

Shuningdek, moliyaviy menejment tashkilotning uzluksiz rivojlanishini kuzatib boradi va joriy etilayotgan shartnoma, qonunchilik va boshqa moliyaviy talablarga rioya qilishni ta'minlaydi. Moliyaviy menejment aktsiyadorlik jamiyati kapitali samaradorligini ta’minlaydi, investitsiyalarni jalb etish ishlari bilan shug’ullanadi.

Adabiyotlar sharhi

Moliyaviy menejmentni tadqiq etish jarayonida olimlar tomonidan unga turli xil ta’riflar berilgan. A.D. Sheremet, A.F. Ionovalarning fikricha, moliyaviy menejment – bu pul aylanmasini, aksiyadorlik jamiyatning moliyaviy resurslarini shakllantirish va foydalanishni boshqarish jarayonidir [2]. A.N Gavrilovaning aytishicha, moliyaviy menejment – bu tijorat aksiyadorlik jamiyati moliyasini boshqarish tizimi bo‘lib, ishlab chiqarish samaradorligini oshirish maqsadida boshqaruvning yangi tamoyillari, shakllari, strukturalari va usullarini doimiy joriy qilish yo‘li bilan moliyaviy munosabatlarni takomillashtirish va rivojlantirishga yo‘naltiriladi [3]. Y.I. Shoxin moliyaviy menejment – bu pul fondlari va aksiyadorlik jamiyatning moliyaviy mablag‘larini samarali boshqarish orqali o‘z oldiga quygan strategik maqsadlarni va taktik masalalarni yechishni o‘rganadigan fandir deb tarif beradi [4]. S.V.Galiskaya talqinida moliyaviy menejment – bu korxonalar aktivlarini va ularni shakllantirish manbalarini boshqarishdir [5]. Taniqli amerikalik iqtisodchilar Stefan Ross, Randalf Vesterfild va Bradford D. Jordan moliyaviy boshqaruvni kompaniya faoliyatining uchta asosiy yo‘nalishi bo‘yicha qarash kerak deb hisoblashadi [6]. Buyuk Britaniyaning Birkbek universiteti professori L. Fungning fikricha, “Moliyaviy menejment deganda, kompaniya quyi tizimlarini nazorat qilish va moliyaviy rejalashtirish borasida qarorlar qabul qilish jarayoni tushuniladi, u o‘z ichiga g‘aznachilik; yangi investitsion imkoniyatlarni baholash, tanlash, nazorat qilish va boshqarish; uzoq muddatli moliyaviy aktivlarning o‘sish dinamikasini ta’minlash va boshqarish; moliyaviy risklarni boshqarish; kompaniyaning qisqa va uzoq muddatli moliyaviy faoliyatini boshqarish kabilarni oladi” [7].

Tahlil va natijalar

Aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy menejment tizimini zamonaviy modellar asosida takomillashtirish orqali moliyaviy xavfsizlikni ta'minlash muhim ahamiyatga ega. Zamonaviy modellar asosida aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy menejment tizimini takomillashtirish ularning moliyaviy natijalar samarasini oshirishga va rivojlanishini ta'minlashga yordam beradi. Bu esa aksiyadorlik jamiyatlarining raqobotbardoshligiga, xalqaro bozorlarda muvaffaqiyat qozonishiga va innovatsiyalarni jalb qilishga imkon beradi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy menejment tizimini zamonaviy modellar asosida takomillashtirish ularning moliyaviy faoliyatini yaxshilash, xalqaro bozorlarda raqobat qilish, ishchi kuchini jalb qilish va biznes rejalarini o'zgartirishga imkon beradi. Bu esa ularning moliyaviy natijalarini oshirish, xatoliklarni kamaytirish va ishlab chiqarish jarayonlarini optimallashtirishga imkon beradi.

1-jadval.

“Qo’qon mexanika zavodi” AJ hisob balansi*

Ko’rsatkichlar	Hisobot davri boshiga (so’mda)	Hisobot davri oxiriga (so’mda)	%
Aktiv			
Balans aktivi bo’yicha, jami	**90 529 913,00**	**89 023 227,00**	98,3%
I. Uzoq muddatli aktivlar	45 472 328,00	45 465 438,00	99,9%
Asosiy vositalar:	**13 348 572,00**	**12 317 376,00**	92,2%
Nomoddiy aktivlar:			
Uzoq muddatli investitsiyalar, jami	**738 071,00**	**741 248,00**	100,4%
Qimmatli qog’ozlar	2 004,00	2 004,00	100%
Qaram xo’jalik jamiyatlariga investitsiyalar	492 032,00	495 209,00	100,6%
Chet el kapitali mavjud bo’lgan korxonalarga investitsiyalar	244 035,00	244 035,00	100%
I bo’lim bo’yicha, jami	**14 086 643,00**	**13 099 547,00**	92,9%
II. Joriy aktivlar			
II bo’lim bo’yicha, jami	**76 443 270,00**	**75 923 680,00**	99,3
Passiv			
Balans passivi bo’yicha jami	**89 981 862,00**	**89 023 227,00**	98,9%
I. O’zmablag’lari manbalari	**32 486 135,00**	**29 924 653,00**	92%
II. Majburiyatlar			
Joriy majburiyatlar, jami	**57 495 727,00**	**59 098 574,00**	102,7%
Shu jumladan: joriy kreditorlik qarzi	**57 495 727,00**	**58 319 458,00**	101,4%
	-548 051,00	**0,00**	

*Muallif ishlanmasi.

Qo’qon mehanika zavodi 2023-yil hisobiga ko’ra balans aktivlari jami 90 529 913 so’mni tashki etgan bo’lsa, hisobot davri boshiga ko’ra 89 023 227 so'mni yoki 98,3% ni tashkil etgan. Bundan tashqari, uzoq muddatli aktivlar hisobot davri boshiga ko’ra 13 348 572 so'mni tashkil etgan bo’lsa, hisobot davri oxiriga kelib 12 317 376 so'mni tashkil qilgan. Shuningdek, joriy aktivlar hosobot davri boshiga ko’ra 76 443 270 so'mni tashkil etgan bo’lsa, yil oxiriga kelib bu

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ko’rsatkich 75 923 680 so'mga yetgan. Passivlar balans passivi bo'yicha jami 89 981 862 so'mni (98,9%), hisobot davri boshiga ko’ra 89 023 227 so'mni yoki 98,9% ni tashkil etgan.

2-jadval.

"Toshkent RFB" AJ hisob balansi*

Ko’rsatkichlar	**Hisobot davri boshiga** (so’mda)	**Hisobot davri oxiriga** (so’mda)
Aktiv		
Balans aktivi bo’yicha, jami	**38 213 548, 80**	**30 665,50**
I. Uzoq muddatli aktivlar	**1 487 581,00**	**440 900 403,80**
Asosiy vositalar:	**13 348 572,00**	**12 317 376,00**
Nomoddiy aktivlar:		
Uzoq muddatli investitsiyalar, jami	**38 213 548,80**	**30 665, 50**
Qimmatli qog’ozlar	**0,0**	**0,0**
Chet el kapitali mavjud bo’lgan korxonalarga investitsiyalar	**244 035,00**	**244 035,00**
I bo’lim bo’yicha, jami	**44 410 920,10**	**45 551 902,10**
II. Joriy aktivlar		
II bo’lim bo’yicha, jami	**6 766 458,80**	**6 732 786,00**
Passiv		
Balans passivi bo’yicha jami	**51 093 116,30**	**51 916 575,00**
I. Ro'yxatdan o'tgan kapital	**45 000 000,00**	**45 000 000,00**
II. Majburiyatlar		
Joriy majburiyatlar, jami	**84 262, 60**	**368 113,10**
Shu jumladan: joriy kreditorlik qarzi	**84 262,60**	**368 113,10**
Umumiy javobgarlik balansi	**51 177 378,90**	**52 284 688,10**

*Muallif ishlanmasi.

Jadval ma’lumotlardan ko’rinadiki, Toshkent RFB aksiyadorlik jamiyati 2020-yil xisobiga ko’ra, uzoq muddatli aktivlar 13 348 572 so’mni tashkil etgan bo’lsa, nomoddiy aktivlar esa 38 213 548 so’mni tashkil etgan. 2023-yilda chet el kapitali mavjud bo’lgan korxonalarga investitsiyalar 244 035 so’mni tashkil etgan bo’lsa, I bo’lim bo’yicha jami nomoddiy aktivlar 44 410 920 so’mni tashkil etgan. Passivlar ro'yxatdan o'tgan capital jami 45 000 000 so’mni, joriy majburiyatlar jami 84 262 60 so’mni, shu jumladan joriy kreditorlik qarzi 84 262 60 so’mni, jami aktivlar 51 177 378 so’mni, jami passivlar va kapital 51 177 378 so’mni tashkil etgan. Kompaniya aktivlari passivlari va kapitali bilan barobardir (aktivlar passivlarga teng). Ro'yxatdan o'tgan kapital kompaniyaning umumiy javobgarlik balansining katta qismidir. Joriy majburiyatlar kompaniyaning jami aktivlaridan kichikroq, shuningdek, joriy kreditorlik qarzi ham kichik.

Xulosa

O‘zbekistonda samarali aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy menejment tizimini zamonaviy modellar asosida takomillashtirishda bir qancha muammolar mavjud. Bu muammolar moliyaviy resurslar qiymatining qimmatligi, aksiyadorlik jamiyatlari nizom kapitali darajasining pastligi, aksiyadorlik jamiyatlari investision jalb etuvchanligi pastligi, fond bozori va moliyaviy infratuzilmaning rivojlanmaganligi va boshqa shu kabilardan iborat. O‘zbekiston Respublikasida moliyaviy menejmentning rivojlanishi to’g’risidagi fikrlar tahlil qilinganida, moliyaviy menejmentda o'zgarishlar tendensiyalari muhim ahamiyatga ega ekanligi aniqlandi.

Moliyaviy menejmentning rivojlanishi moliyaviy resurslarni tashkil etishga va boshqarish jarayonlarini samaradorligini oshirishga, moliyaviy xavfsizlikni ta'minlashga va investitsiyalarni keng miqiyosda jalb etishga imkon beradi. Bu esa moliyaviy tashkilotlarning samaradorligini oshiradi, innovatsiyalarni jalb qilish va zamonaviy iqtisodiyotga mos kelishga imkon beradi.

Moliyaviy menejmentning rivojlanishi moliyaviy xizmatlarni yuqori sifatda taqdim etish, moliyaviy hisob-kitob va hisobotlarni yaxshilash, investitsiyalarni jalb etish va xalqaro bozorlarda raqobatga kelishish uchun katta ahamiyatga ega. O‘zbekistonda moliyaviy menejmentning rivojlanishi kelajakda iqtisodiyotning rivojlanishini ta'minlaydigan yo'nalishlardan biri sifatida o'z vazifasini bajaradi. Bu esa aksiyadorlik jamiyatlari samaradorligini oshirish, innovatsiyalarni joriy etish va aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy menejment tizimini zamonaviy modellar asosida takomillashtirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 24.04.2015 yildagi PF-4720-son farmoni. – https://lex.uz/docs/-2635197

2. Шеремет А. Д., Ионова А.Ф. Финансы предприятий. Менеджмент и анализ. – М.: ИНФРА-М, 2007.

3. Гаврилова А.Н., Сысоева Е.Ф. и др. Финансовый менеджмент 5-е изд., стер. – М.: 2008. – 432 с.

4. Шохин Е. И. Финансовый менеджмент. – М.: KNORUS, 2010. – С. 27.

5. Галицкая С.В. Финансовый менеджмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий – М.: Эксмо, 2009. – С.19.

6. Stephen A. Ross, Randolph Westerfield, Bradford D. Jordan McGraw-Hill Irwin, 2003 -: 892-bet

7. Fung, L. (2015). Financial management economics. Management, –1(2), – 9-4

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Кенжаев Илҳом Ғиёзович

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) суғурта ва пенсия иши кафедраси доценти Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: i_kenjayev@mail.ru
ORCID: 0000-0002-7462-5623

Аннотация. Мақолада суғурта ташкилотларининг инвестицион фаоллигини ошириш масалалари таҳлил қилиниб, уларнинг инвестиция портфели тузилишининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек дунёнинг еткачи иқтисодчи олимларнинг фикрлари ўрганилган ҳамда суғурталовчининг инвестицион фаоллигини ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инвестиция фаолияти, улуш, суғурталовчи, қайта суғурта, суғурта мукофоти, суғурта полиси, суғурта тўловлари, суғурта бозори.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ СТРАХОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Кенжаев Ильхам Гиязович

доктор философии(PhD) по экономическим наукам доцент кафедры страхования и пенсионного дела Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: i_kenjayev@mail.ru
ORCID: 0000-0002-7462-5623

Аннотация. В статье анализируются вопросы повышения инвестиционной активности страховых организаций, исследуются особенности структуры их инвестиционного портфеля. Также изучены мнения ведущих экономистов мира по этому вопросу, а также даны соответствующие предложения и рекомендации по повышению инвестиционной активности страховщика.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Ключевые слова: инвестиционная деятельность, доля, страховщик, перестрахование, страховая премия, страховой полис, страховые выплаты, страховой рынок.

ISSUES OF INCREASING INVESTMENT ACTIVITY INSURANCE ORGANIZATIONS

Kenzhaev Ilham Giyazovich

Doctor of Philosophy (PhD)
Economic sciences
Associate Professor of the
Department of Insurance
and pension matters
Tashkent State the University
of Economics
E-mail: i_kenjayev@mail.ru
ORCID: 0000-0002-7462-5623

Abstract. The article analyzes the issues of increasing the investment activity of insurance organizations and examines the features of the structure of their investment portfolio. The opinions of the world's leading economists on this issue were also studied, and relevant proposals and recommendations were given to increase the investment activity of the insurer.

Keywords: investment activity, share, insurer, reinsurance, insurance premium, insurance policy, insurance payments, insurance market.

Кириш

Сўнгги йилларда суғурта бозорини ислоҳ қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб, самарали натижалар қўлга киритилмоқда. 2024 йил 1 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-108-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда суғурта бозорини янада ривожлантириш, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали суғурта хизматларининг оммабоплигини ва сифатини ошириш, шунингдек, соҳани тартибга солишни янада такомиллаштириш йўналишлари ҳамда суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта (қайта суғурта) шартномаларини ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтказиш ва суғурта полисларини ушбу тизим орқали расмийлаштириш ҳамда суғурта мукофотларини ҳисоблашни автоматлаштириш, суғурталовчини танлаш ҳуқуқи билан шартномани электрон шаклда мажбурий тартибда тузиш имкониятини таъминлаш, шунингдек, бошқа чора-тадбирлар орқали мажбурий суғурта

шартномаларини тузиш жараёнларини соддалаштириш белгилаб қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, суғурталанувчиларнинг суғурта хизматини олишда қулай ва тезкорлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Натижада суғурта бозорида суғурта хизматидан фойдаланувчилар сонини ва йиғилган суғурта мукофотларини ортишига олиб келиши билан бир қаторда суғурта ташкилотлар ихтиёрида катта миқдордаги молиявий ресурсларни шаклланишига ҳамда суғурталовчининг инвестицион жараёнларда фаол иштирокини таъминлашда имконият яратилади.

Жаҳон амалиётида ҳам шу нарса маълумки, суғурталовчиларнинг суғурта бозорида жами тўплаган суғурта мукофоти, келгусида суғурталовчининг инвестицион жараёнларда иштирокини белгилаб беради. Айни пайтда Ўзбекистон миллий суғурта бозорида 43 та суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 35 таси умумий суғурта тармоғи бўйича қолган 8 таси ҳаёт суғурта тармоғи бўйича суғурта хизматларини кўрсатишга ихтисослашган компаниялар ҳисобланади. 2023 йилда суғурта бозорида йиғилган жами суғурта мукофотлар 8059726,3 млн.сўмни ташкил қилган бўлса, амалга оширилган суғурта тўловлари 2022054,3 млн.сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек 2023 йилда суғурталовчилар томонидан жами инвестицияга йўналтирилган маблағлар 4751745 млн.сўмни ташкил қилмоқда.

Бугунги кунда суғуртанинг мамлакат ЯИМдаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11,6 фоизни, Германияда 6,8 фоизни, АҚШларида 12 фоизни ва Россияда 1,5 фоизни ташкил қилади. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 0,48 фоизни ташкил этмоқда [13]. Суғурта хизматларининг ялпи ички махсулотдаги улушини бундай паст кўрсаткичда бўлишига асосий сабаблардан бири суғурта маданиятининг аҳоли ўртасида тўлиқ шаклланмаганлиги ҳамда суғурта хизматига бўлган ишончнинг пастлигидан далолат беради. Бу эса суғурта ва суғурта хизматларининг етарлича жозибадор эмаслигига ишора қилади.

Адабиётлар шарҳи

Суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини самарадорлигини баҳолаш бўйича бир қатор олимлар ва мутахассислар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Масалан, иқтисодчи олим Ю.А. Сплетухов ғарб суғурта ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиб, “рақобатли кураш шароитида фойданинг асосий қисмини улар фақат бевосита операциялардан эмас, балки инвестициялардан олмоқда” деб ёзади [7].

Худди ана шундай маънодаги фикрни проффессор Л.А. Орланюк-Малицкая ҳам баён қилган. Унинг фикрича, инвестиция фаолиятидан олинадиган фойда суғурта ташкилоти суғурта операцияларидан зарар кўрган ҳолатларда ишлатилиши мумкин. Бу ҳолат суғурта ташкилотига рақобот шароитида бозорда ўз жойини эгаллашини таъминлайди [8].

Бундан ташқари, суғурта ташкилоти учун инвестиция фаолиятининг

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

аҳамияти ҳақида профессор К.Е. Турбина шундай дейди: “Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолияти унинг молиявий ҳолатига сезиларли даражада таъсир қилади. Молиявий йил натижалари бўйича фойда ёки зарар – бу тўғри танланган инвестиция сиёсатнинг оқибати, ёркин аксидир” [9]. Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Т.А. Фёдорованинг фикрича: “Инвестиция фаолиятининг натижаси суғурта компаниясининг фойдасига катта таъсир кўрсатади. Шу билан бирга суғуртанинг баъзи бир турлари бўйича инвестициядан олинган фойда зарарни қоплашга керак бўлган суғурта захиралари учун тўлдириш манбаи бўлиши мумкин” [10]. Бу ерда инвестиция ва суғурта фаолиятининг синкретик табиати ҳақида гапириш мумкин. Демак, инвестициялаш суғурта ташкилоти фаолиятида алоҳида йўналиш бўлишига қарамасдан, улар яхлит бир тизим сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кўриб чиқилган омиллар инвестиция аҳамиятини суғурта ташкилоти учун микродаражада белгилаб беради.

Таҳлил ва натижалар

Суғурта ташкилотларининг инвестиция портфели тузилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мазкур ҳолат айниқса чет мамлакатлар суғурта ташкилотларининг инвестиция портфели мисолида яққол кўринади. Жумладан, Буюк Британияда суғурта ташкилотлари инвестиция портфелининг 23 фоизини давлат қимматли қоғозлари, 42,3 фоизини корпоратив қимматли қоғозлар, 14,2 фоизини ипотека, 9,3 фоизини кўчмас мулк, 1,2 фоизини полис бўйича олинган қарзлар ва қолган 10,0 фоизини бошқа активлар ташкил этади. Италия суғурта ташкилотларининг инвестиция портфели тузилишини олиб қарайдиган бўлсак, унинг 11,7 фоизи давлат қимматли қоғозлари, 19,4 фоизи корпоратив қимматли қоғозлар, 32,9 фоизи кўчмас мулк, 1,6 фоизи полис бўйича олинган қарзлар ва 34,4 фоизи бошқа активлардан ташкил топган. Германия суғурта ташкилотларининг инвестиция портфели тузилишининг 9,6 фоизи давлат қимматли қоғозлари, 58,2 фоизи корпоратив қимматли қоғозлар, 18,8 фоизи ипотека, 12,2 фоизи кўчмас мулк ва 1,2 фоизи полис бўйича олинган қарзлардан ташкил топган.

Умуман олганда, чет эл суғурта ташкилотлари инвестиция портфелининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар мамлакатда ипотека ва истеъмол кредитларининг ривожланганлик даражасига боғлиқдир. Бу эса суғурта ташкилотларининг банк секторига рақобатчилигини кўрсатади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, чет эл суғурта ташкилотларининг инвестиция портфелини асосан корпоратив қимматли қоғозлар, шу жумладан, узоқ муддатли инвестициялар кўринишида жалб қилинган корпоратив облигациялар ташкил этади. Суғурта ташкилотлари одатда кредит рискларини минималлаштириш мақсадида ресурсларни катта корпорацияларга жойлаштиришади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Шунингдек ишлаб чиқариш ва савдога йўналтирилган инвестицияларнинг асосий қисмини ҳаёт суғуртасидан олинган маблағлар ташкил этади. Масалан, АҚШ суғурта ташкилотларининг инвестиция портфелида ишлаб чиқариш, транспорт ва бошқа акциядорлик жамияларининг улуши ўсиб бормоқда [14]. АҚШда суғурта ташкилотлари ўз ихтиёрида бўлган бўш маблағларни 15-20 йил муддатга кредитга бериши оммалашганлигини жуда қизиқарли ҳолат деб қараш мумкин. Чунки суғурта ташкилотлари бу борада банклар билан ҳамкорликда фаолият юритади ва банклар инвестиция лойиҳаларини биринчи беш йилда молиялаштиради, қолган 10-15 йил давомида ушбу лойиҳалар суғурта ташкилотлари томонидан молиялаштирилади. Жуда катта лойиҳаларга инвестиция қилинганда, суғурта ташкилотлари ўзаро консорциум тузади, ёки банклар билан ҳамкорлик қилади. Шу билан бир қаторда АҚШда суғурта ташкилотлари тармоқ диверсификациясини сақлаган холда ўз маблағларини машинасозлик, нефтни қайта ишлаш, химия ва шу каби тармоқларга жойлаштиради. Уларнинг инвестиция фаолияти йўналишларини трансмиллий корпорацияларнинг қимматли қоғозлари ташкил этади. Суғурта ташкилотлари корпорацияларнинг бошқарувида иштирок этишади. Бу ерда улар акцияларининг 30 фоизи овоз бериш ҳуқуқига эга акциялардан ташкил топганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, АҚШда суғурта ташкилотлари давлат инвестиция дастури бўйича Ғарбий Европа инвестиция фаолиятида қатнашади. Ушбу дастурнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инвестиция инструментларига ва инвесторлар доирасига чегара ўрнатган. Шуни инобатга олган ҳолда, АҚШда суғурта ташкилотлари суғурта портфелининг ҳудудий диверсификацияси шартларини бажаради.

Умуман олганда АҚШда суғурта ташкилотларининг инвестиция портфелини юқори ликвидли, қисқа муддатли инвестициялар (банк депозитлари, депозит сертификатлари, ғазначилик ва тижорат векселлари) ҳамда ўрта ва узоқ муддатли қатъий белгиланган даромадли қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ва ипотека кредитлари ташкил этади.

Буюк Британияда суғурта ташкилотлари жами инвестицияларининг 80 фоизи ҳаёт суғуртаси билан шуғулланадиган суғурта ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга Буюк Британияда ҳаёт суғуртаси билан шуғулланаётган суғурта ташкилотлари фаолияти қимматли қоғозлар сотиб олишга, жумладан давлат облигациялари, акциядорлик жамиятларининг облигациялари ва акциялари, депозит сертификатлари, ғазначилик ва тижорат векселларини сотиб олишга йўналтирилган. Буни қуйида келтирилган жадвал маълумотларида кўриш мумкин.

1-жадвал.

АҚШ ва Буюк Британия ҳаётни суғурталаш бўйича суғурта ташкилотлари активларининг тузилиши
(2004-2014 йиллар, фоизда)*

Суғурта ташкилотлари активларининг тузилиши	Мамлакат							
	АҚШ				**Буюк Британия**			
	Йиллар							
	2008	2010	2014	2018	2008	2010	2014	2018
1. Давлат қимматли қоғозлари	15,0	19,2	20,4	22,1	16,8	19,6	18,6	18,7
2. Корпоратив қимматли қоғозлар, шу жумладан:	50,2	51,8	55,2	55,9	62,6	66,8	68,8	69,0
2.1. Акциялар	9,1	11,6	14,5	14,6	*	*	*	*
2.2. Облигациялар	41,1	40,2	40,7	41,3	*	*	*	*
3. Ипотека кредитлари	19,2	14,8	11,1	13,2	3,4	2,7	1,8	2,1
4. Кўчмас мулк	3,0	3,1	2,8	3,1	16,3	9,9	9,4	8,8
5. Полис бўйича қарзлар	4,5	4,3	4,4	4,3	*	*	*	*
6. Маҳаллий федерал ҳокимият қимматли коғозлари	*	*	*	*	0,4	0,2	0,2	0,3
Бошқа активлар	8,1	6,8	6,1	1,4	0,5	0,8	1,2	1,1

*Insurance Information Institute; Life Insurers fact Book American Council of Life Insurers маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Келтирилган жадвал маълумотларига эътиборни қаратадиган бўлсак, суғурта ташкилотлари ихтиёрида бўлган бўш маблағлар доимий даромад келтирувчи қимматли қоғозларга жойлаштирилган бўлиб, уларнинг катта қисмини облигациялар ташкил этади. Бондлар давлат томонидан марказий ҳукумат вакиллари, маҳаллий ҳокимият ёки хусусий сектор орқали жойлаштирилади. Буюк Британияда ҳаёт суғуртаси активларининг 8 фоизи кўчмас мулкка инвестиция қилинганлигини кўриш мумкин.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини бошқаришнинг Европа услуби консерватив ёки мўътаъдил консерватив сиёсат бўлиб, Америка услуби эса агрессив менежмент саналади. Германия сиёсати агрессив услубга тескари бўлган услуб ҳисобланиб, суғурта ташкилотларининг активлари уларнинг шўъба корхоналари ва ташқи бошқарувчи ташкилотлари томонидан бошқарилади. Масалан, “ADAM” номли Германиянинг йирик бошқарув компанияси “ALLIANZ” группасига киради. “ALLIANZ” таркиби банк, суғурта, қайта суғурталаш ва бошқарувчи суғурта ташкилотларидан иборат. Активларни бошқариш билан “Allianz Dresdner Asset Management”- “ADAM” холдинги шуғулланади. 2010 йилнинг август ойига келиб, холдинг томонидан бошқариладиган активлар суммаси 700 млрд евродан ошди. Бу кўрсаткич бўйича “ADAM” дунёдаги учта йирик бошқарувчи корхоналардан биттасига киради. “ADAM-PIMCO” шўъба корхонаси энг йирик облигациялар фондини бошқаради. “ALLIANZ” холдинг инвестиция портфелини бошқаришда “ADAM” консерватив сиёсатини олиб боради, унинг инвестиция портфелининг 70 фоизи қимматли қоғозлардан ташкил топган бўлиб, шундан 15-20 фоизи дунёдаги ишончли ва

ликвидли акцияларга, қолгани эса инвестиция фондларига жойлаштирилган [15].

Германияда инвестиция объектларини танлашда инвестиция фондлари фаол иштирок этади. Баъзи фондларда инвестиция сиёсатини олиб боришда мижозлар билан келишилади. Инвестиция қарорларини фондларнинг ўзи қабул қилади ва инвестиция ташкилот қарорни қабул қилиб, шартнома тузиш билан шуғулланади. Сўтгги йилларда суғурта ва пенсия ташкилотларидан иборат инвесторларнинг махсус фондлардаги улуши ошиб бормоқда. Масалан, 2004 йилда инвесторларнинг махсус фондлардаги улуши 51,4 фоизга, 2007 йилда 53,8 фоизга ва 2012 йилда 57,7 фоизга ўсган. Германиянинг ҳаёт суғуртаси ташкилотлари ўзларининг бўш молиявий ресурсларининг 2,3 фоизини ер участкаларига, 6,9 фоизини давлат муассасалари заёмларига, 0,3 фоизини қимматли қоғозлар эвазига ссуда беришга, 11,5 фоизини қимматли қоғозларга, 7,1 фоизини полис эвазига берилган қарзларга ҳамда 71,9 фоизни ипотекага йўналтирилган [14].

Ривожланган мамлакатлар суғурта ташкилотларининг инвестиция портфели одатда уларнинг молиявий мажбуриятларига тўлалигича мос келади. Бунга сабаб, биринчидан, активларни муддат бўйича жойлаштирилиши, иккинчидан, Европадаги суғурта ташкилотлари уларни ташкил этилган валютада сақлашади. Бу ҳолат ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бошқарувнинг консерватив хусусиятга эга эканлиги жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайтирди.

Сўнгги 10 йилда биринчи марта Европа суғурта ташкилотларининг фаолиятида инвестиция кўрсаткичлари жорий курсда 6 фоиз ва қатъий курсда 2 фоизга камайиши кузатилган. Чет мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, Буюк Британияда ҳаёт суғуртаси ва бошқа суғурта турлари билан шуғулланадиган суғурта ташкилотлари ўртасида инвестиция фаолиятини олиб боришда катта фарқ бор. Ушбу фарқни қуйида келтирилган жадвал маълумотларида кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал.

Буюк Британия суғурта ташкилотларини инвестиция портфелининг ўртача тузилмаси *(фоизда)**

Суғурталовчиларнинг ихтисослашуви / Активлар	Ҳаёт суғуртаси	Ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари
1. Давлат қимматли коғозлари	9	25
2. Корпоратив қимматли қоғозлар	79	30
3. Ссуда ва ипотека кредитлари	2	5
4. Кўчмас мулкка инвестициялар	9	5
5. Бошқа инвестициялар	1	35
Жами	100	100

* Insurance Information Institute; Life Insurers fact Book American Council of Life Insurers маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Буюк Британияда ҳаёт суғуртаси бўйича фаолият кўрсатувчи суғурта ташкилотлари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларининг 9 фоизи давлат қимматли қоғозларига, 79 фоизи корпоратив қимматли қоғозларга, 2 фоизи ссуда ва ипотека кредитларига, 9 фоизи кўчмас мулкка, қолган 1 фоизи бошқа инвестиция объектларига жойлаштирилган. Буюк Британия суғурта ташкилотлари инвестиция фаолияти бўйича даромад нормаларини ҳисобга олган ҳолда суғурта тўловларини дисконтлаштириш хос бўлган ҳаёт суғуртаси бўйича операцияларни амалга оширишда Европа давлатларининг ихтисослашган суғурта ташкилотлари учун инвестиция фаолиятидан олинадиган даромад жуда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун суғурта ташкилотларида ликвидлилик даражаси иккинчи масала ҳисобланади. Чунки суғурта ташкилотларига жалб қилинган молиявий маблағлар асосан узоқ муддатли маблағлардан ташкил топган.

Буюк Британияда риск даражаси юқори бўлган суғурта турлари бўйича суғурта хизматларини кўрсатувчи суғурта ташкилотларининг активлари фарқ қилувчи жиҳатларга эга бўлиб, улар ўз активларининг 25 фоизини давлат қиммали қоғозларига, маҳаллий органларнинг қимматли қоғозларига ва чет эл қимматли қоғозларига, 30 фоиздан ортиғини суғурта ташкилотларининг қимматли қоғозларига, 2-5 фоизини ссудалар ва ипотека кредитларига, 3-5 фоизини кўчмас мулкка ва қолган 35 фоизини бошқа инвестиция объектларига жойлаштирган [16].

Умуман олганда, риск даражаси юқори бўлган суғурта турлари бўйича суғурта хизматларини кўрсатувчи Европа давлатларининг суғурта ташкилотлари ўзларининг бўш молиявий ресурсларини жойлаштиришда ликвидлилик масаласига жуда катта эътибор қаратади. Шунинг учун суғурта ташкилотлари томонидан инвестиция мақсадларига йўналтирилган маблағлар суғурта ташкилотлари томонидан олинган мажбуриятлар таркибига мос келиши керак. Шу билан бирга суғурта ташкилотлари томонидан инвестицияга йўналтирилган маблағлар ортиқча харажатсиз тезлик билан пул маблағига айланиш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, суғурта ташкилотларининг ўн йил давомидаги инвестиция фаолиятида турли хил ўзгаришлар кузатилган. Масалан, 2008 йилда суғурта ташкилотлари томонидан инвестиция объектларига йўналтирилган маблағларнинг ҳажми 240,6 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 1482,5 млрд сўмдан иборат бўлди. Демак, ўн йил давомида йиллик суғурта мукофотлари ҳажми 10,5 баравар ошган бўлиб, инвестициялар ҳажми эса 6,2 баравар ошганлигидан далолат беради. Бундан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти самарадорлиги нисбатан паст даражада сақланиб қолинмоқда.

Суғурта ташкилотлари инвестиция объектларига йўналтирилаётган

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

молиявий ресурларнинг ҳажмини ошириш учун узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси хизматлари бозорига хусусий ресурсларни жалб қилиш фаоллигини ошириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни беришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

•мижозларнинг хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда суғурта хизматлари учун суғурта мукофотлар тўлашнинг актуал схемаларини шакллантириш керак. Шу мақсадда вақт оралиғида кўпайиб ёки камайиб борувчи схемаларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади;

•инвестиция муносабатларига нисбатан эътибори юқори суғурталанувчилар билан тузилган суғурта шартномаларидан шакллантирилган суғурта захиралари маблағларини инвестиция қилишда, суғурталанувчиларнинг хоҳишларини эътиборга олиш керак. Шу мақсадда суғурта ташкилоти ичкарисида инвестиция фаолиятининг аниқ мақсадларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида активлар портфелларини шакллантириш ва улар учун алоҳида ҳисоб юритиш керак;

•суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнида суғурта захираларини жойлаштириш қоидаларига асосланган ҳолда мижозларга полисли қарзлар беришни кўпайтириш лозим. Шу мақсаддан келиб чиқиб, суғурта ташкилотларида ушбу хизматни кўрсатиш қоидаларини қайта кўриб чиқиш, уларни суғурталаш қоидаларига киритиш ва берилган полисли қарзларнинг қатъий ҳисобини юритиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонуни. 2021 йил 23 ноябрь, ЎРҚ-730-сон. – https://lex.uz/docs/5739117

2. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2008 йил 21 апрель, ЎРҚ-155-сон. – https://lex.uz/docs/1342474

3. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги Қонуни. 2009 йил 16 апрель. ЎРҚ-210-сон. – https://lex.uz/docs/1471197

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги Қонуни. 2015 йил 26 май. ЎРҚ-386-сон. – https://lex.uz/docs/2652779

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги 108-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрь "Суғурта бозорини рақамлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5265-сон қарори.

7. Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф.Страхование: уч.пособие – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2012. – С.201.

8. Орланюк-Малицкая Л.А., Янова С. Страхование. – М.: Юрайт, 2012.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

– С.78.

9. Турбина К.Е.Теория и практика страхования. – М.: Анкил, 2003. – С.132

10. Фёдорова Т.А.Страхование: Учебник. – М.: Магистр “Инфра-М”, 2009. – С.695.

11. Кенжаев И., Абдураимова М., Абдуллаева Н. Суғурта бизнеси: ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2020. – 347 б.

12. Абдурахмонов И.Х., Кенжаев И.Ғ. Суғурта менежменти: ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2020. – 412 б.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари. – https://www.imv.uz/

14. Insurance Information Institute; Life Insurers fact Book American Council of Life Insurers

15. https://www.allianz.com

https://www.louisepryor.com

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ИННОВАЦИОН МАҲСУЛОТЛАРИ

Адилова Гулнур Джурабаевна

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) суғурта ва пенсия иши кафедраси доценти Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail. adilova_gulnur@tfi.uz
ORCID: 0009-0001-8526-5889

Аннотация. Мақолада миллий суғурта хизматлари бозорини такомиллаштиришда суғурта компаниялари томонидан инновацион ва мотивацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш, суғурталанувчиларга замонавий ахборот технологияларни қўллаган ҳолда электрон полисни сотишни ташкил этиш ва суғурта хизматларини кўрсатишда суғурта профессионал иштирокчиларидан фойдаланиш масалалари тадқиқ этилган ва тегишли таклифлар берилган.

Калит сўзлар: суғурта бозори, суғурта маҳсулоти, Е-полис, суғурта брокери, суғурта агенти, асисстанс, аджастер, сюрвейер, иҳтиёрий суғурта, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси, суғурта хизмати.

ИННОВАЦИОННЫЕ ПРОДУКТЫ СТРАХОВЫХ РЫНКОВ

Адилова Гульнур Джурабаевна

доктор философии (RhD) по экономическим наукам доцент кафедры страхования и пенсионного дела Ташкентский государственный экономический университет
E- mail . adilova_gulnur@tfi.uz
ORCID: 0009-0001-8526-5889

Аннотация. В статье рассматривается разработка инновационных и мотивационных страховых продуктов в контексте совершенствования национального рынка страховых услуг, исследуется организация продажи электронных полисов страхователям с использованием современных информационных технологий, подвергается анализу участие профессиональных участников страхования при оказании страховых услуг, а также даются соответствующие рекомендации.

Ключевые слова: страховой рынок, страховой продукт, электронный полис, страховой брокер, страховой агент, асисстанс, аджастер, сюрвейер, добровольное страхование, страховая премия, страховое покрытие, страховые услуги.

INNOVATIVE PRODUCTS INSURANCE MARKETS

Adilova Gulnur Djurabaevna
Doctor of Philosophy (RhD) in Economic Sciences Associate Professor of the Department of Insurance and pension affairs Tashkent State the Universityof Economics
E-mail. adilova_gulnur@tfi.uz
ORCID: 0009-0001-8526-5889

Abstract. The article examines the development of innovative and motivational insurance products in the context of improving the national insurance market, examines the organization of the sale of electronic policies to policyholders using modern information technologies, analyzes the participation of professional insurance participants in the provision of insurance services, and provides appropriate recommendations.

Keywords: insurance market, insurance product, electronic policy, insurance broker, insurance agent, assistance, adjuster, surveyor, voluntary insurance, insurance premium, insurance coverage, insurance services.

Кириш

Ўзбекистонда суғурта бозори бир неча йилдан бери барқарор ўсиш суръатига эга бўлиб келмоқда, бу эса, ўз навбатида, унинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини ошириб бормоқда. Маълумки, мамлакат молия секторининг, шу жумладан суғурта соҳасининг ривожи мамлакатнинг умумиқтисодий аҳволи билан чамбарчас боғланган. Суғурта соҳаси мамлакат иқтисодиётининг ривожи билан узвий боғлиқлиги сабабли, у мамлакатдаги умумиқтисодий ўзгаришларга жуда тез таъсир қилувчи омиллардан ҳисобланади.

Шу билан бирга ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда.

Ҳар бир суғурта компанияси ўзи таклиф этаётган хизматлар турлари ичида жуда кўп маҳсулотлар шаҳобчаларига эга бўлади. Суғурта эҳтиёжларининг барча турларини қондириш учун уларнинг миқдори ҳам анчагина бўлиши талаб этилади. Уларнинг ҳар бири муайян бозорга ёки унинг йирик сегментига йўналтирилган асосий маркетинг бирлиги

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ҳисобланади. Ҳар бир жамланма ўз дизайнига эга бўлиб, хизматлар сифатига савдо маркаси ва суғурталовчининг номи билан жавоб беради. Эҳтимолдаги мижоз истеъмолчининг вакилига суғурта шартномаси тузиш масаласида мурожаат этган чоғида, унга мавжуд суғурта маҳсулотлари доирасида танлов имкониятини беради.

Адабиётлар шарҳи

Суғурта соҳасидаги етакчи немис мутахассислардан бири, профессор Дитер Фарни билдирган фикрлари суғуртани талқин этишга ягона ёндашувнинг йўқлигини акс эттирган [6]. Олим ўзининг “Ишлаб чиқариш ва харажатларнинг суғурта назариялари” асарида “суғурта” тушунчасининг бир қатор таърифларини берган. Д. Фарнининг фикрича, ҳуқуқий нуқтаи назаридан суғурта маҳсулоти суғурта шартномаси бўлиб, суғурта полисини ва суғурта қоидаларини ўз ичига олади. Айни пайтда тадқиқотчи суғурта маҳсулотини бозорга истеъмолчининг эҳтиёжини қондириш учун таклиф этилиш мумкин бўлган товардир деб таърифлаган.

Агар суғурта хизматларини товар сифатида қарайдиган бўлсак, у сотилгандан сўнг истеъмолчининг эҳтиёжини қондириши лозим.

А. Зубецнинг фикрича, “... суғурта маҳсулоти - суғурта шартномасини тузишда суғурталанувчига тақдим этиладиган асосий ва ёрдамчи хизматларнинг тўпламидир” [5]. Шундай қилиб, суғурта маҳсулоти – суғурта шартномаси доирасида суғурталанувчининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган маълум хизматлар тўпламидир. Суғурта ва қайта суғурта соҳасидаги хизматлардан ташқари бундай маҳсулотларга муайян суғурта полиси доирасида кўрсатиладиган юридик ва ташкилий хизматлар ҳам киради.

Шу жиҳатдан “суғурта маҳсулоти” тушунчаси “суғурта хизмати” тушунчасидан кенгроқ бўлиб, хизматларнинг бошқа турларини ҳам ўз ичига олади.

Тахлил ва натижалар

Ҳозирги замон иқтисодиётида Ўзбекистоннинг суғурта тизими стратегик аҳамият касб этмокда. Бунинг боиси суғурта тизимининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, суғурта бозорининг давлат бошқаруви идоралари (органлари) томонидан мамлакатнинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисмларидан бири сифатида кўриб чиқилаётганлигидадир. Мамлакатимизда суғурта бозори ривожланишида суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада такомилаштирилиб, тармоқларни ривожлантириш янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади. Суғурта фаолиятини ривожлантиришни усуларидан бири суғуртанинг мажбурий тартибда киритилиши бир томондан соҳанинг асосий муоммоларидан бири бўлган аҳоли суғурта маданиятининг кўтарилишига хизмат қилса, иккинчи томондан етказилган зарарнинг суғурта механизми орқали кафолатли

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

қопланиши тизимини яратилади. Натижада жабрланувчиларга тўланадиган суғурта қопламаларининг ҳажми кескин ортди. Бу эса аҳолини ижтимоий ҳимоясининг янада мустахкамланишига хизмат қилади.

1-диаграмма

Мукофотларнинг суғурта турлари бўйича ўзгариш динамикаси (млрд сўм)*



*Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари маълумоти асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диаграмма маълумотларидан кўриш мумкинки, 2017-2019 йиллар мобайнида мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизматларида ўсиш кузатилган, аммо 2020 йилда ихтиёрий суғурта ва жами суғурта мукофотлари ҳажмининг камайиши юзага келган. Бу ҳолат Covid-19 таъсирида вужудга келиб, нафақат суғурта, балки иқтисодиётнинг бошқа секторларида ҳам кузатилган. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида 2024-2025 йиллар учун суғурта турлари ва суғурта мукофотлари бўйича прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Уларга кўра, 2025 йилда мажбурий суғурта 619,7 млрд сўмни, ихтиёрий суғурта 10429,9 млрд сўмни ва жами суғурта мукофотлари 12789 млрд сўмни ташкил этиши прогноз қилинган.

1-жадвал.

Ўзбекистон суғурта бозорида мажбурий суғурта турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ва суғурта қопламалари (млрд. сўм)*

Суғурта турлари	Жами суғурта мукофотлари		
	31.12.2021	31.12.2022	Ўзгариш %
Жами мажбурий суғурта мукофотлари	***502 029***	***518 042***	***+3,2%***
Иш берувчининг жавобгарлиги (аннуитет)	25 696	26 766	+4,2%
Иш берувчининг жавобгарлиги	165 509	156 756	-5,3%
Транспорт эгаларининг жавобгарлиги	229 124	234 084	+2,2%
Ташувчининг жавобгарлиги	6 319	4 028	-36,2%
Хавфли ишлаб чиқариш объектлар	18 443	21 204	+15,0%

Қурилиш-монтаж рисклари	41 875	58 793	+40,4%
бошқалар	15 063	16 411	+8,9%
Суғурта турлари	**Жами суғурта қопламалари**		
	31.12.2021	**31.12.2022**	**Ўзгариш %**
Жами мажбурий суғурта қопламалари	***190 964***	***242 146***	***+26,8%***
Иш берувчининг жавобгарлиги (аннуитет)	8 565	9 332	+9,0%
Иш берувчининг жавобгарлиги	56 087	65 086	+16,0%
Транспорт эгаларининг жавобгарлиги	118 491	158 660	+33,9%
Ташувчининг жавобгарлиги	176	134	-23,9%
Хавфли ишлаб чиқариш объектлар	32	-	-100,0%
Қурилиш-монтаж рисклари	70	607	+769,8%
бошқалар	7 544	8 327	+10,4%

*Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари маълумоти асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланиши кўпроқ рақамли иқтисодиётнинг суғурта технологияларига таъсир кўрсатувчи технологияларни жорий этишга боғлиқ, аммо унинг иқтисодий моҳиятини ўзгартирмайди. Суғурта фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш натижасида:

- суғурта фаолиятининг самарадорлиги ва рентабеллиги ошади;
- ўзаро ва тижорат суғуртасининг бирлашиши тезлашади;
- суғурта муносабатларининг ижтимоийлашуви юз беради;
- янги суғурта хизматлари ва маҳсулотлари юзага келади;
- суғурта соҳасида меҳнат бозори ўзгаради (автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва баъзи суғурта агентлари, қуйи ва ўрта менежерларни роботлари билан алмаштириш юзага кеади).

Умуман олганда Ўзбекистон суғурта бозорини рақамлаштириш хозирда давр талабидир ва ушбу жараённи жадаллаштириш мамлакат суғурта бозорини глобал суғурта бозорида ўз ўрнини топишини кафолатлайди.

Хулоса

Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматларини кўрсатиш тизими ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб, келажакка эга бўлган улкан, амалда тўлиқ ўзлаштирилмаган бозор имкониятларига таянади. Мамлакат иқтисодиёти ислоҳотларининг бошланғич босқичида жамиятда суғурта юзасидан талаб кучли бўлмаса ҳам, суғурта бозори иқтисодий муносабатларининг энг муҳим сегментига айланишининг белгилари пайдо бўлмоқда. Бутун жаҳонда суғурта хизматларини кўрсатиш тизими иқтисодиётнинг ҳолатини акс эттирувчи индикаторлардан бири сифатида тан олинган.

Мамлакатимизда суғурта компаниялари ҳаёт суғуртаси бўйича янги маҳсулотларни таклиф этмоқда, улар аҳолиинг янги эҳтиёжларига жавоб

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

бермоқда. Бошқа суғурта турларидан ҳаёт суғуртасини ажратиш ва инвестиция маҳсулотларининг ноёб хусусиятини ўрганиш учун суғурта тури функцияларини аниқлаш, маҳсулотлар ноёблигини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаётни инвестицион суғурталаш янги бетакрор маҳсулот бўлиб, иккита асосий компонентни ўзида мужассамлаштиради: капитални суғурталаш ва инвестициялар. У аҳолининг муҳим эҳтиёжини, яъни молиявий даромад олиш ва ўз киритган маблағларини кафолатлаган ҳолда сақлаб қолиш эҳтиёжини қондириш имконини беради. Бу янги суғурта маҳсулоти орқали мижозларнинг даромадларини ошириш ва жамғариб бориш имконини беради.

Албатта, мамлакатимизда unit-linked ҳаётни инвестицион суғурталаш Ўзбекистон суғурта бозорига янги имкониятларни очиб беради. Ҳаётни инвестицион суғурталаш афзалликларини инобатга олган ҳолда мамлакат суғурта хизматлари бозорини ривожланиши муқаррар.

Суғурта компанияларида ўз фаолиятини интернетлаштириш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

• суғурта хизматларини он-лайн равишда сотиш;
• суғурта даъволарини ҳал этиш;
• полис эгалари тўғрисида маълумот тўплаш.

Бундай имкониятлар ҳар икка томон учун жуда қулай ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги ЎРҚ-730-сонли қонуни. https://lex.uz/docs/5739117

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. –https://lex.uz/docs/5841063

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли фармони. https://nrm.uz/contentf?doc=491373

4. Абдурахмонов И., Абдураимова М., Абдуллаева Н. Суғурта назарияси ва амалиёти: дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 420 б.

5. Зубец А. Маркетинговые исследования страхового рынка. – М.: Центр экономики и маркетинга, 2002. – 224 с.

6. http://www.science-education.ru/ru/article/viewid=18489

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

IJTIMOIY HIMOYA TIZIMINING SHAKLLANISHI VA ASOSIY YO‘NALISHLARI

Sholdarov Dilshod Azimiddin o‘g‘li
iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD)dosent
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: sholdarov_dilshod@tfi.uz
ORCID: 0000-0001-9020-8697.

Annotatsiya. Maqolada “ijtimoiy davlat”, “ijtimoiy himoya” tushinchalari, fuqarolarni ijtimoiy jihatdan to‘la ta’minlash, aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlariga moddiy ko‘mak berish, ijtimoiy himoyani kuchaytirish, kambag‘allikni qisqartirish, kam ta’minlangan oilalar, xotin-qizlar va yoshlarni qo‘llab-quvvatlash, ularning bilim olish imkoniyatlarini kengaytirish hamda ularning tashkiliy-uslubiy jixatlari tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: ijtimoiy davlat, davlat siyosati, ijtimoiy himoya, moddiy yordam, kam ta’minlangan oila, yolg‘iz qariyalar, yoshlarni qo‘llab-quvvatlash, moliyaviy barqarorlik.

ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ И ЕЕ ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ

Шолдаров Дилшод Азимиддин оглы
доктор философии (RhD) по экономическим наукам доцент
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: sholdarov_dilshod@tfi.uz
ORCID: 0000-0001-9020-8697

Аннотация. В статье анализируются понятия «социальное государство», «социальная защита», исследуются вопросы социального обеспечения граждан, материальной поддержки социально уязвимых слоев населения, усиления социальной защиты и сокращения бедности, поддержки малообеспеченных семей, женщин и молодежи, расширения их возможностей в получении образования, а также их организационно-методические аспекты.

Ключевые слова: социальное государство, государственная политика, социальная защита, материальна помощь, семьи с низким доходом, пожилые пенсионеры, поддержка молодежи, финансовая стабильность.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

FORMATION OF THE SOCIAL PROTECTION SYSTEM AND ITS MAIN DIRECTIONS

Sholdarov Dilshod Azimiddin ugli
Doctor of Philosophy (RhD)in Economic Sciences Associate Professor
Tashkent Statethe University of Economics
E-mail: sholdarov_dilshod@tfi.uz
ORCID: 0000-0001-9020-8697

Abstract. The article covers the concepts of “social state”, “social protection”, examines the issues of social security of citizens, material support for socially vulnerable segments of the population, strengthening social protection and poverty reduction, support for low-income families, women and youth, expanding their opportunities for education, and also their organizational and methodological aspects.

Keywords: social state, public policy, social protection, financial assistance, low-income families, elderly pensioners, youth support, financial stability.

Kirish

O‘zbekistonda ijtimoiy siyosatning alohida ahamiyatga egaligi faqat iqtisodiy vaziyatga bog‘liq bo’lmay, balki o‘zbek oilasiga yordam berish, xalqning qadriyatlariga asoslangan holda keksalarga moddiy yordam ko’rstish ehtiyoji bilan bog‘liq. Fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag‘allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o‘rinlari va kafolatli daromad manbai, malakali tibbiy va ta’lim xizmatlari, munosib yashash sharoitlari bilan ta’minlash sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarildi. So‘nggi besh yillik islohotlarning natijasida mamlakatimizda Yangi O‘zbekistonni barpo etishning zarur siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy va ilmiy-ma’rifiy asoslari yaratildi [1].

O‘zbekiston Respublikasi aholisini ijtimoy himoya qilish sohasidagi davlat siyosati aholining mehnatga qobiliyatsiz tabaqalarini, obyektiv sabablarga ko‘ra mehnat faoliyati yuritmaydigan fuqarolarni, belgilangan miqdordan kam daromad oladigan fuqarolarni qo‘llab-quvvatlashga oid chora-tadbirlarning yaxlit, majmuaviy tizimini ko‘zda tutadi.

O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlarning muhim natijalaridan biri ijtimoiy himoya siyosatining demokratik jamiyatni barpo etishdagi o‘rnini va ahamiyatining ortib borishi bilan belgilanmoqda. “Bugungi kunda ijtimoiy hayot sohasidagi salbiy holatlarni bartaraf etib, odamlar turmush darajasining keskin pasayib ketishiga yo‘l qo‘ymasdan, aholining himoyaga muhtoj qatlam va guruhlarini ijtimoiy muhofazasini ta’minlagan holda O‘zbekistonda ijtimoiy-siyosiy barqarorlikni va fuqarolar totuvligini saqlab qolish eng asosiy vazifalardan biridir.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Adabiyotlar sharhi

Professor A. Vaxobovning fikriga ko‘ra, har qanday jamiyatni taraqqiyoti ko‘p jihatdan aholi turmush tarsi, kishilarning ma’naviy, moddiy, ijtimoiy ehtiyojlarining qay darajada qondirilishiga bog‘liqdir [6].

G.Kasimovaning fikriga ko‘ra, jamiyatda fuqarolarni ijtimoiy jihatdan to‘la ta’minlash, aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlariga moddiy jihatdan ko‘mak berish, davlat ijtimoiy siyosatining muhim va ajralmas bo‘lagidir. Insoniyat sivilizasiyasi yuzaga kelgan davrdan boshlab to hozirgi kunga qadar jamiyatda keksalar, mehnatga layoqatsizlar, voyaga etmaganlar va boshqa ijtimoiy ta’minotga muhtojlarni jamiyat tomonidan yaratilgan moddiy ne’matlardan jamiyatning teng huquqli a’zosi sifatida bahramand bo‘lishlarini ta’minlash tizimi shakllanib keldi va hozirgi davrda ham ijtimoiy ta’minot va pensiya ta’minoti tizimi g‘oyat muhim va dolzarb ahamiyatga egadir [7].

Respublikada kam ta’minlangan oilalar, xotin-qizlar va yoshlarni qo‘llab-quvvatlash, ularning bilim olish imkoniyatlarini kengaytirish hamda kam ta’minlangan oilalar farzandlarining umumta’lim muassasalarida kuni uzaytirilgan guruhlarda o‘qishini moddiy jihatdan qo‘llab-quvvatlash maqsadida, O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Xalq ta’limi vazirligi, Mahalla va oilani qo‘llab-quvvatlash vazirligi hamda Yoshlar ishlari agentligining kam ta’minlangan oilalar farzandlarining umumta’lim muassasalaridagi kuni uzaytirilgan guruhlarda bolalar ta’minoti uchun ota-onalar to‘lovini «Ayollar daftari»ga kiritilgan xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi, «Yoshlar daftari»ga kiritilgan yoshlarni qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi va «Saxovat va ko‘mak» jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan qoplab berish yo‘nalishlari ko‘rsatib o‘tilgan [2].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Kam ta’minlangan oilalarga moddiy yordam ko‘rsatish hamda kambag‘allik bilan kurashish ko‘lamini yanada kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2021 yil 11 avgustda chiqarilgan PF-6277-son Farmoni ijrosini ta’minlash, shuningdek aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini yanada takomillashtirish maqsadida Vazirlar Mahkamasi tomonidan Kam ta’minlangan oilalarni “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” axborot tizimi orqali aniqlash, kam ta’minlangan oilalar bolalari uchun nafaqa va moddiy yordam tayinlash va to‘lash tartibi to‘g‘risida nizomda kam ta’minlangan oilalarni “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” axborot tizimi orqali aniqlash tartibi belgilangan [3].

2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida belgilangan maqsadlardan kelib chiqib hamda ijtimoiy himoya sohasida tizimli islohotlarni izchil davom ettirish va yanada takomillashtirish, aholining ijtimoiy himoya olish huquqlarini ta’minlash, davlat ijtimoiy yordami va xizmatlarini ko‘rsatishda samarali idoralararo muvofiqlashtiruvchi tizimni yaratish maqsadida, ijtimoiy yordamga muhtoj va ijtimoiy nafaqa tayinlash mezonlariga javob beradigan barcha oilalar va shaxslarni ijtimoiy yordam dasturlari bilan qamrab olish, majburiy ijtimoiy kafolatlardan, shu jumladan ijtimoiy himoya turlaridan foydalanish imkoniyatini sohani raqamlashtirish hisobiga kengaytirish,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ushbu jarayonga ochiqlik va shaffoflik tamoyillarini joriy qilish, aholi uchun majburiy ijtimoiy kafolatlarni ta’minlash, ehtiyojmand qatlamlarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish kabi aniq vazifalar belgilangan [4].

Tahlil va natijalar

Ijtimoiy taraqqiyot serqirra bo‘lib, insonning ham moddiy, ham ma’naviy extiyojlarini qondirish, uning tibbiy xizmatdan foydalanish, ta’lim olish, ijtimoiy ta’minotdan qoniqish, o‘z qobiliyatini ko‘rsatish erkinligiga, bugungi va kelgusi avlodlar xavfsizligiga bo‘lgan huquqlarini ta’minlashni o‘z ichiga qamrab oladi. Shunday ekan, aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini, jumladan, kam ta’minlangan bolali oilalarni aniq yo‘naltirilgan tarzda davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash, ularning moddiy farovonlik darajasini oshirish, keksa avlod vakillari manfaatlarining himoya qilinishini ta’minlash davlat kafolati ostida ekanligini unitmasligimiz lozim [8].

Aholini ijtimoiy himoya tizimiga oid ma’lumotlarni juda ko‘p me’yoriy xujjat va iqtisodiy adabiyotlarda uchratish mumkin. Ijtimoiy davlat tarraqiyotida aholini ijtimoiy himoyasini ta’minlash asosiy vazifalardan biri hisoblnadi. Bu yerda кам таъминланган оилалар учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби muhim o’rin tutadi [9].

Ijtimoiy davlat – insoniyat tarixiy taraqqiyotining muayyan davri mahsuli, davlatchilik rivojining maxsus bosqichidir. Ijtimoiy davlat g‘oyasi, eng avvalo, Qadimgi Sharqda, xususan, mutafakkir ajdodlarimiz tomonidan ilgari surilgan. Buyuk bobomiz Abu Nasr Forobiy ma’rifatli insonlar jamoasini, ideal jamiyat g‘oyasini “Fozil odamlar shahri” asarida tarannum etgan.

Ijtimoiy davlat barpo etish Alisher Navoiy bobomizning ham ezgu orzusi bo‘lgan. U insonlarning baxtli yashashi uchun munosib ijtimoiy muhit yaratish, farovon jamiyat qurish, ma’rifatli davlat boshqaruvi, adolatparvar va odil hukmdor, insonlar o‘zaro mehr-oqibatli va bag‘oyat ahloqiy bo‘lish kabi qarashlarni ilgari surgan edi. Shunga o‘xshash g‘oyalarni Nizomiy Ganjaviy, Sa’diy Sheroziy, Ahmad Donish singari qator allomalarimiz ijodida ko‘rishimiz mumkin.

Hozirgi “ijtimoiy davlat” tushunchasi ilk bor 1850 yilda nemis olimi Lorens fon Shteyn tomonidan ilmiy muomalaga kiritilgan. Bunday mamlakatda fuqarolarning ijtimoiy-iqtisodiy yuksalishiga erishish, jami ijtimoiy qatlamlar orqali shahsiy huquqlarda o‘zaro tenglikni ta’minlashi lozim. Shundagina inson kelajagi mamlakat rivoji uchun kerakli shart hisoblanadi.

Ijtimoiy himoya – mamlakat aholisini har tomonlama muhofaza qilinishini ta’minlab beradigan, ham iqtisodiy, ham ijtimoiy chora tadbirlar majmui hisoblanadi. Yoshi, salomatligi, ijtimoiy ahvoli, hamda tirikchilik vositalari bilan yetarlicha ta’minlanmaganligi tufayli ko‘makka muhtoj aholiga davlat va jamiyat yordam ko’rsatadi.

Aholi turmush darajasini yanada yaxshilash, aholi qatlamlarining ta’lim, madaniyat, kasb malakasi, turmush darajasini oshirish maqsadida ko’mak berish, daromadlardagi tafovutlarni kamaytirish ijtimoiy himoyaning yunalishlari qatoriga

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

kiradi.

Ijtimoiy himoyaning yo‘nalishlari quyidagilardan iborat:

1) erkin ijtimoiy iqtisodiy faoliyat ko‘rsatishni ta’minlash;
2) bandlik, kasb tanlash, o‘qish va bilim olishni ta’minlash;
3) daromadlarni kafolatlash;
4) har bir fuqaroning o‘z iqtisodiy faoliyatida daromadga ega bo‘lishini ta’minlash;
5) is-te’molchilar himoyasi, iste’molchilar jamiyatlariga ko’mak berish;
6) tovarlar va xizmatlar sifati, iste’mol kafolatini ta’minlash;
7) aholiga tibbiy xizmat ko‘rsatish;
8) ijtimoiy ta’minot tizimi va aholining muhtoj, kam ta’minlangan qatlam vakillariga pensiya, nafaqa, turli xil imtiyoz berish.

Ilk bor “ijtimoiy himoya” atamasi 1935-yilda AQShning “Ijtimoiy pensiya sug‘urtasi to‘g‘risida”gi qonunida ishlatildi. Bu qonun keksalik, o‘lim, nogironlik va ishsizlikdan majburiy sug‘urtalash instituti faoliyatining huquqiy asoslarini belgilab berdi, u mamlakat uchun yangilik bo‘ldi. Bu atama tez orada dunyoning ko‘pgina mamlakatlarida va XMT (Xalqaro mehnat tashkiloti)da keng qo‘llanila boshlandi. Bu qonunda yoshi kattalar hamda mehnatga qobiliyatsizlarga ko‘mak berishni joriy etish, ular muammolari mohiyatini tushunarli tarzda ifodalab bergan.

Xalqaro mehnat tashkiloti, Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti, Xalqaro ijtimoiy ta‘minot Assotsiatsiyasi ijtimoiy yordam ko’rsatishda, ishlayotganlarga mehnatga qobiliyatsizlik hollarida eng kam daromadlarni kafolatlashda, shuningdek, mehnat sharoiti va uni muhofazalashda, ish haqi bo’yicha konvensiyalar o’tkzishda va tavsiyalarni ishlab chiqishda “ijtimoiy himoya” tushunchaning doirasi ancha kengaytirildi. Xalqaro Mehnat tashkilotining bu sohadagi quyidagi, yani:

-Ijtimoiy ta’minotning minimal me’yorlari to‘g‘risida 102-sonli konvensiyasi (1952);

-Ijtimoiy ta‘minot sohasidagi teng huquqlilik to‘g‘risida 118-sonli konvensiyasi (1962);

-Keksa ishchilar to‘g‘risida 162-sonli konvensiyasi (1980);

-Ijtimoiy ta’minot sohasida huquqlarni saqlash to‘g‘risida 157-sonli konvensiyasi (1982) va boshqa muhim xalqaro hujjatlari qabul qilindi.

Ko‘pgina taraqqiy etgan mamlakatlarda ijtimoiy himoyaning asosiy vazifalarini davlat o‘z zimmasiga oladi. “Ijtimoiy himoya” tushunchasi birinchi bor AQSHda qo‘llanilgan bo‘lsa, keyinchalik Xalqaro mehnat tashkiloti konvensiyalarida ushbu tushunchaning mazmuni yanada mukammallashtirilgan. Ijtimoiy himoyaning bir qancha muammolari AQSH, Kanada, Shvetsariya mamlakatlarida ko‘rib chiqilgan va xal etilgan. Lekin ayrim yechimi topilmagan muammolar xam bor edi. Shunga qaramasdan ushbu mamlakatlarning ijtimoiy himoya sohasida ortirgan tajribalaridan foydalanish muhim axamiyat kasb etadi. Hozirgi kunda turli mamlakatlarda aholining ijtimoiy himoya tizimi o‘sha mamlakatning iqtisodiy rivojlanish ko‘rsatkichlariga va aholi manfatlari darajasi,

ijtimoiy siyosat darajasi va ijtimoiy ta’minot tizimining olib borilishi kabi omillar bilan bog‘liq hisoblanadi.

Mamlakatda ijtimoiy himoya darajasini yanada oshirish, mamlakat tomonidan aholiga ijtimoiy hizmat ko‘lamini kengaytitrish bo‘yicha bir qator ijobiy ishlar olib borilmoqda. Jumladan, ijtimoiy dasturlarni moliyalashtirish xarajatlari YaIMga nisbatan 2 baravarga oshib, kam ta’minlangan nafaqa oluvchi oilalar qamrovi 5 barobarga ko‘paydi hamda nogironligi bo‘lgan shaxslar va nogironligi bo‘lgan bolalarning parvarishi bilan band bo‘lganlar uchun yangi nafaqa turlari joriy etildi.

Yangi ishlab chiqilgan Konstitutsiyamizga kiritilgan o‘zgarishlardan shuni ko‘rishimiz mumkinki, fuqarolarninng ijtimoiy himoya tizimiga oid huquqlarini va manfaatlarini so‘zsiz ta’minlash, aholiga ijtimoiy xizmatlarni ko‘rsatish sifatini tubdan oshirish hamda mazkur sohaga ilg‘or xalqaro standartlarga asoslangan mutlaqo yangi boshqaruv tizimini joriy etish maqsadida, davlat tomonidan aholini manzilli himoya qilishning asosiy yo‘nalishlari belgilab berilgan. Jumladan, kompleks yondashuv asosida professional ijtimoiy himoya tizimini joriy qilinishi, ijtimoiy himoya tizimi samaradorligi va manzilliligini oshirish orqali aholining ko‘makka muhtoj qatlami ijtimoiylashuvini ta’minlanishi, ijtimoiy himoyani mahalla darajasigacha tashkil etish, og‘ir hayotiy ahvolga tushib qolgan aholiga individual yondashuvga muvofiq ijtimoiy xizmat va yordam ko‘rsatishni yo‘lga qo‘yilishi, aholining ijtimoiy sug‘urta mexanizmlari bilan qamrab olinishini kengaytirilishi, xavf guruhlariga tushib qolgan oilalarni aniqlash va kompleks ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatish orqali ularning og‘ir ijtimoiy ahvolga tushib qolishining oldini olish, nogironligi bo‘lgan shaxslarning hayot kechirishi uchun qulay muhit yaratishdan iborat [5].

Bir so‘z bilan aytganda, barcha islohotlar va amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar “Inson qadri uchun”, “Xalq davlat organlariga emas, davlat organlari xalqqa xizmat qilishi kerak”, “Davlat – inson uchun”, “Inson – jamiyat – davlat” degan xalqchil tamoyillar asosida olib borilmoqda.

Xulosa

Mamlakatimizda ijtimoiy soha borasida olib borilayotgan islohotlarning asl mazmunini tahlil qiladigan bo‘lsak, barchasi insonlarning ijtimoiy jihatdan davlat tomonidan kafolatlanganligini ko‘rishimiz mumkin. Ushbu islohotlarning asosiy maqsadi kam ta’minlagan aholi qatlamini kambag‘allikdan chiqarish va ularning davlatga bo‘lgan qaramligini kamaytirish. Kambag‘allikni oylik yoki nafaqa miqdorini ko‘paytirish yohud kredit berish bilan qisqartirib bo‘lmaydi. Ushbu strategik maqsadlarga hamma uchun teng imkoniyat yaratadigan yuqori iqtisodiy o‘sish hisobiga erishiladi.

Davlatimiz rahbari tomonidan imzolangan «Aholini ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirishga qaratilgan qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi farmon xalqning turmush darajasini oshirish, ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalarni yanada qo‘llab-quvvatlashga yunaltirilgan muhim hujjat

bo‘ldi.

Xozirgi sharoitda shaxs xayotda o‘z o‘rnini topishi uchun ilm o‘rganishi, kasb egallashi, zamonaviy texnika va texnologiyani o‘zlashtirishi, kompyuter yoki tilni o‘rganishi lozim hisoblanadi. Bular shunchaki oddiy bir istak bo‘lmasdan, bugungi zamon talabi darajasidagi imkoniyatlarni ochadi va kelajakdagi erkin va faravon faoliyatini belgilab beradi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib quyidagi fikr-mulohazalar shakllantirildi:

-birinchidan, har bir inson davlat oldida boqimandalik kayfiyatini bartaraf etishi lozim;

-ikkinchidan, fuqarolar o‘zini-o‘zi ish bilan band qilish usuliga o‘tishi maqsadga muvofiq;

-uchinchidan, ijtimoiy himoyani doimiy jarayon sifatida tushunmaslik lozim.

Yuqoridagi holatlarning aksi sifatida ish olib borilsa, mamlakatda boqimandalik kayfiyati yildan-yilga kuchayishi mumkin. Ijtimoiy himoya ayrim fuqarolar uchun imkoniyat, xolos. Har qanday sharoitda ijtimoiy yordam jamiyat a’zolari uchun imtiyozga aylanmasligi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 – 2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son farmoni. – https://lex.uz/ru/docs/-5841063

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining “Kam ta’minlangan oilalar farzandlarining umumta’lim muassasalaridagi kuni uzaytirilgan guruhlarda o‘qishini moddiy jihatdan qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2021 yil 16 avgustdagi 523-son qarori. – https://lex.uz/ru/docs/-5579870

3. Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 21 oktyabrdagi 654-son qaroriga 1-ilova. Kam ta’minlangan oilalarni “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” axborot tizimi orqali aniqlash, ularga kam ta’minlangan oilalar bolalari uchun nafaqa va moddiy yordam tayinlash va to‘lash tartibi to‘g‘risida Nizom. – https://lex.uz/docs/-5688101?ONDATE=21.10.2021%2000

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston respublikasi aholisini ijtimoiy himoya qilish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 2022 yil 25 iyuldagi PF-175-son farmoni. – https://lex.uz/docs/-6130265

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Aholiga sifatli ijtimoiy xizmat va yordam ko‘rsatish hamda uning samarali nazorat tizimini yo‘lga qo‘yish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 2023 yil 1 iyundagi PF-82-son farmoni. – https://lex.uz/uz/docs/-6480342

6. A.V. Vaxobov. Sh.A. Mannapova. Mustaqillik va xalq farovonligi\\ Moliya. – Toshkent, 2011. № 2.11.

7. G.A. Kasimova. G‘aznachilik tizimida ijtimoiy sohaning moliyaviy ta’minoti uslubiyotini takomillashtirish: monografiya. – Toshkent. Iqtisod-moliya, 2021.

8. Sholdarov Dilshod. "Development of the education system in the digital

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

economy on the basis of public-private partnership." International Finance and Accounting 2021.2 (2021): 2.

9. Шолдаров Д. Кам таъминланган оилалар учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 9.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЖЕНСКОЙ РАБОЧЕЙ СИЛЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Холиков Сулайман Уткир углы

базовый докторант
Ташкентский государственный аграрный университет
E-mail: sulaymonkholikov@gmail.com
ORCID: 0009-0003-7957-0507

В статье анализируются уникальные особенности участия женщин в экономике Узбекистана, их значимый вклад в различные области занятости. Рассматриваются вопросы оплаты труда женщин, их профессионального роста и возможностей улучшения социального статуса через трудовую деятельность. Также исследуются вызовы, с которыми сталкиваются женщины на трудовом рынке Узбекистана, предложены перспективные возможности улучшения их экономического положения.

Ключевые слова: гендерное равенство, трудовая миграция, заработная плата, гендерная принадлежность, рынок труда, профессиональное развитие, социальный статус, экономическое участие женщин, гендерная политика, поддержка женщин.

O'ZBEKISTONDA XOTIN-QIZLAR ISHCHI KUCHINIG IQTISODIY XUSUSIYATLARI

Xoliqov Sulaymon O‘tkir ug‘li

tayanch doktoranti
Toshkent davlat agrar universiteti
E-mail: sulaymonkholikov@gmail.com
ORCID: 0009-0003-7957-0507

Annotatsiya. Maqolada xotin-qizlarning O‘zbekiston iqtisodiyotidagi ishtirokining o‘ziga xos jihatlari, ularning bandlikni ta’minlashning turli sohalariga qo‘shayotgan salmoqli hissasi tahlil qilingan. Xotin-qizlar mehnatiga haq to‘lash, ularning kasbiy o‘sishi va mehnat orqali ijtimoiy mavqeini oshirish imkoniyatlari ko‘rib chiqilgan. O‘zbekiston mehnat bozorida ayollar duch kelayotgan muammolar o‘rganilib, ularning iqtisodiy ahvolini yaxshilashning istiqbolli imkoniyatlari taklif etilgan.

Kalit so'zlar: gender tengligi, mehnat migratsiyasi, ish haqi, gender, mehnat bozori, kasbiy rivojlanish, ijtimoiy mavqei, ayollarning iqtisodiy ishtiroki, gender siyosati, ayollarni qo'llab-quvvatlash.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ECONOMIC FEATURES FEMALE WORKFORCE IN UZBEKISTAN

Khalikov Suleiman Otkir ugli
basic doctoral student
Tashkent State Agricultural University
E-mail: sulaymonkholikov@gmail.com
ORCID: 0009-0003-7957-0507

Abstract. The article analyzes the unique features of women's participation in the economy of Uzbekistan, their significant contribution to various areas of employment. The issues of women's remuneration, their professional growth and opportunities for improving social status through work are considered. The challenges faced by women in the labor market of Uzbekistan are also explored, and promising opportunities for improving their economic situation are proposed.

Keywords: gender equality, labor migration, wages, gender, labor market, professional development, social status, economic participation of women, gender policy, support for women.

Введение

В контексте современного узбекского общества женская занятость является одной из важнейших социально-экономических проблем, подверженных влиянию многочисленных факторов и обстоятельств, таких как изменения в экономической конъюнктуре и политике занятости. Процессы формирования и развития рыночной экономики в стране, а также последующая структурная перестройка общества, спровоцировали значительные метаморфозы в статусе женщин в качестве активных участниц трудового процесса и членов общества в целом. Цель данного исследования заключается в проведении аналитического обзора динамики женской занятости, с уделением основного внимания экономическим аспектам, связанные с проблемой влияния макроэкономических показателей на рынок труда и демографические тенденции. Исследование направлено на выявление и оценку перспективных возможностей для активизации женской занятости и разработку стратегий по снижению негативных последствий их безработицы, включая меры по стимулированию женского предпринимательства и созданию равных возможностей на рынке труда.

Обзор литературы

Академики А.Э. Котляр и Антропов В.В. выделили четыре фундаментальных принципа рационального использования женской рабочей силы: калибровка рабочих задач и условий труда с учетом специфических психофизиологических особенностей женщин, оптимизация рабочего графика для гармоничного сочетания профессиональной деятельности с материнскими и семейными обязанностями, справедливое распределение женского труда между сферами общественного и частного труда, а также

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

поддержка гармоничного взаимодействия мужского и женского труда в различных географических регионах. Эти принципы могут послужить основой для дальнейших исследований и разработки стратегий по оптимизации использования женской рабочей силы в контексте социоэкономического развития [1].

Они подчеркивают, что эффективное использование женского труда требует оптимальной структуры занятости, адаптированной под уникальные психофизиологические особенности женщин и позволяющей балансировать профессиональные обязанности и семейные задачи. Другие ученые, включая Н.И. Татаринову, видят ключевую роль рациональной занятости женщин в повышении общественной продуктивности, стимулировании демографического роста, развитии личности женщины и достижении реального гендерного равенства. Эти концепции подчеркивают, что эффективность женской занятости оценивается не только по экономическим показателям, но и по широкому спектру социальных последствий, включая личностное развитие женщин и успешное выполнение их обязанностей по воспроизводству и воспитанию будущих поколений [2].

Работы отечественных экономистов, в числе которых А.В. Вахобов, Г.Х. Абдурахманов, Х.П. Абулкасимов, П.З. Гашимов, Абдуллаева, также оказали значительное влияние на область анализа теоретических и концептуальных основ экономики социальной сферы и систем социальной защиты. Их исследования затрагивают финансирование социальной сферы, уровень жизни населения, механизмы и методологию поддержки населения в стране.

Более того, ученые, такие как М.А. Хакимова, М.Х. Ганиев и Б.Б. Бахтияров, провели обширные исследования, касающиеся финансирования социальной сферы, анализа уровня жизни, разработки и оптимизации механизмов поддержки, и предложили обширный анализ систем поддержки населения в контексте социальной экономики и социальной защиты.

Анализ и результаты

Учитывая распространение в глобальном масштабе новых стратегий, направленных на укрепление механизмов вовлечения женщин в трудовую деятельность, значительное внимание уделяется проведению целенаправленных исследований для решения целого ряда проблем в этой области. Это предполагает теоретическое осмысление новых процессов, регулирующих женскую занятость, изучение множества факторов, влияющих на формирование и развитие женской занятости, исследование региональных изменений в организации труда, а также участие в целевых инициативах с участием женщин [3].

В настоящее время вовлечение женщин в трудовую деятельность является одной из важнейших экономических проблем, признанной одним из основных макроэкономических факторов, определяющих общественный

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

прогресс. Как мировая, так и национальная экономика уделяет все больше внимания участию женщин в рабочей силе [4]. Стремление обеспечить возможности трудоустройства для сельских женщин и снизить уровень их безработицы сопряжено с многогранными социально-экономическими проблемами. Для эффективного решения этих сложных задач необходимо учитывать не только универсальные принципы рынка труда, но и различные нюансы, характеризующие вовлеченность женщин в трудовую деятельность [5].

Ученые широко признают значительные гендерные различия в участии женщин в рабочей силе, особенно в связи с неравенством доходов и непропорциональным бременем неоплачиваемых семейных обязанностей. Эти факторы заметно различают динамику трудовой деятельности женщин и мужчин в различных контекстах. Социальные представления о гендерных ролях в рабочей силе и региональное влияние играют ключевую роль в формировании нюансов распределения женского труда [6].

Для создания качественных возможностей трудоустройства женщин, составляющих половину населения страны, принимаются различные системные меры. Основное внимание уделяется разработке политики занятости, ориентированной на женщин, для борьбы с безработицей в этой демографической группе. По данным Министерства занятости и снижения с бедностью Республики Узбекистан, уровень безработицы в 2018 году составил 3,2 % по сравнению с 6,2 % в 2017 году. Примечательно, что в Узбекистане уровень безработицы среди молодежи до 30 лет составляет 14,9 %, а среди женщин - 12,4 %.

В стране разработан комплексный план реформ, направленный на повышение роли женщин в обществе и приоритетные меры по обеспечению их занятости. Президент Шавкат Мирзиёев в своем послании Олий Мажлису 28 декабря 2022 года подчеркнул необходимость усиления государственной поддержки женщин и молодежи, выразив обеспокоенность тем, что, несмотря на предпринимаемые инициативы, значительное число женщин сталкивается с трудностями и безработицей.

Проблема занятости женщин в сельских регионах представляет собой сложную социально-экономическую задачу, требующую тщательного изучения. Это изучение должно включать в себя соблюдение универсальных правил и принципов занятости. Исследование эффективных стратегий расширения участия женщин в рабочей силе в сельских регионах направлено на достижение нескольких основных целей:

- Приведение масштабов, структуры и стабильности спроса и предложения на сельских женщин в соответствие с реальными потребностями экономики и рынка труда.

- Снижение численности безработных сельских женщин путем контроля взаимодействия спроса и предложения через трудовые отношения, содействия согласованности на рынке труда и укрепления сельской

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

инфраструктуры.

- Повышения условий для полного использования трудовых и предпринимательских способностей трудоспособного населения, а также повышение информированности населения о достижениях и инновациях, поддерживаемых государством.

Важно признать, что проведение всестороннего анализа взаимодействия компонентов в рамках надежной социально-экономической структуры занятости женщин в сельских регионах не только рационально и оперативно, но и проясняет присущие этой структуре свойства [7].

В настоящее время при изучении распределения занятости женщин по секторам национальной экономики можно отметить, что их участие в сельском хозяйстве составляет 26,8%, а в таких секторах, как образование, культура, искусство, наука и научное обслуживание, - 18,9%. В торговле и общественном питании женщины составляют 14,1 % рабочей силы, в здравоохранении и физическом воспитании - 11,6 %, а в промышленном секторе - 9,9 %. Данные свидетельствуют о значительном присутствии женщин в сельскохозяйственном секторе, что указывает на необходимость их перевода в сферу услуг и переработки, особенно в негосударственном секторе.

Траектория, масштабы и изменения в занятости женщин в условиях экономических реформ во многом зависят от их первоначального статуса занятости и основных социально-экономических характеристик. Это подчеркивает важность поддержки занятых женщин, особенно трудоспособных сельских женщин, путем создания институтов, направленных на устранение гендерных предубеждений и реализацию эффективной социально-демографической политики.

Изданные 2 сентября 2019 года Указы Президента РУз "О защите женщин от домогательств и насилия" и "Об обеспечении прав и возможностей женщин и мужчин в сфере общественного производства на основе гендерного равенства" принесли положительные результаты. Несмотря на законодательное обеспечение гендерного равенства в трудовых отношениях, существующие нереализованные проблемы и возможности мешают женщинам занять достойное место на рынке труда. Решение этой проблемы требует разработки и реализации инициатив по поддержке занятости на уровне национальных, региональных и местных органов власти как средства актуализации государственной политики в области занятости женщин. Выявление когорт безработных женщин, использование социальных механизмов для повышения их трудоспособности, разработка целевых национальных программ занятости, направленных на стимулирование женщин к поиску работы, развитие их навыков и потенциала, а также смягчение барьеров, с которыми они сталкиваются, являются важнейшими шагами на пути решения этих проблем.

Инициатива "Каждая семья - предприниматель" призвана

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

способствовать позитивным преобразованиям путем оказания широкой поддержки предпринимательской деятельности, включая доступ к льготным кредитам, постоянную практическую помощь со стороны государственных структур на протяжении всего жизненного цикла бизнеса, широкое расширение услуг для семейного бизнеса и целый ряд целевых мероприятий.

По мнению экспертов, создание благоприятных условий труда, особенно для многодетных женщин, требует гибкого графика работы и сокращенного расписания для оптимального использования женского труда. В настоящее время в сельской местности существуют разнообразные возможности гибкой занятости: производство сельскохозяйственной продукции на приусадебных участках, индивидуальное изготовление потребительских товаров (например, шитье, вязание, рукоделие), различные виды строительных и ремонтных работ, а также оказание нематериальных услуг, таких как уход за детьми, репетиторство и медицинское обслуживание [8].

Поощрение участия женщин в предпринимательской деятельности является действенной стратегией решения проблемы женской безработицы. Зачастую женщины, в отличие от мужчин, более склонны открыто признавать отсутствие необходимых знаний, навыков и умений, что побуждает их искать пути самосовершенствования [9].

В рамках изменения экономики необходимо расширить участие женщин на сельском рынке труда и устранить препятствия, мешающие их конкурентоспособности. Преодолеть препятствия можно, сделав акцент на повышении профессиональных и квалификационных навыков, особенно в сфере предпринимательства, путем создания профессиональных учебных заведений, призванных обучать сельских женщин основам предпринимательской деятельности [10].

В 2023 году на развитие женского предпринимательства в Узбекистане выделена значительная сумма в размере 3,241 трлн. сумов. Более 60 000 женщин прошли профессиональное обучение, в результате чего 27 000 человек были трудоустроены, а 10 451 женщина с ограниченными возможностями активно занимаются надомным трудом. Респонденты, все женщины, были распределены по возрастным группам: 16-17 лет (19,5%), 18-30 лет (28,2%), 31-49 лет (25,5%), 50-60 лет (16,2%) и старше 60 лет (9,8%). Условия труда для занятых женщин в исследуемых регионах включали повышение инвестиционной привлекательности сельских регионов, внедрение современных методов трудоустройства, стимулирование роста частного сектора, предоставление рабочего времени многодетным женщинам, стимулирование предприятий, создающих рабочие места.

В решении количественных и качественных аспектов проблем женской занятости крайне важно усилить государственную политику в сфере занятости, повысить эффективность работы агентств по труду и обеспечить гендерное равенство. Результаты опроса свидетельствуют о том, что

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

женщины в основном заняты в сельском хозяйстве, обрабатывающей промышленности, сфере услуг, предпринимательстве и других отраслях. Женщины выражают желание перейти в сферу услуг и заняться индивидуальной трудовой деятельностью, чтобы увеличить свой доход. К числу секторов, способных создать новые рабочие места, относятся сфера услуг, переработка, сельское хозяйство и самозанятость.

Основной целью нынешней реструктуризации и существенного пересмотра социально-экономической стратегии Республики Узбекистан является обеспечение социального равенства и увеличения качества жизни. В этом направлении значительное внимание уделяется сектору услуг, а также таким отраслям, как обрабатывающая промышленность, сельское хозяйство и строительство. Отличаясь высоким спросом на рабочую силу, сфера услуг обычно составляет 60-70% экономики в странах с развитой рыночной инфраструктурой и высоким уровнем жизни.

В Узбекистане вклад сферы услуг как в занятость (50,3%), так и в ВВП (54,5%) заслуживает внимания. Для сравнения, в США и Германии этот показатель выше - 77% и 78,5%, 66,9% и 72,5% соответственно. В России эти показатели составляют 60 % и 71,2 %. Примечательно, что доля услуг в Узбекистане выросла в среднем на 13,5 % в занятости и почти на 17,8 % в ВВП[11]. Страны с развитой экономикой часто решают микроэкономические проблемы за счет роста сектора услуг, что открывает перед Узбекистаном широкие возможности для повышения уровня развития сферы услуг. Такое развитие может обеспечить женщинам, работающим в сфере услуг, больше свободного времени и возможностей для его эффективного использования.

Таблица-1

Сравнительные показатели трудового населения некоторых стран в сфере производства и оказания услуг* (%)

№	Название стран	2023 год		
		Занятость населения		Валовый внутренний продукт
		В производстве	В сфере услуг	В производстве
1	Узбекистан	49,7	54,5	45,5
2	Россия	40,0	71,2	28,2
3	США	23,0	78,5	21,5
4	Германия	33,1	72,5	27,5
5	Польша	46,8	64,0	36,0

* Расчет приведен автором из статистических источников стран.

Учитывая социально-экономическую и образовательную динамику, когда женщины одновременно справляются с работой и семейными обязанностями, необходим специализированный подход к формированию трудовых отношений в обществе и укреплению политики занятости, а также

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

защита женщин от безработицы. Учитывая ограниченность государственных и местных бюджетов, предлагается создать в каждой махалле (деревне) "Фонд занятости для безработных женщин в сельской местности". Этот фонд будет формироваться за счет взносов трудоустроенного населения (в денежной или неденежной форме) и других разрешенных законом средств. Использование этого фонда, руководствуясь различными принципами и опираясь на социально-экономические механизмы развития социальной защиты, направлено на стабилизацию экономики, снижение социальной напряженности и предотвращение формирования культуры иждивенчества.

Выводы

Анализ экономических особенностей женской рабочей силы в Узбекистане выявил, что доля женщин на рынке труда страны составляет около 45%. Однако, по данным Всемирного банка, доход женщин в Узбекистане в среднем на 31% ниже, чем у мужчин. Кроме того, согласно исследованиям Национального статистического комитета Узбекистана, лишь 30% женщин имеют руководящие должности, что указывает на наличие барьеров для профессионального роста женщин[11] [12]. Для улучшения ситуации женской рабочей силы в Узбекистане необходимо принимать активные меры. Кроме того, важно создавать рабочие места с учетом специфики семейных обязанностей женщин, обеспечивая гибкие графики работы и условия совмещения семейной и профессиональной жизнью. После изучения экономических особенностей женской рабочей силы в Узбекистане можно сделать следующие выводы:

1. Женщины в значительной степени участвуют в экономике Узбекистана: Их вклад в различные отрасли и сферы труда играет важную роль в общем экономическом развитии страны.

2. Оплата труда и профессиональное развитие женщин: существует необходимость в улучшении условий оплаты труда для женщин и поощрении их профессионального роста для достижения равноправия на рынке труда.

3. Социальный статус женщин через трудовую деятельность: Труд женщин должен быть признан и оценен соответствующим образом для поддержки повышения их социального статуса.

На основе вышеперечисленных выводов можно предложить следующие меры для улучшения экономического положения женской рабочей силы в Узбекистане:

1. Повышение равноправия и борьба с дискриминацией: Необходимо установить законодательные меры, которые бы обеспечили равные возможности и защиту прав женщин на рынке труда.

2.Обучение и развитие навыков: Предоставление доступных образовательных программ и тренингов для женщин, чтобы помочь им расширить свои профессиональные навыки и возможности.

3.Поддержка предпринимательства среди женщин: Содействие

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

женскому предпринимательству через доступ к финансовым ресурсам, консультациям и инфраструктуре для развития бизнеса.

4. Создание рабочих мест с учетом потребностей женщин: Формирование рабочих мест и гибких графиков работы, учитывающих семейные обязанности и потребности женщин.

Реализация указанных предложений способствует улучшению ситуации женской рабочей силы в Узбекистане и способствует социально-экономическому развитию страны в целом.

Литература

1. Антропов В.В. Экономические модели социальной защиты населения в государствах ЕС. Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора экономических наук. - Москва., 2007. — С. 15.

2. Павлова И.В., Н.И. Татаринова Система социальной защиты в экономике России // Вестник ТГУ. 2012. №7.

3. Малева Т.М., Гришина Е.Е., Цацура Е.А. Социальная политика в долгосрочной перспективе: многомерная бедность и эффективная адресность. - М.: Изд. дом «Дело» РАНХиГС, 2019. - 123 с.

4. Андреева Е.И., Бычков Д.Г., Феоктистова О.А. Анализ эффективности мер социальной поддержки, направленных на сокращение уровня бедности // Актуальные вопросы современной экономики. 2019. № 6. - С. 538-557.

5. Хусанов Б.Ш. Проблемы регулирования финансового механизма социального обеспечения населения // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук: - Т.: 2011. - 25 с.

6. Хасанов Р.Р. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши // Иктисодиёт фанлари доктори Илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферата. - Тошкент, 2005. - 40 б.

7.Гулямов С.С., Ахмедов Д., Шодиев Т.Ш. Актуальные проблемы экономики Узбекистан переходного периода. - Т.: 2000. - 156 с.

8. Ruan, J., A life cycle framework of green iot-based agriculture and its finance, operation, and management issues. IEEE CommunicationsMagazine 57, 3 (2019), pp. 90-96.

9. Rupnik, R., Agrodss: a decision support system for agriculture and farming. Computers and Electronics in Agriculture 161 (2019), 260-271.

10. Vogel, E. et al. The effects of climate extremes on global agricultural yields. Environ. Res. Lett. 14, 054010 (2019).

11.Официальный веб-сайт Государственного комитета статистики Республики Узбекистан: http://www.stat.uz/

12. Веб-сайт Международной организации труда (МОТ): https://www.ilo.org/

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛИ

Дониёрова Шахноза Дониёровна

мустақил изланувчи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: doniyorovashaxnoza78@gmail.com
ORCID:0009-0007-4160-0343

Аннотация. Мақолада саноат корхоналари фаолияти ривожланиши ва самарадорлигини ошириш ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларни баҳолашга имкон берувчи “мақсадга йўналтирилганлик” ёндашуви асосида омилли таҳлил этилган. Замонавий саноат тармоқларининг самарали ривожланиши миқдор ва сифат, экстенсив ва интенсив, яъни кенгайтирувчи ва кучайтирувчи каби омиллар таъсири остида бўлиши, шунингдек, саноат ишлаб чиқариши самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсиши меҳнат жараёнлари хусусиятлари, техник даражаси ва шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда турли хил омиллар таъсири натижасида ўзгариб туриши илмий асосланган.

Калит сўзлар: саноат тармоғи, ишлаб чиқариш, корхона, ресурслар, саноат иқтисодиёти, самарадорлик, харажат, тўлов, иқтисодий ресурслар, иқтисодий омиллар, экстенсив ва интенсив омиллар, интеграл баҳолаш, меҳнат унумдорлиги.

ФАКТОРНЫЙ АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ И ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Дониёрова Шахноза Дониёровна

самостоятельный исследователь
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: doniyorovashaxnoza78@gmail.com
ORCID:0009-0007-4160-0343

Аннотация. В статье анализируются факторы, основанные на «целевом» подходе, который позволяет оценить социально-экономические показатели развития и эффективности промышленных предприятий. Научно обосновано, что на эффективное развитие современных производств влияют такие факторы, как количество и качество, экстенсивность и интенсивность, то есть расширение и укрепление, а также эффективность промышленного производства и экономического роста в зависимости от особенностей трудовых процессов, технического уровня и условий.

Ключевые слова: промышленный сектор, производство, предприятие, ресурсы, индустриальная экономика, эффективность, стоимость, оплата,

экономические ресурсы, интегральная оценка, производительность труда, экономические факторы, экстенсивный и интенсивный факторы.

FACTOR ANALYSIS OF DEVELOPMENT AND INCREASED EFFICIENCY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Doniyorova Shakhnoza Doniyorovna
independent researcher
Tashkent State University of Economics
E-mail: doniyorovashaxnoza78@gmail.com
ORCID:0009-0007-4160-0343

Abstract. The article analyzes factors based on the “target” approach, which allows one to assess the socio-economic indicators of the development and efficiency of industrial enterprises. It has been scientifically proven that the effective development of modern production is influenced by factors such as quantity and quality, extensiveness and intensity, that is, expansion and strengthening, as well as the efficiency of industrial production and economic growth, depending on the characteristics of labor processes, technical level and conditions.

Keywords: industrial sector, production, enterprise, resources, industrial economy, efficiency, cost, payment, economic resources, economic factors, extensive and intensive factors, integral assessment, labor productivity.

Кириш

Бугунги кунда республикада саноат корхоналарини мунтазам равишда барқарор ривожланиши, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти интенсивлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланган иқтисодий ресурслардан фойдаланиш асосида корхона фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида урғу берилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида “Саноатнинг “драйвер” соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш мақсадида саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионта юқори даромадли иш ўринларини яратиш” [1] каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу кўрсаткичларга эришиш, хўжалик субъектлари иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш асосида корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий ва амалий соҳаларини ўрганиш долзарб саналади.

Саноат корхоналарида ресурслардан фойдаланиш маҳсули бўлган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари барча ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг синтези бўлиб, ушбу кўрсаткичларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, баҳолаш услубиётларини яратиш ишларининг натижадорлигини аниқлашда муҳимдир. Фаолият самарадорлигини умумий баҳолаш услубиятини яратишда уни аниқлаш мезони ва кўрсаткичларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Хўжалик субъектлари фаолиятини тубдан ривожлантириш унинг мақсад ва кўрсаткичларини таҳлил ва тадқиқ этишни талаб этади. Хўжалик субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишларини аниқлаш учун уларнинг мавжуд иқтисодий ҳолатини тўғри баҳолай оладиган иқтисодий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини таҳлил этишда аввало ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларни баҳолашга имкон берувчи “мақсадга йўналтирилганлик” ёндашуви алоҳида ўринга эга. “Мақсадга йўналтирилганлик” ёндашувида самарадорлик кўрсаткичларини айнан ўхшашлигини инобатга олиб, ички, ташқи ва умумий самарадорликни ҳисоблаш учун керакли ахборотларни қуйидаги шаклда талқин этиш мумкин. Керакли маълумотларни шакллантириш ва меҳнат жараёнларини ташкил этиш йўналишлари бўйича самарадорлик кўрсаткичлари, аввало ишлаб чиқариш ва ташкилий жараёнлар бўйича, кейин эса ички ва ташқи самарадорликни, яъни ишлаб чиқарувчи ва ходимлар нуқтаи назардан баҳолашни кўзда тутади.

Адабиётлар шарҳи

Тадқиқотчи олимлар томонидан иқтисодий ресурсларга иқтисодий термин сифатида корхона фаолиятининг турли томонларини ҳисобга олган ҳолда кўплаб таърифлар берилган ва илмий ёндашувлар асосланган. Хусусан, К. Макконнелл ва С. Брю “иқтисодий ресурслар” тушунчаси остида маҳсулотлар ва турли хизматлар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган жами табиий, инсон ва инсон томонидан яратилган жамики ресурслар тушунилади, дейди [2]. А.Н. Азрилиян иқтисодий ресурсларга қуйидаги таъриф беради “Ишлаб чиқариш омиллари маҳсулот, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган элементлардир” [3].

Россиялик олимлар Р. Нуреев, А.Д. Смирновларнинг фикрича: “Иқтисодий ресурслар (ёки ишлаб чиқариш омиллари) – бу иқтисодий маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган элементлар: замонавий жамиятда улардан энг муҳими ер, меҳнат, капитал (шу жумладан уни ташкил этиш), тадбиркорлик қобилияти ва ахборотларни ўз ичига олади” [4]. М.К. Бункина, В.А. Семеновларнинг таъкидлашича: “Сотиш учун мўлжалланган товарларнинг катта қисми моддий шаклга эга бўлган коммунал хизматлардир. Уларни яратишда тўртта асосий омил ўзаро муносабатда бўлади: табиий ресурслар, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик” [5]. Иқтисодчи олим Б.А. Рейсберг омиллар иқтисодий жараёнларнинг моҳияти ва самарадорлигини белгиловчи параметрлар, деб ҳисоблайди [6].

Таҳлил ва натижалар

“Мақсадга йўналтирилганлик” ёндашувида ички самарадорликни баҳолаш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар ишлаб чиқариш жараёни сарфлари, меҳнат, иш вақти, ресурс, капитал, материал, энергия ва бошқа

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

сарфларни ифодаласа, ташкилий жараён бўйича сарфлар ишчилар малакасини ошириш, технологик, илмий-техник янгиликлар билан боғлиқ сарфларга ажратилади.

Шунингдек, ташқи самарадорликни баҳолаш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар ишлаб чиқариш жараёни нуқтаи назаридан товар айланмаси (соф тушум), маҳсулот сифати, самарали меҳнат натижасини билдирса, ишчилар ўз меҳнатидан қониқиши, бошқарув сифати, технологик даража илмий-техник янгиликлар натижаси сифатида таснифланади.

Хўжалик субъектлари иш жараёнида ишлаб чиқариш харажатлари муҳим роль ўйнайди. Улар маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар йиғиндисини, яъни маҳсулот таннархи қийматини ифодалайди. Таннарх қийматининг бир қисми бўлган барча харажатлар қуйидаги, яъни моддий ресурслар, тўлов харажатлари, ягона ижтимоий тўловлар, асосий фондлар амортизацияси ва ишлаб чиқариш тавсифига кўра бошқа турли харажатлар гуруҳига бўлинади [9].

Ишлаб чиқариш харажатлари – компаниянинг товарлар яратишга йўналтирилган муайян иқтисодий ресурсларни сотиб олиш учун йўналтирилган пул маблағлари ҳажмидир. Ҳар бир компания ўз фаолиятини, бир томондан, моддий ресурслар, яъни асбоб-ускуналар, транспорт ва алоқа воситалари, хом ашё, ёқилғи, турли материалларни, иккинчи томондан, меҳнат бозоридан иш кучини харид қилишдан бошлайди. Шунга кўра, ишлаб чиқариш харажатлари таркибига хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия харажатлари, асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар, фоиз тўловлари ва бошқа турдаги харажатлар киради. Ишлаб чиқаришга йўналтирилган барча харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таннархини беради.

Жаҳон тажрибасига кўра, саноат ишлаб чиқариши самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсиши меҳнат жараёнлари хусусиятлари, техник даражаси ва шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда турли хил омиллар таъсири натижасида ўзгариб туради. Шунга кўра, биз, корхоналар даражасида танлаб олинган хужалик субъектларида иқтисодий ўсишнинг омилли таҳлилини амалга оширамиз. Иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омилларини маҳсулот яратиш жараёни охирида иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлаш дастлабки мақсадлардан биридир. Амалга оширилган омилли таҳлил миқёсида интенсив ҳамда экстенсив омиллар таъсири индексларни қиёслаш усули орқали амалга оширилиб, иқтисодий ўсиш суръати топилади.

Биринчи формулада иқтисодий ўсиш динамикасининг умумий индекси келтирилган [7]:

$$I_r = \frac{I_{mu} \times I_{fq}}{I_n \times I_{af}}, \quad (1),$$

бу ерда: I_r – иқтисодий ўсишнинг умумий индекси;

I_{mu} – меҳнат унумдорлиги индекси;

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

I_{fq} – фондлар қайтими индекси;

I_{af} – асосий фондлар индекси;

I_n – соҳада банд бўлганлар индекси.

Хўжалик субъектларида меҳнат унумдорлиги индекси (I_{mu}) бир соатдаги (I_s), кунлик (I_k), йиллик (I_y) меҳнат унумдорликлари индекслар иш вақти индексига боғлиқ ва қуйидаги 2-3-формулалар бўйича ҳисобланади.

$$I_{mu} = I_y \times I_d, \quad (2),$$

$$I_y = I_{mu} \times I_{ik} \text{ ёки } I_y = I_s \times I_d \times I_{ik}, \quad (3),$$

бунда: I_{mu} – кунлик меҳнат унимдорлиги индекси;

I_y – йиллик меҳнат унумдолиги индекси;

I_s – бир соатдаги меҳнат унумдорлиги индекси;

I_d – иш вақтининг хақиқатдаги давомийлиги индекси;

I_{ik} – муайян йилдаги ўртача рўйхатда бир ишчига тўғри келадиган ишлаган иш кунлари сони индекси.

Бу ерда аниқ ҳолатда хўжалик субъектида меҳнат унумдорлиги индекси хўжаликнинг иш вақти индексига тескари ҳисобланади [8]:

$$I_{mu} = \frac{\sum Q_1 t_0}{\sum Q_1 t_1}, \quad (4),$$

бу ерда: Q_1 – ҳисобот даврида яратилган маҳсулот ҳажми;

t_1 ва t_0 – ҳар бир маҳсулот бирлигига базис ва ҳисобот йилларидаги иш вақти сарфи.

Хўжалик субъектларида фонд қайтими индекси I_{fq} қуйидаги 5-формулага кўра аниқланади [9]:

$$I_{fq} = \frac{\sum K_{2i} \times L_i}{\Phi_2} : \frac{\sum K_{1i} \times L_i}{\Phi_1}, \quad (5),$$

бунда: K_{2i} ва K_{1i} – базис ва таҳлил қилинаётган даврда i – муддатга натурал қийматда акс эттирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

L_i – i – турдаги маҳсулот бирлигига нарх;

Φ_1 ва Φ_2 – базис ва таҳлил этилаётган даврларга асосий фондлар ўртача йиллик қиймати.

Асосий фондлар индекси (I_{af}) қуйида келтирилган формулалар асосида аниқланади [9]:

$$I_{af} = \frac{\sum AF_{xdq} - \sum AF_{xchq}}{\sum AF_{xdq}} : \frac{\sum AF_{bdq} - \sum AF_{bchq}}{\sum AF_{bdq}}, \quad (6),$$

бунда: $\sum AF_{xdq}$ – асосий фондларнинг ҳисобот йилидаги дастлабки қиймати суммаси;

$\sum AF_{xchq}$ – асосий фондларнинг ҳисобот йилида чиқиб кетган қисми қиймати;

$\sum AF_{bdq}$ – асосий фондлар базис йилидаги дастлабки қиймати суммаси;

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

$\sum AF_{bchq}$ – асосий фондларнинг базис йилида чиқиб кетган қисми қиймати.

Хўжалик субъектларида иш билан банд персонал сони индекси (I_n) муайян давр боши ва охирида персонал сони ўзгариши билан аниқланади ва 7-формула бўйича ҳисобланади [9]:

$$I_n = \frac{N_o + N_q - N_b}{N_o}, \quad (7),$$

бунда: N_o – муайян давр бошида персонал сони, (киши);

N_q – шу даврда янги ишга қабул қилинган ходимлар сони, (киши);

N_b – турли сабабларга кўра ишдан бўшатилган персонал сони, (киши).

Агар $I_r > 1$ бўлса, унда ўсиш интенсив, агар $I_r < 1$ бўлса, у ҳолда экстенсив иқтисодий ўсиш бўлишини яққол кўрса бўлади.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилояти саноат тармоғи хўжаликларида меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, иш билан банд ходимлар ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси, шунингдек, ушбу соҳаларда иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси шакллантирилди. Унга кўра, “SANAM” МЧЖ, “Kitob ip yigiruv” АЖ ва “Бунёдкор” МЧЖ хўжалик субъектларида интенсив ва экстенсив омиллар таъсирини баҳолашнинг индекс усули воситасида иқтисодий ўсиш ҳисоблаб чиқилди.

Таҳлил жараёнига кўра, “SANAM” МЧЖ ва “Kitob ip yigiruv” АЖ хўжалик субъектларида интенсив омиллар (меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими) таъсири бироз юқорироқ. Меҳнат интенсивлигининг ўзгариши ҳам субъектив, ҳам объектив омилларга боғлиқ. Интенсивлик ишчи-персоналнинг иродаси ва онги иштирокида ўзгаради ёки маълум сабабларга кўра, уни кўпайтириш ёки камайтиришни кадрнинг ўзи ҳал қилади.

1-жадвал.

Қашқадарё вилояти хўжалик субъектларида меҳнат унумдорлиги (I_{mu}) ва фондлар қайтими (I_{fq}) даражасининг индекслари*

Йиллар	Саноат корхоналари					
	“SANAM” МЧЖ		“Kitob ip yigiruv” АЖ		“Бунёдкор” МЧЖ	
	I_{mu}	I_{fq}	I_{mu}	I_{fq}	I_{mu}	I_{fq}
2018	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
2019	0,88	1,05	0,22	0,27	1,07	1,01
2020	0,75	1,21	1,22	3,73	1,44	1,07
2021	0,79	0,88	3,71	1,06	1,87	0,95
2022	1,58	1,33	1,11	1,04	0,35	1,07

*Муаллиф томонидан Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси ҳисоботлари асосида ҳисобланган.

Шунингдек, саноат корхоналарида банд бўлган ходимлар сони (I_n) ва асосий фондлар (I_{af}) динамикаси индекслари 1,0 коэффициентдан қиёсан юқори эканлиги экстенсив омиллар таъсири юқорилигини кўрсатади. Меҳнатнинг экстенсивлик хусусиятлари бошқа хусусиятлар ўзгармаган ҳолда иш вақтидан фойдаланиш даражаси ва унинг сменадаги

давомийлигини акс эттиради.

2-жадвал.

Қашқадарё вилояти хўжалик субъектларида банд бўлган ходимлар сони (I_n) ва асосий фондлар (I_{af}) динамикаси индекслари*

Йиллар	Саноат корхоналари					
	“SANAM” МЧЖ		“Kitob ip yigiruv” АЖ		“Бунёдкор” МЧЖ	
	I_n	I_{af}	I_n	I_{af}	I_n	I_{af}
2018	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
2019	1,32	1,12	1,20	1,0	1,46	1,54
2020	1,74	1,06	1,0	3,28	1,22	1,64
2021	1,18	1,07	1,0	3,49	1,32	2,53
2022	1,04	1,23	1,0	1,07	3,5	1,16

*Муаллиф томонидан Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси ҳисоботлари асосида ҳисобланган.

Вилоятда иқтисодий ислоҳатларнинг дастлабки йилларида саноат тармоқларида иқтисодий юксалиш экстенсив омиллар ҳисобига амалга ошган. Шу жиҳатдан вилоят саноат тармоқларида иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омиллари таъсири даражаларига қараб таҳлил этиш ва баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Қашқадарё вилояти хўжалик субъектларида иқтисодий ўсишнинг умумий индексини ҳисоблашда меҳнат унумдорлиги динамикаси, фонд қайтими, банд бўлган ходимлар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси, шунингдек, хўжалик субъектларининг иқтисодий ўсиш динамикаси аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал.

Қашқадарё вилояти хўжалик субъектларида иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси*

Йиллар	Саноат корхоналари		
	“SANAM” МЧЖ	“Kitob ip yigiruv” АЖ	“Бунёдкор” МЧЖ
2019	0,62	0,05	0,48
2020	0,49	1,39	0,77
2021	0,55	1,13	0,53
2022	1,64	1,08	0,09

*Муаллиф томонидан Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси ҳисоботлари асосида ҳисобланган.

Таҳлил жараёнида 2019-2022 йиллар давомида Қашқадарё вилоятининг танлаб олинган хўжалик субъектларида, хусусан, “SANAM” МЧЖда 2019-2021 йилларда иқтисодий ўсиш жараёнида экстенсив омиллар ($I_к<1$) (2019 – 0,62; 2020 – 0,49; 2021 – 0,55) устун бўлган бўлса, фақатгина 2022 йилда корхонада интенсив омиллар ($I_к>1$) таъсири даражаси юқори бўлган, яъни меҳнат унумдорлиги ва фонд қайтими индексларининг ўсиши ҳисобига иқтисодий ўсиш суръатига эга бўлган. 3-жадвалдан кўришимиз мумкинки, “Бунёдкор” МЧЖда банд бўлган ходимлар сони (I_n) ва асосий фондлар (I_{af})

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

динамикаси индекслари юқори кўрсаткичга эгалиги сабабли корхонанинг иқтисодий ўсишида экстенсив омиллар ($I_к$<1) ҳиссаси анча устун бўлган. “Kitob ip yigiruv” АЖда эса, фақатгина 2019 йилда экстенсив омиллар устунлиги корхонанинг иқтисодий ўсишида юқори бўлган, қолган уч йилда интенсив омиллар ($I_к$>1) таъсири даражаси юқори бўлган.

Демак, таҳлил натижаларида шуларни билиш мумкинки, вилоятининг танлаб олинган хўжалик субъектларида иқтисодий ўсишга, асосан унумдорлик кўрсаткичларини ошириш ҳисобига эришиш маълум вақт ўтиши билан янада кўпроқ самара бериб бораверади. Шунингдек, тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирги кунда саноатда унумдорлик кўрасаткичларининг аҳамиятидан кўра, фойдани (қўшимча қийматни) ошиши муҳим ҳисобланмоқда.

Хулоса

Саноат корхоналари фаолияти ривожланиши ва самарадорлигини оширишнинг омилли таҳлили бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Замонавий саноат тармоқларининг самарали ривожланиши миқдор ва сифат, экстенсив ва интенсив, яъни кенгайтирувчи ва кучайтирувчи каби омиллар таъсири остида бўлади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, агар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ресурсларни қўшимча жалб қилиш эвазига кенгайса, экстенсив омил улуши юқори кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш бўлади, агарда инновацион, яъни фан сиғими юқори ишлаб чиқариш усули ёки воситалари қўлланиладиган бўлса, интенсив омил улуши юқори бўлган кенгайган такрор ишлаб чиқариш амалга ошади.

2. Саноат ишлаб чиқариши самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсиши меҳнат жараёнлари хусусиятлари, техник даражаси ва шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда турли хил омиллар таъсири натижасида ўзгариб туради. Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида иқтисодий ўсиш динамикасини интеграл баҳолаш усули иқтисодий ўсишнинг интенсив (Iк>1) ва экстенсив (Ir<1) омиллари устуворлигига кўра, хусусий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни индекс таққослаш асосида такомиллаштирилди.

3. Корхоналарда иқтисодий ўсишни интеграл баҳолаш усули ишлаб чиқариш жараёнлари ривожланишининг интенсив ва экстенсив омиллари таъсирини аниқлаш ҳамда ушбу омилларни хусусий кўрсаткичлар орқали ўзаро боғлиқлигини индекс таққослаш асосида такомиллаштирилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли фармони. – https://lex.uz/ru/docs/6600413

2. Макконнелл К.Р., Брю С. Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: пер. с англ. В 2 т. – М.: Республика. - т. 1. 1992. – 339 с.; т. 2 -

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

1992. - 400 с.

3. Большой экономический словарь / Под ред. А.Н. Азрилияна. - 2-е изд. доп. и пер. – М.: Институт новой экономики, 1997. – С. 776.

4. Нуреев Р.М. Микроэкономика: учебник для вузов. – М.: Норма: ИНФРА - М., 1999. – 440 с.

5. Бункина М.К. Национальная экономика: учебное пособие. – М.: Дело, 1997. – 272 с.

6. Курс экономики: учебник. - 3-е изд., доп. / Под. Б.А. Райзберга. – М.: ИНФРА - М, 2001. – 716 с.

7. Рубцова Н.В. Оценка эффективности сервисной деятельности. // Дисс. кан. экон. наук. – Иркутск: 2006. – С. 171.

8. Смирницкий Е.К. Экономические показатели бизнеса. – М.: Экзамен, 2002. – С. 288.

9.https://cyberleninka.ru/article/n/ishlab-chi-arish-korhonalarida-harazhatlarning-shakllanishi

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА АУТСОРСИНГ, КРАУДСОРСИНГ ВА НЕОСОРСИНГ МАСАЛАЛАРИ

Хасанхонова Нодира Исаметдиновна
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) иқтисодиёт кафедрасининг доценти Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: nxasanxonova@gmail.com
ORCID: 0000-0002-4283-2601

Аннотация. Мақолада иқтисодиёт тармоқларида краудсорсинг, аутсорсинг ва неосорсингларнинг қўллаш масалалари таҳлил қилинган. Краудсорсинг ва неосорсинг амаллари мамлакат иқтисодиётида кейинги йилларда қўлланилаётганлиги қайд этилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, сифатлари очиб берилган ва амалиётда қўллаш муаммолари жаҳон тажрибалари асосида ўрганилган.

Калит сўзлар: инновацион иқтисодиёт, технологиялар, краудсорсинг, неосорсинг, аутсорсинг, интеллектуал капитал, корпоратив билим, инновация, хизмат сифати, харажатни камайтириш, лойиҳа.

ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ АУТСОРСИНГА, КРАУДСОРСИНГА И НЕОСОРСИНГА В ЭКОНОМИКЕ

Хасанханова Нодира Исаметдиновна
доктор философии (PhD) по экономическим наукам доцент кафедры экономики Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: nxasanxonova@gmail.com
ORCID: 0000-0002-4283-2601

Аннотация. В статье анализируются применение краудсорсинга, аутсорсинга и неосорсинга в отраслях экономики. Подчеркивается, что краудсорсинг и неосорсинг стали использоваться в стране в последние годы. Выявлены специфические характеристики краудсорсинга и неосорсинга как неотъемлемых составляющих экономики страны. Изучены существующие вопросы их применения на основе мирового опыта.

Ключевые слова: инновационная экономика, технологии, краудсорсинг, неосорсинг, аутсорсинг, интеллектуальный капитал, корпоративные знания, инновации, качество услуг, снижение затрат, проект.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

ISSUES OF APPLICATION OF CROWDSOURCING, OUTSOURCING AND NEO-SOURCING IN THE ECONOMY

Khasankhanova Nodira Isametdinovna
Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences
Associate Professor
Department of Economics
Tashkent State
the University of Economics
E-mail: nxasanxonova@gmail.com
ORCID: 0000-0002-4283-2601

Abstract. The article analyzes the use of crowdsourcing, outsourcing and neo-sourcing in economic sectors. It is emphasized that crowdsourcing and neo-sourcing have begun to be used in the country in recent years. The specific characteristics of crowdsourcing and neo-sourcing as integral components of the country's economy have been identified. Existing issues of their application are studied based on world experience.

Keywords: innovative economy, technology, crowdsourcing, neosourcing, outsourcing, intellectual capital, corporate knowledge, innovation, service quality, cost reduction, project.

Кириш

Мамлакатимиз инновацион иқтисодиёт сари олға қадам ташлар экан, бу ҳаракат янги механизм, жараён ва тушунчаларни қўлланишини такозо этади. Инновациялар иқтисодиётни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга, чунки у янги маҳсулот, хизмат ва технологияларни яратишга ёрдам беради, ишлаб чиқариш жараёнини яхшилайди, компания фаолият самарадорлигини оширади ва бозор рақобатини кескинлашишига сабаб бўлади. Инновациялар компанияларга ўзгарувчан бозор шароитларига мослашишга ёрдам беради, кишиларнинг турмуш тарзини яхшилайди ва барқарор иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшади. Инновациялар технология жадал ривожланаётган бугунги кунда компаниялар ривожланишини ва умуман иқтисодиётнинг узоқ муддатли ўсишини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Қайд этиш лозимки, инновацион иқтисодиётда интеллектуал капитал муҳим роль ўйнайди, чунки у рақобатда устунлик яратишга ва бизнес натижаларини яхшилашга ёрдам берадиган номоддий активлар тўпламидир. У ходимларнинг билими, малакаси ва тажрибаси, брендлар, патентлар, инновациялар, маълумотлар базалари ва бошқаларни ўз ичига олади. Интеллектуал капитални тўғри бошқариш компанияга ўз жараёнларини оптималлаштириш, операцион самарадорликни ошириш, сармояларни жалб қилиш ва компаниянинг бозордаги қийматини ошириш имконини беради.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Шунинг учун интеллектуал капитални ривожлантириш ва ҳимоя қилиш замонавий иқтисодиётда бизнес учун асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Айтиш лозимки, аутсорсинг, краудсорсинг ва неосорсинг амаллари тўғрисида олимлар томонидан талай илмий ишлар амалга оширилган. Краудсорсинг ва неосорсинг тўғрисида таҳлиллар жуда кам, чунки бу иқтисодиёт тармоқларига нисбатан янгича ёндашувларни талаб қилади. Улар ичида аутсорсинг кўпроқ ўрганилиб, таҳлил қилинган. Жумладан, россиялик олим Д. Кочетков глобал тенденциялар шароитида аутсорсинг йўналишини такомиллаштириш масаласига тўхталган. Унинг фикрича, аутсорсинг бизнес-реалликнинг ажралмас қисми, унинг қўлланилиши харажатлар, инвестициялар ва умман капиталлашув даражасининг оптималлашувига олиб келади [1]. Шунга ўхшаган фикрларни Дж. Брайан Хейвуд [2], Д. Михайлов [3], Бравар Ж-Л, Р. Морган [4], Е. Аксенов, И. Льтшупернинг [5] ишларида ҳам учратиш мумкин.

Краудсорсингнинг моҳияти, турлари ва шаклларини Т. Лебедева, М. Прохоровалар таҳлил қилишган. Уларнинг фикрича, краудсорсинг бир марталик жамоавий иш ҳисобланиб, у ўзида касб эгаларини маълум муаммо юзасидан ҳаракатидир [6]. С. Арис, Н. Аршад, Х. Хассан, С. Саллех каби олимлар томонидан мазкур механизмнинг концептуал моделлари ўрганилганлигини ҳам қайд этиш жоиз [7].

Мамлакатимизда билимлар иқтисодиётини ривожланишда краудсорсинг усулини қўллаш афзалликлари ҳақида Н. Хасанхонова ўз илмий изланишларида батафсил тўхталган. Жумладан, краудсорсинг усули инновацион ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ муаммони ечиш учун кенг омма, турли хил соҳаларда фаолият юритаётган олимларнинг илмий салоҳияти, билими ва тажрибасини замонавий ахборот технологиялари орқали жалб этишни билдиради. Краудсорсинг усулининг аҳамияти ҳозирги глобал интернет тармоғининг кенг оммалашиши шароитида ошиб бормоқда [8].

Таҳлил ва натижалар

Ишлаб чиқаришнинг янги механизмларини ҳисобга олган ҳолда, аутсорсинг, краудсорсинг ва неосорсинг каби институларни ажратиб, билимларни ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Аутсорсингда вазифаларни оптимал ҳал қилиш учун учинчи томон мутахассислари таклиф этилади. Неосорсинг (нео- – юнонча νέα – “янги”) билан билимларни бошқариш жараёни хизматлар кўринишида, эксперт профессионал (амалий) жамоалар томонидан хизматлар кўрсатиш шаклида амалга оширилади. Краудсорсингда (инглизчадан – “оломон”) янги билимларни синтез қилиш учун жамиятнинг ҳар қандай манфаатдор

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

аъзосини муаммони муҳокама қилиш ва ҳал этишга жалб қилиш орқали амалга оширилади.

Корпорациянинг интеллектуал капитали ва билимларини бошқариш воситаларини ишлаб чиқишнинг истиқболли йўналишларидан бири – нейрон тармоқ билимлари базалари ҳисобланади. У ҳозирги кунда неосорсинг кўринишида билимларни бошқариш тизимига ёрдам беради. Нейрон тармоқларнинг жиддий камчиликларидан бири фойдаланувчининг тармоқ ишини тушуна олмаслиги ва натижада назорат қила олмаслиги ҳисобланади. Замонавий нейрон тармоқлар бир қатор функцияларга эга, жумладан, улар турли кириш ахборотларининг нисбий аҳамиятини баҳолаш, муҳим ахборотларни ажратиб олиш ва унинг ҳажмини камайтириш, танқидий вазиятларга яқинлашиш аломатларини аниқлаш ва ҳоказолар. Шу билан бирга бизнес, молия ва илмий тадқиқотларда катта ахборотлардан олинган билимларни етказишда корпоратив билимлар зарурдир. Корпоратив билимлар базаси нейрон тармоқ технологиялари орқали билимлар базасининг компания талабига мослаштириш билан бирга ҳатто қайта тузилмасини ўзгартиришни таъминлаш орқали мутахассислардан билим олиш жараёнини соддалаштиради ва иш шароитларини самарадорлигини оширади. Фикримизча, нейрон тармоқ билимлари базаларидан фойдаланиш интеллектуал капитал воситалари ва корпоратив билимларни бошқариш тизимини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан биридир.

Аутсорсинг ва краудсорсингни ўрганиш иқтисодиётнинг ҳозирги тенденциясидир, чунки бу технологиялар фаолиятнинг турли соҳаларида ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун катта имкониятларга эга. Аутсорсинг компанияларга маълум функцияларни учинчи шахсларга ўтказиш орқали уларга харажатларни камайтириш имконини беради. Краудсорсинг, ўз навбатида, мураккаб муаммоларни ҳал қилиш ёки янги маҳсулотларни яратиш учун жуда кўп одамларнинг ресурсларидан фойдаланиш имконини беради. Бу иккала ёндашув ҳам инновацияларни рағбатлантириши, хизмат сифатини ошириши ва бизнес жараёнларини оптималлаштириши мумкин. Шу сабабли аутсорсинг ва краудсорсингни ўрганиш уларнинг имкониятларини тушуниш ва иқтисодиётда улардан фойдаланишнинг оптимал усулларини аниқлаш учун муҳимдир.

Глобал аутсорсинг хизматлари бозори 2019 йилда 92,5 млрд АҚШ долларини ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан тахминан 7 млрд АҚШ долларига кўпдир. Аутсорсингнинг кичик тоифаси, бизнес жараёнлари аутсорсинги – бу муайян бизнес жараёнларининг аутсорсинги, одатда ички бизнес, инсон ресурслари ёки мижозларга қаратилган функцияларни бажарилиши тушунилади. Бизнес жараёнларининг аутсорсинги кўпинча IT функциялари билан боғлиқ. Глобал бизнес жараёнлари аутсорсинги саноати 2019 йилда 26 млрд доллар даромад олди [9].

Аутсорсинг кўпинча оффшорингни ўз ичига олади, бу ерда жараён бизнес жойлашган мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтади. Ҳиндистон 2019

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

йилда ўзининг молиявий жозибадорлиги, малакаси ва кадрлар мавжудлиги ҳамда бизнес-жараёнларни аутсорсинг учун ишбилармонлик муҳитининг мослиги бўйича оффшор бизнес хизматлари бўйича етакчи давлатлар қаторидан жой олди.

Аутсорсинг бўйича глобал етакчилар қаторига Даниянинг объектларга хизмат кўрсатадиган ISS World компанияси ва IT, ёрдам столи ва HR аутсорсинги ва консалтингига ихтисослашган Accenture киради. Бизнес раҳбарлари ўртасида ўтказилган глобал сўровда 59% респондент аутсорсинг жараёнларининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида харажатларни камайтиришни таъкидлаган. Бошқа муҳим омилларга асосий бизнесга эътибор қаратиш ва ишлаш муаммоларини ҳал қилиш қобилияти кирган.

Амалиётда Жефф Хау 2006 йилда биринчи марта “краудсорсинг” атамасидан тармоқ технологияларини биргаликда қўлланилиши жараёнида фойдаланган. Бунда интернет фойдаланувчилари халқ экспертлари сифатида ижодий ҳамкорлик жараёнида биргаликда фаолият юритишлари назарда тутилган [10].

Муайян мақсадни кўзлаётган корхона ёки одамлар гуруҳи учун интернет краудсорсинг учун инструментал платформа вазифасини ўтайди, у бевосита кенг жамоатчилик ўртасида қуйилган вазифага эришишга ёрдам берадиган воситаларни тақдим этади. Интернет ушбу мақсадларда иштирокчиларни белгиланган вазифаларни биргаликда мувофиқлаштирилган холда бажариш, янги лойиҳа ва платформаларни яратишнинг ўзига хос механизмларини ишлаб чиқиш имконини беради. Жумладан, Facebookдаги гуруҳлар, Google groups, Wikipedia ва бошқалар краудсорсинг платформалари сифатида иш олиб боради. Шундай қилиб, краудсорсинг платформалари атрофида ўз институтлари, меъёрлари ва мафкурасига эга бўлган катта жамоа шаклланган. Яъни бу платформаларда маълум касбий малакага эга кадрлар жамлаган холда самарали иш ташкил қилинган. Бундан ташқари, краудсорсинг тизими аста-секин истеъмолчилар эмас, балки маълумот ишлаб чиқарувчилар ҳамжамиятида шакллантирилмоқда.

Краудсорсинг – бу вазифа ёки лойиҳани битта мутахассис ёки ташкилот томонидан эмас, балки кўп сонли одамлар томонидан, одатда интернет орқали бажариш жараёни.

Иқтисодиётда краудсорсинг бир неча жиҳатларда муҳим рол ўйнайди:

Инновациялар ва технологияларни ривожлантириш: Kickstarter, Indiegogo ёки Amazon Mechanical Turk каби краудсорсинг платформалари одамларга янги маҳсулот, ғоя ва технологияларни тез ва арзон синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқиш имконини беради. Бу инновацион жараённи тезлаштиради ва ишлаб чиқиш харажатларини камайтиради.

Яхшиланган хизмат сифати: Компаниялар маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш учун краудсорсинг усулидан фойдаланиши мумкин. Мисалан, Uber компанияси ўз иловасини яхшилаш ва мижозлар эҳтиёжини қондириш учун йўловчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 6

Бизнес жараёнларини оптималлаштириш: Бизнес жараёнларини краудсорсинг орқали ҳам оптималлаштириш мумкин. Масалан, Trello ёки Asana кабилар лойиҳаларни бошқариш муаммоларини ҳал қилиш платформаси бўлиб, у ерда жамоалар краудсорсинг манбаларидан фойдаланган ҳолда вазифаларни бажаришда ҳамкорлик қилиши мумкин.

Харажатларни камайтириш: краудсорсингдан фойдаланиш ходимларни ёллаш ёки ихтисослашган компаниялар хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни камайтириши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, аутсорсинг ва неосорсингга харажат талаб этилса, краудсорсинг лойиҳалари иштирчиларининг аксарияти, одатда, тижорат манфаатларига эмас, балки ўз қизиқишлари бўйича инновацион ечимларни топишга интилган холда интеллектуал ресурсни оширишга хизмат қилади. Краудсорсинг компаниянинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришда институционал вакуумни тўлдиради.

Юқоридаги неосорсинг, аутсорсинг ва краудсорсинг амалий йўналишларни ютуқ ва ўзига хос жиҳатларини ёритиш билан бирга уларнинг фарқли томонларини ҳам кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик (1-жадвал)

1-жадвал.

Аутсорсинг, краудсорсинг ва неосорсинг амалларининг фарқли жиҳатлари

Аутсорсинг	Краудсорсинг	Неосорсинг
Қўлланилиш соҳалари		
Корхоналарнинг ҳар қандай хизмат соҳа ва функциялари бажаришда	Инновацион жараёнларни ривожлантириш керак бўлгандагина мутахасисларни жалб этиш хизматларида	Нейрон тармоқ технологиялари орқали билимлар базасини шакллантиришда профессионал мутахасисларни жалб этиш хизматларида
Бажарадиган вазифалари		
Корхоналар учун ёрдамчи хизматлар	Корхоналар учун янги ғоя ишлаб чиқиш хизмати	Замонавий нейрон тармоқлар билан боғлиқ бир қатор хизматлар
Мутахасис		
Олий таълим талаб этилмайди	Профессионал касб усталари билан бирга қизиқувчилар	Профессионал касб эгалари
Корхона томонидан харажатлар		
Келишув асосида бажарилади	Келишув асосида, баъзи холатларда хатто талаб этилмайди	Катта ҳақ эвазига бажарилади

Муаллиф ишланмаси.

1-жадвалдан биз неосорсинг, аутсорсинг ва краудсорсинг амалий

йўналишларнинг ютуқ ва ўзига хос жиҳатларини кўрган ҳолда уларни мамлакатимиз корхоналарида қўллаш соҳаларини, бажарадиган вазифаларини англаб етишимиз мумкин. Буларни барчаси корхоналар учун муаммоли ечимларни топишга қаратилади. Жумладан, баъзи функциялар ёки жараёнларни учинчи томон мутахассисларига топшириш ички ходимларга кетказадиган харажатларини сезиларли даражада камайтириши мумкин. Ёки компаниялари одатда ўз соҳасида кўпроқ тажриба ва билимга эга мутахасисни расман ишга олмасдан тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Неосорсинг, аутсорсинг ва краудсорсинг амалий йўналишлар вақт ва ресурсларни тежаш асосида янги технологиялар ва ресурсларга кириш:яратиш, профессионал воситалар ва ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Уларнинг ҳар қандай шароитга мослашувчанлиги бизнесни бозор ва технологиядаги ўзгаришларга тезроқ ва осонроқ мослашиш имконини беради.

Хулоса

Краудсорсинг учун шиддатли рақобат ва жадал ривожланиш поғонасига айланади.

Бироқ краудсорсинг технологиясини жорий қилишда бир қатор муаммолар мавжуд, улар:

- жамоавий ижодий фаолиятнинг паст самарадорлиги;
- ахборот қидиришда транзакция харажатларининг мавжудлиги ва кераксиз ахборот кўплиги;
- ҳуқуқий ҳимояга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаслиги (масалан, муалифлик гувоҳномаси шаклида), интеллектуал мулк ҳимояланмаганлиги. Сабаби краудсорсинг жараёни жамоавий меҳнат бўлиб, баъзи ҳолларда фирибгарлик шаклини ҳам олиши мумкин;
- сифат кафолатланмаслиги ва назоратнинг йўқлиги.

Шундай қилиб, краудсорсинг замонавий иқтисодий механизм сифатида ахборот маконидаги муаммоларга турли ечимлар жамланган тизимни яратиш имконини беради. Олинган ечимлар тўпламини турли жиҳатлардан таҳлил қилиш, маълум бир вазифага энг мақбул ечимларни танлаш мутахассисларнинг эркин иш майдонини ташкил этишга қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кочетков Д.М. Аутсорсинг: глобальные тенденции и Российские перспективы. https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/34372/1/urrr_2015_19.pdf?ysclid=ltae1mlpkq93223749.

2. Дж. Брайан Хейвуд. Аутсорсинг: в поисках конкурентных преимуществ. – М.: Вильямс, 2004. – С. 176. – ISBN 0-273-65617-1.;

3. Михайлов Д. В. Аутсорсинг. Новая система организации бизнеса:

учебное пособие. – М.: КноРус, 2006. – ISBN 5-85971-180-8.;

4. Бравар Ж-Л, Морган Р. Эффективный аутсорсинг. Понимание, планирование и использование успешных аутсорсинговых отношений. – М.: Баланс Бизнес Букс, 2007. – ISBN 978-966-415-023-8.

5. Аксенов Е., Альтшулер И. Аутсорсинг: 10 заповедей и 21 инструмент. – СПб.: Питер, 2009. – С. 464. – ISBN 978-5-388-00539-7.

6. Лебедева Т., Прохорова М. Краудсорсинг: сущность, виды, ключевые составляющие для современной компании // Инновационная экономика: переспективы развития и совершенствования. – №5 (31), 218. – С.76.

7. Aris S. R. S., Arshad N. H., Hassan H., Janom, N., and Salleh S. S. Conceptual model for a sustainable crowdsourcing ecosystem // Pertanika J. Sci. & Technol. Vol. 25 (S), Oct. 2017. – pp.54-69.

8. Хасанхонова Н. Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётининг концептуал асосларини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: 2021. 18-б.

9. https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.b9f51d90-65e157b8-764b501a-74722d776562/https/www.statista.com/topics/2257/business-process-outsourcing-industry-worldwide/.

10. Хау Дж. Краудсорсинг: Коллективный разум - будущее бизнеса/ Джефф Хау; Пер. с англ. - М.: “Альпина Паблишер”, 2012. - 288 с. - (Библиотека Сбербанка).